

МУҲАММАД БЕКЖОН

ҚҰРҚУВНИҢ НАРИЁҒИДА

1-китоб

Истанбул 2018

ҚЎРҚУВНИНГ НАРИЁҒИДА I

Муаллиф: Муҳаммад Бекжон

Yazar: Muhammed Bekcan

Редактор:

Ҳаётини бошқариши:

Техник редактор:

Teknik Yönetmen:

Мусаҳҳих:

Musahhih:

Муқова беағи: Юсуф Кот

Керак Тасарими: Yusuf Kot

Нашрга тайёрлаган: Содик Аҳмад

Ҳаётини бошқариши: Sadik Ahmed

Босмаҳона /Мужаллидҳона - Baskı / Cilt

Истанбул 2018 - İstanbul 2018

Kitabın Uluslar Arası Seri Numarası

Туркия маданият вазирилиги сертификат номери

TC Kültür Bakanlığı Sertifika Numarası

© Китобнинг бутун ҳақлари сақланган

Китобдан кўчирма олганлар мутлоқо манба кўрсатишлари шарт



Муҳаммад Бекжон. Истанбул. 1994

МУҲАММАД БЕКЖОН ХОТИРАЛАРИ ҲОШИЯСИГА БИТИК

Ушбу хотираларни кўзда ёшсиз ўқиб бўлмайди.

Мана шу сўқир кўзлардан тирқираб отилиб чиқадиган ёшнигина айтмаяпман. Юракдан сизиб чиқадиган, одамнинг ичига оқадиган ёш ҳам бор – буниси оғир, бунга дош бериш қийин.

Албатта, ушбу асарда битилган ҳолатларга ўхшаш воқеаларни бошқа собиқ маҳбуслар ҳикояларидан ҳам ичларимиз ачиб эшитганмиз, аччиқ-аччиқ ёзма хотираларини юракларимиз эзилиб ўқиганмиз. Халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳисоботларида балки бундан баттар қийноқ-азоблар ҳақидаги маълумотларга кўзимиз тушган. Ўшанда ўзимизни чорасиз, ғариб сезганмиз, чиқар йўл топа олмай ўксинганмиз.

Булар орасида Муҳаммад Бекжоннинг аччиқ тақдири ҳамда унинг баёни ўзига хослиги, фақат ва фақат кўрган-кечирганлари асосида ёзилгани билан ажралиб туради.

Китобда тасвирланган бир воқеадан каттиқ таъсирландим. На йиғлашимни биламан, на кулишимни. Сиртдан бундай қарасангиз, қип-қизил масхарабозликка ўхшайди, лекин ҳодисага синчиклаб боқсангиз, ўта фожиали аҳволимизни кўрасиз!

Ўша куни уйимизга бир неча меҳмон келган эди. Ораларида ёш бир олим йигит ҳам бор эди. Атай чақириб, менга таъсир қилган ўша парчани ўқиб бердим. Олим йигит озгина ўйланиб турди-да:

– Ий, бу ёқдаги ҳаёт билан бир хил-ку! – деб юборди.

Ўйлаб айтдими, ўйламай айтдими – ёш олимнинг оғзидан буюк бир ҳақиқат отилиб чиқиб кетган эди.

“Бу ёқдаги ҳаёт” деганда ёш олим ташқаридаги – сиз билан бизнинг ҳаётимизни назарда тутган эди, албатта.

Мен ўқиётган китобда эса “ичкари”нинг ҳаётига қисқача саёҳат қилинган.

Зотан, Ўзбекистонда чорак аср давомида Ислом Каримов курган, буюк кўрқувга асосланган ёввойи тузумда “ташқари” билан “ичкари” ўртасида деярли фарқ қолмаган, бири иккинчисининг акси эди, десак бўлади: унисига қарасангиз, бунисини кўрасиз, бунисига қа-

расангиз, унисини кўрасиз.

Яъни, ҳар бир фикрли, онгли, кўзи очик инсон англаб турган ҳақиқат шуки, “ташқари”да нималар бўлаётган бўлса, “ичқари”да ҳам деярли айниси, ёки аксинча, “ичқари”даги ишлар барчаси “ташқари”да ҳам деярли ўхшаши содир бўлаётган эди!

Ойнанинг сифатига қараб аксурат айнисидан бир оз фарқ қилганидек, “ташқари” ҳаёти билан “ичқари” ҳаёти орасида ҳам бир оз фарқлиликлар бор, албатта: кийинишларда, яшаш шароитларида, маконда, емакларда... Аммо моҳиятда бир-бирининг такроридир.

“Қўрқув салтанати” қонун-қоидаси шундай – ҳақсизликка юракдан рози бўласиз, зулмга ҳатто ташаккур айтасиз!

Муҳаммад Бекжоннинг бу хотира китоби, гарчи фақат қамоқ ҳаётидан ҳикоя қилган бўлса ҳам, аслида, Ислоом Каримов даври Ўзбекистонининг умумий манзарасини чизиб беради бизга.

Эртадан кейин болаларимиз бу ўтган алғов-далғов даврга баҳо бераркан, мана шунақа ёзма хотираларга катта эҳтиёж туяди.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

1-ҚИСМ

Хурматли ўқувчим!

Бу китоб бошимдан кечирган воқеаларга асосланиб ёзилди.

Китоб қаҳрамонларидан айримларининг исмларини унутганим сабаб, келтира олмадим.

Бу китобда бошдан ўтказганим барча азобларни асл ҳолича, бутун тафсилоти билан майдалаб тасвирлашни ўзимга эп кўрмадим. Ундай қилсам кўпчилик наздида бу китоб уйдирма бир асар бўлиб туюлиши мумкин эди. Қолаверса, энди унута бошлаганим эски яра-ларни янгилашни истамадим.

Лекин, бир нарсада собит турдим – яхшини “яхши” дейишдан, ваҳшийни “ваҳший”, сотқинни “сотқин” дейишдан қайтмадим.

Мен бу китобда яшаган ҳаётимни бўймай-бежамай совуққон бир тасвирни бердим деб умид қиламан. Воқеаларга баҳо бермадим, уларни мен кўрган шаклда тасвирладим, холос. Шу маънода китоб бир қадар субъектив кўриниши турган гап. Мен бундан андиша қилмайман. Чунки ҳар бир киши ўзининг шахси қадар субъективдир.

Яқинда бир укамиздан мактуб олдим. У мактубида бундай ёзади:

“Ассалому алайкум, акажон! Менинг ёшим балки сизнинг фарзандингиз қаторидадир? Сизларни таниганимнинг сабаби, отам сизларнинг оилангизни, яъни барча Бекжонларни жуда ҳам ҳурмат қилганидир. Шу сабабдан ҳам сизлар ҳақингизда эшитиб, ўрганиб келмоқдаман. Сизлар ўзбекнинг ҳақиқий фидоий ўғлонларисиз. Ўзбекистон мустақиллиги учун анча меҳнатларингиз сингганидан ва айбсиз айбдорга айланганларингиздан хабарим бор...

Кўни- кеча курсдошлар билан ҳар ойда бўлиб турадиган ўтиришимизни ўтказдик. Шунда мен курсдошларимга, “янги президентимиз Бекжонлар оиласини оқлаб ватанга қайтарса ҳақиқат қарор топган бўларди”, деб айтиб балого қолдим: “Бу гапни бир айтдинг, иккинчи айтма” дея танбеҳ беришди. Мен улар билан тортишувни тўхтатмадим. Шунда курсдошларим мени ҳам халқ душманига айлантиришларига сал қолди... 02.07.2017.”

Бу мактубда келтирилишича, Каримов режими яратган қўрқув ҳисси ўзбек халқининг зеҳниятига шу даражада чуқур сингдирилганки, диктатор ўлганига сал кам бир йил бўлган эса-да, халқ ҳамон бу қўрқувнинг исканжасидан тўла қутулганича йўқ.

Демак, мустабид Каримовнинг ўлими билан халқ фожиаси ниҳоясига етди деб бўлмас экан. Каримовлар эмас, бизнинг шууримиздаги қўрқув ўлмагунича бизни бахтсизлик тарк этмайди. Буни тушунган кунимизни “ҚУТУЛИШ КУНИ” деб аташимиз мумкин бўлади.

Шундай кун келишига ишончим комил.

Муҳаммад Бегжон,
собиқ сиёсий маҳбус.

Хоразм, Янгибозор.
2017 йил.

«Эрк» сўзи

Отаси эмасмикан «эркак» сўзининг?..

Мухаммад СОЛИХ

БИЛГИСОЙОРДА ТЕРИЛГАН ИЛК ГАЗЕТА

1990 йил баҳор ойларида мен ишдан қайтаётиб, акам (Мухаммад Солих) нинг уйига бордим.

Акам ҳали ишдан қайтмаган, Ойдин опам (янгам) эса, ошхонада кечки овқат тайёрлаш тараддудида экан.

Янгам билан салом-алиқдан сўнг Акамнинг иш хонасига кирдим. Кўзим хона бурчагида турган картон қутиларга тушди. Акамнинг хонасидан чиқиб, янгамдан картон қутилардаги нарсалар нималигини сўрадим. Янгам емак ҳозирлашда давом этаркан:

– Аканг айтмадимми? Америкалик ўзбеклар “Эрк” газетаси учун компьютер совға қилишибди, газетани энди машинкада эмас, компьютерда чиқаришар экан.

Акам ишидан қайтиб келганидан сўнг хонасидаги қутиларни бошқа хонага ўтказдик. Қутилардан чиқариб, стол устига териб чиқдик. Уйга қайтаётганимда, Акам менга:

– Эртага Халқ хўжалиги институтидан ЭХМни яхши биладиган йигитлар келиб, буларни ўрнатиб беришади, қандай ишлатишни ўргатишади. Компютерни ўрганишни истасанг, эртага кел, – дейди.

Эртасига Акамникида Иброҳим Ҳаққул¹, Ҳамидулла Нурмуҳаммад² ва яна уч-тўртта институт ўқитувчиси йиғилишиб, компьютерни ишга солдилар, ишлатиш услубларини қоғозга ёзиб, қўлимга тутқаздилар.

Ёзда “Эрк” газетасининг компьютерда терилган илк сони чиқди. Бу газета ўзбек муҳолифатининг замонави ускунада терилган биринчи газетаси бўлди.

1 Иброҳим Ҳаққулов – адабиётшунос олим, профессор. Ўша пайтда “Эрк” газетаси бош муҳаррири.

2 Ҳамидулло Нурмуҳаммадов – математика фанлари номзоди, ЭРК партияси МК ташкилий ишлар бўйича котиби

Газета расмий рўйхатдан ўтгунига қадар фақат икки киши томонидан нашрга тайёрланар ва чоп этилар эди. Иброҳим ака (Иброҳим Ҳаққул) газета организми, яъни газета ичидаги барча материаллар тўпламини тайёрлаб менга келтириб берар, мен уларни компютерда териб саҳифалар ва Пушкин кўчасидаги Консерватория биноси босмахонасида кўп сонли нусхада чиқартириб олардим.

Газета Ёзувчилар Уюшмасига³ келганларга тарқатилар эди. Газетани бир ойда икки марта чиқарардик.

Шу йўсинда газета чиқаришимиз то 1991 йил сентябригача давом этди.

ЭРК партияси расмий рўйхатдан ўтиб, янги бинога кўчганида, “Эрк” газетаси таҳририятидаги компютерлар сони 5-6 тага кўпайди, ишчи ва мухбирлар сони ҳам ўсди, таҳририяга алоҳида енгил автомобил ажратилди.

“Эрк” эндиликда ҳафталик газетгага айланди ва 80-100 минг нусхада чоп этила бошлади. Шунга қарамай, талаб тўла қондирилмаётган эди. Кун сайин партиянинг вилоятлардаги бўлимларидан: “Газета етмай қолди, умумий ададини кўпайтириш керак”, деган таклифлар олар эдик.

Бу нарса халқ орасида “Эрк” газетасининг обрўйи яшин тезлигида ўсиб бораётганидан далолат берарди.

“Эрк” таҳририятига Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан маҳаллий ҳокимият фаолиятига танқидий фикрлар ҳамда улар йўл қўяётган камчиликларни баргараф этиш йўл-йўриқлари битилган хатлар қоп-қоплаб кела бошлайди.

Ўзбеклар энди ҳукумат газеталарига эмас, ҳукуматга муҳолиф бўлган ЭРК партияси нашрига мурожаат қила бошлади. Воқеаларнинг бундай тус олиши Ислом Каримов ҳукуматини кўрқувга солди, албатта. Бу ҳолнинг олди олинмаса, эртага кеч бўлишини билган Каримов ва унинг шотирлари ЭРК партияси ва унинг нашри “Эрк” газетасига қарши кураш бошлаб юборишди...

3 1990 йилда ЭРК партиясининг марказий қароргоҳи Инқилоб ҳиббонида жойлашган Ёзувчилар Уюшмасининг эски биносида эди.

ГКЧП

1991 йил 19 август.

Эрталабки соат ўнларда “Эрк” газетасининг навбатдаги сони макетини Иброҳим Ҳаққулга кўрсатиш учун Ёзувчилар Уюшмасига келдим. Уюшманинг биринчи қаватидаги ЭРК партияси штаби учун ажратилган катта залда ғиж-ғиж одам экан. Ҳамманинг оғзида: “ГКЧП”, “Давлат тўнтариши”, “Горбачев камалибди”, “Ўзбекистонга 250 минг жуфт кишан келтиришибди”, “демократман деганни қамармиш” ва ҳоказо миш-мишлар.

Соат 11 ларда ЭРК партияси Ҳайъати фавқулодда йиғилиши ўтказилди. Ҳайъат йиғилиши иштирокчилари ГКЧПга қарши норозилик баёноти ва ўзбек халқига мурожаатини қабул қилдилар.

Иброҳим Ҳаққул менга газетанинг биринчи саҳифасидаги материаллар ўрнига партия Ҳайъатининг ҳозиргина қабул қилинган ГКЧПга қарши баёноти ва ўзбек халқига мурожаатини қўйишни айтиб, улардан кўчирма қилиб берди. Уйга келиб газетанинг биринчи саҳифасига янги материалларни туширдим ва макетини ҳозирлаб қўйдим.

20 август куни эрталаб газета макетини босмаҳонага олиб бордим. У ерда ишлайдиган йигит:

– Ака, аҳволни қаранг, нималар бўлаяпти. Илтимос сиздан, бошқа жойда чоп қилдириш, мен кўрқаяпман, – деди.

Мен унга:

– Сиз кўрқманг, газетанинг бу ерда чиқаётганини мендан бошқа ҳеч ким билмайди, мен ҳаммага Қозоғистонда чоп этилаяпти деганман, – деб тасалли бердим ва уни қийинчилик билан кўндирдим. – Икки соатлардан сўнг келиб олиб кетаман, 3000 нусха тайёрлаб берасиз.

Матбаачи йигит яна саросимага тушди:

– Шунча газетани ҳеч кимга билдирмасдан қандай олиб кетасиз? Ака, илтимос сиздан, Чилонзорда танишим бор, адресини бераман, шу ёққа олиб борақолинг, – деб ялина бошлади. Шўрлик ГКЧПдан каттиқ кўрқиб кетган эди.

Мен бу йигитга ярим соатча миллийлик, ватанпарварлик

тўғрисида “ваъз ўқиш”имга тўғри келди.

Икки соатдан сўнг Консерватория босмахонасига келиб “Эрк”нинг 3000 нусхасини таксига ордим. 1000 нусхасини Ёзувчилар Уюшмасига, 1000 нусхасини Ўзбекистон Маданият фонди биносига, яъни “Устозга”га⁴, 1000 нусхасини уйимга олиб кетдим.

“Эрк”нинг 1991 йил 20 август сони биринчи саҳифасида юқорида келтириб ўтилган материаллардан ташқари, ЭРКчиларнинг РСФСР Президенти Б.Елсинни қўллаб ёзилган телеграмма ҳам киритилди.

Айни ўша дамларда Ҳиндистон сафаридан қайтаётган Ислон Каримов самолет бортидан ГКЧП раҳбари Янаевга табрик телеграммаси жўнатган эди.

1991 йил 21 август.

Эрталаб Ёзувчилар Уюшмасига келсам, тумонат одам. Ҳамма кўтаринки кайфиятда. Иккинчи қаватга чиқиб, Акамнинг олдида кирдим. Акам салом-алиқдан сўнг:

– Газетадан яна 1000 нусха чоп этишнинг иложини қил, кечаги келтирганинг тарқаб кетди. Иложи борми? – деб сўради.

Мен “ҳаракат қилиб кўраман” деб у ердан чиқдим. «Устоз»нинг иш жойига бориб, кеча ташлаб кетган газеталарни олиб яна Уюшмага – ЭРК партияси штабига кирдим. Акам ҳам шу ерда экан. Бу ердан чиқиб кетганимга бор-йўғи ярим соат ўтиб-ўтмай икки тўп газета кўтариб келганимга ҳайрон бўлди.

1991 йил 25 август.

Соат эрталабки ўнларда “Бизнесмарказ” биносида ЭРК қурултойи бўлиб ўтади.

“Бизнесмарказ” залига одам сиғмай кетган эди. Кўпчилик фойеда ёки ташқарида қурултой тугашини кутиб туришига тўғри келди. ОАВ дан ҳам, жумладан, Республика радио-телевидениеси ва ҳатто СССР телевидениесининг “Время” ахборот кўрсатуvidан мухбирлар келишган.

Қуйида ЭРК партияси раиси Муҳаммад Солиҳнинг ўша қурултойда ўқиган нутқининг қисқартирилган варианты:

4 “Устоз” – Мамадали Маҳмудов, ўша пайтда Ўзбекистон Маданият фонди президенти, камоқхоналарда ҳам И.Каримовнинг асл башарасини фош қилишдан тўхтамаган ҳақиқий дўст, чин ИНСОН.

«... Шахсан мен бу таҳликали кунларда кўрганим бир лавҳани ҳеч унутолмайман. 20 август куни ҳукуратимиз ташкил қилган мажлисда Шайхов ва Ўразаев деган депутатлар чиқиб, хунтанинг бошлиғи ҳақида “ўртоқ Янаев ҳам айтдилар. Ўзбекистонга кўшин киритишга ҳожат йўқ экан”, деганларида, ер ёрилиб, ерга кирмадим. Чунки, бу вазиятда “кўшин кирмагани” биз учун шараф эмас эди. Чунки, бу кўшин қонунни ҳимоя қилиш эмас, уни топташ учун кирар эди. Бу кўшин демократияни тиклаш учун эмас, уни йўқ қилиш учун кирар эди. Айтмоқчиманки, шубҳасиз, зиёлилардан бўлган ва шубҳасиз, ўзларини инсонпарвар санаган бу одамларнинг фаросати шу бўлса, ўқимаган, далада умр бўйи кетмон чопаётган дехқондан – халқимизнинг қарийб саксон фойизини ташкил қилувчи оммадан хафа бўлишга ҳаққимиз йўқ.

... Ҳар қандай “суверен давлат” деб аталган субъектнинг ўзини ҳимоя қиладиган армияси бўлиши шарт. Акс ҳолда, бу “суверенлик” сохтадир. Бунини Россия ҳукумати хунта хуруж қиляётган кунларда чуқур тушунди. Бунини Ўзбекистон ҳукумати ҳам тушунмоғи лозим.

Биз тўла мустақил бўлмас эканмиз, фақат иқтисодий эмас, сиёсий ҳам мустақил бўлмас эканмиз, ҳеч қандай “янгиланган федератсия” бизга нажот бўлолмайди. Чунки, бу система ҳамон бир шахс иродасига боғлиқ бўлган система бўлиб қолаяпти. Бугун Елсин бор, Горбачев бор. Лекин эртага Янаев келмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Кафолат – халқимизнинг тўла мустақиллигидир.

... Иттифоқ ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Биз зудлик билан Ўзбекистон олий Кенгашининг фавқулодда сессиясини чақирилишини талаб қиламиз. Унда бугунги сиёсий вазият очиқ таҳлил этилиши лозим.

Ўзбекистоннинг тўла мустақилликдан бошқа йўли йўқ. Бугунги тарихий имконни қўлдан бой бермаслигимиз керак».

ЭРК партиясининг ушбу курултойидан сўнг беш кун ўтиб, яъни 30 август куни Ўзбекистон Олий Кенгаши фавқулодда сессияси чақирилади. Бу сессияда Ислам Каримов “нутқ” қиларкан, бундан 10 кун олдин давлат тўнтаришини амалга оширмакчи бўлганларга

(ГКЧПга) қарата бирон бир қарши сўз айтмайди. Ўша ажабтовур “нутқ”дан сўнг “юртбоши” 1-чи сентябрни мустақиллик куни деб белгилайди ва ҳаммани ҳайрон қолдиради. Ҳайрон қолган депутатлар гап нима ҳақда кетаётганлигини тушунмай, жим қоладилар.

Лекин ўшанда бу “ҳайрон қолган” депутатлар ичидан бир мард чиқиб, Ислоом Каримовнинг бу буқаламунча қилиғини фош этувчи бир сўз демади!

Бугун ўша яловбардорларнинг кўпи 1990 йилги референдумда Совет Иттифоқини сақлаб қолиш учун жон куйдириб елиб-югурган ашаддий коммунист Ислоом Каримовни “Ўзбекистон мустақиллиги асосчиси” деб жаврашдан тўхтамаяптилар.

Бугун бу яловбардору ялоқхўрлар 1990 йил 20 июнида Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган Мустақиллик Декларациясини инкор қилган ва куни кеча бор-йўғи уч кун Совет Иттифоқи тепасида турган ГКЧП қарорларини беками кўст бажариб, хунтага етти букилиб таъзим қилган нусхани “мустақиллик курашчиси” дея бонг урмоқдалар...

Қайси юз билан-а?!

ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ

1991 йил ноябр. Тошкент.

Ўша дамларда ҳар куни эрталаб Акамнинг уйига борардим. Ҳар борганимда Акам менга: “Нега келдинг ишингни ташлаб?” деб койиган бўлар, лекин ичида менинг келганимга қувонгани юзидан билиниб турар эди. Сўнг: “Ҳа майли”, деб кўяр ва биз икки оғанини ошхонага ўтиб Ойдин опам тайёрлаган емаклардан тановул қилардик-да, пиёда юриб ЭРК партияси қароргоҳига⁵ йўл олардик.

Ҳар куни Акамнинг олдига келишимга янгамнинг менга айтган бир гапи сабаб бўлган:

– Муҳаммад, сенга айтмоқчи бўлганим, акангга кунда икки-уч маротабалаб қандайдир ғаламислар қўнғироқ қилишади ва сайловдан номзодини қайтариб олишини, агар қайтариб олмаса, нафақат ўзига, балки, оиласига ҳам жуда оғир зиён етишини айтиб, асабини издан

5 Эски Куйбишев туман ҳокимияти биноси.

чиқаришга ҳаракат қилишяпти. Акангнинг характерини ўзинг яхши биласан – у ўша дўқ-пўписа қилаётган исқиртларга ҳеч қачон бўйин эгмайди ва ўз номзодини қайтариб олмайди, шунинг учун сен акангнинг ёнида, ҳар доим ёнида бўлишингни сендан ўтиниб сўрайман. Менинг бу гапларим сенга омонат, бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто акангга ҳам зинҳор айта кўрма! – деган эди янгам.

Шундай кунларнинг бирида янгамнинг хавотири тасдиғини топди.

Қандайдир қаланғи-қасанғи бегона бир хоним акамнинг уй телефонига қўнғироқ қилиб, “Солиҳ акани телефонга чақириб берсангиз”, деб илтимос қилди. Янгам “Ана кўрдингми?” дегандек менга қараб, кўзлари билан телефонга ишора қилди. Телефондаги аёл янгамнинг: “Ўзингиз кимсиз?” деган саволига “Ҳамкасбиман” деб куруқ жавоб бериш билан кифояланибди.

Акам ювиниш хонасида бўлгани учун янгам телефон гўшагини менга берди.

Гўшакни кулоғимга қўйиб, “Кимсиз?” дедим.

Нариги томондан аёл эмас, эркак овози келди: “Биз сени неча бор огоҳлантирдик, сен эса бизни эшитишни хоҳламаяпсан, энди ўзингдан кўр”, деб жимиб қолди.

Гўшакдан унинг оғир нафас олгани эшитилиб турар ва менинг нима деб жавоб беришимни сабрсизлик билан кутиб тургани аниқ сезилар эди.

Мен ҳам бир оғиз гапирмасдан жим туравердим. Акам ювиниш хонасидан чиқиши билан гапига жавоб кутаётган у бетамизга: “Шошма, сен кутаётган одам ҳозир келади, кутиб тур”, дедим.

Акам мандан:

– Ким экан у? – деб сўради.

– Ўзини таништиришни истамаяпти, – деб жавоб қилдим ва гўшакни Акамга узатдим.

Акам телефон гўшагини оғзига босгудай бўлиб бирдан ғазаб билан гапира кетди:

– Эй ифлос, чувалчанг! Агар ўзингни эр киши деб ҳисобласанг, ярим соат ичида Дархонга кел, тушундингми, эшшак!” – деб жаҳл билан гўшакни жойига қўйди. Сўнг менга қараб: – Кетдик! – деди.

– Ака, ҳозир у ерда ҳеч ким йўқ, менимча, келмаса ҳам керак.

Бемалол чой ичиб борақолайлик,– дедим.

Лекин Акамни кўндира олмадим.

Дархонда ярим эмас, бир соатларча кутдик, бироқ хотинчалишдан дарак бўлмади. Сўнг биз пиёда юриб ЭРК қароргоҳи томон кетдик.

Қароргоҳга келганимизда, Акам ҳалиям жаҳлидан тушмагани бу ерга келиб-кетиб юрган одамлар билан салом-алик қилишида ўз аксини кўрсатиб турарди.

Бу воқеа, янглишмасам, сайловга бир ё бир ярим ой қолганида бўлиб ўтган эди. Шундан сўнг Акамнинг уйига нотаниш кимсаларнинг кўнғироқ қилишлари барҳам топди.

Бироқ, энди таъқиб қилишнинг бошқа усуллари қўлланила бошлади. Яъни, икки-уч “соя” бизнинг изимиздан мунтазам равишда кузатиб юрадиган бўлди.

Бу усул ҳам натижа бермади.

Ислон Каримов ўз рақибини қўрқитиш йўллари билан сайловда иштирок этишдан воз кечтириб бўлмаслигини англаб етди чоғи, энди бошқа “самарали” усуллар қўллаш изига тушди. Улар ичида энг самаралиси – сайлов кампанияси пайтида ЭРК партияси номзодининг тарғибот-ташвиқот ишларига ҳамда халқ билан учрашувларига қандай йўл билан бўлмасин ғов бўлишдан иборат эди.

Бу борада Ислон Каримов номидан барча вилоят ҳокимларига, Республика радио-телевидение ва бошқа ахборот агентликлари раҳбариятига кўрсатмалар берилди. Шунингдек, барча сайлов участкалари раислари, уларнинг ёрдамчилари ҳам олдиндан огоҳлантирилди.

Сайловга тайёргарлик жараёнида ЭРК партиясига қарши қўлланган турли хил сиқувларга қарамасдан, партия қароргоҳи ва “Эрк” газетаси таҳририятига келиб кетаётганлар сони тобора ошиб борар, улар бизни жойлардаги партия шаҳобчалари фаолиятидан ташқари, оддий халқнинг бизга, яъни ЭРК партиясига бўлган муносабатини ижобий тасвирлаб, бу сайловда ЭРК номзодининг ғалабасига ишонч билдиришар эди...

Сайловга тайёргарлик айна авжига чикқан пайт “Эрк” газетаси таҳририятига (мен ўша пайтда “Эрк” газетаси техник муҳаррири эдим) республиканинг барча вилоятларидан тўхтовсиз равишда хабарлар келиб турарди. Бу хабарлар асосан ЭРК партияси номзодининг вилоятлардаги сайловчилар билан боғлиқ бўлган

муаммолар тўғрисида бўларди. Юқорида таъкидланганидек, баъзида ЭРК номзодининг халқ билан учрашишига очикдан-очик тўсқинлик қилинган бўлса, баъзи жойларда “қолипга сиғмас” баҳоналар билан тўсиқлар қўйиларди.

Масалан, Қашқадарё вилоятининг қайсидир туманида сайловчилар билан учрашув белгиланган куни клуб полига, қиш мавсуми бўлишига қарамасдан, бўёқ уришади.

Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида эса, учрашувга тўсқинлик қилишнинг янада ажабтовур йўли қўлланилади; номзоднинг сайловчилар билан учрашуви белгиланган кун бутун бир туман аҳолиси электр энергиясиз қолади.

Ёки бошқа бир сайлов участкасида сайловчилар “якдиллик билан, ёппасига номзод билан учрашишдан бош тортишади” ва ҳ.к.

Республика радио-телевидениесида бундан-да шармандали ҳолатлар юз беради, яъни ЭРК партияси дастури тарғиботи учун белгиланган ўнбеш дақиқалик эшиттириш ва кўрсатув қайчиловлар натижасида узоғи билан беш-олти дақиқада тугаб қолар, эшиттиришлар маънисиз бир шаклга кириб, авом халқ орасида “эрк”чиларга нисбатан нотўғри фикр уйғотишга эришилар эди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг барча оммавий ахборот воситалари фақат Ислом Каримов номзодини тарғиб қилди дейилса, айна ҳақиқатдир. Шу билан бир қаторда, каримовчилар ҳамма жойда Муҳаммад Солиҳ номзодига қарши гоҳида зимдан, гоҳида очикчасига ғирром тарғибот олиб боришди.

Бундай тарғиботлар ўзбек халқининг тор дунёқарашли қисмига ҳамда республиканинг русийзабон фуқароларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта.

1991 йилги президентлик сайлови ташкилотчиларининг ҳаммасига қора чаплаш ноинсофлик бўлар, яъни демокчиманки, ўзбек халқининг “Ғар бўл, ўғри бўл – инсофли бўл,” деган нақлида ифода этилганидек, айрим сайлов участкалари мутасаддилари ЭРК партияси номзодига кўрсатилаётган бундай ғайририхтиёрий ишларни иложсизликдан бажараётганликлари учун Муҳаммад Солиҳдан кечирим сўраган ҳолатлари ва ҳатто кўз ёши қилганлар ҳам бўлган...

1991 йилги президентлик сайловида шу нарса аниқ бўлдики, Ўзбекистон халқининг саксон фойизидан ортиғи муҳолифатга

хайрихоҳлигини билдирди! Агарда республиканинг барча вилоятларида сайловнинг “Хоразм услуги” қўлланилганида эди, ЭРК партиясидан кўрсатилган номзод сўзсиз ғалаба қилгани очиқ-ойдин бўлар эди.

“Хоразм услуги” шуки, у ерда “эрк”чилар вилоятнинг барча туман сайлов участкаларида навбатчилик қилишиб, сайлов тугагани эълон қилиниши билан сайлов қутиларини қўриқлаб, вилоят марказий санок комиссияси биносигача боришган ва ҳар бир столда икки-учтадан “эрк”чи санок жараёнини кузатиб турган. Натижада, Хоразм вилояти бўйича ЭРК номзодига берилган овозлар сони 80% дан ошиб кетган.

Вилоят ҳокими ва унинг ёрдамчисининг ялиниб-ёлворишлари натижасида ЭРК номзодига 57%, ИАК номзодига 43% овоз “ёзилди”.

Ушбу сайловлардан кейин Ислом Каримов ўз рақибининг қандай салоҳиятга, қандай кучга эга эканини билиб олди ва бу ёғига унга қарши қандай чоралар қўлланиши ҳақида ўйлай бошлади...

МУҲОЖИРЛИК

1992 йил ёзи.

ЭРК партиясини қароргоҳи жойлашган бино Каримов ҳукумати томонидан тортиб олинди, партия штаби Тошкент шаҳрининг чекка тумани саналган Қорасув массивига кўчирилди ва орадан икки-уч ой вақт ўтиб, бу жой ҳам тортиб олинди.

Шундан сўнг мен Чилонзор туманида жойлашган “НУР” таҳририятида вақтинчалик ишлаб юрдим.

Акам Муҳаммад Солиҳ Ўзбекистондан чиқиб кетгач, унинг кетидан пойлаб юрадиган айғоқчилар тўдаси менинг изимдан тушишди.

1993 йил ноябр. Тошкент.

Ой ўрталарида менинг олдимга самарқандлик Адҳам Розиков деган одам келди:

– Акангиз сизни Туркияга чақиряпти, компютерингиздаги “Эрк” газетасини макетини дискка кўчириб, Истанбулга олиб борар экансиз, у ёқдаги йигитларга компютерда ишлашни ўргатаркансиз, – деди.

Эртаси куни компютердан “Эрк” газетасини чоп этишда керак бўлган

дастурларни иккита дискка кўчириб олиб, Адҳамга кўчадаги телефон будкадан кўнғироқ қилдим ва унга дисклар тайёрлигини айтдим.

Шу куни Адҳам уйимга келди. Биз подездга чиқиб, қачон йўлга чиқишимиз, нималар олиш зарурлигини келишиб олганимиздан сўнг уни уйига кузатиб қўйдим.

Мен хотиним Нинага подездга чиқайлик деб ишора қилдим ва у ерда паст овозда Туркияга кетишим керак бўлиб қолганини айтдим. У хавотирга тушиб:

– Қандай кетасиз, ахир анавилар кеча-кундуз кузатиб ўтиришибди, ҳатто бозорга борсак ҳам изма-из пойлаб юришибди, қандай қилиб уларга сездирмасдан чиқиб кетасиз? Кетсангиз, бизнинг ҳолимиз не кечади? – деди.

– Бир ҳафта ичида қайтиб келаман, – деб хотинимни тинчлантирган бўлдим. Ўша (18.11.1993.) куниёқ тунги соат 03:00 да уйдан чиқиб кетишимни айтдим.

1993 йил ноябр. Тошкент. Қорасув массиви.

Соат тунги 2:00 да аёлим мени уйғотди ва биз чироқни ёқмасдан ошхонага ўтдик.

Чой ичиб бўлиб сумкаларни ҳозирладим. Кийиндим. Ухлаб ётган қизларимни пешонасидан ўпдим.

Аёлим билан “узоғи билан бир ҳафтага” унсиз хайрлашдик ва...

Шу кетганимча қайтиб бу даргоҳга қайтиб келиш насиб этмайди.

Мен четга чиқиб кетганимдан сўнг, елкамдаги барча оғирлик аёлим ва қизларим елкасига тушди, албатта. Улар бу оғир юкка бардош беролмай, март ойи бошида уч ой олдин мен қандай чиқиб кетган бўлсам, улар ҳам худди шундай шаклда уйни ташлаб кетишади.

1993 йил. Ноябрь.

Биз Адҳам⁶ билан Истанбул шаҳрига 24 ноябр куни кечкурун, соч-соқолимиз ўсиб кетган, уч-тўрт кундан буён афт-башарамизга сув тегмаган ҳолда кириб келдик.

Икки кундан кейин Адҳам Ўзбекистонга қайтиб кетди.

Мен эса, бу ердаги йигитларга “Эрк” газетасининг хориждаги

6 Адҳам Розиков – Самарқандлик тожик йигит. СССР даврида КГБ да ишлаган. Учига чиққан жосус.

илк сонини нашрдан чиқаришга ёрдам бериш ҳамда компьютер программаларини қўллаш услубларини ўргатиш учун “бир ҳафтага” Истанбулда қолдим.

Орадан ўн кун ўтиб, Акамга Адҳам қўнғироқ қилди ва менинг Қорасувдаги уйимда мелиса ходимлари тинтув қилишганини, Нинани “Эринг қаёққа ғойиб бўлди?” деб роса сўроқ қилишганини айтди. Мени Ўзбекистонга қайтмасин, агарда келса, қамаб қўйишади, дебди.

1994 йил 1 январ. Истанбул.

Мен, Намоз Нормўмин, Жаҳонгир Маматов⁷ ва тўрт-беш нафар бу ерда таҳсил олаётган талаба йигитлар янги йилни Истанбулда кутиб олдик.

Январ ойи ўрталарида “Эрк”нинг 1994 йилдаги илк сони нашрдан чиқди. Феврал ойида Акам Мурод Жўраев⁸ ва Эркин Ашуровни⁹ Истанбулга чақириб олди ва уларга “Эрк” газетасининг кўпминг сонли тиражини Ўзбекистонга киритиб, у ердаги ЭРК чиларга бўлиб беришларини айтди.

1994 йил 3 март. Истанбул.

Бу кун таҳририятимизга Хоразмдан хабар келди. Унда айтилишича, Ўзбекистонда муҳолифат аъзоларини ёппасига қамаш бошланибди.

Март ойи бошида ЭРК партияси котиби Отаназар Ориф, ёзувчи Эврил Турон (Мамадали Маҳмудов) ҳибсга олинганликлари хабарини олдик.

Мартнинг бешинчи куни эса, шоир укам Мақсуд Бекжонни мартнинг иккинчи куни Хоразмдаги ота уйдан Тошкентга олиб кетишгани тўғрисида хабар келди. Биз бу хабарларни “Эрк” газетасининг март ойи сонига киритдик.

7 Жаҳонгир Маматов– СССР пайтида “Совет Ўзбекистони” газетасида мухбир бўлиб ишлаган журналист, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши собиқ депутати.

8 Мурод Жўраев– Муборак шаҳрининг собиқ ҳокими. 1990-92 йилларда Олий Кенгашда ЭРК фракцияси аъзоси, 1994 йилдан то 2016 йилгача Ўзбекистон камоқхоналарида ўтирган. Қамалганидан сўнг ҳам И.Каримовга бўйин эгмаган, танкид қилишдан тўхтамаган ҳақиқий қахрамонлардан бири.

9 Эркин Ашуров– Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси собиқ директори. 1994-2004 йилларда Ўзбекистон камоқхоналарида ўтирган.

1994 йил, март.

Март ойи ўргаларида хотиним кўнғироқ қилди. Москвадаги та-нишларимизнинг шаҳардан анча узоқда жойлашган дачасида тури-шибди экан. Украинагача етиб боришга пули етмаётгалигини айтди.

Москвадаги Ўрта Осиё минтақаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қи-лиш ташкилотини ишга солдик. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан хотиним ва бола-чақам Украинанинг Старобелск шаҳригача эсон-о-мон етиб боришибди.

АЁЛИМ У КУНЛАРНИ ШУНДАЙ ЭСЛАЙДИ:

«Я не люблю политику и никогда не любила. Но когда она затронула нашу семью, волей-неволей пришлось вмешиваться в неё.

В 1990 году в Узбекистане по инициативе демократических сил была создана демократическая партия «Эрк» («Воля»), лидером которой был Мухаммад Салих, старший брат моего мужа.

Мой муж Мухаммад Бекжан стал работать редактором газеты «Эрк», которая все больше и больше пользовалось доверием у простого народа и становилась популярной среды общественности Узбекистана.

В 1991 году впервые в Республике состоялись альтернативные президентские выборы. Оппонентом Ислама Каримова (возглавляющего в то время ЦК КП Узбекистана), был председатель Демократической партии «Эрк» Мухаммад Салих. На этих выборах Мухаммад Салих фактически выиграл у Ислама Каримова, но итоги выборов были полностью сфальсифицированы.

В 1991 году после президентских выборов, началось давление со стороны властей против партии «Эрк». Начались гонения и аресты.

Мухаммад Салих вынужден был покинуть Узбекистан.

Муж (Мухаммад Бекжан) еще какое-то время пытался продолжать ра-боту, но партию объявили незаконной и наложили арест на имущество.

Моему мужу оставаться в Узбекистане было небезопасно.

18 ноября 1993 года Мухаммад Бекжан покинул наш дом на Карасу, как мы тогда думали не на долго.

Я и мои дети остались в Ташкенте, наивно полагая, что это

недоразумение ненадолго и мой муж и Мухаммад Салих с семьей скоро вернуться.

На какое-то время слежка прекратилась, но частенько в нашу дверь стучали странные люди: то кого-то спрашивали, то как будто проверяющие из ЖЭКа, из исполкома и т.д.

Очень часто приходил участковый нашего района.

Мы понимали, что они продолжали за нами наблюдение и искали моего мужа. Телефон в нашей квартире прослушивался.

Проходили дни и недели. Мухаммад звонил редко. Мы не знали, что делать дальше. Жить в постоянном страхе становится очень и очень тяжело.

Однажды (не помню в какой день) в четыре часа утра к нам затарабанили в дверь люди из милиции и требовали немедленно открыть дверь, иначе они будут её выламывать. Дети проснулись от шума и от страха начали плакать. Я не знала что нужно делать, кому обратиться за помощью. Почти одновременно зазвонил телефон, я подняла трубку. Дерзкий голос из трубки прокричал:

– Что, страшно?! Это мои люди, открывай дверь по хорошему!

Я бросила трубку и тут же набрала телефонный номер одной доброй бабушки, с которой мы дружили (Она пять раз в день читала намаз). Бабушка Катя быстро отреагировала на мой звонок. Я попросила её собрать людей, чтобы при свидетелях открыть дверь. Мину через десять бабушка Катя прибежала с соседями. Услышав её голос, я открыла дверь. Два человека зашли в квартиру и обыскали её заглядывая в каждую щель, не предъявив ордера на обыск, затем исчезли не извиняясь и ничего не объяснив.

После этого случая мы боялись ночевать дома и уходили на ночь к бабушке Кате.

Наш участковый хорошо к нам относился и понимал что происходит. Он сказал мне чтобы я с детьми уехала, потому что спокойной жизни у нас не будет. Я и сама теперь это понимала. Мечты о жизни в свободной стране больше не приходили в голову.

Я со старшими детьми и друзьями готовилась уехать из Ташкента. Когда родственники позвонили из Турции, я рассказала что переживаю за детей, так как в такой обстановке жить тяжело, тем более будучи беременной на шестом месяце. Родственники

посоветовали взять детей и выйти на площадь с забастовкой. Я не могла в тот момент представить себя в качестве забастовщицы и поняла что они далеки от здешней реальной жизни.

Мне нужно было принять решение исходя из сложившихся обстоятельств.

Но вскоре к нам снова пожаловали «гости»: сам начальник РОВД (не помню фамилию) приехал в сопровождении еще двух машин. Мы были не дома, а у бабушки Кати, но они быстро вычислили нас и постучали в дверь.

Мне велели взять паспорт и документы на квартиру и проехать с ними.

А на вопрос, зачем документы на квартиру, сказали что это в моих интересах. Сопротивляться было бесполезно, пришлось подчиниться, и бабушка Катя как всегда была рядом и села со мной в машину.

Нас привезли в хакимият. Люди, работающие там глядя на меня и бабушку недоумевали, что происходит, но наша смелая бабушка Катя всем рассказывала, что происходит, в то время как я сидела в каком-то кабинете и меня допрашивали.

Я сидела 5 часов в этом кабинете, люди в штатском – представители спецслужб заходили в кабинет и никто из них не представился. Они задавали вопросы не только по поводу Мухаммада Салиха и моего мужа, но и потребовали писать объяснительную, больше похожую на мою биографию. Одни уходили, другие приходили. Мне было тяжело не только морально, но и физически переживать этот стресс, так как я была беременна и до сих пор удивляюсь, что мой ребенок родился в свое время, слава Богу!

В десятом часу вечера нас отпустили. Я попросила вернуть мне документы, но тот же человек который забрал их у меня, сказал, что сам привезет их ко мне домой. И я поняла, что не привезет и не отдаст.

Еще несколько раз я приходила к нему в РОВД, но он откровенно хамил и издевался морально и я поняла, что надо срочно уехать, хоть без паспорта это будет сложнее.

Мы решили ехать через Казахстан, тогда границы еще были открыты.

На автобусе мы добрались до Алматы, зашли в первую попавшуюся гостиницу, от усталости и бессонной ночи я свалилась возле двери, где было отопление. От холода и от усталости, я не могла больше двигаться. Как ни странно, люди работающие в гостинице

с пониманием к нам отнеслись, когда мы им объяснили ситуацию и предоставили нам комнату, где мы смогли отдохнуть.

Затем мы отправились дальше, так как нам надо было доехать до Украины, где жили мои родители.

Нам предстоял еще долгий путь, пока мы добрались до Украины. Сначала договорились за «хорошие деньги», чтобы без паспорта сесть в самолет до Москвы. В Москве мы остановились у друзей Айдын ханум (жена М.Салиха) и прожили у них на даче две недели, затем поездом доехали до Украины.

Когда родилась наша младшая дочь, Мухаммад приехал к нам из Турции, но через месяц вернулся обратно в Турцию. В конце 1994 года по требованию Ислама Каримова президент Турции Сулайман Демирэл выгнал из Турции всех оппозиционеров И.Каримова.

В феврале 1995 году вся редколлегия газеты «Эрк» перебрались в Киев и начали выпускать газеты «Эрк» и «Форум» (на русском языке). Мухаммад через знакомых отправлял эти газеты в Узбекистан. Летом того же года он вынужден был остановить выпуск газеты. Чтобы прокормить семью, он работал на Киевском рынке. Мне пришлось уехать из Киева, потому что детей не принимали в Киевские школы без прописки.

Я жила у родителей в Луганской области.

Мы прожили в Украине 5 лет. Только через 5 лет я получила Украинское гражданство. Через некоторое время после получения паспорта, из прокуратуры пришло уведомление, что гражданство я получила незаконно и они должны забрать у меня паспорт. Тот же день я позвонила Мухаммаду и рассказала об этом. Это было 6 февраля 1999 года. Мухаммад позвал меня и Айгуль (старшая дочь) в Киев и 8 февраля отправил в Ташкент, чтобы навестить родственников и узнавать насчет нашей квартиры, конфискованной властями незаконным путем. Мы все еще скучали по Ташкенту и мечтали туда вернуться.

Точно не помню, 9 или 10 февраля Мухаммад нас проводил, посадил на поезд до Волгограда. Пять дней мы ехали на поезде и 15 февраля мы прибыли в Ташкент.

16 февраля произошли взрывы в Ташкенте и снова в нашей жизни случилось сокрушительное потрясение. В тот же день аэропорт,

вокзал и все границы были перекрыты.

В течение трех дней мы должны были зарегистрироваться в отделении милиции, но теперь мы боялись сунуться туда. У нас было ощущение, что мы попали в ловушку. Мы искали выхода из сложившейся ситуации, чтобы незаметно уехать из Ташкента и все-таки мы его нашли (за деньги, естественно).

Вечером, в конце рабочего дня нас зарегистрировали, а ранним утром 9 марта мы вылетели в Киев. Слава Богу, что все так обошлось. Лишь потом мы узнали, что люди из милиции приходили по адресу нашей регистрации...

9 марта мы благополучно приземлились в Киевском аэропорту. 10 марта Мухаммад отправил нас в Старобельск, чтобы забрать в Киев оставшиеся у родителей двоих дочерей

11 марта мы вернулись в Старобельск. 14 марта вечером Украинская милиция провела обыск в нашем доме, интересовались о местонахождении мужа и т.п. Я ту же ночь позвонила мужу и рассказала об этом. Сказала, чтобы он срочно покинул территорию Украины или спрятался где-нибудь. Он ответил, что сегодня же покинет Киев и чтобы я больше сюда не звонила.

На следующий день, т.е. 15 марта вечером позвонила мужу, но трубку никто не брал. Я подумала, что Мухаммад покинул Киев.

16 или 17 марта по новостям Украинского телевидения передали, что пойманы 4 человека узбекской национальности, подозреваемых в терроризме. В этот же день вечером мне позвонила моя сестра, которая жила в Киеве и сказала что Мухаммад пропал, его нигде нет и телефон не отвечает уже второй день. Если он покинул Украину, то предупредил бы мою сестру об этом. Но он никого из знакомых не предупредил...

У меня уже не было сомнений, что его арестовали.

Утром я выехала в Киев. Пока я приехала, мои друзья и родственники нашли адвоката и обратились в МИД Украины, генпрокуратуру, но нигде их не приняли и сказали, что арестованные не нуждаются в адвокате.

На заседании Верховной Рады тоже поднимался этот вопрос, но его отклонили, так как было сказано, что у них есть более важные вопросы, чем этот.

Я и мои друзья бегали по инстанциям, правозащитным организациям Human rights watch, Amnesty international, хельсинкская группа, давала интервью ВВС, Радио «Свобода», встречались с депутатом верховной Рады Мустафа Джемилом, с журналистами Олегом Ляшко и Ольгой Бурда.

Потом нам удалось дозвониться Вячеславу Черновилу, лидеру партии «Рух». Мухаммад и Юсуф Рузимурадов были знакомы с ним. Черновил обещал, что этот вопрос поставит на международном уровне правозащитных организаций. Он сказал, что через неделю он поедет в Рим на международное совещание. Но через два дня он трагически погиб. Многие говорили, что это было спланированное убийство...

Но мы все еще продолжали бегать из одной организации в другую, не зная о том, что Мухаммада, Юсуфа, Кабула и Немата выдали в Узбекистан уже через 3 дня после ареста.

У моей сестры знакомый работал в аэропорту и он видел как четырёх человек с чёрными мешками на голове посадили в Ташкентский самолет. Только через неделю мы узнали об этом.

Что делать и как жить дальше мы не знали.

Узбекские власти отобрали нашу квартиру да и вернуться туда было уже невозможно, никаких доказательств, что я жила там не было: ни паспорта, ни ордера на квартиру.

Власти Украины хотят отобрать паспорт и лишить гражданство, которое я с трудом (через суд) получила. И это в стране, в которой я родилась и жили мои родители...

Но, неожиданно нам позвонили из Американского посольства, в тот же день назначив нам встречу. Кто-то из правозащитников понимая нашу ситуацию, позвонил в Американское посольство.

После беседы в посольстве уже через месяц мы получили статус беженцев и вопреки всем правилам, мы прошли собеседование в Киеве, а не в Москве.

Но не все было так просто как мы думали. Украина не выпускала нас, требуя разрешения отца и не вписывала детей в мой паспорт. Время от времени нас посещали люди из милиции. Работники посольства посоветовали нам уехать через Москву. Мы отправились в Москву, нам сказали, что билеты заказаны и в течении 2-х дней мы улетаем. Но

и Москва не выпустила нас, откладывая наш отъезд на недели, итак прошло 3 месяца. Мы вынуждены были вернуться снова в Украину.

Лишь спустя год, мы со старшей дочерью (она уже была совершеннолетней и у нее был паспорт) решили поехать вдвоем.

По совету сочувствующих нам людей из посольства, мы выехали через Польшу. Лишь только через полгода американцы помогли вывезти моих младших детей из Украины.

Мы никогда не думали, что разлука с отцом наших детей будет такой долгой. Все эти годы мы страдали, что его не было с нами.

Мы делали все возможное, чтобы он поскорее был на свободе. Но бесчеловечный каримовский режим делал все возможное, чтобы брат его врага №1 Мухаммада Салиха навечно оставался за решеткой.

Слава Богу, задумки этого деспота не увенчались успехом. Скорее всего, он сам попал в свою же ловушку»...

1994 йил, июн – июл.

Шу йилнинг ёзида Олмаота шахрида Мурод ака ва Эркин акани ўзбек мелисаси ҳибсга олди ва Ўзбекистонга олиб кетишди. Уларга узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланди.

Янглишмасам, 1994 йилнинг ноябр ойигача биз “Эрк” газетининг олтига сонини чиқариб улгурдик ва Қозоғистон, Қирғизистон орқали Ўзбекистонда тарқатишга муваффақ бўлдик.

1994 йил, сентябр. Истанбул.

Сентябрнинг тўртинчи куни укам Мақсуд Бекжон Истанбулга келди ва менга ўзининг бошидан кечирганларини айтиб берди.

МАҚСУДНИНГ ДЕГАНЛАРИ:

«Тошкентдаги уйларимиз тортиб олинганидан сўнг мен феврал ойи охирида автобусда Хоразмга кетдим. Марзия Хоразмга болаларимиз билан 2 март куни учоқда келишлари керак эди. Жуманазар (Бекжон) акам билан уларни кутиб олиш учун Урганч

аэропортига ҳозирланаётганимизда, Рашид (Бекжон) акам келиб, “Район мелиса бошлиғи Улуғбек сен билан гаплашмоқчи экан, ташқарида участкавой кутиб турибди”, деди. Мен Рашид акамга “мени бу ерда йўқ экан деб айтинг”, дедим. Рашид акам менга участкавой шу ердалигимни билишини айтди.

Шундан кейин мен район мелиса бўлими бошлиғи Улуғбек олдига боришга мажбур қолдим.

Улуғбек менга: “Тошкентдан қўнғироқ қилишиб, хотингиз ва болаларингизни Тошкентда ушлаб қолишганини ва сизни ҳам тезда Тошкентга, ички ишлар вазирлигига олиб келишимизни буюришди. Бормасак бўлмайди”, деди ва биз олдин вилоят мелиса бошқармасига, у ердан Урганч аэропортига кетдик.

Меникузатишга келган Жуманазаракам билан район мелиса бошлиғи Улуғбек Янгибозорга қайтишди. Вилоят мелиса бошқармасидан учта мелиса ходими ва мен самолётда Тошкентга учдик.

Учқондан тушишим билан пастда кутиб турган мелиса ходимлари мени аэропортнинг иккинчи қаватида жойлашган мелиса бўлимига олиб боришди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган “гувоҳлар” олдида тинтув ўтказишди. Тинтув пайтида киссамдан 9 дона автомат ўқи ва иккита пакетчада героин моддаси “топишди”.

“Топилган” нарсалар хужжатлаштирилгандан кейин мени ИИВ га олиб боришди ва у ерда Тошкент шаҳар прокурори Эргаш Жўраевнинг имзоси билан ҳибсга олишди. ИИВ ертўласида қирқ кун ўтирдим.

12 апрел куни Ўзбекистонни тарк этмаслик шарти билан озодликка чиқаришди. Июнь ёки июл ойида, аниқ эсимда йўқ, Мурод Жўраев ва Эркин Ашуровларни Олмаота шаҳрида қамоққа олинганлиги хабарини эшитдим.

22 август куни Комил (Бекжон) акамга кимдир қўнғироқ қилиб, “Мақсуд чиқиб кетсин, эртага қамоққа олишади”, дебди.

Эртаси куни Жуманазар акам билан Туркменистонга ўтдик. 1994 йилнинг 24 августидан Жуманазар акам мени Уфага кузатиб қўйди. Уфадан Москвага кетдим».

Мақсуд сафимизга қўшилганидан кейин “Эрк”нинг 1994 йилдаги охирги икки сонини чиқардик.

Ноябр ойи бошларида Туркияни тарк этишга ҳозирлик кўра бошладик.

1994 йил, ноябр.

Ой охирларида Туркия президенти Сулаймон Демирал Ислоҳ Каримовнинг барча муҳолифларини Туркиядан ҳайдашга буйруқ берди ва газета ишида фаолият кўрсатган Намоз Нормўмин ва Жаҳонгир Маматовдан бошқа ҳамма (жумладан Муҳаммад Солиҳ ҳам) Туркияни тарк этишга мажбур бўлишди.

Муҳаммад Солиҳ Олмония(Франкфурт)га бадарға қилинди.

Биз ЭРКчилар таҳририятимизни Москвага кўчиришга қарор қилдик.

У ерда квартирага жойлашганимиздан сўнг газетани чоп этиш чорасини излаб кўрдик, аммо бунинг иложини тополмадик. Истанбулда чоп этганимиз ва ўзимиз билан олиб келган газетларни Москвадаги «ҚОЗОН» темир йўл вокзалида Ўзбекистонга кетадиган поезд йўловчилари орасида тарқатиш билан шуғулландик.

Бироқ, Истанбулдан келтирилган газеталарнинг ҳаммасини тарқатишга улгурмадик. Чунки...

1995 йилнинг январ ойи ўрталарида «ҚОЗОН» вокзалида ўзбекистонлик “ғалати меҳмонлар” пайдо бўлиб қолишди ва улар вокзалда Ўзбекистонга кетадиган поезд йўлагиди навбатчилик қила бошлашди.

Бизнинг йигитлар буни сезиб қолишди ва вокзалда газета тарқатишни вақтинчалик тўхтатдик. Биз бу “ғалати меҳмонлар”нинг даф бўлишини бир ҳафта пойладик, лекин улар ҳар куни поезд кетишидан ярим соат олдин вокзалдаги “навбатчилик”ларини тўхтатмас эдилар.

Мен Франкфуртга¹⁰ кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим.

Акам менга Татаристондаги Набережные Челны шаҳрига боришимизни маслаҳат қилди. Москвадаги танишлардан ушбу шаҳар ва у ердаги вазият ҳақида сўраб-суриштирдик. Танишлар у ердаги вазиятни Москвадан беш баттар ёмон, дея баҳолашди.

Мен қайта Акамга кўнғироқ қилиб, у ердаги ҳолат ҳақида тушунтирдим. Вазият шуни тақозо этадики, бу ерда ортиқ қолиш фаолиятимиз учун ўта хавфли, шунинг учун тезроқ Москвани тарк этишимиз керак бўлади.

Феврал ойи бошида Алибой ака¹¹ келиб, Украиналик танишлари

10 Акам Муҳаммад Солиҳ Олмониянинг Франкфурт шаҳрида кўним топган эди.

11 Алибой Йўляхшиев – “Бирлик” халқ ҳаракатининг Самарқанд вилояти раиси.

билан гаплашгани ва бизга Киев шаҳрида газетамизни чоп этишда ёрдам беражакларини айтишгани ҳақида гапириб қолди.

Биз фавқулудда Украинага йўл олдик ва 1995 йил 3 феврал куни Киев шаҳрига келдик.

У ерда бизни РУХ партиясидан одамлар кутиб олишди ва шаҳарнинг Оболон массивида биз учун ҳозирланган икки хонали уйга олиб боришди.

«ЭРК» ТАҲРИРИЯТИ КИЕВДА

Биз қўним топган квартира Киевнинг шимоли-шарқий чеккасида, гўзал Днепр дарёси қирғоғидан бор-йўғи 500 метр масофа узоқликда жойлашган эди.

Эртаси куни, яъни 1995 йил 4 феврал куни соат эрталабки ўнларда биз бир тўда бўлиб Днепр дарёсини томоша қилиб келишга чиқдик.

Москвадаги изғирин совуқдан фарқли ўларок, Киевда ҳақиқий баҳор хавоси ҳукм суради: беш даража иссиқ.

Кийинишимиз ҳам шунга яраша. Москвада кийиб юрганимиз қалин кийимлар ўрнига энгилроқ кийиниб олганмиз.

Днепр дарёсига 100 метрча қолганимизда, биз кетаётган кўчанинг чап томонидаги мелиса бўлими биноси олдида 30-40 нафар мелиса ходимининг бизни томоша қилиб туришганига кўзимиз тушди.

Ичимизда энг чаққон Рустам Мардон¹² ваҳима қилиб, бизга деди:

– Ҳэй, иккитадан юринглар, иккитадан! Ментлар қараб турибди, ҳозир аниқ тўхтатади...

Лекин энди бўлиниб юришга кеч қолган эдик. Чунки биз етти киши бир тўп бўлиб мелиса биноси тўғрисида келиб бўлган эдик. Шунда Паҳлавон Содик¹³:

– Йўк, йўк, тарқаманглар, қандай кетаётган бўлсак шундай кетамиз. Агар тўхтатса, тўхтаймиз,– деди.

12 Рустам Мардонов – 1992-1994 йилларда Туркияда таҳсил олган. 1994-1995 йилларда “Эрк” газетасида фаолият юритган. Ҳозирда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида ишламоқда.

13 Паҳлавон Содик – 1992-1994 йилларда Туркияда таҳсил олган. 1994-1995 йилларда “Эрк” газетасида фаолият юритган. Ҳозирда Би-Би-Си радиосида фаолият юритмоқда.

Орқага қарамай, Днепр дарёси қирғоғига келдик. Ҳеч ким бизни таъқиб қилмаганига ажабландик.

Чунки, Москвада мелисалар ҳар сафар кўчага чикқанимизда паспортимизни текширавериб, жонимизга теккан эди. Ҳар сафар мелисага 5 рубл бериб, зўрга кутулардик. Якка юрсак ҳам, тўп бўлиб юрсак ҳам шу аҳвол эди.

Киевда эса, негадир ҳеч ким бизни тўхтатмади. Шуниси ажабланарли эди. Балки бу тасодифдир? Ким билади, бу ерда ҳам шундай ҳолатдир?..

Уч кундан сўнг таҳририят аъзоларига вазифалар тақсимланди: Паҳлавон Содиқ, Хайрулло Файз¹⁴, Эркин Шер¹⁵ ва Зариф Султонга¹⁶ “Эрк” газетасини нашрга тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мен, Мақсуд ва Алибой ака “Форум”нинг русча сонини нашрга тайёрлашни ўзимизга вазифа қилиб олдик.

Пирмуҳаммад Холмуҳаммадга¹⁷ таҳририятнинг хўжалик ишлари бошқарувчиси вазифаси топширилди.

Феврал ойи охирларида “Эрк”нинг ўзбек тилидаги ва “Форум” газетасининг рус тилидаги илк сонларини нашрдан чиқардик.

Бизнинг олдимизда турган кейинги вазифа – нашрдан чиққан “Эрк”нинг ўзбек ва “Форум”нинг рус тилидаги сонларини Ўзбекистон ичкарасига киритиш ва тарқатиш эди.

Мен бу ишни бажариш учун Қобул билан Неъматни тайинладим. Улар иккаласи икки ой ичида “Эрк” газетаси нусхаларини Ўзбекистон ҳудудида тарқатишга муваффақ бўлдилар.

Бироқ, 1995 йилнинг май ойи ўрталарида “Ўзбекистондаги темирйўл вокзалларида МХХ ва мелиса ходимлари ҳар бир йўловчини қаттиқ текширувдан ўтказаетгани” тўғрисида хабар олдик. Франкфурт ва таҳририятдаги журналист йигитлар билан

14 Хайрулло Файз – 1994-1995 йилларда «Эрк» газетасида фаолият юритган. Ҳозирда Би-Би-Си радиосида фаолият юритмоқда.

15 Эркин Шер – 1992-1994 йилларда Туркияда таҳсил олган. 1994-1995 йилларда “Эрк” газетасида фаолият юритган. Ҳозирда Жиззах вилояти телевидениеси раҳбари.

16 Зариф Султони – 1992-1994 йилларда Туркияда таҳсил олган. 1994-1995 йилларда “Эрк” газетасида фаолият юритган. Ҳозирда «VERO pipe system» қўшма корхонасида ишламоқда.

17 Пирмуҳаммад Холмуҳаммад (Пирмат Холматов) – 1992-1994 йилларда Туркияда таҳсил олди. 1994-1998 йилларда “Эрк” газетасида, сўнгра 1998 йилдан 2014 йилгача Истанбулдаги ЭРК нашриётида фаолият юритди. Ҳозирда Канадада яшамоқда.

маслаҳатлашиб, газета чиқаришни тўхтатишга қарор қилдик.

Йигитларнинг кўпчилиги Ўзбекистонга, баъзилари Туркияга кетишди.

Мен, укам Мақсуд Бекжон, Пирмуҳаммад Холмуҳаммад, Қобул Диёр ва Неъмат шу ерда – Киевда қолдик.

1995 йил сентябрида сафимизга Юсуф Рўзимурод келиб қўшилди. Бу пайтда биз газета ишини тўхтатиб, Киевдаги турк фирмаларидан бирида ишга жойлашдик ва Истанбулдан текстил ҳамда мактаб ўқув анжомларини Киев шаҳрида сотиш билан шуғуллана бошладик...

Икки йиллик мажбурий танаффусдан сўнг (1997), Мақсуд ва Пирмуҳаммад “Эрк”ни чоп этишда кўмаклашиш мақсадида Истанбулга жўнаб кетдилар.

1997 йил баҳорида “Эрк” газетаси Истанбулда қайтадан, А-2 форматда чиқа бошлади.

МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ДАФЪАТАН УКРАИНАГА КЕЛИШИ

1998 йил март ойида яширин тарзда Олмониядан Истанбулга келган Муҳаммад Солиҳ Туркиянинг “Миллий Истихборот ташкилоти” тарафидан ушланиб, Руминияга бадарға қилинди.

Муҳаммад Солиҳга Бухарестда румин сиёсатчилари тарафидан сиёсий бошпана таклиф қилишади, аммо Муҳаммад Солиҳ бу таклифни қабул қилмайди ва Бухарестдан Украинага ўтади.

Уни Киевда Украина мухолифати раҳбари Вячеслав Черновил кутиб олади ва у то август ойигача Киевда қолади.

Киевда Муҳаммад Солиҳ Қрим турклари лидери, Украина Парламенти миллатвакили Мустафо Жамил ва яна бир миллатвакил Руфат Чубарўғли билан учрашиб, уларнинг ҳам дастагини олади.

Муҳаммад Солиҳ Киевда экан «Литературная газета» даъвати билан бир неча кунга Москвага борди. У ерда «Литгазета» ва «Люди и власть» журнаliga интервьюлар беради.

Муҳаммад Солиҳнинг Москвага келганидан хабар топган Ўзбекистон МХХ си айғокчилари унинг атрофида пайдо бўлишади, буни кўрган мухолифат лидери Киевга қайтишга мажбур бўлади.

Бу орада Мамадали Маҳмуд (Эврил Турон) ҳам кадрдон дўсти Украинга келганини эшитиб, у билан телефон орқали суҳбатлашди. Бу воқеани ўзи билан бирга қамокда ўтирган собиқ мелиса капитани Алишер Бегибоев деган кимсага айтади. Собиқ капитан Бегибоев М. Маҳмудга тилёғламалик қилиб: «Киевга борайлик, мени М.Солиҳ билан таништиринг, ундан ёрдам олайлик», деган таклиф киритади.

Мамадали ака бу таклифга кўнади ва янглишмасам, 1998 йил май ойида улар Киевга келишади. Акам уларни мен ижарада турган квартирада қабул қилди ва М.Маҳмуд ва Бегибоев бу маконда бир ҳафтагача қолишди.

Кейин Алишер Бегибоев 1999 йил феврал портлашларида М.Маҳмудов ва М.Солиҳга қарши кўрсатма бериб, уларни портлашларда айблашда асосий гувоҳлардан бири сифатида саҳнага чиқади. Бу ҳақда устоз М.Маҳмуд ўз хотираларида батафсил ёзган

Муҳаммад Солиҳнинг Оврупага кетиши

Янгам Ойдин хоним Туркиядан акамни кўриш учун Киевга келди, аммо паспорти Туркияники эди, чегарачилар унинг ҳақиқийлигига шубҳа қилишиб, чегарадан қайтариб юборишди.

Яна бир ойдан сўнгра бир ширкат таклифи билан такрор келди ва бу сафар чегарадан ўтказишди.

Акам ва янгам Киевдан Луганскка, янгамнинг туғилган юртига кетишди ва у ерда бир ой қолишди.

Кейин янгамни Туркияга кузатиб қўйдик.

Акам эса дўстлари Вячеслав Чорновил ва Мустафо Жамил ёрдамида ҳужжатларини тўғрилади ва август ойи сўнггида Швейтсариянинг Базел шаҳри мэрининг 3 ойлик «иждодий таътил» давъати билан Киевдан Женевага учди. У ерда «Йўлнома» китобини ёзиб битирди.

1999 йилнинг феврал ойи бошларида катта қизим ва хотинимни Старобелскдан¹⁸ Киевга чақириб, фуқаролик паспорти олишлари ҳамда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд этилган қонунларга зид равишда тортиб олинган уйимиз-

18 Старобелск – Украинанинг шарқи-шимолида жойлашган шаҳар.

нинг ҳужжатлари тўғрисида билиб келишлари, аниқроғи, Ўзбекистонга қайтсак, қонунга хилоф равишда тортиб олинган уйимизни қайтариб беришадими-йўқми каби масалаларга ойдинлик киритиш учун Ўзбекистонга бориб келишлари лозимлигини айтдим ва Тошкентга бориб, мен айтган ишларни бажариб келишларини уқтирдим.

Шу куниёқ Киевнинг темир йўл вокзалига бориб, Тошкентга боришнинг қулайроқ йўлини аниқладим ва кассадан иккита чипта сотиб олиб уйга қайтдим. Нинага яна бир бор ҳаммасини батафсил тушунтириб, индинга йўлга чиқишга ҳозирлик кўришларини тайинладим...

1999 йил 8 феврал. Киев.

Тунги соат 00:00 да қизим Ойгул билан хотиним Нинани Киевдан Волгаградгача борадиган поездга ўтқазиб, ўзим квартирага қайтиб келдим. Дабдурустдан бу кимсасиз уйда ёлғиз ўзим эканимни ва ҳозиргина олис сафарга жўнатганим яқинларимни соғиниб бошлаганимни сездим...

1999 йил 16 феврал. Киев.

Россиянинг НТВ канали янгиликлар дастурини кузатаётиб, ногаҳон дикторнинг “Тошкент шаҳрида террорчилар гуруҳи томонидан содир этилган портлашларга оид видеолавҳани диққатингизга ҳавола этамиз”, деганини эшитдим. Кутилмаган бу совуқ хабардан аъзои баданимни совуқ тер босди...

1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган хунрезлик Каримов ҳукумати томонидан муҳолифатга қарши уюштирилган энг тубан, энг разил фитналардан бири эди.

1999 йилга келиб, Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий жиҳатлардан жар ёқасига келиб қолган эди. Оддий халқ ночор аҳволга тушиб, қандай йўл билан бўлмасин, бу мислсиз бухрондан омон қолиш тараддудига тушиб қолган ва унинг ҳукуматга бўлган нафрати кунма-кун, соатма-соат ошиб борар эди.

Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат бундай оғир вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини, харчанд уринмасин, топишга ожизлик қилар эди. Энди Каримов бошчилигидаги ҳокимият учун охириги, ягона йўл – халқни қандай усул билан бўлмасин чалғитиш, юзага

келган таназулни бошқалар зиммасига ағдариш йўли қолган эди. Каримов ва унинг шотиру ҳамтовоқлари зудлик билан режа ишлаб чиқиш учун енг шимариб ишга тушдилар.

Бу режа “бир ўқ билан иккита қуённи уриш” режаси эди. Бир томондан, ғазаб отига минган халқни чалғитиб, унинг нафратидан қутулиш бўлса, иккинчи томондан мухолифатга тузатиб бўлмас зарба бериб, уни биратўла йўқотиш эди.

1999 йил феврал воқеалари шу тариқа юзага келади.

Афсуски, чет давлатларда юрган баъзи «мухолиф» ниқобидаги суюқ кимсалар бу фожеа тўғрисида ҳар хил бўхтонлар ёғдирдилар, фожеа юз берганига қувондилар, чунки улар Каримов бу “иш”ни ўзининг ягона мухолифи гарданига юклашини билардилар.

Бироқ на униси ва на буниси ЭРКнинг асосий қуроли бўлган ҲАҚИҚАТ, кун келиб юзага чиқса, шарманда бўлишлари тўғрисида ўйлаб кўрмади...

Бутун вужудим билан телевизор экранига тикилиб, бу фожиавий воқеаларга тегишли видеолавҳани кузатар эканман, биз бу ердан (Украинадан) узоқроққа кетишимиз керак, айб барибир бизнинг гарданимизга юклананиши аниқ ва биз бу ерда қоладиган бўлсак, бизни қамоқхоналарга ташлаб қийноқларга солиши ва йўқ “айбимизни тан олдириши” ҳам кундек равшан” ва ҳ.к. қабилдаги хаёлларга ботдим...

Шу кеча тонггача мижжа қоқмай, ўй-хаёллар гирдобига шўнғиб кетиб, якунда: “Ҳеч қаерга кетиш йўқ, бу ердагиларнинг ҳаммаси билишади бизнинг бу каби қабих ишларга мутлақо алоқадор эмаслигимиз ва нима иш билан машғул эканлигимизни, қолаверса, биз билан яқин алоқада бўлган, Украина Радасида ўзининг нуфузли депутатлик корпуси ва фракциясига эга бўлган “РУХ” партияси бор, биз бу ерда уларнинг ҳимояси остидамиз”, деган фикрлар мени ҳеч қаерга кетмаслик қарорини қабул қилишимга туртки бўлади.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, Киевдаги Троешина бозорида савдо-сотик билан шуғулланаётган ўзбек йигитлар кечки соат ўнларда менга телефон қилишади ва ҳозир уйимга келишларини, муҳим гаплари борлигини айтишади ва, ваъда берганларидек, роппа-роса кечки соат ўнда олдимга келишиб, бозорда нотаниш ўзбеклар пайдо бўлганлиги ва улар растама-раста изғиб юриб, бу ерда бошқа ўзбеклар бор-йўқлиги тўғрисида сўраб-суриштириб юрганлиги ҳақи-

да гапириб беришди. Мен уларга ўша нотаниш кимсаларни зимдан кузатиб юришларини, уларнинг бу ерга не мақсадларда келишганларини аниқлашга ҳаракат қилиб кўришларини маслаҳат қилдим.

Эртаси куни кечкурун кимдир уй телефонимга қўнғироқ қилиб, Туркияда мухолифат аъзоларидан бир-нечтаси қамоққа олинганини айтиб, мени ва бошқа мухолифатчиларни ҳам тезда Киевдан чиқиб кетишимизга чақирди. “Кимсиз, ўзингизни таништиринг”, деганимга жавобан телефон гўшагини қўйиб қўяди.

Мен тезда Юсуф Рўзимуродга қўнғироқ қилиб, ҳозиргина телефонда бўлган суҳбат ҳақида гапириб бердим ва бундан асло ваҳимага тушмаслигини, агар сенга ҳам шу йўсинда қўнғироқ қилишса, бу каримовчи жосусларнинг ҳийласи эканлиги ва биз ваҳимага тушиб бу ердан кетиш тараддудига тушсак, улар айнан шуни кутишаётганларини ҳамда бизни гўёки “жиноят устида” қўлга олиш режасини тузган бўлишлари мумкинлигини, шу учун ҳеч нарса содир бўлмагандек ҳар биримиз ўз ишимиз билан шуғулланишда давом этишимиз лозимлигини айтдим.

Юсуф бу фикрларимга қўшилишини айтиб, бозордаги ишини давом эттиражагини билдирди.

Феврал ойи охирларида Истанбулдан акам Муҳаммад Солих қўнғироқ қилиб, акам Комил Бекжон ва укам Рашид Бекжонларнинг ҳам қамоққа олинганини гапириб, агар мен тез орада Украинани тарк этмасам, мени ҳам қамоққа олишларини айтди.

Юқорида таъкидлаганимдек, мен аллақачон якуний қарорни қабул қилиб бўлган ва менда уни ўзгартиришга заррача иштиёқ йўқ эди. Оллоҳнинг хоҳлагани бўлар, дердим.

Лекин мен Акамнинг шундоқ ҳам тушқун кайфиятда эканини билиб, уни янада ранжитмаслик учун бу ҳақда чурқ этмадим. “Чиқиб кетишга ҳаракат қиламан, Ака”, дейиш билан кифояландим.

Чунки, Ўзбекистондаги ака-укаларимизнинг қамоққа олиниши иккимизни ҳам чуқур қайғуга солиб қўйган ва на Акамда, на менда бир оғиз ортиқча гапириш истаги йўқ эди.

Биз, икки қондош, икки оға-ини учун ўша телефон орқали бир-икки оғиз сўз олишуви ўн саккиз йилга чўзилиши кимнинг ҳам хаёлига келибди дейсиз.

ҲИБС

1999 йил 9 март. Киев.

Бу куни кечки пайт аёлим ва қизим Тошкентдан қайтишди. У ердаги ахвол ҳақида гапириб беришди. Тошкентдаги чет-эл фуқароларига ўн-ўнбеш кунгача Ўзбекистон ҳудудини тарк этиш таъқиқлаб қўйилганлигини ҳам гапиришди. Ўзбекистондан бир амаллаб чиқиб кетганига шукр қилишди.

Одамларнинг гапига қараганда, бўлиб ўтган воқеаларда Каримовнинг қўли бор эмиш, шу йўл билан у ўзининг мухолифларидан биратўла қутулиш режасини ишлаб чиққан эмиш ва ҳоказо ва ҳоказолар.

Эртаси куни Нинани ва қизимиз Ойгулни ота-онасиникида қолган иккита қизимизни Киевга олиб келиши учун Старобелскака жўнатдим. 13 март куни Нина кўнғироқ қилиб, улар яшаб турган уйни мелиса ходимлари келиб тинтув қилишганини, мени сўраб-суриштирганлигини айтиб, бошқа жойга кетиб яширинишим кераклигини илтимос қилди.

Мен уни тинчитиш учун “Ҳозироқ чиқиб кетаман, кўришгунча хайр, бу ерга бошқа кўнғироқ қилиб ўтирма, мен кетаяпман. Кўришамиз. Хайр”, дея сўзимни тугатдим.

15.03.1999. Киев. “Закревский” кўчаси, 7-уй. Мен турган квартира.

Бугун соат тўққизда Қобул ва Неъмат меникига келишлари керак. Тўққизгача ҳали вақт бор, улар келгунича енгил душ қилиб улгуришим керак.

Соат бешта кам тўққизда Қобул кириб келди.

Мен ундан Неъматни сўрадим. Қобул сирли жилмайиб, “орқамдан келаётган эди, ҳозир келиб қолса керак” деб жавоб берди.

Бу вақт Неъмат кириб келди. Қўлида пакет бор эди. Ундан: “Нималарни кўтариб юрибсан?”, деб қўлидаги пакет ичига қарадим ва кўзим бир шиша арокка тушди.

– Бу нима?, сўрадим Неъматдан.

– Бозорлик қилувдим, у-бу пишириб Қобул акамнинг қорнини

тўйғазиб юборайлик, дедим-да.

– Қобул аканг ароқ ичмаса ўлиб қолмайди, бор чиқариб ташла!

Неъматнинг минғайиб туришидан: “Қобул ака, нега жим турибсиз, гапирмайсизми?” деган маънони уқиб олиш мумкин эди.

Қобул гапга аралашади:

– Муҳаммад ака, йўл узок, томоқни сал-пал ҳўллаб олмасам қийналиб қоламан. Озгина ичақолайлик энди...

– Сенларга ароқ ичишни ташла деб неча маротаба айтганман?

– Сўз берамиз, мана шу шиша охиргиси, ишонинг, ака.

– Ўлаётганларингда бола-чақаларингга васият қилинглар, қабрга қўйишаётганида ҳар ёнларингга бу заққумдан бир шишадан қўйиб кўмишсин.

– Йўғ-е ака, мана шу охиргиси деб сўз бердик-ку. Ростданам, бошқа ичмаймиз...

Мен Қобул билан биргаликда ошхонада турган стол атрофида ўтириб, товарга кетадиган пул миқдорини ҳисоб-китоб қилишни бошлаб юбордик. Неъмат эса, газўчоқ ёнида нималарнидир хиргойи қилиб, овқат тайёрлаш тараддудида эди.

Биз ҳисоб-китоб ишларини тугатиб бўлиб, энди овқатга ўтирамиз деб турганимизда, залда турган телефон қўнғироғи чалинди ва мен бориб гўшакни кўтардим.

Гўшакдан менга қандайдир нотаниш кишининг исмини айтиб, телефонга чақириб беришимни сўради. Мен: “Ошиблись номером”, деб гўшакни жойига қўйиб ошхонага қайтиб келдим.

Учовимиз стол атрофига ўтириб овқат ейишни бошладик. Неъмат ва Қобул пиёлага ароқ куйиб ичишди.

Бу пайт эшик қўнғироғи жиринглайди, Қобулга “Сўраб кўр, ким экан”, дедим. Қобул эшик олдида келиб “Ким?” деб сўради. Сўнгра: “Участкавойман деяпти, очаверайми?”, деди...

Менинг бу “участкавой”ларни ўн кундан бери кутиб ўтирганимни Қобул ҳам, Неъмат ҳам билишмас эди.

Мен Қобулга: “Участкавой бўлса, очавер”, дедим ва ўрнимдан туриб эшик томонга юрдим.

Қобул эшикни очиши билан юзига ниқоб тортиб олган, калашников автоматлари билан қуролланган ОМОНчилар уйга бостириб кира бошлашди ва “Лежать! Лежать! Не двигаться!” деб бақаришиб, икки-учтаси Қобулни эшик олдида юзтубан ётқизишди. Икки-учта-

си менга ташланиб, полга йиқитишди ва қўлларимга кишан солишди. Бошимга қоп кийгизиб, залга судраб олиб киришди.

Неъматни ошхонада олишган бўлса керак, шу ёқдан инқиллаган овози келиб турар эди.

Қобул бир неча марта баланд овозда: “Ребята, мы политические, мы оппозиционеры, отпустите нас, пожалуйста!– дея такрорлади.

Мен жаҳлим чиқиб, ётган жойимдан: “Хўв аҳмоқ, сени сиёсий бўлганинг учун ҳам ҳибс қилишди, ишбилармонман деб айт!”– деб унга бақирдим.

Бостириб кирганлар барибир бизнинг тилимизни тушунмайди деб ўйлаб ўзбекчада гапирсам, орасидан биттаси ўзимизнинг тилда “Гаплашманглар!” деб ўдағайлаб қўйди.

Уйнинг ҳамма жойини тинтиб чиққунларича, бизни юзтубан полда ётқизиб қўйишди.

Лифтда, ўнинчи қаватдан пастга тушаётганимизда, босмачиларга:

– Ребята, мы ведь не преступники. За что нас арестовали?– дедим.

Босмачи-конвойлардан бири:

– Знаем, что не преступники, но ненадо было вмешиваться в политику. Нам-то всеравно, кто вы такие. Мы только выполняем приказ!– жавоб берди.

Ташқарига чиққанимизда, атрофга йиғилган одамлар ғала-ғовури эшитилиб турарди.

Бизни машинага чиқаришди...

Озодликка чиққанимдан сўнг киевлик яқин танишларим билан суҳбатлашганимда, улар тубандагиларни айтиб беришади:

“Сизларни қўлга олиш амалиёти тўғрисида катта бир хужжатли филм яратилиб, бутун Украинага намоиш этилди. Ўзбекистон президенти Ислам Каримов ва Ўзбекистон прокуратураси “ўта хавфли жинойатчиларни ушлашда беқийс ёрдам берганликлари учун Украина президенти Л.Кучмага ва Украина прокуратурасига ўзларининг чексиз миннатдорчилигини билдиради”, деган мазмунда телеграмма ўқиб эшиттирилди. Бизнингча, бу кўрсатув олдиндан тайёрлаб қўйилган кўринади. Нега деганда, филм сизлар ҳибсга олинган кундан уч кун ўтиб намоиш этилди. Икки кун ичида бундай ҳажмдаги филмни

яратишни ҳеч ким уддасидан чиқолмайди”.

Нима учун бу фильм биз ҳибсга олинган кундан уч кун ўтиб намоёни этилган?

Чунки, Ўзбекистондаги ЭРК партияси ва унинг лидери Муҳаммад Солиҳни Украинанинг РУХ партияси вакилларида танишқари, Украина Радаси (парламенти)да ҳам яхши билишарди. Украинанинг зиёли қатлами, ёзувчию шоирлари яхши танишарди. Агарда улар бизнинг ҳибсга олинганимиз ҳақида хабардор бўлишса, Радада Кучма ҳукуматига қарши қаттиқ норозилик тугилган бўларди ва Ислом Каримов томонидан Кучмага тўланган катта миқдордаги долларлар (пора) сири ошкор бўларди. Бизни Ўзбекистонга олиб кетишиганидан сўнг эса, баҳона топишининг мингта йўли топилади...

Айнан шундай бўлди ҳам: орадан бирми, иккими йил ўтиб, Ўзбекистонда Украинанинг маданият кунлари нишонланди. Шу муносабат билан Тошкентга келган Леонид Кучмага матбуот анжумани пайтида чет эллик журналистлардан бири: “Сизни Киевда яшаб юрган ўзбек мухолифатчиларини Ўзбекистонга ушлаб берганликда айблашяпти, бунга қандай муносабат билдирасиз?” дея савол берганида, Кучма ноҳақ қамалганлардан кечирим сўраб: “Улар террористлар деб бизни алдашибди, биз ишондик”, деб жавоб бериб, бу қалтис саволдан осонликча қутулган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Леонид Кучма ҳукуматига мухолиф бўлган РУХ демократик партияси раиси Вячеслав Черновил Украина томони бизни яширинча Ўзбекистон ҳукуматига бериб юборганидан бир ҳафта вақт ўтиб, аёлим Нианага кўнгироқ қилибди: “Скоро я поеду на международное совещание в Рим. Там я обязательно подниму этот вопрос. Вы не беспокойтесь, мы сделаем все для того, чтобы вашего мужа освободили”, дебди.

Афсуски, бу кўнгироқдан уч кун вақт ўтиб В.Черновил “автопалакатда” ҳалок бўлади.

Аслида, уни Кучманинг буюртмаси билан ўлдиришган эди. Чунки Италия пойтахтида Украинадаги тузумга тегишли бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилиши кутилаётган эди...

... Бошимизда қоп, қўлларимизда кишан. Бизни қаерларгадир олиб кетишяпти. Мен Қобулга:

– Сўзингнинг устидан чиқадиган бўлдинг, энди ишондим сенга, ҳалиги ичган ароғинг охири эканлигига! – дедим.

Неъмат хо-холаб кулиб юборди.

Конвойлар ҳайрон.

Қобул менинг гапимга жавобан:

– Муҳаммад ака, қанақа одамсиз ўзи! Ҳозир ҳазилга бало борми? Қай аҳволдамиз-у, ҳазилингизни қаранг,– деди хўрсиниб.

Неъмат гапга қўшилди:

– Қобул ака, Муҳаммад акам маладес, шундай ҳазиллашиб турмасак, тушқунликка тушиб ўлиб кетамиз-ку,– деб орани юмшатди гўё.

Босмачи-конвойлардан бири:

– Ребята, о чем вы? Нам тоже интересно...– деб қолди.

Шунда мен:

– Да так, ничего особенного. Этот недовольный товарищ буквально перед арестом обещал мне, что больше не будет пить водку, что пьёт последнюю стопку. Это ему напомнил. Говорю, дескать, твоё обещание сразу исполнилось: действительно теперь больше не будешь пить,– деб тушунтириб қўйдим.

Босмачи-конвойлар ҳам кулиб юборишади.

Бизни район мелиса бўлимига олиб бориб, эрталабгача “обезьянка”¹⁹ қамаб қўйишди.

1999 йил 16 март. Киев. Оболон қамоқхонаси.

Эрталаб соат саккизларда бизни ташқарига чиқара бошлашди. Шунда Юсуфни кўриб қолдим. Уни ҳам олиб чиқишаётган эди.

Юсуф, Қобул ва Неъматни УАЗ русумли зековоз²⁰ машинага тиқишди. Мени енгил машинага ўтқазишди.

Орқа ўриндикда қора рангли чарм тери курткада бир ўзбек, ҳайдовчи ёнидаги олд ўриндикда эса, қўлига пистолет ушлаб олган лейтенант (миллатига эътибор бермадим) ўтиришар эди.

Машинага ўтиргач, ёнимдаги қора курткали ўзбек қўлимдаги кишаннинг бир томонини ечиб, ўзининг қўлига тақиб олди ва биз йўлга тушдик.

19 Жаргонда “Обезьянка”– жиноят қилганликда гумон қилиниб ушланганларни вақтинча ушлаб туриладиган, олд очик томони темир панжаралар билан тўсилган хона..

20 Зековоз – маҳбус ташийдиган автомашина.

Олд ўриндикдаги лейтенант қўлидаги пистолетини ковбойларча ғир айлантириб ўйнаб кетаёганига қараганда, улар ўзларича “ўта хавфли жиноятчилар тўдасисини қўлга олдик” деган фикрда бўлган бўлса, ажаб эмас. Чунки у ҳар беш дақиқада безовта бўлиб орқасига ўгирилиб қарар эди.

Мен ўтирган машина УАЗик орқасидан уни кузатиб бораётган эди.

Мен ёнимдаги нусхадан кишанларни сал бўшатиброқ қўйишини сўрадим. У кишанни бироз бўшаштирди ва гап бошлади:

– Мен шу гуруҳнинг каттаси бўламан. Ҳамма нарсани ҳал қила оламан. Акангизнинг қаердалигини айтсангиз, сизни шу ерда олиб қоламан. Айтмасангиз, сизни Ўзбекистонга олиб кетишади. Биласиз-а, ўзимизда қандай бўлишини?– деди.

Унга жавобан:

– Биринчидан, Акамнинг қаердалигини мен билмайман. Иккинчидан, билган тақдиримдаям сенларга айтмаган бўлардим. Шундай экан, мени қўрқитишга ҳаракат қилиб вақтингларни бекорга сарфлаб ўтирманглар. Ўзбекистонгами ёки янада қўрқинчлироқ жойга юборасанларми, менга фарқи йўқ! – дедим.

Қора курткали бироз жимиб қолди ва талмовсиради:

– Нима, Ўзбекистон қўрқинчли жоймикан, “Унданам қўрқинчли жой” дейсиз?

– Буни мен айтмадим, ҳурматли бошлиқ, сиз айтдингиз – мени Ўзбекистонга юбораман, деб қўрқитяпсиз.

Қора курткали нусха менинг бу жавобимга нима дейишини билмай қолди ва шундан кейин то манзилга етиб боргунимизгача миқ этиб товушини чиқармади.

Машинанинг олдинги ўриндиғида қўлида пистолет уйнаб келаётган одам бизнинг гапларимизга умуман эътибор бермай ўтирганидан унинг ўзбек эмаслигини тахмин этдим.

Ярим соатларча юриб, машиналар Киевдаги Оболон қамоқхонаси дарвозаси олдига келиб тўхтади. Юсуф, Қобул ва Неъматларни ичкарига киритиб кетишди.

Орадан сал вақт ўтказиб мени ҳам қамоқхона ичига олиб киришди.

Қамоқхонага киришда кичик бир хонада ҳаммаёғимни тинтиб чиқишди ва шундан сўнггина қамоқнинг иккинчи қаватидаги бир хужрага олиб бориб жойлаштиришди.

Хужрада етти-саккиз одам бўлиб, шулардан биттасининг ёши қирқларда, қолганлари йигирма-йигирма беш яшар йигитлар эди. Ҳаммаси бирин-кетин туришиб, мен билан қўл беришиб кўришди. Сўнг, ҳол-аҳвол сўрашди.

Кимдир ўрнидан туриб, йўлакда юрган мелисани эшик олдига чақирди ва қайноқ сув беришини сўради. Кимлардир супага дастурхон ёзиб, ўзларидаги бор-будини дастурхонга ташлашди.

Бироздан кейин йўлакдаги мелиса: “Қайноқ сув келди, олинглар” деб қормушқадан²¹ чойнак узатди.

Хужрадаги ҳаммамиз дастурхон атрофида чордона қурган ҳолда ўтириб, чой ичишга киришдик. Ҳар ким ўзининг тақдири ҳақида сўзлаб бера бошлади.

Орадан икки соатча вақт ўтмасидан хужрадагилар бир-биримизни таниб улгурдик.

Мен ҳам ўзим ҳақимда, оилам ҳақида, Украинага қандай келиб қолганмизу мендан ташқари яна учта сафдошим ҳибсга олингани тўғрисида гапириб бердим.

Хужрадагилар менинг гапларимни худди эртақ тинглаган каби диққат билан эшитиб ўтиришар, тиқ этган товуш чиқаришмас эди...

1999 йил, 17 март. Киев. Оболон қамоқхонаси.

Хужрадаги ҳамма бир-бири билан шундай яқин муносабатда эдики, мабодо улар ташқарида бир-бири билан учрашиб танишиб қолганида ораларида бундай яқинлик бўлиши гумон эди.

Хужрадагиларнинг барчаси менга: “Эртага чиқиб кетасиз, сизнинг айбсизлигингизни аниқлашади ва қўйиб юборишади, мана кўрасиз”, дея таскин-тасалли берар эди.

Ёши каттаси (исмини унутдим) олдимга келиб:

– Мана шу ҳароми Кучма ҳокимият тепасига келдию бизда ҳам қанчадан-қанча бегуноҳ одам қамалиб кетди. Аслида, бу валадизинолар бари бир гўр! Кучмаси ҳам, Лукашенкоси ҳам, Каримови ҳам, бошқалари ҳам! Ахир, булар коммунистлар-ку! Булар (коммунистлар) азалдан собиқ иттифоқ худудидаги барча халқларнинг қонини ичиб келган, ҳозиргача ичишади, кейин ҳам ҳокимиятда шулар турса қонимизни ичишда давом этади.

21 Жаргонда “қормушка” – хужра эшигидаги овқат бериладиган дарча.

Бу маразлардан фақат ўлиб қутулишимиз мумкин. Буларнинг оталари бўлган Ленинни ёки Сталинни олинг: айтинг, қайси бири бизнинг ота-боболаримизга яхшилик қилган? Сиз, мана, тушунган одамсиз, айтинг-чи, ўттизинчи йилларда Сталин сунъий равишда ташкиллаштирган очарчиликдан Украина халқининг қанчаси қирилиб кетган?! Ўзим айтай: учдан бир қисми! Ишонасизми, нақ учдан бир қисми-я!..

Мен ҳам ҳужрадагиларга, 1928 йилда бобом Бекжон Бек ва бобомга ўхшаган минглаб, ўн минглаб зиёли ўзбекларни Сталин режими репрессия қилиб отиб ташланганларини гапириб бердим. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда Каримов режими Сталин режимидан ҳам даҳшатлироқ эканини, Сталин бошқа миллат вакилларига зулм ўтказган бўлса, бу хайвон ўз халқи бошига кулфатлар ёғдираётганини мисоллар билан тушунтирдим.

Уйкуга кетишимиз олдидан ёнимга ёши каттаси келди. Паст товушда:

– Ака, мен асли Житомирданман. Давлатга тегишли “Фалон” идорада ўн йил ишлаганман. Бу қаллоблар айтишича, давлатдан саксон миллион долларча қарз эмишман. Ҳақиқий ўғрилар қолиб, мени қамаб қўйишди. Ҳақиқат қарор топар деб ёзмаган жойим қолмади. Лекин бу аблаҳлар ёзган шикоятларимнинг бирортасиниям зонадан ташқарига чиқаришмаяпти. Олти йилдан бери емаган сомсага пул тўлаб ўтирибман. Уйимни, машинамни, хуллас, хотиним ва қизчамдан бошқа ҳамма нарсамни мусодара қилишди. Шўрлик хотиним қизчам билан қариндошлариникида зўрға кун кечириб юрибди. Ҳар йили икки-уч маротаба шикоят ёзиб бераман, биронтаси ҳам зонадан ташқарига чиқмаган бўлса керак. Хотиним учрашувга келганида ҳам шикоят хатларимни ундан бериб юборишга ҳаракат қилиб кўрдим, лекин бўлмади. Сизни худо етказди, сиздан ўта муҳим бир илтимосим бор. Шу илтимосимни бажарсангиз, бир умр сизни ёд этиб юраман. Агар хўп десангиз, сизга хотинимнинг телефон номерини ёзиб берсам, сиз унга телефон қилиб: “Фалончи одамникида эринг ўзининг иш жойига алоқадор ҳужжатларни яшириб қўйган экан, шу одамдан ҳужжатларни олиб, Киевнинг фалон жойидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилоти филиалига олиб бориб бераркансан”, деб айтиб қўйсангиз, бўлди,– деди.

Мен розилигимни билдиргач, бир қоғоз парчасига хотинининг

телефон рақамини ёзиб берди.

Мен унга:

– Хотинингиз учрашувга келганида нимага ўзига айтмадингиз? – деб сўрадим.

– Ака, мен шундай қилмоқчи бўлдим, лекин хотинимга қайғуриб чурқ этмадим. Негаки, ҳар сафар учрашувга келганида бир-икки ой изидан айғоқчилар кузатиб юришаркан. Охирги келиб кетганига тўрт ойдан ошди, ҳозир кузатишмаётган бўлса керак, деган умиддаман,– деди.

Қўлимга тутқазилган қоғозда хотинининг исми ва телефон рақами ёзилган эди. Умидвор кўзларини менга тикиб:

– Олдиндан раҳмат, ака,– деди.

Мен унга:

– Агар мени қўйворишса, албатта гапларингизни етказаман. Мабодо илтимосингизни бажаролмасам, билинг: мени Ўзбекистонга олиб кетишган бўлади ва мен ҳам худди сиз каби маҳбусга айланган бўламан,– деб қўйдим.

– Қўйинг-э, унақа деманг, Худо хоҳласа, эртага қўйворишади.

Афсус, хужрадошларим менга билдирган тилаклар амалга ошмай қолди. Лекин буни ҳозир улар ҳам, мен ҳам билмас эдик ва бундан кейин ҳам улар билмай қолаверишди.

Шундай қилиб, бир яхши инсонни мендан бир умр қарздорлик ҳиссидан, ўзим хоҳламаган ҳолда, озод этдим, ҳисоб.

1999 йил, 18 март. Бориспол. Аэропорт.

Эрталаб соат саккизларда бизни зековозга чиқаришди ва тўртталамизни УАЗикнинг тўртта боксига²² жойлаштиришди.

Ҳаммамизнинг қўлларимиз кишанланган.

Машина йўлга тушгач, мен бокс эшиги тирқишидан қўриқчиларга:

– Ребята, есть просьба, можно с вами договориться?! – деб бақириб сўрадим.

Улардан бири:

– Говорите, что за просьба! – дея бақириб жавоб берди.

– Здесь, в Киеве у нас родственники, они не знают, что нас арестовали! Можете позвонить и сообщить им, что нас арестовали и отправили в Узбекистан!?

Қўриқчилардан бири розилик билдиради ва мен айтиб турдим, у телефон рақамларимизни ёзиб олди.

Юсуф ҳам хотини Шоиранинг телефон рақамини ёздирди.

Юсуфдан қаерда қўлга олишганини сўраганимда, у бозорга кетишдаги йўлда яёв кетаётганида ушлаганларини айтиб берди. Хотини Шоира бундан хабарсиз экан.

То Борисполга етиб боргунимизча ўзаро гаплашиб, ҳазиллашиб кетдик.

Ичимизда Қобулгина бошимизга тушган бу кутилмаган қулфатдан озгина довдираб қолган, бизнинг ҳазил-хузулимизга қўшилмай, сукут сақлаб борар эди.

Йўлда Юсуфга қўлга олинишимизгача бўлган “охирги истакан арок” воқеасини сўзлаб бердим.

Иш қилиб, аэропортгача яхши кайфиятда келдик...

1999 йил, 18 март. Тошкент–Киев йўналишидаги Боинг учоғи.

Учокқа чиқиб олганимиздан кейин бошимиздаги қопларни чиқаришди. Бироқ қўларимиздаги кишанлар қулфлоғлигича қолди.

Қўлларимиз орқага қилиб кишанлангани учун, ўриндиқ суянчигига суяниб ўтиришнинг иложи йўқ эди. Бу ҳам етмагандай, қўлингни озгина қимирлатсанг, кишан қисилиб суяккача ботиб кетарди.

Ёнимда мени қўриқлаб келган қўриқчи-кузатувчидан (кейинчалик бу қўриқчи ИИВ ертўласида бизни тергаган капитан Илҳом Турғунов бўлиб чиқади) кишанни бироз бўшатиб қўйишини сўраб беш-олти марта илтимос қилдим. Ҳеч кўнмади. Ҳар гал:

– Чидаш керак, бирон соатларда манзилга етиб борамиз, ўша ёқда ечамиз, – дея такрорлар эди.

Шу учокда кишан қўлимда қолдирган излар кейин ҳам уч-тўрт йилгача ҳеч кетмади.

Ўзбекистон қамокхоналарида чеккан даҳшатли қийноқларим қаторида, суякка ботган ўша кишанлар азобини ҳам ҳеч қачон унутолмасам керак.

1999 йил, 18 март. Тошкент. Аэропорт

Тушдан кейин, соат тўртларда учок Тошкент аэропортига кўнди. Бошларимизга яна қайтадан қоплар кийдирилди.

Олдинги салондан икки кишини олиб чиқишади. Менимча, Қобул ва Неъматни бўлса керак. Чунки Юсуф менинг қаршимдаги ўриндикда ўтирган эди.

Улардан кейин Юсуфни, сўнгида мени олиб чиқишди.

Мени алоҳида машинага ўтказишди. Қолганларни қандай ва қаерга олиб кетишганини билмайман.

1999 йил, 18 март. ИИВ ертўласи.

Кечки соат бешларда бизни Ички Ишлар Вазирлиги ертўласига тушириб, бошимиздаги қопларни ечишди. Тинтувдан ўтказишди, сўнг боксга қамаб қўйишди.

Ертўлада фақат Юсуфни кўрдим. Нимгадир Қобул билан Неъмат кўринмас эди.

Уч соатларча боксда ушлаб ўтириб, ниҳоят терговга олиб чиқишди.

Тергов ҳақни юзага чиқариш учун эмаслиги биринчи қадамларданок маълум эди. Яъни, бошқа хонада “ўзбекчасига тергов” бошланди.

Ертўланинг узун даҳлизи ўрталарида чапда эшик бор экан. У ердан кирилса, бу даҳлизга параллел бошқа даҳлизга чиқилади. Ўша параллел даҳлизнинг охиригача юриб бордик. Ўнг тарафдаги эшик “тергов” хонасининг эшиги экан.

Ушбу лабиринт йўлакнинг ўнг томонидаги ҳамма хона “тергов” хоналари экан. Яъни, ўзбекча қилиб айтсак, қийноқ хоналари!

Мени шундай хоналардан бирига киритишди. Қўлларимга кишан солиб, стол қаршисидаги тўртбурчак курсига ўтирғизиб, ёлғиз ташлаб чиқиб кетишди.

Хона деворларига назар солдим. Деворнинг ҳамма жойи қонга беланган; исканжа излари...

Хона ўртасида полга михлаб ташланган табуретка, бурчакда стол ва стул. Стол қаршисида мен ўтирган табуретка.

Менимча, сўроқ олдидан мени кўрқитиш учун атайин ёлғиз қолдириб кетишган эди. Мен улар киргунича девордаги қон, тепки изларини кўриб, ваҳимага тушиб туришим керак.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтиб, хонага полковник кириб келди.

Мен уни танийман – Б. Т. эди.

У ҳам мени танийди.

Бу одамга шахсан Ички ишлар вазири Зокир Алматов “Эрк” партияси фаолиятини назорат остига олиш вазифасини юклаганидан хабарим бор эди.

Бундан ташқари, 1993 йили Акамни таъқиб қилиб юрган айғокчилари сўнгра менинг изимдан тушишган. Улар уйимиз олида машина ичида ўтириб, кеча-кундуз пойлашар, ҳатто қизимиз Ойгулни ҳам мактабигача кузатиб (машинадаги тўрт кишидан бири аёл) қўйишар эди.

Б. Т. ўша пайтда капитан лавозимида эди. ЭРК партиясига қарши курашда ўта жонбозлик кўрсатган шекилли, олти йил ичида демак полковник даражасигача кўтарилибди.

ЎЗБЕКЧАСИГА «ТЕРГОВ»

1999 йил, март. ИИВ ертўласи.

“Тергов” хонасига полковник кетидан ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги капитан кириб келди.

Мен ўтирган еримдан жилмай ўтиравердим. Полковник менга қараб:

– Офицер кирганда ўрнингдан турмайсанми?! – деб дўқ урди.

Мен қимир этмадим.

– Мени танидингми?

– Танидим...

– Бир пайтлар анави қайноғанг билан дўст эдик. У сизларга сотилди, мараз. Ҳали у билан ҳисоб-китобимиз олдинда. Олдин сенларни бир ёқлик қилайлик. Ҳаммаларингни ушлаб келамиз. Солиҳинг борми, Тоҳиринг борми, ҳамма-ҳаммангни шу ерга олиб келамиз. Сенларга Ўзбекистон мелисасининг кучини би-и-ир кўрсатиб қўяйлик! Шундайми, капитан?

Капитан бошлиғининг бу даражада молсифатлигидан уялиб, пастга қараганча жим турар эди.

Полковник мавзуни ўзгартирди:

– Алфия эсингдами, Муҳаммад? Сен у билан юрардинг-а? Зўр, кетворган қиз эди-да, а?

– Қанақа Алфия? Ҳеч қандай Алфияни танимайман.

– Менга қара, Муҳаммад! Мени алдашга ҳаракат қилма,

тушундингми!? Мен аканг Солихни ТошДУда студентлигидан бери танийман. У ғирт пантуркист, миллатчи эди...

Менинг жаҳлим чиқа бошлади ва унинг сўзини бўлдим:

– Ўртоқ полковник, мени бу ерга сўроқ қилишга обкелдинглари ёки ким кетворган, ким қанақа одам бўлганлиги ҳақида гап сотганими?– дедим.

– Ў-хў, менга нима қилиш керак, қандай гапириш кераклигини ҳам ўргатарсан балки? Ҳали сендан гапириш учун рухсат олишим ҳам керақдир?

Мен ўзимни зўрға тутиб ўтираман. Яна шунга ўхшаш асабтегар гап гапирса...

Полковник, мендаги ички туғённи сизди шекилли, чеккада муршайиб ўтирган капитанга “чиқиб кет” дегандек ишора қилади.

Капитан чиқиб кетгач, Ботир хона ичида у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Менимча, сўроқни нимадан бошлашни билмай, боши қотган кўринар эди.

Ва ниҳоят биринчи берган саволи бундай бўлди:

– Аканг қаерда?

Мен ичимда: “Аҳмоқ, томдан тараша тушгандай, дабдурустан сўраган саволингни қара, “Аканг қани?” эмиш”, деб қўйдим.

– Сендан сўраяпман, хўв! Қаерда у террорист?!

Мен қандай ўтирган бўлсам, шундай ўтиришда давом этдим. Мендан садо чиқавермагач, полковник ғазаб тўла кўзларини тикиб:

– Сен яхши гапни тушунмас экансан, ҳозир булбулдек сайратаман сени!–деди. Бориб хона эшигини қия очди. Ташқарида турганларга:

– Киринглар, манави саволларимга жавоб беришни хоҳламаяпти, как следует жавоб беришни ўргатиб қўйинглар! – деди ва ўзи ертўла даҳлизига чиқиб кетди.

Хонага тўрт нафар барзанги кирди. Улардан бири камуфуляжда эди. Шуниси қаршимга келиб:

– Тур ўрнингдан! – дея ўшқирди.

Ўтирган жойимдан туришга улгурмай, бошимга қаттиқ зарба келиб тушди. Бу зарбадан биров гангиб қолдим.

Бошимдан қон чиқибди, юзим узра оқиб полга томчилаётганини кўрдим. Ўзимни тутиб туролмадим:

– Ҳе онангни!..– дея бақириб олдинга бир-икки қадам ташладим.

Бу пайт хонага яна икки-уч нафар “спецназ”чилар кириб келди ва мени полга йиқитишди ва шаҳд билан тепа бошлашди.

Тепкилардан сўнг навбат резина тўқмоққа (дубинка) келди. Оёқ кийимимни ечиб, хона ўртасида полга миҳланган табуреткага ўтирғизишди. Қаршимга иккинчи табуреткани келтириб, оёқларимни унинг устига чиқариб қўйишди. Сўнг устига биттаси ўтириб олади.

Қўлларимга кишан солиб, иккитаси икки томонимдан маҳкам босиб ушлаб турди. Камуфуляждагиси қўлига резина тўқмоқни олиб, товонимга бор кучи билан ура бошлади.

Биринчи кунги “тергов” шу зайлда тонггача давом этди. Лекин полковник ҳеч нарсага эришолмади.

Терговнинг учинчи куни менга катта албом келтиришиб (тахминан 100 варақ), ичидаги расмларни кўрсатиб чикди.

Албатта, албомнинг биринчи варағида акам Муҳаммад Солих, Тоҳир Йўлдошев, Жума Намангоний ва бошқалар расмлари акс этган бўлиб, шу варақдаги ҳар бир расм орқасига исм-фамилияси битилган эди. Ҳар варақда 30 тадан расм қўйилган.

Улар қўлимга тутқазган бу албомни икки соатларча варақлаб, фақат тўрт кишини, яъни Акам, ўзим, укаларим Рашид ва Мақсудни танидим, холос.

Албомни олиб кетишганидан сўнг, “тергов” яна давом этади.

Бундай “тергов” бир ҳафта давомида эрталабдан кечгача сурарди.

Орада менга имзо чектириш учун қандайдир қоғозларни келтиришар, мен эсам имзо чекишдан бош тортар эдим. Оқибатда мени шафқатсиз кийноққа солишар эди.

“Тергов”нинг учинчи куни юролмайдиган ҳолатга тушдим. Оёқларим шишиб кетганидан оёқ кийимимга сиғмай қолди. Қўлларим қошиқни ушлай олмас, ҳатто бошимни кўтаришга қурбим етмай қолган эди.

Ертўладаги навбатчи сержант, (мендан тўрт-беш ёш катта) мени ҳар сафар коридорда унинг олдидан судраб олиб ўтишганида ахволимга ачиниш билдириб бош чайқаб қўяр, кўзларини пастга тушириб, “Шундан бўлак бирон нарса қилишга ожизман” деяётгандек, бошқа томонга қараб олар эди...

ҚЎРҚУВНИНГ НАРИГА ТАРАФИ

“Тергов” бошланганидан бир ҳафта ўтиб, мени судраб бошқа бир “тергов” хонасига олиб киришди. Бу хонада Юсуф Рўзимурод бошини бетўхтов равишда деворга уриб ўтирарди. Мени судраб келтирган нусха менга қарата:

– Манави братишкангни томи кетиб бўлди, сениям ошиб борса икки-уч кун ичида бирёқлик қиламиз,– деди.

Юсуфнинг қўринишидан, шўрликни мендан-да баттароқ кийнокқа солган кўринади.

Мени судраб келган нусха менинг ундан ва улардан ЭНДИ қўрқмаслигимни ҳали билмас эди.

Киевда бизларни қўлга олишганида менда қўрқув бор эди. Йигитларга ҳазил қилиб, уларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қилсам-да, юрагимда қўрқув бор эди.

Ертўлага туширишгаётганда ҳам, илк сўроқ пайтида ҳам қўрқув бор эди. Аммо, худога шукур, қийноқларнинг аёвсизлиги баданимдаги оғриқларнигина эмас, бу қора туйғуни, қўрқувни ҳам ўлдирди. Аллоҳ мени ҚЎРҚУВНИНГ НАРИЁҒИга олиб ўтганди. Мен энди ҚЎРҚУВНИНГ НАРИГА ТАРАФИда эдим.

1999 йил, 28 март. ИИВ ертўласи

Бугун “тергов”нинг ўн биринчи куни. Ертўладаги 2-чи хужрада²³ бир ўзим. Темир кароват²⁴нинг бош томони сал юқорига қайрилган. Унинг устида на ёстиқ бор, на тўшак. Хужра совук. Соат эрталабки ўнлар чамаси, лекин “терговчилар”дан дарак йўқ.

Тушлик обкелишди. Ўрнимдан туришга ҳаракат қилиб кўрдим, бироқ эплаёлмайман.

ИИВ ертўласининг 2-чи хужраси. Шу хужрада мен қизларимнинг исмларини эсдан чиқариб қўйдим!..

Шу хужрада менда ортиқ яшашга иштиёқ сўнди!..

Шу хужрада менда бу дунёнинг ташвишларидан тезроқ қутулиш

23 Хужра – камера.

24 Жаргонда “шконка” – турма ва зоналардаги темир кароват.

истаги пайдо бўлди!..

Ва ниҳоят, ИИВ ертўласининг мана шу 2-чи хужрасида Меҳрибон Оллоҳ мени яна ҲАЁТга чорлади!...

ПОЛДА ЎТИРГАН ОДАМ

1999 йил апрел ойи бошида мени тергов хоналарининг бирига судраб олиб боришди ва хонада соқоллари ўсиб кетган бир одамни кўсатишиб, “Бу ким?” дея савол беришди. Мен ҳам берилган саволга яраша: “Одам”, деб жавоб қайтардим.

– Ҳўв, мен сендан жиддий сўраяпман, “бу одам ким?” деб сўрадим! – ўшқиради “терговчи”.

– Мен қаердан биламан кимлигини? Умуман кўрмаганман бу одамни.

“Терговчи”лардан бири полда ўтирган одамга менга томон ўгирилишини буюради. Ўтирган одам базўр бошини кўтариб, менга қарайди. Мен такроран “Танимайман” дейман.

– Яхшилаб қара, танийсан. У сени танир экан, сен нимага танимайман деяпсан?! – бақиради юзлаштирувчи. – Қаерда кўришгансан бу киши билан, айт тўғрисиини?!

Мен танимаслигимни такрор айтаман, “терговчилар” эса, полда ўтирган одамни менга томон қарашга мажбурлашар ва калтакдан қорайиб адо бўлган танамга жон-жаҳди билан тепишар, дубинка билан болдирларимга уришар эди.

Юзлаштирувдаги “сўроқ қилиш” навбати полда ўтирган одамга келади. Битгаси орқасидан келиб, белига тепади. Полда ўтирган одам оғриқдан бўғиқ товушда инграйди.

– Бу одам Муҳаммад Солиҳнинг укаси эканлиги тўғрими? Фақат тўғрисиини айт!

Биродардан садо чикмайди. Тепасида турган зобит яна тепади. Биродар оғриқдан инграйди.

Дажжоллардан бири сўроқни давом этади:

– Шу одам Муҳаммад Солиҳнинг укасими?!

– Муҳаммад Солиҳнинг укаси, – зўрға жавоб беради полда ўтирган одам.

– Туркияда кимнинг уйида кўргансан бу одамни? Яхшилаб қара! Шу кўрдингми?!

– ...

Полда ўтирган одам менга нурсиз кўзлари билан қаради ва тилга кирди: “Биродар, мен бу дунё ҳаётидан жуда чарчадим. Мен бу каззобларнинг қийноқларига чидай олмадим, тухмат қилдим. Оллоҳим мени кечирсин. Сизлар ҳам кечиринглар мени. Мен кетяпман, кетяпман биродар...”

Мени судраб келганлардан бири полда ўтирган биродарнинг бошига шундай қаттиқ тепди-ки, унинг боши копток мисоли полга зарб билан урилди ва юқорига бир сапчиб қайта полга шилқ этиб тушди.

Уни тепган зобит оёғи билан туртиб кўрди, лекин биродар қимирламади. У ҳушидан кетган эди. Шу ерда турган зобитлар полда чалқанчасига ётган биродарнинг устидан кулишар эди, ҳеч бирида биродарга ачиниш белгиси сезилмади.

Мени қайтариб 2-чи хужрага келтиришди.

Бу кеча тонггача кўзларим юмилмади. Кўзларим олдидан полда ўтирган одам сиймоси ҳеч кетмади...

Кейин билишимча, “полда ўтирган одам” андижонлик Қозимбек Зокиров²⁵ экан...

ТОШТУРМА

Апрел ойи охирларида мени ИИВ ертўласидан Тоштурмага олиб келишди.

Турма қабулхонасида тиббий кўрикдан ўтказишди.

Баданимнинг ҳамма жойи кўкариб ётганини кўрган ҳамшира мени кузатиб келган кўрикчи-кузатувчи капитанга қабул қилмаслигини айтди.

Капитан ҳамширага:

– Уни Украина мелисаси калтаклаган, бу ерда ҳеч ким унга қўлини

25 Зокиров Қозимбек 1956 йил Андижонда туғилган. 1999 йил 5 мартда Қозоғистоннинг Толди-кўрғон шаҳрида қамоққа олинган. 1999 йил 28 июнда Ўзбекистон Олий Суди томонидан отувга ҳукм қилинган. Шу йил 17 августда ҳукм ижро қилинган. Манба: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хужжати, ҳукм...

теккизмаган,— деди.

Ҳамшира менга:

– Украинада калтаклашдимми? – деб сўради.

– Украинада менга ҳеч ким қўл теккизгани йўқ! Мана шу одам мени қаердан олиб келган бўлса, шу ерда қийнашди,— дедим.

Капитан ҳамширани чеккароққа чақириб, ўзаро нималарнидир келишиб олишди. Натижада мени Тоштурманинг биринчи овули (корпус) ертўласи бошлиғига топширишди.

Мен ертўлага келтирилганимдан сўнг ертўла бошлиғига:

– Ўртоқ капитан! Сиз мени бу ерга қай аҳволда келтиришганини кўрдингиз, тўғрими? Мабодо мен бирор жойга шикоят қилиб, мени Тоштурма ертўласида қийнаб шу аҳволга солишди, десам оқибати сиз учун қандай кечишини биласизми?— деб сўрадим.

Ертўла бошлиғи:

– Ака, мени ҳам тушунинг, бу ертўла ИИВ га тегишли, мен ҳам уларга бўйсунаман, шунга мажбурман, ахир. Нима қилай, айтинг?— деди.

– Ҳамширага бориб айтинг, мен бу одамни бу аҳволда олиб қололмайман, денг.

Капитан ертўла даҳлиздаги навбатчилар (войсковойлар²⁶) дан бирини чақириб, менга қараб туришини айтди ва ўзи ташқарига чиқиб кетди. Орадан ярим соатларча вақт ўтиб, капитан кириб келди ва навбатчи ҳарбийга даҳлизга чиқишига буйруқ берди.

– Ака, сизни олиб келган одам қайтиб кетибди, илтимос, мана шу қоғозга “Украина мелисасида шу аҳволга солишди” деб ёзиб беринг.

– Мен ҳеч нарса ёзмайман. Украинада ҳеч ким менга қўл теккизгани йўқ!

Капитан даҳлиздаги навбатчини чақириб, мени 23-чи хужрага жойлаштиришга топшириқ берди ва ўзи юқорига чиқиб кетди.

23-чи хужрада менгача беш маҳбус бор экан. Улардан бири корейс, иккитаси рус ва иккитаси ўзбек эди.

Киев қамоқхонаси билан Тошкент қамоқхонаси солиштирилса, уларнинг орасида ер билан осмонча фарқ борлиги яққол кўриниб турарди.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Киевдаги Оболон қамоқхонаси

26 Войсковой – Ички ишлар вазирлигига қарашли ҳарбий.

махбуслари бир-бирлари билан тез тил топишиб, бир-бирига қўлидан келганча ёрдам қўлини чўзар экан. Тоштурмада эса, янги келган махбусга энг олдин шубҳа билан қарашар, салом-аликни ҳам истар-истамас қилишар эди.

Кейинчалик маълум бўлишича, махбуслар орасидаги бундай муносабатнинг сабаблари бор экан. Тоштурманинг ҳар бир хатасининг²⁷ лохмачи²⁸ ва козёли²⁹ бўлар экан.

Хуллас, Тоштурманинг 23-чи ҳужрасидаги корейс “козёл”, руслардан бири “лохмач” бўлиб чиқди. Лекин бу иккаласи ҳам менга нисбатан бирон-бир ёмонлик қилишмади ёки ёмонлик қилишга улгуришмади.

Чунки, уч кундан кейин мени бошқа ҳужрага ўтказишди.

Бу бошқа ҳужра рақами “28” эди! Тоштурманинг энг машҳур ҳужраси экан! Айтишларига қараганда, лохмачларнинг энг ашаддийлари шу ҳужрада иш олиб боришаркан.

Шундай қилиб, мен энди 28-чи ҳужра махбусиман. Бу ҳужрада ҳам 23-чи ҳужрадагидек, беш махбус.

Кўрпа-тўшакни қўлтиқлаб ҳужрага кирарканман, ҳужрадаги тўрт махбус ўринларидан туриб мен билан илиқ сўрашишди.

Ҳужранинг қоқ ўртасида нонни талқон қилиб майдалаб ўтиргани эса, орқасига ўгирилмасдан, “Осторожно, не задевай машку³⁰”, дея огоҳлантириб, ишида давом этди.

Йигитлар тўрдаги шконкадан жой қилишиб, мени ўтиришга таклиф қилишди. Улардан бири ерга дастурхон ёйиб, нон қўйди. Дарров чойга ҳаракат бошлаб юборишди.

Бироз суҳбатлашганимиздан сўнг ерга иниб, дастурхон атрофида чордана қуриб, чойлаша бошладик.

Ҳалиги ўртада ўтириб нон майдалаётган “ўзбек” ўзича ғудраниб, нон майдалашда давом этди. Биз томонга қараб ҳам қўймади.

Чой ичиб бўлганимиздан сўнг ўзаро танишиб олдик.

Йигитлардан иккитаси феврал воқеаларига алоқадорликда

27 Жаргонда “хата” – турмалардаги ҳужралар тушунилади.

28 Жаргонда “лохмач” – “хатага” янги келган махбусларни жисмонан қийнаб, ўзига ва бошқаларга қарши кўрсатмалар беришга мажбурлайди.

29 Жаргонда “козёл” – “хатада” нима гап бўлса, ҳаммасини оперларга ташиб турувчи чакимчи.

30 Жаргонда “машка” – спиралли электр ўчоқ. Асосан, пишган ғишт ўйилиб, ўй-икка спирал ёйилади ва икки томонидан электр токка уланади.

гумон қилиниб, биттаси Ҳизбут-тахрир партияси варақаларини тарқатганликда, яна биттаси уйда ов милтиғи сақлаганликда айбланиб қамоққа олинганлардан экан.

Ҳалиги хужра ўртасида ўтиргандан:

– Сен нима билан ўтиргансан?– деб сўрадим.

Саволимга тўнғиллаб жавоб берди:

– Ты кто, прокурор что ли?!

Йигитлар менга: “У билан гаплашманг”, дегандек имо-ишора қилишди ва мен уларнинг маслаҳатини қабул қилдим.

Бу хужрага келганимдан бир соатларча вақт ўтганидан сўнг эшик очилиб, “талқончи”ни олиб чиқиб кетишди.

Биродарлар дарров атрофимга йиғилишиб, “талқончи”нинг ғирт “козёл”лиги ҳақида гапириб беришди. Мен бу хужрага кўчирилмасимдан ярим соат олдин хужра “лохмач”ини бошқа жойга кўчирганини ҳам айтиб беришди. Ҳамхужралардан бири:

– Ҳали вазирлик ертўласида ўтирган пайтингиздаёқ сиз ҳақингизда қўрқинчли хабарлар тарқагани, – деб қолди.

– Қанақа хабарлар экан?,– деб сўрадим.

– Сизни ёмон қаттиқ қийнашибди бу золимлар, оёқларингизни, қўларингизни синдиришибди, шу ростми ака?

– Бундай хабарлар қандай қилиб бу ёқларгача етиб келди? Ахир, у жойдан хабар тарқашининг ҳеч иложи йўқ-ку?!

Гапимизга “ов милтиғи билан ушланган” биродар қўшилди:

–Бу системада хабарлар шунчалик тез ёйилади, Муҳаммаджон ака. Бугун бир иш бўлса, эртага деярли ҳамма эшитади. Бир ҳафта ичида бутун Ўзбекистоннинг барча зонасида ўтирганлар ўша ишни муҳокама қилаётган бўлади. Масалан, камерадошлардан бири зонага этап бўлиб кетади ва... бу ёғи тушунарли. У айтади, ундан эшитганлар бошқасига етказди ва ҳоказо. Шу билан ке-е-етди. Системанинг бу “телеграмма”сини шу пайтгача ҳеч ким тўхтатолмаган, бундан кейин ҳам тўхтатолмаса керак.

– Биродар³¹, узр, албатта, “система-система” дейсиз, системада қачондан бери ўтирибсиз ўзи?

– Бир йилдан ошди, ака...

31 Бу ерда келтириб ўтиляётган ва кейинги бўлимларда келтирилиши мумкин бўлган кўпчилик “қаҳрамонлар” исм-фамилиялари хотирамдан кўтарилган.– М.Б.

Бу пайт хужра эшиги шакир-шукур очила бошлади ва хужрага “талқончи” кириб келди. “Талқончи” ўзбек бўлатуриб, ўзбекчани зўрға билар, ўзбекчасини ўзидан бошқа одам унча-мунчада тушуниши амримаҳол эди.

“Талқончи” хужрага кириб келаркан, менга қараб:

– Ҳозир кевоссам, жаллаб, кетвоган манашкани³² обкевоткан экан, бир обнять қилий десам, қўлтигимга сиғмасе кераг-ов, жаллаб, шунаканги толстийкан, воошце жаллаб!..

Унинг нафақат чўтир башараси, балки ҳозиргина ўта маданиятсизларча айтган шилта гапларию “бири боғдан, бири тоғдан” гапириш усулларигача менга Ислом Каримовни эслатиб юборди.

Ислом Каримов тахтга ўтирганидан уч-тўрт йил ўтиб, 8 март хотин-қизлар байрамига бағишланган йиғилишда тахминан шундай деган эди: “Қани энди, шу залда ўтирган ҳаммаларинг қучоғимга сиғсаларинг-у, қўлтиғим тагига босиб муччилаб-муччилаб ўпсам”, дея армон қилган эди.

Хуллас, хужрага кириб келган “козёл” бу гапларини ўзи ҳақида “илиқ таассурот” қолдириш учун гапираётгани чўтир башарасидан шундоқ билиниб турарди.

Унинг ҳар бир ҳаракати менда нафрат уйғота бошлади:

– Сен ўзбекмисан? – сўрадим мен.

– Наполовину узбек, наполовину таджик, – деб жавоб қилди у.

– Ота-онанг нима иш қилишади?

– Пахан мой был известным музыкантом, жаллаб...

– Ты можешь без этого мерзкого словца?

– Не понял, ты мне приказываешь? Допрашиваешь? Какое твое дело кем был мой отец? Какое твое дело кто я такой: узбек или русский? Ты кто такой, чтобы допрашивать меня, а?!

“Талқончи” ўзича қизишиб кетган бўлиб, мени қўрқитиб қўймоқчи бўлди шекилли, менинг жим турганимдан илҳомланиб, овозини янада авжига чиқара бошлайди:

– Я у тебя спрашиваю, кто ты такой? Мент?! Может ты прокурор, а?!

Унинг попугини пасайтириб қўйиш вақти келганини пайқаб, ўрнимдан шашт билан турдим ва ёнига келиб:

32 Жаргонда “монашка” – жиноят оламида жиноят қилган аёлга нисбатан қўлланиладиган лақаб, атама.

– Если ты сейчас же не заткнешься, мне придется самому заткнуть твой поганый рот! Ты меня понял, козел драный?!

Шўрлик “талқончи” кўрқувдан дир-дир қалтирай бошлади ва энг юкори пардада жаранглаб турган овози бирданига пасайиб, эндигина дунё юзини кўрган кўзичокдек маъраб:

– Братань, вы что, вы что братань, не надо, не надо, прошу вас...

– Я тебе не братань, понял?!

– Понял, братань, понял...

“Талқончи”нинг рангги докадек оқариб кетганига ўзим ҳам ачиндим. Бу текин томошани зимдан кузатиб ўтирган биродарлар ҳам юзларидаги табассумларини яширолмадилар. Улар “талқончи” билан орамизда бўлиб ўтган бундай “айтишмадан” лаззатланаётган эдилар.

“Талқончи” сал ўзига келганидан сўнг:

– Пацаны, в честь нового сокамерника, будем накрывать хороший стол и будем пить чай! – дея дастурхон ёя бошлади.

Мен унга бу ишни тақикладим:

– Шу дақиқадан бошлаб чой, овқат ишлари билан йигитларнинг ўзлари шуғуллансин, сен умуман аралашма! – дедим.

– Братань, не делайте так, пожалуйста. Зачем вы это?

– Что “зачем”?

– Я же старший по камере, братань. Я должен смотреть за общаком.

– Общак? Какой общак? Вообще, кто назначил тебя старшим по камере?

Мен хужрадаги йигитлардан буни ким камеранинг каттаси қилиб сайлаганини сўрадим. Йигитларга ҳам жон кириб қолган эди:

– Ўзини ўзи сайлади, бизнинг сумкамиздаги нарсаларга ҳам у хўжайинлик қилади. Унинг рухсатисиз биз ҳеч нарсага тегинмаймиз,– дейишди жўр бўлиб.

– Бунга нима дейсан, шеф?!

“Талқончи” бу сафар қизариб кетди ва биродарларга нафрат билан қаради. Асабий ҳолда бошини чайқаб, у ёқ-бу ёққа юракетди. Охири ҳамхужраларга қаради:

– Ребята, я вам что-нибудь плохого сделал за все это время? Ведь, ничего плохого не сделал, правильно? Вот вы, очень плохо поступили со мной. Я к вам всегда хорошо относился, а вы...

Биродарлардан бири унинг гапларига ортиқ чидай олмай, ёрилди:

– Сен бизга ҳар доим ёмонлик қилиб келдинг. Ҳар куни биз ҳақда хўжаларингга ахборот бериб келасан. Уларга биз тўғримизда яхши гапларни гапирмайсан-ку, ахир. Мен нотўғри гапираётган бўлсам айт, сен нотўғри гапираяпсан, дегин-чи? Айтолмайсан, чунки...

Мен биродарнинг гапини бўлдим:

– Бу нусхага гапириб ўтиришингиз бефойда. Бугундан бошлаб хужрада “старший”-“младший” деган гапларга чек қўйсақ, яхши бўлармиди,– дедим.

Биродарлар бу таклифни жон-дилдан қабул қилишди ва биз, 28-чи хужра маҳбуслари шу дақиқадан эътиборан хужрада ўрнатилган янги қоида бўйича яшай бошладик.

“Талқончи” эшикни тақиллатиб, ертўла даҳлизидаги “дубак”ни³³ чақирди ва:

– Фалончи мени чақирсин, унга айтадиган гапим бор эди,– деди.

Хужрадагилар “талқончи”ни чойга таклиф қилишган эди, кўнмади:

–Пейте сами, я по горле сыт от вашего чая!– деб қўпол жавоб қилди ва тинмай у ёқ-бу ёққа бориб келаверди.

Биз чой ичиб бўлганимизда эшик очилиб, “талқончи”ни олиб чиқиб кетишди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, у қайтиб келди ва бор-будини йиғиб, ҳеч ким билан хайрлашмасдан хужрани тарк этди.

Хужрадаги йигитларга жон кирди. Биз бир-биримиз билан яқиндан танишишга тушдик. Ҳар биримиз ўзимиз ҳақда бир-биримизга иштиёқ билан сўзлаб бера бошладик.

Шундай қилиб, 28-чи хужра маҳбуслари шу кундан эътиборан ғойибдан келган бундай “эркинлик”дан баҳра олиб яшай бошлашди.

Бироқ ўзимизга ўзимиз яратган бу “эркинлик” узоққа чўзилмади.

Ўнбеш-йигирма кун ўтиб, мени яна ИИВ га олиб кетишди.

ЯНА ИИВ ЕРТЎЛАСИДА

Яна ўша этни жунжиктирувчи совуқ манзара. Яна ўша турки совуқлар. Яна ўша жирканч “тергов” хонаси.

Орадан ярим соатдан ортиқ вақт ўтди. Бу “тергов” хонада ёлғиз

33 Жаргонда “дубак” (бу ёғига: дубак) – ертўлада навбатчилик қиладиган Ички Ишлар Кўшинлари ҳарбийси.

ўтирарканман, турли хаёлларга чўмиламан. Бу ерга яна нимага олиб келишган экан? Пешонага яна қандай кўргуликлар ёзилган экан?..

Ва ниҳоят, хонага полковник кириб келди ва менга:

– Ҳозир сени эски кадрдонинг билан юзма-юз қиламан, лекин қара, ҳеч қандай ортиқча сўз айтилмайди, тушундингми?

Ким экан бу эски кадрдоним? Юсуфми? Қобулми? Неъматми? Ким?..

Мен ҳали аниқ бир тўхтамага келиб улгурмай, “тергов” хонасига полковник ёрдамчиси капитан Улуғбек бир ёш йигит билан кириб келди.

Мен бу йигитни дарров танидим.

У мен билан қўл бериб кўришмоқчи бўлган эди, капитан бунга йўл қўймади. Уни менинг қаршимга ўтирғизди.

Полковник қаршимдаги йигитга савол бера бошлади:

– Асқаров, қаршингдаги одамни танийсанми? Ким у?

– Ҳа, танийман. Бу киши Муҳаммад Солиҳнинг укаси.

– Исмини, фамилиясини айт.

– Бегжонов Муҳаммад.

– Қаерда танишгансан?

– Муҳаммад Солиҳнинг Истанбулдаги уйида.

– Бегжонов қаерда яшарди? Акаси Муҳаммад Солиҳнинг уйидами ёки бошқа ердами?

– Бошқа уйда яшарди.

– Қаерда? Акасининг уйдан узоқмиди?

– Мен унинг уйида бўлмаганман. Қаердалигини билмайман.

– Қаршингдаги одам билан тез-тез учрашиб турармидинглар?

– Ойда бир-икки марта учрашардик.

– Демак, бир-бирингни яхши танийсанлар, шундайми?

– Ҳа, яхши танишмиз.

Полковник чекқароқда ўтирган капитаннинг олдига бориб, нималарнидир шивирлади.

Капитан ташқарига чиқиб кетди, полковник қайтиб жойига келиб ўтирди ва менга саволлар бера бошлади:

– Хўш, Муҳаммад, бу одам ким? Танийсанми?

– Йўқ, танимамайман.

– Демак, танимайсан, шундайми?

– Шундай. Танимамайман.

– Акангникида кўрганмисан бунни?

– Кўрган бўлишим мумкин, лекин эслолмаяпман.

– Сен акангникида яшармидинг?

– Йўқ, бошқа жойда яшардим. Лекин, Акамникига бориб турардим.

Полковник ёрдамчисини чақирди ва унга нималардир деб “тергов” хонани тарк этди.

Хонада Зайниддин, мен ва капитан қолдик.

– Сизлар бемалол гаплашиб олаверинглар, бошлиғимиз анчагача келмайди, обед қилишга кетди,– деди капитан.

– Нимани гаплашамиз? Мен бу кишини танимасам, бу киши мени танимаса.

– Муҳаммад ака, сиз мени тушунмадингиз, мен серёзно айтяпман, бемалол ҳол-аҳвол сўрашинглар, демокчиман.

– Капитан, мен сизни тушундим, айтаяпман-ку, мен бу кишини умуман танитайман! Нимани гаплашишимиз мумкин?

Капитан Зайниддинга қараб:

– Асқаров, Муҳаммад акага айтадиган гапингиз йўқми?– деб сўради.

Зайниддин бошини кўтарди:

– Муҳаммад ака, ҳаммасини айтаверинг, яқин кунларда булар Муҳаммад Солиҳни ҳам, Тоҳир Йўлдошни ҳам, бошқаларни ҳам тутиб келишаркан. Булар зўр экан, умуман Ўзбекистон мелисаси дунёда тенги йўқ кучли экан.

– Тушунмадим, буларга ниманинг ҳаммасини айтишим керак? Ўзбекистон мелисасининг дунёда тенгги йўқлигиними? Бегуноҳ одамларни ёппасига қамаб ташлаётганиними? Беайб инсонларни қийноқлар остида “айбига иқро” қилишлариними?

Асқаров гапиришга энди шайланаётганида, полковник кириб келди. Асқаровни турғазиб, даҳлизда турган навбатчи мелисага:

– Камерасига олиб бор! – деб буюрди-да, менга компьютерда ёзиб тўлдирилган беш-олти қоғозни қўлимга тутқазди:

– Ўқиб чиқиб, тагига: “Танишиб чикдим, бу ерда ёзилган ҳамма нарса тўғри” деб ёзиб, қўл қўйиб бер, бўлди. Шу билан бўшсан, турмангга қайтиб, дам олаверасан. Сени ҳеч ким безовта қилмайди, сўз бераман! – деди.

Қўлимга тутқазилган варақларни бир бошдан ўқиб чиқишга тушдим. Бундаги ёзувлар Зайниддин Асқаровнинг Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдошев ва бошқа муҳолифат аъзоларига қарши берилган кўрсатмалари эканини билиб олдим. Ҳар бир қоғоз ост қисмида

Зайнидиннинг имзоси турар эди. Охирги варақ сўнгида: “Тушунтириш хатини ўз қўлим ва ўз сўзим билан тўғри ёздим”, деб битибди. Кетидан Асқаровнинг исми-фамилияси ёзилган ва имзоси қўйилган эди.

– Танишиб чиқдингми? Бу ерда келтирилган фактлар тўғрими? Тан оласанми? –деб сўради полковник.

– Қандай фактлар? Бу ерда ҳеч қандай факт кўрмаяпман. Булар ҳаммаси қурук тухматдан ва чўпчакдан бошқа нарса эмас, ўртоқ бошлик.

– Қўл қўйиб берасанми, йўқми? Хўв инсон, ўзингни ўйла, қамокда ўтирган акангни ўйла, укангни ўйла! Буларни ўйлама, улар президентимизга, халқимизга тажовуз қилишди, булар қонхўр террористлар, нега тушунмайсан!

– Илтимос, ўртоқ бошлик, менга ўргатманг ким террорист, ким яхшию ким ёмонлигини. Ўзим биламан ким қанақалигини.

– Демак, қўл қўймайсан, шундайми?

– Шундай. Қўл қўймайман.

– Бўлмаса, ўзингдан кўр. Кейин пушаймон бўлиб юрма! Ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди. Бутун умринг қамокда ўтади.

– Пушаймон бўлмайман, ўртоқ бошлик. Бировга тухмат қилиб яшагандан кўра, ўлганим яхши деб биламан, ўртоқ бошлик...

Бир иш чиқара олмагач, полковник билан капитан камерада ёлғиз ўзимни қолдириб, чиқиб кетишди...

ТУРМА ҲАЁТИ

1999 йил апрел ойида, Зайниддин билан юзлаштирувдан сўнг, мени яна Тоштурманинг 1-чи овули ертўласидаги 28-чи хужрага ташлашди.

Хужрадаги маҳбусларнинг учтасини бошқа-бошқа камераларга кўчиришибди. Эскилардан битта биродар қолган, қолган учтаси янги келганлар. Янги келганларнинг иккиси феврал ойидаги портлашларга алоқадорликда айбланган, биттаси ёши эндигина ўн тўққизни қоралаган Данис исмли татар бола.

Данис, ўзининг айтишича, “Ал-вакил” мусиқий дуэтнинг солисти бўлган экан. Унинг жинойи шериги Арсен (армани бола), қамалганидан сўнг Ислом динини қабул қилибди.

Данисдан нима учун қамалганини сўраганимда, у қуйидагиларни гапириб берган:

ДАНИСНИНГ ҲИКОЯСИ

– Бундан бир ярим йил бурун дуэтдошим Арсен билан кўпроқ пул топиб, ансамблимизни кенгайтирмоқчи бўлдик. Лекин пул топишнинг ҳеч иложини қилолмадик. Яқинларимиз ҳам, танишларимиз ҳам бизга ёрдам беролмасликларини билдиришди. Шунда менинг миямга Лайло³⁴дан пул сўраб кўриш фикри келди. Чунки менинг онам билан Лайлонинг онаси ўртасида эскидан яқин алоқа бор эди. Биз бир-биримиз билан анча таниш эдик. Ўша вақтларда Лайлони тез-тез тўйларга таклиф қилишар, шунинг ҳисобидан у анча пул ишлаб топган эди. Сўрасам, ёрдамини аямаса керак, деган хаёлда уникага пул сўраб бордим. Афсус, у ҳам менга пули йўқлигини айтди. Биламан, пули кўп. Лекин Лайло зикналик қилди. Унинг пули бўлатуриб, “менда бир тийин ҳам пул йўқ” дегани жаҳлимни чиқарди.

Ордан уч кун ўтгандан кейин мен Арсен билан гаплашиб, Лайлони қўрқитиб бўлса ҳам пулини олишга келишдик. Кечкурун соат 9 ларда биз Лайлонинг уйи қаршисидаги тўққиз қаватли бинонинг томига чиқиб, унинг келишини пойлаб ўтирдик. Лайло соат тунги 12 ларда уйига келди. Биз лифтда пастга тушдик ва Лайлонинг квартирасига чиқиб бордик. Аввалига у бизни уйига қўймади. Биз эшик ортида туриб: “Пул сўраб келмадик, биз билан ҳамкорликда куйлагин деган таклиф қилиб келдик”, деб алдаб уйига кириб олдик.

Лайло бизга қаҳва таёрлади ва ошхонага таклиф этди. Уч яшар ўғлини ётоғига жойлаб, ошхонага қайтиб келди. Биз ярим соатларча гурунглашиб ўтирдик. Ўзимиз билан бир шиша вино олиб келган эдик, Лайло “ичмайман” деб туриб олди. Ўзимиз олиб келган винони ўзимиз ичдик. Кайфим оша бошлади. Мен муддаога ўтиб: “Бизга беш минг долларча пул керак, бир ойдан кейин қайтарамиз”, дедим. Лайлонинг рангги ўзгарди ва: “Йўқолларинг бу ердан, менда бир тийин пул йўқ деб айтгандим сенга!” деб бақира кетди. Мен Арсенга қараб: “Кўлини қайириб ушлаб тур!” деб бақирдим ва стол устида турган ошхона пичоғини олиб қорнига санчдим. Лайло “Вой-дод,

34 Лайло – 90-чи йиллар ўрталарида ўзининг ёқимли ва жарангдор овози билан ўзбек эстрадасига кириб келган хонанда. Кўпчилик: “Лайло тирик бўлганида Ўзбекистон хонандалари ичида энг ёрқин юлдузлик даражасига кўтарилган бўларди”, дейди.

ёрдам беринглар!” деб бакира бошлади. Тезроқ тинчитиш учун яна беш-олти марта қорнига, кўкрагига пичоқ санчдим. Лайло шунда ҳам бакиришдан тўхтамади. Мен яна пичоқ санчишда давом этдим. Ошхона поли қонга бўялди ва Лайлонинг овози ўчди. Лайлони ўлган жойида қолдирдик ва қўлларимизни ювиб-артиб залга кирдик. Залдан бошлаб уйнинг ҳамма жойларини тинтиб чиқдик. Беш юз доллар нақд пул ва ўн минг долларлик тилла тақинчоқ олдик ва тунги соат 3 ларда Лайлонинг уйини тарк этдик...

Шу жойда Данис ҳикоясини тўхтатишига тўғри келди.

28-чи хужра маҳбусларига 15 дақиқалик сайрга чиқиш эълон қилинди. Одатда, сайр турманинг биринчи қаватидаги бир томони очик, панжаралар билан тўсилган камераларда ўтказилади.

28-хужра маҳкумлари 15 дақиқалик сайрдан кейин тушлик қилишга ҳозирлик кўрилди. Тоштурма ертўласида соат 12:00 да тушлик тарқатила бошлайди. Бу турмада тайёрланган емакни мол ҳам емайди, лекин маҳбус ейишга мажбур. Чунки, ейишга бошқа нарсаяўқ.

Тоштурмадаги маҳбусларни озиқлантириш рациони шундай: (1999 й.):

1. Бир сутка учун бир буханка (крокодил³⁵) қора нон.

2. Эрталаб: бир стакан ширин чой, 100 гр. бўтқа.

3. Тушлик: тузланган карамдан тайёрланган “борш”. Карам ҳаддан ташқари шўр бўлганлиги сабабли, “борш” билан қайнаган картошка пишмай қолади. Иккинчи овқат – перловка каша. Бу “каша”га умуман туз қўшилмайди. Уни есанг, қоғоз чайнагандек сезасан ўзингни. Карам умуман ейилмайди.

4. Кечки овқат перловка ёки крупа бўтқа.

“Крокодил” деб ном олган нон ҳеч қачон охиригача пиширилмайди ва ярим хамир ҳолатида тарқатилади.

Тоштурманинг нониними, баландасиними истеъмол қилганиндан сўнг, қорнинг оғрибми ёки заҳарланибми, санчастрга борсанг, сенга Х-таблетка беришади. Иссиғинг чиқса ҳам ўша Х-таблетка, бошинг оғриси ҳам Х-таблетка, оёғинг синса ҳам...

Тушликдан сўнг Данис билан суҳбатимизни давом эттирдик.

35 Жаргонда “крокодил” – 3-чи навли ундан ёпилган батон нон.

ДАНИС ҲИКОЯСИ ДАВОМИ

– Арсен билан иккимиз Лайлонинг тақинчоқларини ишончли жойга яшириб, ўзимиз икки ҳафтага Қозоғистонга кетдик. Яқинларимиз билан телефон орқали алоқада бўлиб, янгиликлардан хабардор бўлиб турдик. Уйдагилардан бизни ҳеч ким сўраб-суриштирмаганини аниқлаб, Тошкентга қайтдик. Тошкентда бир ойча вақт бўлиб, тақинчоқларни олиб Қозоғистон орқали Ленинградга кетдик. У ерда тилло тақинчоқларни пуллаб, янги ҳаётни бошлаб юбордик. Ленинградда уч ойларча юриб, Москвага келдик ва энди у ерда яшай бошладик, янги танишлар орттирдик.

– Ўзбекистондаги яқинларинг билан хабарлашиб турармидинг?

– Албатта. Қунора телефонда гаплашардим. Арсен ҳам ҳар икки кунда уйдагилар ва яхши кўрган қизи билан гаплашиб турарди.

– Лолани пичоқлаганинг тушингга кирмайдими?

– Йўқ. Шу пайтгача бирон марта ҳам тушимга кирмади.

– Ўлдираётганингда ҳеч ачинганмисан у қизга?

– Лоланикига келишда ўзимиз билан икки шиша яхши винодан олиб келаётган эдик. Бир шишани томда ўтириб ичдик, бир шишани Лайлоникига кўтариб келдик. Лола ичмади. Бу шишаниям иккимиз смирдик. Шундоғам кайфимиз бор эди...

– Россияда қанча вақт юрдинглар? Ҳеч қаерда ишламадингларми?

– Ленинградда уч ой, Москвада ярим йил юрдик. Ўзимиз билан олиб кетган тилла тақинчоқларни яхши баҳога сотдик. Бу пуллар то қамоққа олингунимизга қадар етиб ортди. Яйраб яшадик, афсуски, кутилмаганда қамоққа олиндик.

– Кутилмаганда?

– Ҳа, кутилмаганда... Чунки биз қилган жиноятни бошқа бир одамнинг бўйнига қўйиб, ишни ёпишган экан.

– Ундай бўлса, қанақасига сизларни қамашди?

– Ҳаммасига Арсен айбдор. Аниқроғи, Арсеннинг севган қизи бизни сотибди.

Данис қизариб-бўзариб Арсеннинг севган қизини русчалаб сўқади, жазавага тушади, жаҳл билан шконкани мушти билан бир-

икки марта уради.

– У қиз Лайлони сизлар ўлдирганлигингни қаердан билибди?

– Анави аҳмоқ Арсен ҳали Тошкентдалигимизда маст ҳолатда ўша қанжиққа “Лайлони мен гумдон қилдим!” деб мақтанган экан. Арсеннинг севган қизи яҳудий эди. Исроилга кетаётганида мелисага бориб бизнинг устимиздан ёзиб берибди.

– Демак, у қиз Арсенни алдаган экан-да, “севаман” деб?

– Ким билади. Охирги тўрт ой ичида Арсен у қизга умуман телефон қилмаганди. Москвада қизлар билан роса юрганмиз.

– Россиянинг мелисаси қамоққа олгандир?

– Ҳа, руслар ушлашди. “Лефортово”да бир ой ўтирдик, сўнгра бизни Ўзбекистонга топширишди.

– Бу ерда қийнашмадимиз?

– Йўқ, қийнашмади. Биз бор гапни айтиб бердик. Қилган айбимизга тўла иқроп бўлдик.

– Тергов қанча давом этди?

– Бир ҳафта тергов қилишди ва дарров ишимизни судга оширишди. “Лефортово”да ўтирганимиздаёқ деломизни тайёрлаб қўйишган экан. Шунинг учун ҳам суд тез бўлиб ўтди.

– Сенга неча йил срок³⁶ беришди?

– Йигирма йил строгий (қаттиқ) режим.

– Шеригинга-чи?

– Ўн саккиз. Лекин унинг отаси унга кассация³⁷ ёздирди. Отаси жуда бой одам. Агар Арсеннинг срогидан олишса, сенга ҳам ёрдам берамиз, деб ваъда беришди. Мени алдашайпти, чоғи. Чунки, суд пайтида Арсеннинг отаси фақат мени айблади.

– Сен кассация ёзмадингми?

– Йўқ-да. Арсеннинг отаси “Сен ҳам ёзсанг унгаям, сенгаям фойда йўқ. Шу учун қайта суд бўлишини кутиб тур. Агар Арсеннинг срогидан қирқишса, сўз бераман, сенинг ҳам срогиндан қирқади. У ёғини ўзим тўғирлайман”, деди.

– Сенинг уйингдагилар судда қатнашмадимиз?

– Дадам судга келди. Ойим икки йил бўлди, Францияга, дугонаси олдига кетган эди. Яқинда шу ёқда турмушга чиқибди.

36 Жаргонда: “срок” – суд ҳукмига кўра берилган қамоқ жазоси муддати.

37 Кассация– суд ҳукмини ўзгартиришни сўраб қилинадиган шикоят аризаси.

– Нима, даданг билан ойинг ажрашганмиди?

– Шундай... Дадам сантехник бўлиб ишлайди, топган пулига улфатлари билан ароқ ичади. Ойим шунинг учун ҳам дадамни ташлаб кетган эди...

Данисдан яна бир бор Лайлони ёш ўлдириб юборганинга ачинасанми деб

сўрадим. У орадан анча вақт ўтганини важ қилди ва ҳозир ўзининг шу ҳолатга тушиб қолганидан ачинишини айтди. Мабодо қамокдан бир-икки йил ичида озод қилишса, Москвада кинорежиссерликка ўқийман, деди. У ёқда юрганида қайсидир режиссёр билан танишгани, режиссёр ўқишга киришида ёрдам ваъда қилганини гапириб берди.

Ушбу суҳбатдан сўнг ўн кунларча вақт ўтиб, Данисни бошқа камерага ташлашди ва у билан қайта кўришмадик.

2005 йили Когондаги 62-чи зонада эканимда Бахтиёр деган бола Қаршидаги зоналардан бирида “Ал-вакил” дуэтидан Данис исмли бола билан ўтирганини айтиб қолди. Мен ҳам унга, ўша бола билан Тоштурмада, бир камерада ўтирганимизни гапириб бердим.

Бахтиёр Даниснинг бугунги ҳолатини тасвирлаб: “Уйидан ҳеч ким хабар олмайди, озиб-тўзиб кетган, юриш-туриши бомжларга ўхшаб қолган”, деган эди.

Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 97 моддаси 2-қисми билан айбланганлар авф ёки бошқа енгиллаштиришлардан мосуводир. Улар тайинланган жазо муддатининг охиригача қамокда ўтиришга маҳкумдирлар.

«ДЕҲҚОН» БОҚИЖОН

Тоштурма ертўласининг 28-чи хужраси маҳкумлари ичида андижонлик деҳқон йигит Боқижон билан танишиш жараёни кулгили бўлган.

Май ойи охирларида хужраимизга узун бўйли, қадди-қомати келишган, сочига анча оқ оралаган, йигирма саккиз, ўттиз ёшлар чамасидаги йигитни ташлашди. У кўрпа-тўшаги қўлтиғида, бир қўлида катта сумка ушлаган ҳолда, эшик олдида бир муддат туриб

қолди ва ўта паст овозда:

– Ассалому алайкум,– деди.

Салом-алиқдан сўнг мен меҳмонга ҳеч ким кутмаган ғайритабиий саволлар билан мурожаат қилдим:

– Бу камерага нимага келдингиз? Ким сизни бу ерга юборди?

Меҳмон ҳайрон, гўё тошга айланиб қотиб қолган. “Жиннихонага тушиб қолмадиммикан?,” деган хаёлга боргани аниқ.

Меҳмонни бундай ноқулай аҳволга солиб қўйганимдан ўзим ҳам ҳижолат чекиб:

– Тўшагингизни анави бўш шконкага ташланг,– дедим ва дастурхонга таклиф қилдим.

Меҳмон нарсаларини жойлаб бўлиб, даврамизга қўшилди.

– Менинг исмим Муҳаммад, Хоразмданман. Бу йигит Ҳаётуллоҳ, Наманганнинг Поп туманидан, тожик. Довонда хусусий чойхона очган экан. Унинг чойхонасида Тоҳир Йўлдошнинг танишлари чой ичгани учун бу йигитни ҳам “ваҳобий” деб қамашибди. Бу киши ҳам Намангандан, исми Нуриддин. Бу йигит Тошкентнинг Самарқанд-дарвозасидан, исми Рустам.

Меҳмонни ҳужрадагилар билан таништириб бўлиб:

– Ўзлари ким бўладилар?– деб сўрадим.

– Исмим Боқижон... Солиев³⁸. Андижоннинг... Андижонданман.

– Боқижон, Боқижон... Солиев – бу фамилиянгизми?

– Ҳа. Солиев – фамилиям.

– Боқижон, сиз танишганингизда ҳамма вақт исмингиз ёнига фамилиянгизни қўшасизми ёки айрим ҳоллардами?– деб сўрадим.

Ҳужрадагилар кулиб юборишди. Боқижон ўзи ҳам кулди.

– Ака, узр, довдираб қолиб фамилияни ҳам кўшворибман.

– Довдираманг-да, ука. Ёки ҳужрамизда сизни довдиратадиган бирор гап бўлдими?

Боқижон аста-секин ўзига келиб, ҳазилга ҳазил билан жавоб бера бошлади:

– Ака, тўғриси айтсам, камерага кирганимда берган саволларингизни эшитиб, кўриниши туппа-тузук одам экан-у, сал-пал оқилдан озибди бу киши, деб ўйладим. Ўзингизам жиддий оҳангда га-

³⁸ Солиев Боқижон Эргашович, 1971 йил 19 февралда Андижон шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1999 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан отувга ҳукм қилинган. Маълумот манбаеси: ҳукм, ТКПЦ-4.

пирдингиз-да, ахир,— деди Боқижон жилмайиб.

Боқижон Андижон қамоқхонасидан келганини, арзимас нарсага айбланиб қамалганини, Худо хоҳласа, тез кунларда озодликка чиқиб, ўзининг меҳр қўйган иши – деҳқончилик билан шуғулланишини айтиб берди.

– Ниятингиз амалга ошсин, омин,— деб дуо қилиб қўйдик...

Ўз навбатида, ҳужрадаги эскилар ҳам нима сабабдан қамалганларини гапириб бердилар.

Шундай қилиб, Боқижон ҳам Тоштурма ертўласи ҳаётига кўника бошлади. Кунлар ўтиб, ҳужранинг энг қувноқ, энг ҳазилкаш маҳбусига айланди.

Орадан бир-қанча вақт кечиб Боқижонга 700 варақдан иборат айблов хулосаси келди. Бу бир қучоқ “айбловни” кўриб, ҳужрадагилар ичакларимиз қотиб куламиз. Боқижон:

– Сизларга ҳам айблов қоғози келсин, ўшанда кўрамиз, ким кимнинг устидан кулишини! – дейди.

Унинг жиноятига бағишланган бу “роман”даги “қахрамонлар”ни, яъни Боқижоннинг “жиной шериқлар”ини санаб чиқишнинг ўзи бир мушкул иш эди.

– Боқижон, ўзбек халқининг тенг ярми жиноий шеригингиз бўлса кераг-ов?

– Ҳа ака, менам шундай деб ўйлайман. Аслида, бу режим учун ўзбекларнинг 90 фойизи жиноятчи ва қулдир. Қолган ўн фойиз қисми режим маддоҳлари.

– Боқижон, сиёсатдан озгина хабардорсиз, шекилли. Қаерда ўқигансиз?

– 199? йилда институтни тугатганман, ака. Ўзингиз-чи? Қаерда ўқигансиз?

– Мен ҳам Тошкентда, рус тили ва адабиёти институтида 1975-80 йиллари ўқиганман...

Боқижоннинг “айблов хулосаси”ни варақлар эканман, кўзим Акамнинг исмига тушиб қолди.

– Э-ҳе, Боқижон! Муҳаммад Солиҳ ҳам жиноий шеригингиз экан-ку! У кишини танийсизми!?

Боқижон бу саволдан сергак тортади, хавотирга тушди, қандай жавоб беришни билмай, дудуқланди.

– У кишини... у киши билан таниш эмасман, лекин кўп эшитганман. Президентликка сайлов пайтида телевизорда кўрганман.

– Умуман қўл бериб кўришмаганмисиз?

– Йўқ. Кўрмаганман... Кўришмаганман...

Боқижоннинг менга нисбатан шубҳаси ортганини кўриб, янада шубҳани оширувчи савол бердим:

– Боқижон, кўркманг ука, ҳеч кимга айтмайман, чин сўзим. Ҳеч кўрмаганмисиз Муҳаммад Солиҳни? Ваъда бераман, ҳеч кимга айтмайман.

– Ака, сизга айтдим-ку, кўрмаганман деб! Намунча сўроққа тутасиз?

“Дехқон” Боқижоннинг хавотирини илғаган Ҳаётуллоҳ ниҳоят “ёрилди” ва Боқижонга:

– Боқи ака, бу камерадаги ҳаммамиз у ёки бу маънода Муҳаммад Солиҳнинг “жиной шериқлар”имиз. Муҳаммад акамиз эса, у кишининг туғишган укаси бўлади. Шундай экан, бизга шубҳа билан қарашингизга ҳожат йўқ, – деди.

Боқижоннинг юзи чўғдай қизарди, хижолат чекди. Нима қилишини билмай, довдираб қолди. Мен уни бу қийин вазиятдан қутқариш пайига тушдим:

– Боқижон, сиз бизга тўлиқ ишонмай жуда тўғри иш қилдингиз. Шу ҳужрадаги ҳаммамиз бир-биримиз ҳақимизда яхши маълумотга эга бўлмай туриб, ноўрин гапларни гапирмаганмиз. Тўғриси, мен ҳатто қамалмасимдан бурун ҳам дуч келганга ишонавермас эдим. Қамоқда-ку, айтмаса ҳам бўлади. Ҳатто ўзимга ҳам ишонмай қолган лаҳзалар бўлган. Шунинг учун ҳам сизга ким эканимни тўлиқ ошкор қилмадим.

Боқижоннинг юзи ёришди, таранг кайфияти ечилди, кўзларида самимият акс эта бошлади ва энди анча хотиржам тортди:

– Ҳайрият-э, ака, елкамдан тоғ қулагандай бўлди, уф-ф!..

– Қани энди айтингчи Боқижон, нима учун қамалгансиз ўзи?

– Муҳаммад ака, гапнинг очиғи шундаки, мен аҳмоқ кимларгадир: “Муҳаммад Солиҳнинг тутган йўли тўғри эди, мана бу каззоб президент бўлиб қолди”, деб афсусланганман. Битта шу гапим уларнинг қулоғига етиб борибди.

– Тоҳир, Жумаларни танимасмидингиз? Фақат шу гапингиз учун қамашганини қаердан биласиз, балки бошқа сабаблар ҳам бордир?

– Э-ҳе, Муҳаммад ака, сиз буларни билмайсиз. Булар бор-ку, булар звания (унвон) учун, пул учун онасини сотадиган тоифадан-ку! Биз булар учун киммиз? Ҳеч киммиз! Буларга “Шапкасини олиб кел!” деса, шапкаси билан бирга бошини узиб келади!

– Боқижон, фақат тўғриси айтинг, қўлингизга ҳеч қурол ушлаганмисиз?

– Қайси маънода? Агар армиядагини назарда тутаётган бўлсангиз, албатта ушлаганман.

– Йўқ, йўқ. Мен “айблов хулосаси”да сизга қўйилган айбларни назарда тутаяпман.

– Қасам ичишим мумкин, қурол-яроғ деган нарсани кўрмаганман. “Хулоса”да келтирилганларнинг биронтасини ҳам танимадим. Фақат акангизни, Тохирни ва Жумани оғзаки танийман, ишонаверинг. Менимча, кимдир Муҳаммад Солиҳ акани тилга олганимни ментларга етказган бўлса керак. Чунки сўроқ пайтида асосан акангиз тўғрисида сўрашди.

– Қийнашдими?

– Э-э, ака, гапирманг. Андижон турмаси ҳам... Шундай қийнашдики, умуман танимайдиган одамларни “акам”, “укам”, “оғайним”, деворганимни билмай қолдим. Айниқса, Муҳаммад Солиҳ акага ноҳақ тухматлар ёғдиришимга мажбур қилишди. Оёқларимни қаранг, менимча дубинканинг излари бир умрга қолади энди. Буйрақларим ишламай қолди, ака. Жигарим коптокдек шишиб кетди. Ҳозир бу қайтгани (жигарини кўрсатади), мана қаранг... Оқсаб юришингизга қараганда, сизни биздан кўра ўн карра ортиқ қийнашгандир?

– Йўқ, эл қатори. Йиқилиб тушганман, лекин менинг қўлим эмас, оёғим синган. Йиқилганимда мен ҳам машҳур кинокомедиядагидек, “чёрт побери” десам, дуру-тиллолар ўрнига резина тўқмоқлар билан “типслаб” ташлашган.

Ҳужрадагилар қотиб қулишди. Боқижон:

– Муҳаммад ака, беҳазил, МВД (ИИВ) подвали даҳшат эканини ҳаммамиз эшитганмиз. У ердаги ментлар кутурган итлардан ҳам беш-баттар дейишади, шу тўғрими?

– Вазирлик ертўласидаги ментларлардан ҳам ваҳшийроқлари бор. Булар ўша саксонинчи йилларда Афғонистонда бўлиб қайтган

“спецназ”чилар. Улар наркотик модда истеъмол қилиб оладилар-да, ишга киришадилар. Бу “бултерьер”лар наркотикни қабул қилганидан кейин раҳм-шафқат деган нарсани билмайди. Улардан ташқари, етимхонада ўсган етимчалар – Каримовнинг “фарзандлари”– ҳам қийноқларда иштирок этади. Улар худди “ота”сига менгзайдилар, раҳм-шафқат қилмаслик учун уларга наркотик моддалар қабул қилиши шарт эмас. Улар “ишга киришганида” ментлару терговчилар даҳлизга чиқиб кетади. Гумонланувчи ўлиб қолса, гувоҳлик беришдан кўркишса керак...

– Демак, рост экан-да шу гаплар?

– Қайси гаплар?

– Каримов ўзининг тан соқчиларини етимхоналарда улғайиб-ўсганлар ичидан танлаганлиги.

– Билмадим, балки ростдир. Лекин ИИВ ертўласидаги барзангилар Каримовнинг кучуклари эканини айтишган. Шу кучклардан бири Хоразмдан эди. Уларни ҳеч ким исмлари билан чақирмас эди, ўзлари ҳам чурқ этмасди.

– Гапирмаган бўлишса, Хоразмдан эканлигини қаердан билгансиз?

– Ўша ертўлада ишлайдиган бир акахон, яхши одам айтган. Оддий мелиса. Ертўладагилардан фақат шу киши менга раҳми келиб йиғлаганини кўрганман. Фақат шу киши менга тасалли берар, бу қийноқлардан тезроқ қутилишимни тилаб дуо қилар эди. Худо хоҳласа, эсон-омон бу дардлардан қутилиб чиқиб кетсангиз, уйимга меҳмонга борасиз, деб уй манзилини ҳам берган. Шунақа, Боқижон, мелисада ҳам яхши одамлар бор.

– Муҳаммад ака, гапингиз тўғри, мелисада ҳам яхшилари йўқ эмас, бор, лекин улар жудаям кам, айтиш мумкин, анқонинг уруғи. Аслида, буларнинг 99 фойизи, ҳали айтганимдай, пул деса онасини ҳам сотадиганлардан. “Мол эгасига ўхшамаса, харом ўлади” деган нақл буларга тегишли, аслида. Буларнинг эгаси Каримов. Ўзингиз мендан яхшироқ биласиз унинг қандайлигини...

Бир куни “сайр” пайтида Боқижон олдимга келди ва мени чеккага тортиб, секин овозда:

– Муҳаммад ака, ҳали талабалик давримдаёқ Солиҳ акага меҳрим баланд эди. Дўстларимга унинг шеърларини ёддан ўқиб берардим. Нафақат мен, балки барча талабалар учун акангиз идеал

эди. Тақдирни қаранг, қийноқларга бардош беролмадим ва энг азиз ҳисоблаганим инсонга тухмат қилишга мажбур этилдим. Ҳозир афсусланаёпман. Азобларга, оғриққа охиригача чидолмадим. Бегуноҳ одамга, соф инсонга тухмат қилганим учун ҳозир ўзимдан жирканиб кетаяпман, ака...

Бокижоннинг кўзлари ёшланди, хўрлиги келганидан бошқа гапиролмай қолди. Унинг ҳолатини тушунаман, аммо қандай тасалли беришни билмасдим.

– Қолган гапларни камерада гаплашамиз, ҳозир “сайр” ҳам тугаса керак, – дедим ниҳоят.

Ҳужрага қайтдик.

Бир соатдан сўнг яна ўша бемаза тушлик – тузсиз карам шўрва, ювилмай қайнатилган перловка, “елим” нон (крокодил). Яхшиям камерада “машка” бор. Йигитлар шу “машка”да баландани қайта пишириб, ҳақиқий овқатга айлантиришади, нонни қайта ёпишади.

Энг асосийси, ёз келиб шўр карам тугагани.

Тушликдан сўнг Бокижон менинг шконкамга келиб ёнимга ўтирди ва “сайр” пайтида узилган суҳбатини давом эттирди:

– Ака, омон-эсон бу жаҳаннамдан қутилиб Муҳаммад Солиҳ ака билан учрашиш бахтига муяссар бўлсангиз, ноҳақ тухматим учун мени кечирешини сўранг. Билмадим, бу ёғи нима билан тугайди. Қамоқдан чиқсам, қандай бош кўтариб юра оламан? Одамларнинг юзига қандай қарайман? Ўлиб кетганим яхши эди бундай яшагандан кўра! Ҳа ака, ўлганим яхши эди...

– Бокижон, қўйинг ундай деманг. Худо хоҳласа, қамоқдан соғ-саломат қутилиб чиқсангиз, ҳаммаси унут бўлади. Оллоҳ таолодан гуноҳларимизни кечирешини сўрайлик. Шунинг учун энг аввало қамоқдан соғ-саломат қутулишимизни сўраб дуо қилайлик. Иншаоллоҳ, у ёғи бир гап бўлар. Сўз бераман, агар бу жаҳаннамдан қутулсак, Акамга ўзим сиз ҳақингизда гапириб бераман ва сизни кечирешини илтимос қиламан. Аниқ биламан: Акам сизни тушунади ва кечиради.

– Раҳмат, Муҳаммад ака.

– Раҳматни менга эмас, Муҳаммад Солиҳга айтасиз, Худо хоҳласа...

Бу бизнинг, янглишмасам, охириги жиддий суҳбатларимиздан бири эди.

Бокижон билан суҳбат қилишни ёқтирардим. У ҳартомонлама – ҳам дунёвий, ҳам диний илмга эга, кенг дунёқарашли йигит. Афсус, у билан бўлиб ўтган суҳбатларимизнинг эсимда қолганларинигина қоғозга туширдим.

Август ойи бошида бизнинг гуруҳни маҳкамага тортишди ва биз шу кетганча ой охиридагина Тоштурмага қайтиб келдик.

Мен 28-чи ҳужрага келганимда, Бокижонни олиб кетишган экан. Ҳужрадагилар айтишига қараганда, унга отув ҳукми тайинланибди. Қаерга олиб кетишганини ҳужрадагилар билмаган.

18 йил ичида Ўзбекистондаги қамоқхоналарнинг деярли ярмида жазо муддатини ўтадим, лекин ҳеч бир зонада “1999 йил феврал воқеаларида иштирок этганлар”, яъни “террористлар”ни учратмадим, нафақат учратмадим, ҳатто улар тўғрисида бир оғиз сўз эшитмадим...

МАҲКАМА. «УЮШГАН ЖИНОЙИТ ГУРУҲ»

1999 йил. Июл.

Мени Тоштурманинг тергов бўлимига чақиришди ва шу ердаги маҳбусларни вақтинчалик кутиб туришлари учун мўлжалланган камералардан бирига киритишди.

Бир соатлар вақт ўтиб, камерага Ички ишлар вазирлиги катта терговчиси капитан Илҳом Турғунов укам Рашид Бекжонни келтирди. Рашид билан дийдорлашиб олганимиздан сўнг, мен Илҳомдан:

– Нега шу пайтгача укам билан учраштирмадинглар? – деб сўрадим.

– Муҳаммад ака, тўғри тушунинг, қандай қилиб учраштираман? Менда сизларни учраштиришга ҳуқуқ берилмаган-ку, ахир. Мана, бугун “дело”ни келтирдим, ҳаммангиз (гуруҳдаги олти кишини назарда тутаяди) бир хонада ўтириб танишиб чиқасизлар. “Дело” олти томдан иборат, ўзаро гаплашиб, маслаҳатлашиб ўтирасизлар. Сизларга ҳеч ким халақит бермайди.

– Илҳом, айтчи, умрингда ҳеч бировга яхшилик қилганмисан?

Ҳозир сен ҳеч қандай гуноҳимиз йўқлигини била туриб, шундай оғир айбни бизнинг гарданзимизга юкляяпсан. Худодан қўрқмайсанми?

– Муҳаммад ака, гуноҳингиз йўқлигини биламан, тан оламан, лекин юқорининг буйруғи шу. Мен қўлимдан келган яхшилиқни қилдим, бошқасига иложим йўқ.

– Э-ҳа! Яхшилиқ қилдим де? Нима яхшилиқ экан у? Билмай қолганимиз чатоқ бўлибди ўша яхшилигингни. Қани, эшитайлик ўша яхшилиқ ҳақда!

– Мана, Рашид ака айтсин...

– Илҳом, мен сендан қилган яхшилигингни айтиб бер, деяпман.

– Қилган яхшилигим – “дело”дан терроризмни (ЖКнинг 155-моддасини назарда тутати) олиб ташладим. Қолган статялар ерунда. Худо хоҳласа, олти ойга қолмай чиқиб кетасизлар, Муҳаммад ака!

– Шуми бизга қилган яхшилигинг? Ўзинг биласанми нималар деяётганингни? Нима, бизга юкланган бошқа айбларга иқрорлик билдиришимиз керак экан-да, шундайми?!

– Муҳаммад ака, айтдим-ку, юқорининг буйруғи билан сизларга шу айбларни қўйишга мажбурмиз, деб.

– Ким ўша юқоринг? Каримовми?

Менинг сўнгги саволимга терговчи Илҳом бош ирғайди. Мен терговчига:

– Ҳе, ўша Каримовинг...

– Муҳаммад ака, мени ҳам сўқинг, майли мен розиман...

– Сен ҳам ...

Бу пайт камерага кириб келган хабарчи сабаб, “сухбат”имиз узилди. Хабарчи хужжатлар хонага келтирилганини айтди. Бизни “дело” билан таништиришга олиб чиқиб кетишди.

Август ойи бошида мени яна ИИВ ертўласига олиб келишди. Эртасига тонгда гуруҳимизни зековозга чиқариб, Янгийўл шаҳри мелиса бўлимига олиб боришди ва камераларга тарқатишди. Бу камераларда бор-йўғи бир соатча вақт бўлганимиздан сўнг гуруҳимизни Янгийўл туман суди биносига олиб боришди ва тўғридан-тўғри суд залига олиб чиқишди. Суд залига кўчада кутиб турган одамлар ҳам

кириб келишди. Бу одамлар ичида Михаил Арзиновдан³⁹ бошқаси бизга нотаниш эди.

Залга суд ҳайъати кириб келди. Ҳали суд раиси ўз жойига ўтириб улгурмасдан, Михаил Арзинов суд раисини саволлар билан кўмиб ташлади:

– Жаноб раис! Сизга бир-нечта саволим бор эди, рухсатингиз билан уларни ўқиб эшиттирсам: Нима сабабдан айбланувчиларнинг қариндош-уруғлари бугунги суд мажлиси тўғрисида хабардор қилинмаган? Нима сабабдан бу суд мажлиси яширин ва фавқулодда тарзда ўтказилмоқда? Ёки бу ёпиқ судми? Бир қизиқиб кўринг-чи, жаноб раис, айбланувчилар нимада айбланаётганларини билишади-ми, йўқми?..

Суд раиси ўрнидан туриб:

– Нима гап? Ҳалигача сизларга айблов хулосаси берилмадими? – дея сўради.

Ҳаммамиз суд мажлиси бугунга белгиланганини ҳозир эшитаётганимизни айтдик.

Раис гўё худди шу жавобни кутиб тургандек, “бунақаси кетмас”лигини айтиб, суд куни номаълум муддатга кечиктирилишини маълум қилди ва бизни яна орқага – ИИВга олиб кетишади. ИИВда бизни яна 14 кун давомида ушлаб ўтиришди.

17 август куни эрта тонгда гуруҳимизни камералардан чиқаришди, бироқ нима учун чиқаришаётганини айтишмади. Бу сафар ҳам биз суд бўлиши ҳақида конвойларнинг ўзаро гапларидан билиб олдик.

1999 йил 17 август.

Бу куни Чилонзорда жойлашган Тошкент вилоят суди биносида бизнинг гуруҳимиз судлови бошланди.

Конвойларнинг каттаси бизни ИИВ ертўласида бирма-бир тинтув қилиб чиқди. Сўнгра ИИВ ҳовлисида кутиб турган зековозга чиқаришди. Ҳаммамиз зековозга жойлашганимиздан сўнг машина ўрнидан кўзғолди. ИИВ ҳовлисидан ташқарига чиққанимизда “саф”га яна бир нечта машина кўшилди.

Орқа ва олдиндаги машиналар сиреналарини ёқди.

39 Михаил Арзинов – ўша пайтда Ўзбекистондаги норасмий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотининг фаоли.

Ҳар икки-уч дақиқада бизни кўриқлаб кетаётган конвойларнинг катгаси рация орқали: “Фалон жойдамиз, ҳаммаси жойида”, “Фалон бурилишдан ўтдик, ҳаммаси яхши!” деб хабар бериб борар эди.

Машиналар суд биноси ҳовлисига кириб, бизни пастга туширишганида, бизни яна икки машина солдат ва битта БТР кузатиб келгани маълум бўлади.

Ҳовлида солдат ва мелиса ходимларидан ташқари, бир тўда фуқаро кийимидагиларни ҳам кўрдик.

Ҳарбийлар бизнинг кишанланган қўлларимизни орқага қайиришиб, бўйинларимизни пастга босишиб, иккинчи қаватдаги суд залига олиб киришди ва “обезьянка”га киришда қўларимиздаги кишанларни ечишди.

Суд мажлиси залига санокли одамлар киритилган эди. Хонанинг ярмини бизни кўриқлаётган ҳарбийлар эгаллаб олган, қолган жойлар деярли бўш эди.

Қариндошларимиздан биттадангина одам киритилганини кўриб, адвокатимиз Ҳамид Зайниддиновга⁴⁰ бошқа қариндош-уруғларимизни ҳам суд мажлисига киритишини талаб қилишини сўрадик. Агарда суд раиси бу талабимизни бажаришдан бош тортса, биз ўз норозилигимизни билдиришимизни айтдик.

Ҳамид ака бизнинг талабимиз масаласида суд раисига мурожаат этди. Бироқ суд раиси бу талабимизни инкор этади.

Шунда адвокат Ҳамид Зайниддинов суд раисига, суд мажлиси очик бўлади деб эълон қилинган эди-ку, деб эслатди. Лекин раис ўз билганидан қолмай, шу ердагилардан бошқа ҳеч ким киритилмайди, деди.

Биз Ҳамид акадан қалам-қоғоз беришини илтимос қилдик ва ундан бу нарсаларни олиб Америка, Англия, Олмония ва Франция раҳбарлари номига Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги ва бу ердаги ҳақсизликларга, диктаторлик режимига муносабат билдиришларини сўраб мурожаатнома-ҳужжат ёздик. Ҳужжат тагига ҳаммамиз⁴¹ имзо қўйиб, Ҳамид акага топширдик.

40 Ҳамид Зайниддинов – ўша пайтда Ўзбекистондаги “Олтин бешлик” (“Золотая пятерка”) гуруҳининг етакчи адвокатларидан бири бўлган. 2001 (?) йилда расмий ҳужжатларда қайд этилишича, “юрак хуружи”дан вафот этган. Норасмий манбаларнинг хабарларига кўра, Ҳамид Зайниддинов Каримов ҳукумати томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

41 “АҚШ, Англия, Олмония ва Франция раҳбарлари номига мурожаат”га Мамадали Маҳмудов, Юсуф Рўзимуродов, Қобул Диёров, Незмат Шарипов, Рашид Бекжон ва Муҳаммад Бекжон имзо чекдилар.

Адвокатимиздан бу мурожаат матнини ташқарида турган журналистларга ўқиб эшиттиришини илтимос қилдик.

Суд мажлиси биринчи кунининг биринчи ярми шундай тортишувларга бой тарзда ўтади.

Гуруҳимизнинг жипслиги ва қатъияти бошида оёқ тираб туриб олган суд раисини қариндош-уруғларимизнинг қолганларини ҳам суд залига киритишга мажбур қилади. Пастдан то иккинчи қаватдаги суд залигача бизнинг қўлларимизни орқага қайириб, бошимизни ерга букиб, “югур-югур” гилатиб келтирган ҳарбийларнинг ҳам бизга нисбатан муомаласини ўзгартирди. Яъни улар ҳам бизга хайрихоҳлик билдира бошлашди.

Танаффус пайтида бизни биринчи қаватдаги камераларга тарқатишди.

Мен тушган камерада тошкентлик икки йигит ўтирган эди. Улар «Ҳизбут таҳрир»дан эканликларини, судлари иккинчи қаватдаги заллардан бирида ўтаётганини айтишди.

Ўз навбатида мендан ҳам қайси оқимга мансублигимни сўрашди. Мен уларга ЭРК партиясидан эканлигимни айтдим.

Шунда йигитларнинг бўйи узун:

– Ҳа, биламан сизларнинг партиянгизни. Катталаринг анави демократ Муҳаммад Солиҳ-ку. Между прочим, яқинда у Россиянинг ТВ-6 каналидан чиқиб Елсинга ёлворганини кўрдим.

– Йўғ-е, – дедим мен. – Нима деб ёлворибди?

– “Ўзбекистонга раҳбарликни менга олиб беринг, кейин сиз нима десангиз шу бўлади”, деди.

– Қачон айтган экан ундай деб, анча бўлдимми?

– Мана, яқинда. Ҳали икки ҳафта ҳам бўлгани йўқ.

– Ўз қулоғинг билан эшитдинг, ўз кўзинг билан кўрдинг-а шундай деб гапирганини?

– Албатта-да! Нима, бировнинг кўзи билан, бировнинг қулоғи билан эшитишим керакмиди?

– Сенинг исминг ким, йигитча?

– Йигитчамас. Заҳарханда қилмай гапиринг.

– Майли, заҳарханда қилмайман, исминг ким эди?

– Меники Ботир, братишканики Шуҳрат, – деди у бўйи калтароқ йигитга ишора қилиб.

– Хўш, Ботирвой, қачон қамалгансан? Анча бўлгандир?

Ҳисоблаб чиқиб:

– Икки ойу 19 кун,– деди у.

– Қаерда, Тоштурмада бўлдингларми?

Шуҳрат гапга аралашди:

– Йўқ, бизни “управада” сақлашди.

– Управада телевизор кўришга рухсат борми? Мен Тоштурмада тўрт ойдан ошиқ ўтирдим, лекин телевизорни бор камера ҳақида эшитмадим.

– Управада телевизор тугул радио эшитиш катта проблема, ака. Управада фақат дубинкани кўрганмиз!– деди Шуҳрат.

– Қани, энди айт-чи, Ботирвой! Сен ҳали Муҳаммад Солиҳни ТВ-6 каналида Елцинга ёлворганини бундан икки ҳафта олдин ўз кўзинг билан кўрганингни айтдинг, шундайми? Сенинг ҳизбут таҳрирингдагиларни ҳаммаси сенга ўхшаган бўҳтончими ёки уларнинг ичида битта сенми шундай?

Ботир сурбетларча, отдан тушса ҳам эгардан тушгиси йўқ эди:

– Тўғриси, ўзим кўрмаганман, биродарлардан эшитганман. Бизникилар ёлғон гапирмайди, ҳақни гапиради, уларга ишонаман, шунинг учун ҳам смело ўзим кўргандай гапиряпман! Сизлар ҳокимият тепасига келсанглар, сизларга ҳам қарши бўлаемиз, сизларни ҳам ағдараемиз!

– Ў-ҳў, зўрсан-ку! Кимни ҳокимиятдан ағдаришга улгурдинг, Каримовними? Каримовни ағдарган бўлсанг, сени ким қамади?

– Ака илтимос, бу кишига эътибор берманг, характери шунақа. Бўлмағур гапларни гапиради-да, бошқалар унинг учун жавоб беришга мажбур, – деди Шуҳрат.

Энди баҳс Шуҳрат ва Ботир ўртасида бошланди.

Ботир:

– Шух, нима деяпсан ўзи? Қайси бўлмағур гапни гапирибман мен?

Шуҳрат:

– Биринчидан, сен ёлғон гапирдинг, ёлғонинг ошкор бўлганидан сўнг ўзингни асраш учун айбингни бошқаларга, шу жумладан менга ҳам ағдаряпсан. Сенга неча бор айтилди, ташла шу фантазёрлигингни деб. Сен яна ўз билганингдан қолмаяпсан. Қара лекин, охири чаток

бўлади шу кетишингда!

Ботир:

– Нима деб ёлғон гапирибман мен, Шух?

Шухрат:

– Сен шу қилиғинг билан ҳамма хизбчиларни шарманда қиялсан, Ботир. Ўзинг кўрмаган, ишонмаган нарса тўғрисида валдирашни бас қил! Ҳали суддаям “э” йўқ, “бе” йўқ, права қачат қиялсан. Қисиб ўтирмайсанми сенга сўз бергунича!

Ботир:

– Ҳой Шух! Тил экан деб эрк бераверма, ёмон бўлади!

Шухрат:

– Вот-вот! Тилим бор деб ҳар балони валдирайвермаслик керак. Жуда тўғри айтдинг, ёмон бўлади. Қис, короче, тушундингми!

Ботир иштонини ҳўллаб қўйган бола мисол жимиб қолди. Ёнида ўтирган Шухрат ўрнидан туриб менинг ёнимга ўтиради ва:

– Ака, айбга йўйманг энди. Бунга ўзимиз тушунтириб қўямиз. Беш-олти йил қамоқда ўтирса, ўзига келиб қолар. Узр ака...

Танаффусдан сўнг суд мажлисида арзигулик гап бўлмади. Яъни гуруҳимиз аъзоларига ИИВ терговчиси қўйган айблов хулосасини суд раиси ўқиб эшиттирди ва шу билан кейинги мажлис куни эълон қилиниб, суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Бизни яна ИИВ ертўласига олиб келишди.

Суднинг иккинчи куни ҳаммамиз бизга юкланган айбларни тан олмадик. ИИВ ертўласидаги қийноқлар тўғрисида гапирдик. Суд мажлисига бизни тергов қилган ИИВ катта терговчиси капитан Илҳом Турғуновни гувоҳ сифатида чақиртириб олдик. Бизнинг бу ҳаракатларимиз суд ҳайъатига мутлақо таъсир қилмади.

Шундай қилиб, Тошкент вилоят суди раиси танаффусдан сўнг ҳукмни ўқиб эшиттирди.

Ҳукмга кўра судланувчилар:

1. Шарипов Неъмат. Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. Ҳеч қайси партия ёки ҳаракат аъзоси бўлмаган. Қамалгунига қадар Украинанинг Киев шаҳри Троешина бозорида савдо-сотик билан шуғулланган. Киев шаҳрида қўлга олинган.

Тошкент вилоят суди томонидан қўйилган айблов:

“Тақиқланган “Эрк” газетасини Ўзбекистон ҳудудида тарқатган;

Уюшган жиноий гуруҳга аъзо; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини куч ишлатиш йўли билан ағдармоқчи бўлган”лиги учун 8 (саккиз) йилга озодликдан маҳрум этилди.

2. Диёров Қобул. Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. “Бирлик” халқ ҳаракати фаоли. Қамалғунига қадар Украинанинг Киев шаҳрида тижорат билан шуғулланган. Киев шаҳрида қўлга олинган.

Тошкент вилоят суди томонидан қўйилган айблов:

“Тақиқланган “Эрк” газетасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатган; Уюшган жиноий гуруҳга аъзо; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини куч ишлатиш йўли билан ағдармоқчи бўлган”лиги учун 10 (ўн) йилга озодликдан маҳрум этилди.

3. Бегжонов Рашид. Хоразм вилояти Янгибозор туманида туғилган. ЭРК партияси фаоли. Тошкентга кўзини даволатишга борганида қўлга олинган.

Тошкент вилоят суди томонидан қўйилган айблов:

“Тақиқланган ЭРК партиясига аъзо бўлган; Чорвоқ ГРЭС ини портлатишни мўлжал қилган; Уюшган жиноий гуруҳга аъзо; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини куч ишлатиш йўли билан ағдармоқчи бўлган”лиги учун 12 (ўн икки) йилга озодликдан маҳрум этилди.

4. Маҳмудов Мамадали (Эврил Турон). Таниқли ёзувчи. Жиззах вилояти Зомин туманида туғилган. Маданият фонди раиси лавозимида ишлаган. Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси. Қамалғунига қадар Тошкент шаҳрида яшаган, Тошкентда қамоққа олинган.

Тошкент вилоят суди томонидан қўйилган айблов:

“Ўзбекистон Республикаси президенти Ислоҳ Каримов жонига суиқасд уюштиришни режалаштирганлиги; Тақиқланган ЭРК партиясини қўллаб-қувватлаганлиги” учун 14 (ўн тўрт) йилга озодликдан маҳрум этилди.

5. Рўзимуродов Юсуф. Журналист. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. ЭРК партияси фаоли. Қамалғунига қадар Украинанинг Киев шаҳрида тижорат билан шуғулланган. Киев шаҳрида қўлга олинган.

Тошкент вилоят суди томонидан қўйилган айблов:

“Тақиқланган ЭРК партиясига аъзолиги; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумини куч ишлатиш йўли билан ағдармоқчи бўлганлиги; Президент Каримовни ОАВ ларда ҳақорат қилганлиги; Уюшган жиноий гуруҳга аъзолиги” учун 15 (ўн беш) йилга озодликдан маҳрум этилди.

6. Муҳаммад Бегжонов. Менга қўйилган айблар ҳам гуруҳимиздагилар билан деярли бир хил. Тайинланган жазо муддати – 15 (ўн беш) йил.

48-ЧИ ЗОНА. ҚИЗИЛТЕПА

Суддан кейин Тоштурмада яна уч ой ётишимизга тўғри келди. Ёзган шикоятларимизга жавоб кутдик.

Ниҳоят, мени 1999 йил 9 декабр куни Қизилтепага этап қилишди. 15 кунлик карантиндан сўнг зонага чиқдик.

Тоштурмада ўтирганимизда “Зонага чиқсангизлар, у ерда шароитлар яхши, ишга чиқасизлар, тоза ҳаво, кунлар ўтганини билмай қоласизлар”, дейишарди. Зонага келиб бу гаплар қурук сафсата эканлигига амин бўлдик. Қизилтепадаги зонада олтмиш кишига мўлжалланган баракда юздан ортиқ киши яшар экан.

Тунда, ухлашга рухсат текканидан сўнг баракда юрадиган жой бўлмайди. Жой етишмаслиги сабаб ўтиш жойларини ҳам маҳбуслар ишғол этишган. Ярим тунда ҳожатга чиқиш зарурати туғилса, полда ётганлар устидан ҳатлаб ўтишингизга тўғри келади.

Худо кўрсатмасин, беҳосдан оёгингиз биронта одамнинг юзига тегиб кетиб уйғонса борми, ур-тўполон бошланиши тайин. Қизилтепада бор-йўғи тўрт ой бўлиб, тўрт марта шундай тўполоннинг гувоҳи бўлганман.

Қизилтепа зонасининг яна бир аҳамиятга молик жойи – бу ерда битламаган одамни топиш амримаҳол эди. Ишонини қийин, лекин барак деворларида ҳам битлар ўрмалаб юрганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу зонанинг ишлаб чиқариш ҳудудидаги шароитни ҳам яхши деб бўлмайди. Ғишт ишлаб чиқариш заводи уч сменада, бетиним равишда ишлайди. Ҳар бир смена 10.000 дона ғишт ишлаб чиқариши керак.

Зонанинг яшаш ҳудудида ҳам, ишлаб чиқариш ҳудудида ҳам овқат сифати ўта паст, ҳатто яроқсиз.

Овқатга туз, ёғ солинмайди. Ошхонада ишлайдиганлар ёғни баракма-барак юриб пуллайдилар. Пули борларга гуруч, картошка, гўштни ҳам пуллашади.

Пулсизлар ошхонада тайёрланган баланда билан кун кечиришга мажбур.

Лекин бу зонанинг бошқаларидан афзаллик томони ҳам бор эди: яқинларингиз учрашувга келганида нима олиб келса ва у қанча бўлса ҳам, ичкарига олиб киришга рухсат бор эди.

Шунинг учун ҳам бу зона “зелёный” дейиларди.

Мурод ака (Мурод Жўраев) билан карантиндан чиққан кунимнинг эртасига учрашганмиз. У ўша пайтда ғишт заводида вагонларга ғишт ортиш бригадасига жавобгар эди. Ғишт заводнинг бир бурчагида ўзига эни бир ярим, узунлиги уч метр келадиган қапа қилиб олган эди. Ёнида укаси Шавкат ҳам шу бригадада машиналарга ғишт ортувчи бўлиб ишларди.

Заводда ишлаганимда, тушлик пайтида мени капасига чақириб меҳмон қилиб турарди. Гап сиёсат тўғрисида кетганда, ўзимиз йўл қўйган хатоларни ҳам айтарди. Кимнинг олдида туришидан қатъий назар, Каримов тўғрисида ўзининг салбий фикрини очиқ-ойдин билдирар эди.

Бир куни қапага чақирди.

– Аҳмадjon Одилов сиз билан кўришмоқчи. Ҳозир у санчастанда, менга эрта ё индин олиб кел деган эди. Шунга қандай қарайсиз? Рози бўлсангиз, мен бугун кечкурун унинг олдида бориб айтаман, – деди.

Мен розилик билдирдим.

Эртаси кечкурун Мурод ака билан санчастанга бордик. У ерга кирганимизда менга: “Кутиб туринг, мен ҳозир”, деб ўзи қаергадир бориб келди ва “Кетдик” деди.

Қайсидир палатанинг эшигини қокди. Ичкаридан “киринг” деган овоз эшитилди. Кирдик. Аҳмадjon Одилов келиб мен билан қучоқлашиб кўришди. “Ҳалиям бақувватман” дегандек белимни қучиб кўтариб кўрди ва оғирлигим бўйимга мос келмаслигини айтиб:

– Кўчада неча кило эдингиз? – деб сўради.

Мен тўқсон, тўқсон бир кило бўлганимни айтдим. Аҳмаджон Одилов Мурод акага:

– Муроджон, мана 500 сўм, ушланг. Эртагаёқ ўзингиз ошхонага бориб Муҳаммаджонни диетага ёздирасиз. Шунча гавда билан эллик кило чикмайди-ку! Ноинсофлар, ярамаслар!..

Мен Одиловга:

– Аҳмаджон ака, пулингизни олинг, менга диетик овқат шарт эмас. Зонанинг ошхонасига фақат нонимни олиб келиш учун бораман. Овқатни баракдаги газўчоқда ўзимиз пиширяпмиз. Яқиндагина уйдагилар келишди, пул ҳам, егулик ҳам етарли,– дедим.

– Ундай бўлса, пулни ўзингиз олинг, гўшт, у-бу сотиб оласиз,– деб Мурод акага бермоқчи бўлган 500 сўмни менинг қўлимга тутқазди.

Мурод ака ҳам:

– Олинг, олинг Муҳаммад, қўлини қайтарманг! – деди...

Мурод ака билан Аҳмаджон Одилов ўзаро суҳбат билан машғул бўлишди. Мен палатани кўздан кечира бошладим.

Катта палатада иккита кароват, уларнинг тагида саккиз-тўққизта катта-катта сумка. Бурчакда катта музлатгич, устида бир пачка пул...

Аҳмаджон ака Мурод ака билан суҳбатни тугатиб, мендан:

– Раисимиз ҳам сиз каби новчами, бақувватми?– деб сўради.

– Акам мендан новчароқ, бақувватроқ,– дедим.

– Тохир, Жумабойлардан дарак борми? Улар билан алоқа қилиб турармикан?

– Акам билан 1998 йил ёзида кўришганмиз, шунгача алоқаси йўқ эди. Шундан кейин ҳам бўлмаган бўлса керак, чунки Акам Германияда яшаётган эди...

Орадан уч кун ўтиб, Аҳмаджон Одилов яна чақирганида, қандайдир сабаблар чиқиб қолиб, боролмадим...

«ЖАСЛИҚ»
«КОНЦЕНТРАЦИОН» ЛАГЕРИ

*«Ассалому алайкум, дорнинг озочи!»
Рауф Парфи*

2000 йил 22 апрел. УЯ 64/48. ҚИЗИЛТЕПА.

Эрталаб соат олтида зонада уйқудан уйғотилдик.

Кийиниб улгурмасимдан олдимга ҳарбий сержант келди.

– Сиз Бегжономсиз? – деб сўради.

– Ҳа, мен Бегжономман, тинчликми?

– Юринг, сизни ДПНК⁴² чақиряпти.

Сержант мени ДПНК хонасига эмас, изоляторга бошлаб борди.

Хайрон бўлдим.

– ДПНК чақиряпти деган эдингиз, нимага изоляторга келдик?– деган саволимга сержант:

– ДПНК шу ерда, изоляторда,– дея жавоб қилди.

Изолятор навбатчилари хонасига кирдик. Колония бошлиғи навбатчи ёрдамчиси мени келтирган сержантга ва хонадаги бошқа ходимларга ташқарига чиқиб туришларини айтди. Менга стулни кўрсатиб, “ўтиринг” деди ва қўлидаги қалин “дело”ни очиб, сўзлай бошлади:

– Сиз Муҳаммад Солиҳнинг укасимсиз?

– Ҳа, укасиман.

– Туғишган укасимсиз?

– Туғишган укасиман.

– Ҳозир қаерда акангиз? Қайси давлатда?

– Билмадим. Балки Европада, балки Америка, балки Осиёдадир?

– Мен акангизнинг мухлиси бўлганман. Кўпгина шеърларини ёд олганман. Замонавий шоирлардан унга тенглашадиган шоирни билмайман. Афсуски, сиёсатга ўтиб кетди...

– Ўртоқ майор, кўркмайсизми бировга “гуллаб” кўйишимдан?

42 ДПНК – Дежурный помощник начальника колонии (Колония бошлигининг навбатчи ёрдамчиси).

– Биринчидан, нимага қўркишим керак? Нима, давлатга қарши бирон гап айтдимми ёки Каримовни ҳақорат қилдимми? Иккинчидан, мен ўзим ёқтирган шоир ҳақида гапиришга ҳақлиман, буни ҳеч ким инкор қилишга ҳаққи йўқ. Тўғриси айтганда, сиёсат бобида ҳам Солиҳ ака Каримовдан анча юқори поғонада туради, чунки у киши ўзбек халқининг дардини бунга қараганда (Каримовни назарда тутати) минг марта яхши тушунади. Учинчидан, сиздан чақимчи чиқишига ишонмайман, буни юзингиз айтиб турибди... Сиз, яхшиси, менга ака тўғрисида кўпроқ гапириб беринг. Қўрқманг, мен ҳам чақимчилик одатидан йироқман, ундайлардан ҳазар қиламан...

Орага чўккан жимликни яна майор бузди:

– Солиҳ ака бола-чақасини ҳам олиб кетганми?

– Ҳа, оиласи билан бирга кетишган. Ўртоқ майор, нимага бу ерга чақиртирдингиз, сабабини билсам бўладими?

– Сизни ҳозир бошқа зонага олиб боришади. Сабаби менга қоронғи. Бошлиқ буюради, биз фақат унинг буйруғини бажарамиз. Сабабини ҳам фақат бошлиқ билади. Табиийки, унга ҳам юқоридан буйруқ келади ва ҳоказо.

– Бошқа зонага кетсам, баракда қолган буюмларимни олиб келсам бўладими?

– Ҳозир аниқлайман. Сизларда омборхона соат нечада очилади? Саккиздами?

– Ҳа, эрталабки текширувдан сўнг.

– Ҳозир... ҳозир аниқлаймиз,– деди майор ва рацияда ким биландир менинг буюмларим тўғрисида гаплашади.

Омборчини топиб, Бегжоновнинг сумкасини бу ерга олиб кел, деб буйруқ берди. Лекин, орадан 15-20 дақиқа ўтса ҳам менинг нарсаларимдан дарак бўлмавермади.

Бу орада мени зона ташқарисида турган зековозга чиқаришди. Буюмларим келавермагач, машина ортиқ кутмади – йўлга тушди...

2000 йил 22 апрел. УЯ 64/46. НАВОИЙ.

Зековоз тушликка яқин Навоийдаги 46-чи зонага кириб келди. Мени тўғри олиб бориб зона изоляторига жойлаштиришди.

Изоляторга кирганимга 10 дақиқа вақт ўтмай, колония бошлиғи ҳузурига олиб боришди.

Ичкари кирганингда доклад қил! – деб ўргатишди.

Бошлиқ хонасининг эшигини тақиллатишган эди, ичкаридан рухсат тегди шекилли, мени хонага киргизиб, ўзлари эшик орқасида қолишди.

Катта хона тўрида ёши мен қатори подполковник ўтирар эди. Мен доклад қилиб улгурмасимдан, ўзини таништиришга тушди:

– Мен шу зонанинг бошлиғи бўламан. Исми-фамилиям Азиз Мардонович Бозоров. Келинг, ўтиринг,– дея ўтиришга таклиф қилди.

Хол-аҳвол сўради, Қизилтепадаги шароитлар ҳақида қизиқди.

Мен унга Қизилтепадаги зона тўғрисидаги таассуротларимни айтиб бердим. Гапим сўнгида нима учун бу зонага олиб келишгани сабаби билан қизиқдим:

– Мен ҳам аниғини билмайман. Менга Тошкентдан қўнғирок қилишиб, сизни Қизилтепадан бу ерга олиб келишни буюришди. Балки Тошкентга кетарсиз. Балки... Ҳозирча сиз изоляторда бўлиб турасиз. Анавиларга айтаман, у ерда ҳамма шароитни яратиб беришади. Менга бошқа саволингиз йўқми?

– Азиз Бозорович, тўғриси айтиверинг, қаерга юборишмоқчи? Тошкентгалигига, гапнинг тўғриси, ишонмайман. Жаслиққами?

Мардонов бир сесканиб тушди ва:

– Буни сизга ким айтди? – деб сўради.

Мен ҳеч ким айтмагани, ички сезгим билан пайқаетганимни айтдим.

– Мен аниқ билмайман, аммо ўша ёққа юборишлари ҳам мумкин. Буни мен айтмадим, сиз эшитмадингиз. Қаерда бўлсангиз ҳам, соғ-омон бўлинг. Ташқарида турган ҳарбий олдимга кирсин, айтинг. Майли, рухсат сизга, – деб ўрнидан турди.

Мен подполковник Мардонов билан хайрлашиб, даҳлизда кутиб турган ҳарбийга бошлиқ кутаётганини айтдим.

Ҳарбий бошлиқ олдидан чиққач, изоляторга кетдик. Изолятордаги навбатчи маҳбус омбухонадан қалин тўшак келтириб, нара⁴³ устига тўшаб берди. Камерани тозалади полини артди.

У менга ажратилган “люкс” камерани тозалагунча, мен изолятор даҳлизида ҳарбий билан гурунглашиб турар эдим.

43 Нара – турма ва асосан изоляторлардаги йиғма (деворга йиғиб ташқаридан қулфланадиган) кароват.

Тушлик пайтида мен жойлашган камерага нон, емак ва бир кружка қайноқ сув келтиришди. Изолятордаги бу “шоҳона” ҳаёт бор-йўғи бир-неча соат давом этди ва 23-апрел соат тунги 01:00 ларда мени этапга тортишди.

КПП⁴⁴га келтириб, деворга қаратиб ўтиргизиб қўйишди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтиб, КППга яна бир маҳбусни олиб келишди. Бу маҳбус эски кадрдоним, гуруҳдошим (подельник), ёзувчи Мамадали Маҳмуд эди!

Устозни орадан саккиз ой ўтиб энди кўраётган эдим, шунинг учун бўлса керак, “Устоз, мен ҳам шу ердаман!” деб бақиргим келади, аммо қалбимда жўш урган бу ҳисдан тийилишга мажбурман.

Устознинг буюмларини тинтувдан ўтказишаётган пайт у ҳам мен томонга қаради. Биз бош ирғаб ҳол-аҳвол сўрашган бўлдик.

Мамадали аканинг буюмларини тинтув қилиб бўлиб, бизни ташқарига чиқаришди. Олдин Устозни зековознинг бир бўлимига, кейин мени бошқа бўлимига жойлаштиришди.

Конвойлар ҳам машинага чиқиб олгач, йўлга тушдик. Зонадан бир оз узоклашганимиздан сўнг мен баланд овозда:

- Ассалому алайкум, Устоз! Яхшимисиз?!– деб бақирдим.
- Ваалайкум ассалом! Муҳаммаджон, қалайсиз, ўзингиз яхшими?! Конвойлардан бири:

– Хўв, гаплашмай ўтиринглар!– деб танбех берди.

Мамадали ака конвойга нималарнидир гапирди, тушунтирди. Шундан сўнг конвойлар бизнинг гаплашишимизга эътибор бермай қўйишди.

- Муҳаммаджон, қайси зонада эдингиз?
- Қизилтепада! Кеча олиб келишган эди.
- Эстап қаерга эканини айтишмадими?
- Йўқ, айтишмади. Ўзингиз қаерга деб ўйлайсиз?

– Менимча, Тошкентга! Ишимизни қайта кўриб чиқмоқчи, шекилли! Сиз нима деб ўйлайсиз, Муҳаммаджон?!

- Билмадим, Устоз! Вокзалга борайлик-чи, маълум бўлар.

Устозга бор гапни айтай дедим-у, бу фикримдан қайтдим.

Йигирма дақиқа, ўн дақиқа бўлса ҳам яхши кайфиятда бўлгани яхши, деб ўйлаб аслида қаерга кетаётганимиз ҳақда чурк этмадим.

44 КПП – контрольно-проверочный пункт (Назорат-текширувдан ўтиш жойи).

- Ишонаверинг, Муҳаммаджон, Тошкентга кетяпмиз, Тошкентга!
- Айтганингиз келсин, Устоз! Айтганингиз келсин...

Машина Навоий шаҳри темирйўл вокзалига кириб келди. Радиокарнайдан вокзал дикторининг ўрисчада: “Будьте осторожны, по первому пути прибывает скорый поезд №... Ташкент–Москва...” деган эълони янгради. Сўнгра бу эълон ўзбекчада ҳам қайтарарилди. “...Тошкент–Москва...” Мамадали аканинг овози жаранглади:

– Муҳаммаджон! Муҳаммаджон! Эшитдингизми? “Тошкент” деди! Тошкентга кетяпмиз!..

– Устоз, Тошкент – Москва деяпти! Поезд Тошкентдан келяпти!– деб бақирдим мен.

Мамадали ака менинг гапимни тушундими, йўқми, билмайман. Лекин шуниси аниқки, поездга чиқишимиз биланоқ қаерга кетаётганимизни билди. Чунки биз чиққан вагон лиқ тўла, унинг устига вагондаги барча маҳбуслар диндор ва сиёсийлар эди.

Биз, келгусида ўзининг ўта даҳшатли, инсонийлик тушунчасини мутлоқ инкор этувчи тузуми, режими билан дунёга машхур бўлажак «ЖАСЛИҚ» номли лагерга кетаётган эдик.

Ҳали Тоштурмадалигимизда ҳарбийлар у зонада ўрнатилган режим ҳақида гапириб, унинг номи билан маҳбусларни кўрқитишар эди...

Эрта тонгда, соат 3:30 ларда поезд Жаслиқ посёлкасида тўхтади.

Вагондаги ҳамма маҳбусни иккита зековозга тиқишди. Машина бўлинмаларига (ҳар бўлинма 10 одамга мўлжалланган) йигирматадан одам жойлаштирдилар.

Нафас олишнинг имкони бўлмай қолди. Кимлардир хушидан кетган, кимлардир...

«ОХИРГИ МАНЗИЛ»

2000 йил 24-апрел. УЯ 64/71. ЖАСЛИҚ.

Соат тонгги 4:00 да иккита зековоз 80 нафар маҳбус билан Жаслиқ зонасига кириб келди. Бизнинг олдимизда келган машинадаги маҳбусларни туширишни бошлашди.

– Первый пошёл! Второй пошёл!..

Қий-чув, бақир-чақир, қийқириқлар...

Мен чиққан зековоздаги маҳбуслар ҳам машинадан тушишга ҳозирлик кўра бошлайдилар.

Яхшиям менда ҳеч нарса йўқ. Қолганлар ашқол-дашқолини боши узра кўтариб олган, кимлардир сумкасини кидирган...

Тушиш навбати бизга келди.

Мен Устознинг қайси машинага чиққанини билмай қолган эдим.

Бу гала-ғовурда бақиришдан ҳам фойда йўқ. Ҳар ким “ўзинг учун ўл етим” бўлиб ётибди.

Ҳамма эшик олдига сурилади. Гўё олдинроқ чикса, улуғ мукофот кутиб тургандай. Фамилиясини ўқиганда чикса ҳам бўларди. Йўқ, эшикни тўсиб туриши керак. Бошқаларнинг ўтишига халақит бериши шарт қилиб қўйилган буларга.

– Бегжанов! Бегжанов! Қани Бегжанов? – бақиради пастдан.

– Шу ерда! Мен Бегжанов! – бақираман мен ва эшик олдида тикилиб турган оломонни ёриб ўтиб, пастга тушаман.

Тушишим билан “Нимага имиллайсан ҳайвон, курортга келдингми?!” деб елкамга, белимга беш-олти марта резина тўқмок билан аямасдан уришади. “Дело” бўйича текширувдан ўтказаетган зобитнинг олдига боргунимча ҳам 10-15 марталаб дуч келган жойимга уришади.

– Фамилия, имя, отчество!?!– деб бақирди офицер.

– Бегжанов Мухаммад Мадаминович, 1954 йилда туғилганман!

– Статя, срок!?

– ЖКнинг 158, 159, 216, 242 - моддалари билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилганман!

– Йўқол! – ўшқиради офицер.

Бу ёғида мени нималар кутаётганини билмайман ва билишни ҳам истамас эдим.

Ўзимни “тирик коридор”га урдим.

Икки томондан дубинкалар дуч келган жойимга ёғила бошлади. Оғриқни сезишни унутиб, жон-жаҳдим билан мўлжалга интилавердим. Мўлжал – тезроқ бу “тирик коридор”дан қутулиш.

Бироқ, “коридор”нинг чеки-поёни йўқдай эди.

Қаерга боришинг лозимлигини ҳам ўша “тирик коридор”

кўрсатиб турарди.

“Коридор” бўйлаб иккинчи қаватга тармашаман. Дубинка ёмғири ҳамон тўхтовсиз ва беаёв ёғар эди.

Бу не бахтки, иккинчи қаватга чиққанимда “коридор” тугаб, қаршимда стол пайдо бўлди.

“Ҳайрият-э, қутулдим” деган ўй ўтди хаёлимдан.

Столнинг орқасида уч офицер ўтирибди.

Улар:

– Бизга қандай шикоятинг бор? Биз врачлармиз. Шикоятинг борми? – деб сўрашди.

– Шикоятим йўқ, – деб жавоб қилдим мен.

– Шикоятинг бўлмаса, ечин! – деди биттаси.

Булар мазах қилмоқчи, устимдан кулмоқчи шекилли, деб ўйлаб туриб қолдим.

– Нима, тушунмадингми? Ечин дейиляпти сенга! – бақиршди бараварига.

Мен ечина бошладим.

– Ҳамма нарсангни еч, қип-ялонғоч бўл! Ҳаммасини анави уюмга ташла! Тезроқ бўл, имиллама! Камерага чоп, тез бўл!

Яна ўша “коридор”, яна дубинкалар ёмғири.

Қип-ялонғоч ҳолда, уялиш нималигини унутганча “мўлжал”ингиз томонга чопасиз.

“Тирик коридор” камера эшиги олдида тугайди.

Эшик олдида алоҳида-алоҳида полга бир кишилиқ кийим-кечак, бир жуфт читоз⁴⁵ тахлаб қўйилган бўлади.

Шу тахламлардан бирини олиб, камерага ўқдай отилиб кириб оласиз ва дубинка ейишдан қутуласиз.

Буни “Жаслиқ” зонасига киришининг “ломка”си, яъни “синдириш” маросими дейилади.

Мендан кейин яна ўнтача махбусни бизнинг камерага киритишди.

Эшиклар кулфланди.

Коридорда жимлик.

Камерамизда ҳам жимлик ҳукм суларди.

Ҳаммамиз “бу ёғида нима бўлар экан” деб кутаяпмиз.

Бир соатлар сўнг бошқа камераларнинг эшиклари очилиб-ёпила

45 Читоз – бир йилда бир марта бериладиган қамоқхона оёқ кийими (ботинка).

бошлади. Навбат биз ўтирган камерага ҳам келди.

Эшиклар очилиб, уч-тўртта фамилияни ўқишди. Фамилияси чиққанларни камерадан опчиқиб кетишди.

Бир оздан сўнг яна эшиклар очилди ва мен билан яна икки кишини камерадан чиқариб, қарама-қарши тарафдаги камераларидан бирига киритишди.

Камерадагилар сони биз билан бирга 16 кишига етди. Шконкалар сони ҳам шунча, демак бу ерга энди одам ташламайди. Камерадаги барчамиз бугунги этап билан келтирилганлармиз.

Бу ерда ҳам худди олдинги камерадагидек, кутиш бошланди. Ҳамма ўзининг хаёли билан банд. Жим-житлик.

Бир оздан сўнг камера эшиги шарақа-шуруқ очила бошлади.

Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Камерага қорақалпоқ лейтенант ва учта войсковой кириб келишди.

– Бугундан бошлаб мен сизларнинг отряднигингизман,– деди ва исм-фамилиясини айтиб ўзини таништирди.

– Бу ёғига мен сизларнинг ҳам онангиз, ҳам отангиз бўламан. Нима камчилик, нима гапингиз, нима етишмовчилик бўлса, менга мурожаат этасизлар. Қаерга келганларингни биласизлар, деб ўйлайман. Билмаганлар бўлса, айтай: бу ер сизлар учун охириги станция (“манзил” демоқчи). Шу ерда ўласизлар, шу ерда кўмиласизлар. Бу гапларни шахсан ўзимдан тўқиб чиқараётганим йўқ, бошлиғимиз шундай деган. Тушунарлими? Кимда қандай савол бор менга? Қаранглар, тартиб-интизом бўлсин,– деб ёнидаги шотирлари билан камерани тарк этди.

Отрядник чиқиб кетганидан кейин камерага “хозбарак”дан⁴⁶ ёши қирқлардан ошган киши (махкум) ни киритишади. У ўзини таништиришни бошлади.

УЧ КУНЛИК «ЎҚИТУВЧИ»

– Йигитлар, менинг исмим Солижон. Наманганнинг Косонсой туманиданман. 97- модда билан ўтирибман. Жазо муддатим 20

46 “Хозбарак”– зонанинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи маҳкумлар ётоқхонаси. “Хоз” қисқачаси.

йил. Бизни бу ерга 1998 йил бошида олиб келишганди. Бу ерга келганимизда зонада биздан бошқа ҳеч ким йўқ, шу бинодан бошқа ҳеч қандай иморат йўқ эди. Зонага киришдаги штабни, учрашув хоналарини биз, ҳозир хозда ишлаётган 35 нафар маҳкум қуриб битказганмиз. Жуда қийналганмиз. Ўзларингиз яхшимисизлар? “Ломка”дан эсон-омон қутулдингларми?

Камерамаздан бир йигит унга савол берди:

– Ака, кечирасиз-у, бу камерага нима мақсадда келдингиз ўзи?

– Мени бу камерага келтиришининг сабаби– уч кун ичида сизларга зонанинг ички тартиб қоидаларини тўлиқ тушунтиришим топширилган. Агарда уч кун ичида ўргатишга, тушунтиришга улгуролмасам, менга ит азобини берадилар. Шунинг учун, сизлардан илтимос, айтганларимни эслаб қолишга ҳаракат қилинглар. Мен йўқ пайтда билганларингиз билмаганларга ўргатинглар. Шу уч кун ичида бир-бирларинг билан танишиб олинглар, чунки уч кундан сўнг гаплашиш, бир-бирингизга қараш таъқиқланади. Агарда гаплашганингиз ёки бир-бирингизга қараганингизни дубак кўриб қолса борми, камерадаги ҳаммани коридорга чиқариб дубинкалайди. Мени ҳам “ўргатмабсан” деб қийнашлари тайин. Шуни ҳам билиб қўйишингиз керакки, бу зонада дубаклар асосан қорақалпоқ ва қозоқлар. Улар ёшми, қарими, аяб ўтиришмайди, қийнашдан лаззатланишади. Шунинг учун азобланишингизга заррача ҳам сабаб берманглар.

– Солижон ака, менинг исмим Хайрулло, Марғилонданман. Уч кун давомида бу ердаги режимни тушунтираман, дедингиз. Бу ердаги режимни ўрганиш шунчалик қийинми?

– Баъзилар учун қийин, кимдир учун осон бўлиши мумкин. Ҳамма бир хил қабул қилолмайди-ку. Шунинг учун ҳам айтдим-да ҳали: билганларингиз билмаганларингизга ёрдам беринг, деб. Йигитлар, сизларга яна бир гапни айтиб қўяй: мени “қозёл” деб ўйламанглар. Мен ҳеч қачон бировга туҳмат ёки бировга нисбатан чақимчилик қилмаганман, тепада Оллоҳ бор. Биламан, ҳаммангиз диндор одамларсиз, шунинг учун ҳам аниқ далилсиз танимаган одамингиз ҳақда “бу киши қозёл бўлиши мумкин” деган шубҳага боришингиз гуноҳ эканлигини биласиз.

– Ака, мен Шухратман, Фарғонадан. Бу зонада қанча одам бор

экан, билмайсизми? Промка⁴⁷си-чи, борми?

– Сизлардан олдин икки этап келди, менимча. Сизлар билан 200 тадан ошиқ бўларкан. Олдинги этап билан келганлар ҳозир учинчи қаватда сетка тўқишади. Икки-учта камерадан ташқари ҳамма камералар тепада ишлашади.

Шухрат яна савол беради:

– Ака, олдинги этапларни қандай кутиб олишган?

– Йигитлар, келинлар, олдин шу режимларини ўрганиб олайлик. Бўш вақтларимизда уларни ҳам гаплашиб оламиз. Бўладими шундай қилсак?

Камерадаги маҳбуслар Солижон аканинг бу гапини маъқуллашди.

– Унда бошладик,– деди Солижон ва зонадаги режим тўғрисида гап бошлади: – Йигитлар, биринчи навбатда “доклад” қилишни ўрганамиз. Доклад қилинганда камера номери айтилади. Сизларнинг камерангиз рақами 17, эсдан чиқарманглар...

Солижон ака “доклад” қилишни, “ҳолатлар”(положения)ни, эрталабки уйқудан туриш, уйқуга ётиш, сайрга чиқиш, ҳаммомга қандай бориш, сайрдан қайтиш, камерада тинтув пайтида нима қилиш кераклиги ва бошқа тартиб-қоидалар тўғрисида гапирди, тушунтирди.

– Шу уч кун ичида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон мадҳияларини ёдлаб олишларингиз керак бўлади”,– деди. Сўнгра гапида давом этди: – Мени ҳозир тушлик қилдиришга олиб кетишади. Тушликдан кейин сизларга қорақалпоқ гимнини олиб келаман. Биргалашиб ёдлаймиз. Ҳозир сизларга ҳам овқат келтиришади...

Куннинг иккинчи ярмида камерамиздагилар ўзбек ва қорақалпоқ гимнларини машқ қилишади. Баъзи бирлари қорақалпоқ гимнини ёдлаб олишга ҳам улгуришади...

Яна икки кун давомида Жаслик зонасидаги режимнинг икки-чикиригача тушунтириб берган Солижон ака, биз билан хайрлашиш олдидан биздан олдин келган этаплар ҳақида сўзлаб берди.

Унинг айтишига қараганда, биздан олдин келган икки этапнинг ҳам “ломка”си даҳшатли бўлган. Калтақдан ўлганлар, бир умрга майиб бўлганлар ҳам бўлган экан. Шунинг учун ҳам бизнинг этап “ломка”си олдинги этаплар “ломка”сига қараганда “шоколад” экан.

Солижон аканинг айтишига қараганда, Жасликқа биринчи этап

47 “Промка”– зонанинг ишлаб чиқариш (иш билан таъминлаш) жойи, худуди.

1999 йил ноябр (декабр?) ойида бўлган экан. Биринчи этапдаги маҳбусларни (80 нафар маҳбус) ғайритабiiй услубда, яъни ҳар бир маҳкумни алоҳида матрас ичига ўраб, матрас устидан тиконли сим билан чандиб боғланган ҳолда АН-12 ҳарбий юк учоғига ортиб бу ерга олиб келишган экан. Унинг эшитишига қараганда, биздан олдин келган этапларда 50 кишидан ортиғини шахсан Каримовнинг буйруғига кўра шу ерда ўлдиришган экан.

Солижон ака гапи сўнггида:

– Биродарлар, биз энди қайта кўришамизми-йўқми, буниси Оллоҳга аён. Гапларимни омонат сифатида айтдим, сизларни мусулмон деб, имон-эътиқодли деб ишониб айтдим. Сиёсатга аралашмасам-да, мен ҳам Ислом Каримовни сизлардан беш-баттар ёмон кўраман. Бунинг сизлар билмаган сабаблари бор, уларни сизларга гапириб ўтирмайман. Бу ердагилар унга (Каримовга) ит каби содиқлар. Айниқса зона бошлиғи (майор Бобожонов) Каримовни “Менинг ҳақиқий отам!” дейди. Агарда улардан бири мен айтган гаплардан хабардор бўлса, шу куни мени ўлдиришади. Шунинг учун, илтимос, менга ёмонлик истамасаларингиз, ўзларингиздан бошқа ҳеч ким буни билмасин. Эртадан бошлаб сизлар учун оғир ҳаёт бошланади, бунга тайёр туришларингиз керак. Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам бир-бирларингизни сотманглар, аксинча, суянчиқ бўлинглар. Оллоҳ ёрдамчингиз бўлсин, биродарлар. Барчамизга тўйларда кўришиш насиб этсин. Хайр, омон бўлинглар,— деб хайрлашди ва камера эшигини қоқди.

Ҳеч ким келмагач, мушти билан янада қаттиқроқ урди.

Коридордан “Қайси камера?” деган овоз эшитилди.

Солижон ака камера номерини айтди.

Эшиклар очилади ва “уч кунлик ўқитувчимиз” чиқиб кетди.

Шу бўйи у билан қайта учрашиш менга насиб қилмади.

ЖАСЛИҚ ЗОНАСИДАГИ «ҲОЛАТЛАР»

Солижон ака айтишича, зонада 11 та ҳолат (положения) жорий қилинган. Қуйида жаслиқ колониясидаги ўша ҳолатларни санаймиз:

1-чи ҳолат – Камера эшиги очилганида камерадагилар ўринларидан туради ва ўнг қўлини кўксига қўйиб саломлашади. Навбатчи

маҳкум офицерга камерадаги ҳолат тўғрисида ахборот беради;

2-чи ҳолат – маҳкумлар тик турган ҳолда жўр бўлиб президент Каримов ва зона бошлиғи номига ҳамду санолар айтади, ўзлари содир этган жиноятларидан пушаймонлигини билдиради ва президент Каримовдан кечирим сўрайди ва ҳоказо.

3-чи ҳолат – эшик очилмасидан олдин коридордан туриб 3-чи ҳолат эълон қилинганида камерадаги маҳкумлар эшикка орқа қилиб 4-чи ҳолатда ўтиришлари лозим бўлади.

4-чи ҳолат – продолнинг⁴⁸ ўнг томонида 8 ва чап томонида 8 киши қўлларини бўйни устига қўйиб, боши пастга эгилган ҳолда, оёқ устида ўтирилади.

5-чи ҳолат – бунда 4-чи ҳолатдан чиқиб полга ўтирилади ва оёқларга 5 дақиқа мобайнида дам берилади.

6-чи ҳолат – бир оёқни тиззадан букиб, иккинчи оёқда тикка турилади.

7-чи ҳолат – Бир оёқни кўтариб олдинга узатган ҳолда бир оёқда тикка турилади.

8-чи ҳолат – “шмон” (тинтув).

9-чи ҳолат – Ўзбекистон Республикаси давлат гимни жўр бўлиб айтилади.

10-чи ҳолат – Қорақалпоғистон Республикаси гимни жўр бўлиб айтилади.

11-чи ҳолат – деворга ўгирилиб, қўлларни юқорига кўтарган ҳолда деворга таяниб турилади. Бу ҳолат, асосан сайрга чиққанда, ҳаммомга чиққанда ва соч-соқол олдиришга чиққанда ишлатилади.

«ОҒИР ҲАЁТ». БИРИНЧИ КУН

27.04.2000 йил. УЯ 64/71. Жаслик. 17-камера.

Ҳақиқатан ҳам, Солижон ака айтганидек, эртасига биз учун янги, ўта оғир ҳаёт бошланди. Эрталабдан камерамизга зона бошлиғи шотирлари билан кириб келди. Навбатчи маҳбуснинг “доклад”идан сўнг бошлиқ шотирларидан бири:

48 Продол – камера ичидаги эни 2,5 метрлик “дахлиз”.

– Бегжонов ким? – деб сўради.

– Мен Бегжонов, гражданин начальник! – деб эшик олдига келдим.

Зона бошлиғи майор Бобожонов кўзимга тик боқиб, диққат билан мени кузатиб чиқди. Мен ҳам унинг кўзига тик боқиб қараб туравердим. Бобожоновнинг шотирларидан бири:

– Жуда ўхшар экан,– деди бошлиғига.

Бобожонов миқ этмади – шу турганича қотиб тураверади.

– Бор, жойингга тур! – деди сўнгра.

– Хўп бўлади, гражданин начальник! – дедим аскарчасига ва жойимга бориб турдим.

Жаслиқ лагери бошлиғи майор Бобожонов билан шу тариқа танишиб олдик.

Бошлиқ кетгач, орадан беш дақиқа ўтиб-ўтмай, эшикдаги дарча очилди ва коридордаги дубак:

– Бегжонов, бу ёққа кел, тирноғингни кўрсат! – деди.

Эшик олдига келдим.

– Кўлингни чиқар кормушқадан, темирнинг устига қўй, тирноғинг ўсганми, йўқми, текшираман!

Ўнг қўлимни дарча эшикчаси устига қўйдим. Қўлимга қаттиқ зарба келиб тушди. Оғриқдан “Воҳ, онангни!..” дея сўкворганимни билмай қолдим.

Дубак жаҳли чиқиб кетди, шекилли:

– Э-э-э, сен мени онамни сўқдингми? Кўлингни чиқар!– деб бақирди.

– Чиқармайман, бор, қаерга борсанг бор!

– Бегжонов! Яхшилик билан айтаман, чиқар кўлингни!

– Чиқармайман, дедим сенга!

Камерадошларим ҳаммаси 4-чи ҳолатда – оёқ устида, қўлларини бўйни устига қўйган ҳолда пастга қараб ўтиришар эди. Дубак айтганидан қолмай, янада қаттиқроқ бақира бошлади:

– Бегжонов! Охирги марта қайтараман, чиқар кўлингни! Ҳозир войсковойларни чақираман! Ўзингни ҳам, камерадаги сафдошларингни ҳам дабдаласини чиқаришади, тушундингми?!

Йигитларга қарайман. Ҳаммаси қандай ўтирган бўлса, шу ҳолича пастга қараб ўтирар, ҳеч қайсиси мен томонга бошини кўтариб қарамас эди. Уларга раҳмим келиб, қўлимни дарчадан чиқардим.

Қўлга яна зарба тушди. Эшик ортида турган ваҳший бакиришда давом этди:

– Чиқар қўлингни! Ўзим “бўлди, бор жойингга” демагунимча чиқарасан қўлингни, тушундингми?!

Бу сафар чап қўлимни чиқариб дарча эшиги устига қўйдим. Яна зарба, яна ва яна...

Ҳар қўлимга бештадан дубинка урганидан сўнггина ваҳший:

– Бўлди, бор, ўтир жойингга! – деди.

Жойимга келиб ўтирдим.

Иккала панжам ҳам ёстиққа ўхшаб шишиб кетди.

Қўлларимни бўйнимга қўёлмайман.

Оғриқ пасайиш ўрнига янада қаттиқроқ азоб бера бошлади.

Чамаси ярим соатлар ўтиб, бармоқларим букилмайдиган ҳолатга келди.

Ўнг қўлимдаги жимжилоқ бармоғим синганини суяк терини ёриб ташқарига чиқиб турганидан билдим.

Солижон аканинг кечаги айтганлари тўғри чиқаётган эди.

Буни мен зона бошлиғи майор Бобожоновнинг менга чексиз нафрат билан қараганиданоқ сезган эдим.

Айни чоқда, ҳали бу бошланиши – “хамир учидан патир” эканини ҳам билиб турардим.

“ИИВ ертўласида қанчадан-қанча азоб-уқубатга бардош бердим, тўққиз кун ўлим билан олишиб ётдим ва Оллоҳнинг қудрати билан яна ҳаётга қайтдим. Иншаоллоҳ, сенларнинг қийноқларингни ҳам енгиб ўтаман!” дердим ичимда ўзимга ўзим.

Камера эшиги яна шақир-шуқур очила бошлади.

Коридорда турган дубак “Учинчи ҳолат!” деб бақирди. Ҳаммамиз ўрнимиздан сакраб туриб, эшикка орқа қилиб, яна тўртинчи ҳолатда ўтириб олдик.

Кимдир эшик томондан учта фамилияни ўқийди.

Албатта, чақирилганлар ичида мен ҳам бор эдим.

– Кимнинг фамилияси ўқилган бўлса, коридорга чиқсин! – деб бақирди ўша овоз.

Учаламиз олдинма-кетин бир қатор бўлиб, ярим эгилган, қўлларимизни бўйнимизга қўйган ҳолда, орқа билан юриб эшикка яқинлашди.

Тўхтадик. Турибмиз. Ўртада мен.

Войсковойлардан бири эшикка яқин турганни эмас, орқада қолганни бошига дубинка билан уриб:

– Сен чиқ! – деб ўшқирди.

У орқаси билан юриб коридорга чиқди. Дубинкаларнинг тапир-тупур қилиб дубинкаларнинг саси чиқди.

Иккинчи бўлиб эшик олдида турганни чиқаришди. Дубинкалар саси такрорланди.

Охирида менинг бошимга дубинканинг учи билан уриб:

– Чиқ! – дейди войсковой.

Эшикдан чиқишим билан дубинкалар ишга тушди.

– Қўлингни бўйнингга қўй!– хайқирди бири.

Бошқаси:

– Вой-бў, қўлига нима бўлган буни? Шишиб кетибдимми? Эй, қўлингга нима бўлди сенинг? – дейди.

Мендан олдин чиққанларни обкетиб бўлган, коридорда мен ва учта войсковой қолганмиз.

Войсковойлардан бири иккинчисига:

– Бор, олиб бор буни капитаннинг олдида! – деди.

– Қўлларингни орқага қилиб, бошингни эгиб қадам бос! – деб ўшқирди буйруқ олган войсковой.

Бир коридордан иккинчисига ўтиб, ўнгга қайрилдик. Бир оз юрганимиздан кейин бир кабинет эшиги олдида тўхтадик.

Войсковой эшикни тақиллатиб, мени келтирганини айтди. Сўнгра менга:

– Кириб доклад қил! – деди.

Мен кабинетга кирдим.

– Гражданин начальник, мен маҳкум Бегжонов... буйруғингизга бинон ҳузурингизга келдим! – дедим.

Кабинетда бир эмас, иккита капитан ўтирган эди. Бири сариқ⁴⁹ башара қорақалпоқ, иккинчиси узун бўйли ва юзи чўтир ўзбек.

Сариқ капитан:

– Хўш, жаноб Бегжонов! Сен ҳозир бизга қамалмаган шерикларнинг устидан маълумотнома ёзиб берасан. Улар қанча кўп бўлса,

49 Одатда, ҳар қандай офицер олдида ким киришдан қатъий назар, у ўзини танитиб ўтади. Юкорида зикр қилинган икки капитан ўзларини менга танитмагани учун уларнинг юз тузилишига қараб “ном” қўйишга мажбур бўлдим.

шунча яхши. Сен учун шунча яхши, мен учун эмас, тушундинг-а? Мана ручка, мана қоғоз. Кел бу ёққа, ўтир. Чиройли қилиб, по-по-рядку ёз. Тушундингми, Бегжонов?

– Тушундим гражданин началник, лекин... менинг қамалмаган шерикларим қолмаган. Ҳаммаси қамалган, гражданин началник.

Чўтир капитан гапга қўшилади:

– Ҳа, бобой!? Қаерга келганингни унутдингми дейман? Бу зонада алдаш мумкин эмаслигини эшитмаганмисан? Қани, бир чеккадан бор ҳақиқатни ёз-чи, қариндошларинг ичида қамалмаганларидан кимлар бор ва улар ҳозир қаерда яшашади, нима иш қилишади, кимлар билан борди-келдиси бор, ҳамма-ҳаммасини ёз!

– Ҳеч ким сизларни алдаётгани йўқ, гражданин началник. Мен бор гапни айтдим. Ҳамма танишларим, қариндошларим қамоқхоналарда ўтиришибди.

Сариқ капитан чўтирига:

– Анавилардан бирининг дубинкасини олиб кел, ҳозир ўзи эланиб-ялвориб ёзиб беради,– дейди.

Чўтир дубинка олиб келди, мендан назарини узмай, дубинка учи билан қорнимга ниқтади. Иккинчи, учинчи бор шундай қилди...

Сариқ менга ўшқирди:

– Тур ўрнингдан! Полга ўтир! Читозингни еч! Оёқларингни олдинга ташлаб ўтир! Санаб ўн дубинка ейсан, бу сенинг ҳозирчалик норманг бўлади! Ўзингга келиб, “Бўлди, акалар, ҳаммасини сизлар хоҳлагандай қиламан”, деб айтганингча, ёлвормагунингча дубинкалаймиз. Қани, ўтир!

Читозни ечиб полга ўтирдим.

Чўтир капитан қўлида дубинкани ўйнатиб:

– Қани, бобой, оёқларингни би-и-и-р массаж қилиб қўяй. Мен “дубинка массаж”нинг профессионали бўп кетганман. Ҳали-вери ўлмасанг, менинг массажимни узо-о-қ вақт эслаб юрасан. Қани-қани, оёқларингни жуфтлаб ол... Ҳа, ҳа шундай. Ҳозир, ҳозир... Бир!.. Икки!.. Бобой, додламай ўтир! Кайфни синдирияпсан! Уч!.. Бақирма дедим сенга! Тўрт!.. Яхши... Ёқяптими массаж, бобой?! Беш!.. Ўн!

Сариқ капитан ўтирган жойида ишшайар эди. Гап қотди:

– Бу бобой чатоқ чиқди. Ўн дубинкани ҳазм қилворди-я. Қойил, бобой! Гап йўқ сенга! Так держать. Ўлигингни ўзимиз уйингга

посилка қилиб юборамиз.

Чўтир капитан сариғига:

– Олдингилар икки дубинкани еб тайёр бўлаверарди. Биттаси ҳам беш дубинкадан ортиғига чидолмаган. “Вой-дод, акажон, илтимос, бошқа урманг!” деб тиз чўкиб ёлворган эди. Бу бобой гордий чикди. Ничего! Буни ҳам эртага синдирамиз. Ҳа, бобой, шундайми? Эртага синасанми? Синаса-а-н, синмай қаерга ҳам борардинг, бобойча! Сендан зўрроқларини ҳам синдирганмиз, – деди ва хо-холаб кулди...

Мени камерага олиб келишди.

Тушлик келтирилди.

Оёқларим шишиб кетганидан читозга сиғмай қолди. Читозни ечиб орқага қўйдим.

Буни кўриб қолган дубак мени эшик олдига чақирди ва нимага читозни ечганимни сўради.

Мен унга оёқларимни кўрсатдим. Шунда дубак:

– Бор жойингга ўтир! – деди.

Бу дубак олдинги итларга ўхшамас экан. “Бор, жойингга ўтир” дейиш билан чекланиб қўяқолди.

Камерага овқат тарқатилди.

Менда иштаҳа ўлган, лекин овқатланишга мажбур эдим.

Эшик “кўз”идан мўралаб турган дубак ким нима қиляпти – ҳаммасини кўриб турибди. Ҳар қандай шубҳали ҳаракатни кўздан қочирмайди. Лекин барибир олдингилардан бошқача экани ҳам билинар эди.

Мен эшикдан киришда чап томонда, иккинчи бўлиб ўтирибман. Эшик “кўз”ига яқин жойда.

Овқат пайтида ҳамма 5-чи ҳолатда ўтиради. 5-чи ҳолат дегани – полга думбани ташлаб, оёқларни олдинга узатган ҳолда ўтириш.

Икки болдир орасига овқат идишини қўйиб овқатланилади.

Ҳар икки соатда 5-чи ҳолат эълон қилинганида, думбани полга қўйиб оёқлар чўзилади.

Бир сўз билан айтганда, оёқларга беш дақиқа дам берилади.

Ҳозир эса, биз овқат пайтидаги 5-чи ҳолатдамыз.

Ҳамма овқатланияпти. Мен қошиқни ушлаёлмай қолган эдим. Бармоқларим букилмайди.

“Кўз”дан мўралаб турган дубак:

– Чапдан иккинчи (яъни мен) нега овқатланмаяпсан? – деди.

Мен қўлларимни кўрсатдим.

– Бир иложини қилиб ейиш керак, оч қоласан-ку – деди дубак.

“Булар ичида ҳам яхшилари учрайди”, деб қўйдим ичимда.

Дубак айтганидек, “бир иложини қилиб” овқатнинг шўрвасини ичдим...

Овқатдан сўнг ҳамма 4-ҳолатга ўтди.

Икки соат оёқ устида ўтиравериш, қон айланмасликдан оёқлар уюшиб қолди. Камера йўлагининг чап ва ўнг томонида саккизтадан маҳбус. Уларнинг ичида фақат мен думбани полга қўйиб ўтирибман. Навбатчи кўраяпти, лекин гапирмади.

Навбатчи дубаклар ҳар икки соатда алмашиб туришади.

Ҳали барча навбатчи дубаклар билан “танишиб” улгурмаганмиз. Ҳозирча учтасидан биттаси бошқаларига нисбатан яхшироқ чиқди. Шунга ҳам шукр.

Ҳар икки соатда беш дақиқа 5-чи ҳолат беради. Беш дақиқа ўтиб, яна 4-чи ҳолатга қайтилади. Бундай ўтириш кечки овқатгача давом этиб, овқатдан сўнг эса, уйқуга ётиш эълон қилинишидан 15 дақиқа олдин тўхтатилади. Қолган 15 дақиқа камера ичида сайрга ажратилади.

Сайрдан сўнг уйқуга ётиш эълон қилинади, беш сония ичида ҳаммамиз ўз жойимизда кўзларимизни юмган ҳолда ётишимиз лозим бўлади.

Шундай қилиб, “оғир кунлар”нинг биринчиси ҳам ўтди.

Бугун бошдан кечган воқеаларни хаёлан таҳлил этишга киришдим:

Оёқ тагига келиб тушган тўқмоқ оғриғи миямга чакмоқ каби урилди. Гўё бу чакмоқ чиқиб кетишга йўл тополмай миямнинг қоқ марказидан тешиб ўтгандай бўлди. Дафъатан “Воҳ!” деб юборган ҳайқирик товушим бир неча сония самода муаллақ қолгандай туюлди.

Бундай азоб таъмини ИИВ ертўласида ўтирган ҳар бир диндор, ҳар бир сиёсий тутқин тотиб кўрганга шубҳа йўқ.

Бундай азоблаш тури олдида бошқа қийнаш усуллари (бошга елим қоп кийгазиш, тинчлантириш қийими кийгазиш, музлаткич ичига қамаш, думба-баданга дубинка билан уриш, тепкилаш, муштлаш, ҳатто тирноқ қўпориш ва ҳ.к.лар) арзимасдек туюлади.

Чунки уларни унутиш оёқ тагига уришдан кўра тезроқ унутилади.

Оёқлар тагидаги оғриқ эса...

Бу азоб-укубатлар энди унутила бошлаганида, унинг қайта такрорланиши ҳар қандай мана-ман деган одам юрагига ғулғула солади, кўрқув уйғотади, ўзига ишончсизлик туғдиради: “Сени ҳам эртага синдирамиз”; “Сендан зўрроқларини синдирганмиз...”

Қалбдаги биринчи овоз:

“Наҳот сен ҳам эртага оғриққа дош беролмай бу ит эмганлар олдида тиз чўкишга мажбур бўлсанг?! Нимага титраясан ўзи?! Кўрқаяпсанми?! Ҳа, ҳа! Кўқяпсан, эртаги кундан кўрқяпсан! Эртаги азобдан кўрқяпсан! Сен кўрқоқсан, кўрқоқ!..”

Иккинчи овоз:

“Сен ҳар қандай азобга чидашинг керак! Сен кўрқоқ эмассан, кучуклар олдида тиз чўкмайсан! Сендан ўн карра ортиқ азоб чекканлар бор, улар синмади! Нега сен синишинг керак?! Кўрқма, Оллоҳ сен билан! У сени кўриқлайди! Синишингга йўл қўймайди!..”

ИККИНЧИ КУН

2000 йил 28 апрел. УЯ 64/71. Жаслик. 17-чи камера.

Бу чўлу биёбоннинг қоқ марказида тонг отиши қандай манзара касб этишини кўриш биз маҳқумларга насиб қилмаган. Чунки биз бу хилватга дам олиш, тонг отишни томоша қилиш учун келмаганмиз. Бизни бу ерларга Каримов режими сургилаб келтирди...

Соат эрталабки 5:00.

Коридордаги навбатчиларнинг бараварига “Подъём! Подъём!” деган бақриқлари остида биз маҳқумлар беш сония ичида ҳам кийиниб, ҳам сафга туришимиз керак бўлади. Яхшиям, биз маҳқумларга тўшак ва ёстикдан бошқа ҳеч нарса берилмаган. Шунинг учун, оёқ кийимидан бошқа кийиниш-ечиниш зарурати йўқ.

Эшик “кўз”и орқали саноқ ўтказган навбатчи войсковой бизга ҳожатга чиқиш, юз-қўлни ювиб эрталабки нонуштага тайёргарлик кўриш учун 10 дақиқа вақт беради. Шу ўн дақиқа ичида камерадаги 16 киши ҳаммасига улгуриб сафга туриши лозим. Камерадаги навбатчи маҳқум бу тўғрида навбатчи дубакка ахборот беради.

“Яхши” дубак навбатчилик қилаётган бўлса, “завтрак” келгунга

қадар 5-чи ҳолат эълон қилади, бошқалари 4-ҳолат бериб оёқ устида ўтирғизиб қўяди.

Бугун “оғир ҳаёт”нинг иккинчи куни.

Эрталаб нонуштадан сўнг навбатчи дубак менинг оёқ кийимисиз ўтирганимни кўрди.

– Чапдан иккинчи, бу ёққа кел!– деб буюрди.

Эшик олдига келдим.

– Нимага читозсиз юрибсан?– деб сўради.

Мен унга оёғим шишиб кетгани учун читозга сиғмаётганини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин бу товукмия тушунишни истамади. Шу битта саволни қайта-қайта такрорлашдан чарчамади.

Бу эси пастнинг ғинғиллаши асабга тега бошлади ва ортиқ унга жавоб бермай қўйдим. Кўзига лўқ этиб қараб туравердим. Икки-уч маротаба саволига жимлик билан жавоб олган товукмия ниҳоят ёрилди:

– Кўлингни кормушқадан чиқар!

Бир оғиз ҳам гапирмай, кўлимни дарчадан чиқариб, темир устига қўйди. Кўлимга урди. Мен кўлимни тортиб олдим.

– Нариги кўлингни чиқар! Бунингни торт!

Мен у айтгандай қилиб ўнг кўлимни чиқардим. Бунсига бир дубинка уриб:

– Бор, жойингга ўтир, читозни кий” дейди.

Мен эшик олдидан кетмай туриб, “читоз оёғимга сиғмайди, кўлимни чиқарайми?” дейман.

“Бор, ўтир жойингга!– деди товукмия.

Келиб жойимга ўтирдим. Ичимда: “Кун бошланиши ёмонмас. Биринчи “синов” арзимас бўлса-да менинг фойдамга, қолган “синов”лар ҳам қанчалик оғир бўлмасин, иншааллох, менинг фойдамга бўлажак!” дея ўзимга далда бердим.

Соат саккизларда ДПНК эрталабки текширишга келди.

Камера 1-чи ҳолатга кирди.

Камера бўйича навбатчи маҳкум ДПНК бошлиғига ахборот берди:

– Мен, маҳкум... 17-чи камерада 16 нафар маҳкум бор... ҳаммаси жойида... муассаса бошлиғидан миннатдормиз... овқатлар яхши, шароитлар яхши, ҳеч қандай эътироз йўқ, арз ва шикоятлар йўқ... президентимизга минг раҳмат... президентимиз олиб бораётган

сиёсат тўғри... бизнинг президентимиз чиқараётган қонунлар энг адолатли... ва ҳоказо...

Шундан сўнг саф тартиб саноғи (маҳкумлар сафдан бир қадам олдинга чиқиб ўзининг рақамини айтади) бўлди. Санокдан кейин яна ўша 4-чи ҳолатга ўтилди...

Соат эрталабки ўнлар чамасида камера эшиклари очила бошлади ва 3-чи ҳолат эълон қилинди. Ҳамма бараварига ўринларидан сапчиб туриб, деразага томон қайрилиб, 4-чи ҳолатга кирди. Фамилиялар ўқилди.

Мен ва яна икки маҳбус ўрнимиздан туриб эшик томонга юрдик. Кечаги ҳамроҳларим ўрнига бошқаларини танлашибди. Бугун ҳам кечагидай, янги ҳамроҳлар ўзларига тегишли “улуш”ларини олиб, мендан олдин чиқиб кетишди. Навбат менга келди. Войсковойларнинг каттаси навбатчи дубакдан сўради:

– Нега бу оёқяланг? Оёғига нима бўлган бунинг, ёстик бўп кетибди-ку?

Навбатчи дубак гапирмасдан боши билан оперлар кабинети томонга ишора қилади ва:

– Шу туришида олиб бораверинг, оёғига читози сиғмаса биз айбдормас-ку,– деди.

Оқсоқланиб ташқарига чиқдим. Негадир бугун войсковойлар мени калтаклашмади ва оперлар кабинетига ялангоёқ ҳолда олиб боришди.

Кабинетга кириб доклад қилдим. Бугун ҳам кечаги турқи совуқлар экан. Сарик капитан чўтирига:

– Анавининг дубинкасини олиб қол, кетиб қолмасин,– деди.

Чўтир чиқиб, анчагача қолиб кетди. Столи устидаги қоғозларини титкилаб ўтирган сарик менга қарамасдан:

– Хў-ў-ш, ким эдинг, Бегжоновми?

Менинг жавобимни кутмасдан:

– Қандай энди? Яхши дам олдингми? Оёқлар қалай, оёқлар? Оғримаяптими?

Мен жим туравердим. Кабинетга дубинка кўтариб чўтир кириб келди ва сарикдан:

– Бу нимага турибди? Ўзидан билиб тайёр туришни билмасмикан? – деди.

Сариқ ўзининг қоғозлари билан банд бўлиб, чўтирнинг гапига унча эътибор бермади. Шунда чўтир “масъулият”ни ўз қўлига олиб:

– Қани бобой, марҳамат қилсинлар. Чиройли қилиб ўтириб олингчи,– деди. Шу алпозда кўзи оёғимга тушди. – Ие, манавини қара, ялангоёқ келибди-ку бу ерга!

Сариқ қоғоз титкилашдан тўхтаб, оёқларимга қарйди, сўнгра чўтирга сирли қараш қилди. Қайта менга ўгирилиб, деди:

– Бегжонов, нима қиламиз, кечагини ёзиб берасанми ёки “супер массаж”ни маъқул кўрасанми?

– Гражданин началник, менинг ёзиб берадиган нарсам йўқ, бўлмайти ҳам!

– Ҳай майли, демак массажни давом эттирамиз бўлмаса,– деди сариқ ва чўтирга:

– Чиройли қилиб бешта дубинка бер, шунинг ўзи етади бунга. Оёғининг шиши қайтганидан кейин яна планкани кўтарамиз, – деди.

Чўтир дубинканинг учи билан оёқларимга уриб кўриб, хиринглади:

– Оғрийдими? Роса таранглашибди ўзиям, шунақангги массажбоб бўпдики, асли кўяверасиз! Тирсиллаб турибди-я, вах-вах-вах!

“Оллох, Ўзинг мадад бер менга!” деб ёлбораман ичимда.

– Бобой, кетдикми? Қани, бешта бўлса, бешта-да! Мана, бир!!! Мана, икки!!! Мана, уч!!!

Учинчи зарбада оғриқдан – бошқа оғриқларга қараганда “фарқли” оғриқдан “Воҳ!” деб ўрнимдан сакраб туриб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Бу сафарги оғриқ гўё кўзларимдан ҳам отилиб чиққандай туюлди менга...

Чўтир кўрқиб кетиб столнинг нарига томонига, сариқнинг пинжигга тиқилиб олади. Сариқнинг рангги оқарди. Менинг вазоҳатим кўрқинчли бўлган шекилли, бу икки офицер анча вақтгача шу қотганича туриб қолди.

Сариқ бир оз ўзига келганидан сўнг чўтирга:

– Бор, анавини чақир, обкетсин,– деди.

На сариқ, на чўтир менга бир оғиз ҳам гапирмади.

Чўтир войсковойни олиб кирди.

Войсковой ҳам “Кетдик”дан бошқа бир сўз демай мени олиб кетди...

Бу воқеадан сўнг уч кунгача ҳеч ким менинг “мушугимни пишт” демади. Коридордагилар ҳам асабга тегишни тўхтатишди...

ШАНБА – ЖАСЛИҚДА «ХАММОМ» КУНИ

Май ойи бошида биз маҳкумларни бу зонанинг “ҳаммом”и билан таништиришди:

– 17-чи камера! Ҳаммомга тайёрлан!,- деган чақирқ янгради.

Ҳамма қип-яланғоч бўлиб ечинади. Қўлига фақат сочиғини олиб камера эшиги олдида саф тортиб турилди. “Деворга бурил!” деган буйруқ бўлиши билан деворга қараб, яланғоч думбаларни дубинка учун “шайлади”.

Ҳар ким думбасига 5-6 дубинкадан еганидан сўнг, коридорнинг ўртасида бир қатор бўлиб сафланди ва “Баняга томон бегом!” деган буйруқни кута бошладик.

Мен югура олмаганим учун сафнинг энг охирида турибман.

Буйруқ янгради ва камерамиз маҳкумлари узун коридорнинг охиридаги эшик томон чопишди...

Ҳар бир камера учун “ҳаммом” вақти бор-йўғи 9 (тўққиз!) сония. 16 (ўн олти!) киши ечиниш хонасига йиғилганидан сўнг, ҳаммомга жавобгар дубаклар олти киши аранг сиғадиган “Баня”га камерамизнинг ҳамма маҳкумини киритади. Дубаклардан бири “Баня бошланди” деб эълон қилади ва тўққизгача санайди.

Бу “баня”да учта душ бор, ким ўша душлар тагида туриб қолган бўлса, шуларнинг баданига сув тегади, қолган 13 (ўн уч!) киши қандай кирган бўлса, шундай куп-қуруқ чиқади.

Тўққиз сонияда ҳамма “чўмилиб” бўлди ва кийиниш хонасида тўпланди.

– Коридорга чиқиб бир қатор бўл ва деворга ўтирил. Пайкангни (бешта дубинка думбага ейишни назарда тутати) олганинг 17-чи камера томон бегом!– деган буйруқ бўлади.

Камерага келгач, войсковойларнинг каттаси сўрайди:

– Баня қандай бўлди, мужиклар?

Камерадагилар бараварига:

– Зўр бўлди, гражданин начальник!

- Ювинмаганлар борми?
 - Йўқ, гражданин началник, ҳамма ювинди!
 - Совунлаб ювиндингларми?
 - Ҳа, гражданин началник, совунлаб ювиндик!
 - Бизга арз ёки шикоятларинг йўқми?
 - Йўқ, гражданин началник, ҳеч қандай арз-шикоятимиз йўқ.
 - Шикоятларинг йўқ бўлса, соч-соқолни олдиришга тайёрланинг...
- Соч-соқолингизни совунлаб яхши юмшатинг.
- Хўп бўлади гражданин началник!

ЖАСЛИҚДА СОЧ-СОҚОЛ «АМАЛИЁТИ»

Жасликзонасининг маҳкумлари ҳафтанинг шанбакунидан ўлгудек кўрқишади. Чунки бу кун улар учун ўта оғир кун ҳисобланади. Ўзи шундоқ ҳам ҳар куни еб турган калтаклари камлик қиладигандек, устига яна “хаммом” ва “соч-соқол” каби қийноқ турлари кўшилади.

Соч-соқол олдириш учун камера маҳкумларидан уч киши соч ва соқолини жўмракдан оқаётган шўр сув билан “яхшилаб юмшатади”. Бошқа камерадан “сартарош”ликка учта маҳкумни олиб келишади. Уларнинг қўлларига бир марталик тиғи ўтмас устара беришади ва коридорда 5-чи ҳолатда – оёқларини керган ҳолда пастга қаратиб ўтирғизиб қўйишади. Ҳар бир “сартарош”нинг ёнига иккитадан воёйской биркитирилади. Улардан бири “сартарош”нинг, иккинчиси соч-соқол олдираётганнинг “хато”ларини “тўғрилаб” туради. Бу дегани – “сартарош” жўртгага соч олмаётганликда айбланиб калтак ейди, соч-соқол олдираётган эса, соч-соқолини ивитмаганликда айбланиб калтак ейди.

Бундай ғаройиб “амалиёт”дан сўнг камерадагиларнинг барчаси айиқ чангалидан қутилган овчига ўхшаб қоладилар. Яъни уларнинг соч-соқоли эмас, териси шилиниб, бошию афт-башараси қонга беланади. “Амалиёт” сўнгида:

– Беш дақиқа вақт. Ҳамма юз-қўлни ювиб, сафга турсин! – деган буйруқ бўлади.

Қонга беланган 16 та маҳкум 5 дақиқа ичида ювиниб-артиниб сафга туриши керак бўлади. Агарда биронта маҳкум сафга бир со-

ния кечикса, “амалиёт”нинг давоми коридорда давом эттирилади. Агар ҳамма вақтида сафга туришга улгурса, “амалиёт” қандай ўтгани ҳақида сўров ўтказилади.

ДПНК бошлиғи ёрдамчиси, войсковойлар бошлиғи сўровни бошлайди:

– Мужиклар, кайфиятлар қалай?

Маҳкумлар жўр бўлиб жаво беради:

– Кайфиятлар аъло, гражданин началник!

– Соч-соқоллар яхши олиндимми?

– Яхши олинди, гражданин началник!

– Ҳеч ким қийналмадимми, иш қилиб?

– Йўқ, гражданин началник, ҳеч ким қийналмади!

– Мойкалар⁵⁰ ўткирмикан? Тирнамадимми?

– Мойкалар ўткир, тирнамасдан жуда силлиқ олди, гражданин началник!

– Ўнгдан олтинчи! Бу ёққа кел! Юзинг, бошинг нимага тирналган!?

– Йиқилиб тушдим, гражданин началник!

– Қаерга йиқилдинг, полгами?

– Ҳа, гражданин началник, полга йиқилиб тушдим!

– Полга йиқилган бўлсанг, башаранг кўкармабди-ку, нимага алдайсан?

– Алдаганим йўқ, гражданин началник, полга йиқилиб тушдим!

– Алдамаяпсанми? Ростданам полга йиқилдингми?

– Худди шундай, гражданин началник, полга йиқилиб тушдим!

– Маладес, мужик! Хўш, бизга эътирозлар борми, мужиклар?

– Йўқ, гражданин началник, сизларга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ!

– Колония бошлиғига шикоятлар борми?

– Йўқ, гражданин началник, колония бошлиғига эътирозимиз йўқ!

– Колония бошлиғининг олиб бораётган ишлари қониқарлими?

– Ҳа, гражданин началник, колония бошлиғининг олиб бораётган ишларидан мамнунмиз! Овқатлар яхши! Шароитлар яхши! Камчиликлар йўқ! Шикоятлар йўқ! Ҳаммом вақтида бўлиб турибди! Соч-соқолимизни вақтида олиб турибмиз! Бу яхшиликлари учун колония бошлиғига минг раҳмат!

– Маладес мужиклар, ҳар доим доклад шундай бўлсин! Хайр

50 Жаргонда “мойка” – устарага ўрнатиладиган тиг (писка).

сизларга, мужиклар!

– Хайр, гражданин началник!...

ЖАСЛИҚДА «САЙР»

Жаслик зонасида сайр қилдириш вақти аниқ белгиланмаган. Яъни, зона ходимларининг кайфиятига қараб, сайрга чиқариш эрталаб соат 10 да ёки тушдан кейин соат 14 да бўлиши ёинки умуман бўлмаслиги мумкин.

Мабодо сайр бўладиган бўлса, ҳеч қандай олдиндан эълон қилинмасдан, камералар эшиги очилиб, “17-чи камера сайрга чиқ!” дейилади ва камерадагилар коридорга чиқишади, бир қатор бўлиб қўлларини кўтарилган ҳолда деворга қўйишади. Думбасига 5-6 та “дубинка пайка”сини олганлар коридор ўртасига бир қатор бўлиб сафланишади ва “Сайрхонага қараб бегом марш!” буйруғини кутишади. Ҳамма “пайка”сини олиб бўлганидан сўнг буйруқ янграйди.

Сайрхона бинонинг охириги – тўртинчи қаватида жойлашган бўлиб, тепаси арматуралар билан панжараланган, панжара устига сим тўр тўшалган бўлади. Сайрхона устида иккита войсковой сайр қилаётганларни назорат қилиб туради.

Сайрга чиқаётганимизда иккинчи қаватдан то тўртинчи қаватгача дубинка билан қуролланган 30-40 ҳарбийдан иборат “тирик коридор” ҳосил қилишади. Бу “коридор”дан ўтган ҳар бир маҳкум сайрхонага етиб боргунича 30-40 тадан дубинка ёйди. Сайрдан қайтишда ҳам бу “ўзига хос ва ўзига мос” жазо усули такрорланади.

Бир соатлик сайрдан сўнг яна ўша ДПНК бошлиғи ёрдамчисининг савол-жавоблар “спектакли” бўлади:

- Мужиклар, сайр қандай ўтди?
- Раҳмат, гражданин началник, сайр яхши ўтди!
- Ҳеч ким урмади-сўкмадими?
- Йўқ, гражданин началник, ҳеч ким урмади, сўкмади!
- Чекадиганлар чекдими? Ҳарбийлар самосад⁵¹ беришдими?
- Ҳа, гражданин началник, ҳамма чекди! Самосад ҳам тарқатишди!
- Ҳаммаларинг мазза қилиб сайр қилдингларми!? Ёки ичларингда

недоволнийларинг борми?

– Ҳаммамиз мазза қилиб сайр қилдик, гражданин начальник!
Орамизда недоволнийлар йўқ, гражданин начальник!

– Колония бошлиғига айтгадиган гапларинг, шикоятларинг борми?

– Колония бошлиғига раҳматлар деймиз! Овқатлар яхши! Кийим-бошимиз бут! Камчилигимиз йўқ! Ҳамма нарса етарли! Арз ва шикоятимиз йўқ, гражданин начальник!

– Маладци мужики! Так держат!

Савол-жавоблар сўнггида ДПНК ёрдамчиси “қониқарли жавоблар” учун камера маҳкумларига миннатдорлик билдиради.

Шу билан сайр тадбири ниҳоясига етади.

ЖАСЛИҚДА «ШМОН» (ТИНТУВ)

Жасликда “шмон” тадбири бошқа зоналардаги “шмон”га қараганда ўзининг ғайриинсонийлиги билан яққол ажралиб туради.

Камера эшиги очилиб, 3-чи ҳолат эълон қилинади. Камерага дубинкалар билан қуролланган 10-15 нафар войсковой кириб келади ва 8-чи ҳолат эълон қилинади. Саккизинчи ҳолат – бу “шмон” деганидир.

Камерадаги 16 маҳкум икки дақиқа ичида қип-яланғоч ечиниб, проходга⁵² 4-чи ҳолатда бир-бирининг бўнига ўтириши лозим бўлади. Биринчи қатдаги 4 кишининг ҳар бири устига яна 3 кишидан ўтиради. Ҳар бир кишининг оғирлиги ўртача 70 килодан ҳисобланса, биринчи қатдаги шўрлик 200 кило юкни оёқ устида кўтариб ўтирган бўлади. Бундай “шмон” пайтида хушидан кетиб қолганлар ҳам учраб туради.

“Шмон” жўрттага 10-15 дақиқага чўзилади. Ким юқори қатдан йиқилса ёки пастдаги қатда ўтирган киши оғирликни кўтаролмай ўтириб қолса, калтакнинг кўпи уларники бўлади.

“Шмон”дан кейин ҳар бир маҳкум учун белгиланган 5-6 тадан дубинка “пайка”сини олади. Шунинг билан камерада ўтказилган

52 Проход – икки шконка орасидаги кенлиги ярим метрлик, бўйига 1 метр 70 сантиметр келадиган оралик жой.

“шмон” тадбири тугайди ва одатдагидек, ДПНК ёрдамчиси камерадаги маҳкумлар билан савол-жавоблар ўтаказди:

- Мужиклар, қалайсизлар, кайфиятлар яхшими?
- Раҳмат, гражданин началник, кайфиятимиз зўр!
- Шмон қалай ўтди, яхшими?
- Худди шундай, гражданин началник, шмон яхши ўтди!
- Шмончиларга эътирозлар йўқми?
- Йўқ, гражданин началник, шмончиларга эътирозимиз йўқ!
- Колония бошлиғига қандай гапларинг бор?
- Колония бошлиғига раҳматлар айтамиз! Овқатимиз яхши!
- ...
- ...
- Президент олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайсанларми?
- Албатта, гражданин началник, президентимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз! Президентимиз чиқараётган қонунларни тўғри деб биламиз! Президентимизнинг ислоҳотларини қўллаб-қувватлаймиз! Президентимизга раҳмат!..
- Шахсан менга эътирозлар борми?
- Йўқ, гражданин началник, сизга эътирозимиз йўқ! Сиз ҳамма ишни тўғри қиляпсиз! Бунинг учун сизга раҳматлар айтамиз!
- Маладци мужики! Так держат!..

«СТАРОСТА»

17-чи камерада бир киши «ЭРК»чи (мен), ўн тўрт киши “ҳизб”чи ва бир киши “ваҳобий”.

Чапдан биринчи, менинг ўнг томон “қўшним” Фарҳод Сапаев ваҳобийликда айбланиб қамалган. Отаси тожик, онаси бошқирд. Тошкентда туғилган, ёши ўттизлар атрофида, олий маълумотли, рассом. Ҳаддан ташқари интеллигент, ҳатто душмани билан ҳам ўта юмшоқ гаплашади. Ўзининг айтишига қараганда, намоз ўқишни бошлаганидан сўнг расм чизишни бутунлай ташлаган.

Зонага келганимиздан 20 кун ўтиб, камерамизга ДПНК бошлиғи келиб, Республика Олий суди томонидан ҳукм қилинганларни сўрайди. Бизнинг камерадан фақат Сапаев Фарҳод Олий суд ҳукми

билан камалгани маълум бўлади.

– Сен бугундан бошлаб 17-чи камерада староста⁵³сан. Старостанинг вазифаси нималардан иборатлигини биласан. Агарда камерада бирор ишқал чиқса, бошинг билан жавоб берасан, тушунарлими?– дейди ДПНК бошлиғи.

Энди Фарҳоднинг зиммасига камера маҳкумларини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон мадҳияларини айттириш вазифаси ҳам юкланади.

Бу жуда оғир вазифа...

Шу пайтгача камерамизда “староста” тайинланмаган эди ва 9-чи ҳолатни назоратчи дубакнинг ўзи эълон қилиб, ўзи текширарди.

17-чи камерада фақат мен Ўзбекистон гимнини айтолмасдим ва бунинг учун коридорга чиқариб мени роса калтаклашарди. Энди Фарҳод ҳам мен сабаб калтакландиган бўлди, аммо мен бундай бўлишини асло хоҳламаганман ва хоҳламайман ҳам, лекин ноиложман, “гимн” деса тилим калимага келмай қолади. Шу важдан Фарҳод ҳам менга ҳамроҳ бўлиб, икки-уч мартаба калтакланди.

Шундай кунларнинг бирида навбатчи дубак бизнинг камера маҳкумлари учун яна 9-чи ҳолат эълон қилди. Ҳамма маҳкум жўр бўлиб Ўзбекистон мадҳиясини куйлайди. Дубак мени эшик олдига чақириб:

– Агар бугун ҳам айтмасанг (гимнни назарда тутиб), нафақат сени ва старостани, балки камерадаги ҳаммани чиқариб калтаклаймиз!,– деди.

Мен дубакка қарата:

– Гражданин началник, ҳамма айб менда. Мен гимнни айтишга ҳаракат қиляпман, аммо ҳеч ўхшамаяпти. Старостанинг ҳам, бошқа маҳкумларнинг ҳам бунда ҳеч қандай айби йўқ. Шунинг учун, илтимос, фақат мени жазоланглар,– дедим.

Дубакка менинг гапим таъсир қилди шекилли, старостани чақириб мени ҳозирроқ шу ерда, унинг кўзи олдида гимнни ўргатишга буюрди.

Шўрлик Фарҳод ярим соатларча менга гимнни “ўргатишга” ҳаракат қилди, лекин бирор натижага эришолмади. Дубак ҳам бу “репетиция”ни томоша қилишдан чарчаб:

53 Староста – бу ерда: “жавобгар” маъносида. Яъни, камерадаги умумий ҳолат учун жавобгар шахс. Жасликда бу “лавозим” билан Каримов режимининг ашаддий душманлари ҳисобланганларни “сийлашади”, чунки бу “лавозим” эгалари камерадаги арзимас “хатолар” учун ҳам аёвсиз калтакландилар, қийноққа солинадилар.

– Короче, эртагача ўргат буни, агар эртага ҳам айтолмаса, шу гап; эртага ҳамманг коридорга чиқасанлар! – деди ва кормушкани ёпиб қаёққадир ғойиб бўлди.

Дубак эшик олдидан кетганидан сўнг, Фарҳод ёлвора бошлайди:

– Муҳаммад ака, эртагача ўрганайлик, илтимос, бўлмаса эртага... Ай-тмасангиз ҳам, ҳеч бўлмаганда оғзингизни қимирлатиб туринг,– деди.

– Фарҳод, сиз ҳам менга ишонмаяпсиз, чоғи? Ҳақиқатан, гимн бошланди дегунча тилим калимага келмай қолади. Нега шундай, ўзим ҳам тушунмайман.

Хуллас, камерадошларим мени гимн айтилаётган пайтда фақат оғиз қимирлатиб туришимга кўндирдилар ва шу йўл билан ҳамма калтак ейишдан кутулди...

«СЎНГГИ МАНЗИЛ»ДАГИ КУЛГИЛИ ҲОДИСАЛАР

Жасликда бир ойларча ўтирганимиздан кейин вазият бир оз юмшади. Тушлик, кечки овқатлардан кейин 5 дақиқа бўлсаям бир-бирларимиз билан гаплашишга имкон туғиларди. Дубаклар ҳам энди эртадан кечгача эшигимиз тагида пойлоқчилик қилмасдан, ҳамма камера қоровуллари коридорда йиғилишиб олиб гурунг қилишаётганини “акустик” Раҳматиллоҳ айтиб, огоҳлантириб турарди.

Раҳматиллоҳ ўнг тарафдаги қаторда биринчи (эшик олдида) бўлиб ўтирарди. “Оғир ҳаёт”нинг бошиданок унга камера навбатчилигини, яъни “доклад қилиш”ни топширганмиз. Чунки, у “доклад”ни шундай қойилмақом қилиб айтардики, агарда унинг гапирганини Ислом Каримовнинг шахсан ўзи эшитганида борми, Раҳматиллоҳ шу куни қамокдан озод қилиниб, уйига қимматбаҳо президент совғалари билан қайтган бўларди. Лекин, минг афсуслар бўлсин, Ислом Каримовни мақтаётганлар, тукқан отасидан устун қўяётганлар, “ҳақиқий отам” деяётганлар кўчада ҳам сонмингта.

Раҳматиллоҳнинг камерамиздаги иккинчи вазифаси – акустиклик. Камерада ўтириб, баландчилар қайси камерага овқат тарқатаётганини коридорда нечта войсковой юрганлигигача билади. Шунинг учун унга “акустик” лақабини берганмиз. Шунингдек, акустикимиз

бизга қайси камерани “пайка”га коридорга чиқаришгани, қандай фамилияли маҳбусни тепкилагани, ҳатто қайси маҳбус хушидан кетганлигигача айтиб берарди.

Бир куни Раҳматиллоҳ акустик коридордаги ғала-ғовурга кулок ташлаб ўтириб, сирли ва паст овозда сўради:

– 18-чи камерадан Маҳмудов деган одамни танийдиган борми?...

Раҳматиллоҳ “Маҳмудов” дейишиданок, тасаввуримда Мамадали аканинг сиймоси пайдо бўлди. Бирон кори-ҳол юз бермадимикан Устозга, деган савол туғилади:

– Исмини айтишмади?– деб сўрайман Раҳматиллоҳдан.

– Исмини айтди, лекин ...

– Мамадали эмасми?– сўрайман мен.

– Ҳа, ҳа. Тўппа-тўғри, Мамадали дейишди...

– Нималар дейишганини аниқ эшитмадингизми? Маҳмудов ҳақда нималар деди?

– “Тошкент... Тошкент.. с вещами...” деганини эшитдим. Менимча, Тошкентга этап қилди. Точно, этап...

Табийки, менинг ҳам бу кутилмаган “янгилик”дан бошим осмонга етди. Табийки, шу ондан бошлаб мен ҳам бундай “бахт”га муяссар бўлишни орзу қила бошладим.

– У киши менинг поделнигим⁵⁴. Ёзувчи. Менимча, бизнинг ишни қайта кўриб чиқишса керак. Мени ҳам бугун ё эртага этапга тортади, Худо хоҳласа! Яшанг, укам Раҳматиллоҳ, яшанг! – дедим юрагим ҳаприкиб...

Шу куни икки маротаба коридорга чиқдик, икки маротаба юрак ҳаприқади, бироқ хушхабар ўрнига калтак еб камерамизга қайтдик.

Эртаги кунни интизорлик билан кутаман, лекин эртасига ҳам калтакдан бошқа бирор янгилик юз бермайди.

Учинчи кун, ниҳоят, Раҳматиллоҳ тилга қиради:

– 18-чи коридорга чиқариляпти. “Пайка” олишяпти... “Маҳмудов” деяпти... Яна “Маҳмудов” дейишди. “Санчасть... санчасть” дейишди... Этапга кетмаган шекилли... Санчастьга обкетишди, менимча... Ҳозир бизнинг камерага келишади... Келишяпти...

“Террорчилар гуруҳи” бизнинг камера маҳбусларига аталган “пайка”ни “тарқатиб” даф бўлди. Камерамиздаги ҳамма маҳбус каби, “бош акустигимиз” Раҳматиллоҳ ҳам калтак изларини ишқалаш

билан банд. Менга томон қарашга изза бўляпти. Унинг бу ҳолатига раҳмим келиб, ҳазил қиламан:

– Раҳматиллоҳ, сиз бу кунги “ахборотни” айтмай турганингиз маъкул эди. Негаки, шу ўтган икки кун ичида шундай мазза қилиб яшадим, ҳатто еган калтакларим ҳам гўё асалдек туюлди.

Ҳамма жим. Гап нима ҳақда кетаётганини тушунмайди. Раҳматилло менга кўзини лўқ қилиб ўтирарди.

Гап нима ҳақда кетганини биринчи бўлиб староста Фарҳод тушунди ва кутилмаганда баланд овозда қаҳқаҳа уриб кулиб юборди.

Унинг кетидан баракдаги боша маҳбуслар кулгига кўшилишди.

Камерадаги бу кулги овозини коридорда юрган дубак ҳам эшитибди.

– Тушунмадим, бу нима хурсандчилик?– деб сўради.

Мен ўрнимдан туриб, эшик олдига келдим ва:

– Гражданин начальник, ҳаммаси жойида. Йигитлар бир-бирларига дубинка изларини мақташяпти, шунга кулишяпти,– дедим.

Дубак бир оғиз ҳам гапирмасдан темир эшикка дубинкаси билан бир марта уриб, кўздан ғойиб бўлди.

Бундай кулги 17-чи камерадаги биринчиси эди.

«СТАРОСТА»МИЗ ФАРҲОД

Старостамиз Фарҳоднинг калтакдан панжалари шишиб кетганидан бармоқлари ораси очилиб, ёғочдан йўнилган қўлларга ўхшаб қолган эди. Фарҳоднинг юриши ҳам, туриши ҳам машҳур эртақ қаҳрамони Бурадинони эслатарди.

Овқат пайти Фарҳод алумин қошиқни зўр бериб панжалари орасига кийдиришга ҳаракат қилаётганини кўриб қолдим.

– Фарҳод, папа Карлонинг ўғлига роса ўхшасиз ўзиям! Қошиқни ташланг, барибир натижа чиқмайди. Бир-икки кун энди картошкадан воз кечишингизга тўғри келади...

– Нимага энди мен картошкадан воз кечишим керак экан?

У қанчалик урунмасин, қошиқ ушлашни эплолмади.

Мен унга:

– Фарҳод, ҳозир тушликка ажратилган вақт тугайди, оч қоласиз,– дедим.

У идишни кўтариб, овқатнинг шўрвасини ича бошлади. Шўрвани ичиб бўлиб, картошкани бармоқ учи билан майдалашга ҳаракат қилиб кўрди. Мен Фарҳодга яна маслаҳат билан мурожаат қиламан:

– Хўв, барака топкур, икки кунга картошка емасангиз емабсиз-да, очингиздан ўлмайсиз. Қийналиб кетдингиз-ку икки дона картошка деб, – дедим жиддий оҳангда.

– Муҳаммад ака, намунча ёпишиб олдингиз “картошка”, “картошка” деб. Мискалдаги картошклар меники, ҳеч кимга бермайман, ўзим ейман, тушундингизми! Бурним билан бўлса ҳам эзаман шу картошкани! – деди у мендан ҳам жиддий туриб.

Камерада уч-тўрт сония жимлик ҳукм сурди. Ҳамма Фарҳодга қараб ҳайрон қотиб қолган.

Бир-неча сониядан сўнг худди биринчи галдагидек, 17-чи камера кулгига тўлди.

Кунларнинг бирида марғилонлик иккита йигит– Равшан билан Алижон ўзаро шивирлашиб гаплаша бошлашди. Староста Фарҳод уларни огоҳлантирди:

– Дубак кўриб қолса, иккаланг ҳам пишасанлар,– деди.

Равшан унга жавобан:

– Оғзимизни тирсак билан тўсиб ўтирибмиз, дубак қандай кўради, қизиқ гапирасан-да, Фарҳод,– деди.

Фарҳод ҳам “билганларингни қилларинг” деган каби уларга бошқа гапирмади.

Орадан беш дақиқа, ўн, ўн беш дақиқа ўтди ҳамки, уларнинг тили тийилмади. Мен Равшанга:

– Иккалангнинг ҳам гаплашиб ўтирганинг кўз-қошларингнинг ҳаракатидан сезилиб турибди, ҳозир дубак буни кўриб қолиши аниқ,– дедим.

Равшан яна ўз билганида қолмай, Алижон билан шипшишда давом этди.

Бир оз вақтдан сўнг эшикдаги дарча очилди ва дубак чап қатордан Равшанни, ўнг томондан Алижонни дарча олдига таклиф қилди:

– Қўлингни чиқар!– деди Равшанга.

– Гражданин начальник, сабабнини билсам бўладими? Нимага

қўлимни чиқаришим керак?

– Қўлингни чиқар! Сабаби гаплашиб ўтирганинг,– деди дубак.

– Биз гаплашмадик, гражданин началник.

– Чиқар қўлингни! Ёлғон гапирганинг учун ҳам чиқарасан қўлингни! – деб хайқиради дубак.

– Биз гаплашмадик, гражданин началник.

– Хўв! Асабга ўйнама, чиқар қўлингни!

– Гражданин...

– Чиқар!!! – деб ўкирди дубак.

Бу ўкирикдан бир сакраб тушган Равшаннинг гапи оғзида чала қолди. Ўнг қўлини секин чиқариб, дарча эшикчаси устига қўйди. “Банг!” – “Воҳ!”

– Чап қўлингни чиқар!

– Гражданин началник, ахир биз гаплашмадик.

– Чиқар!!

– Хўп, ака, лекин биз гаплашмадик...

– Чап қўлингни дедим!

Равшан чап қўлини чиқарди. Ҳар қўлига бештадан дубинка еди.

Алижон ҳам “айби”ни тан олмади. У ҳам ҳар қўлига бештадан дубинка еди.

Сўнг дубак Равшанни чақирди:

– Яна гаплашасанми сафда?

– Йўқ, гражданин началник! Бошқа қайтарилмайди!

– Тушунмадим, нима қайтарилмайди?

– Бошқа гаплашмаймиз, гражданин началник!

– Сафда ўтирганда гаплашиб ўтирганингни тан оласанми, ахир?

– Ҳа, гражданин началник, тан оламан! Бошқа қайтарилмайди!

– Чиқар қўлингни!

– Гражданин началник...

– Чиқар дедим!

Равшанбой ва Валижон иккиси яна бештадан қўлларига дубинка егандан сўнг жой-жойига келиб ўтиришади. Инграшиб, қўлларини силашади.

Уларга ҳамдардлик билдиргим келди:

– Равшанбек, ҳали дубинка емай туриб “бошқа қайтарилмайди, кечиринг” деганларингда, балки бир дубинка ҳам урмасди.

Равшан индамади, ёстикчага айланаётган қўлини букиб-очиб

ўтиришда давом этди.

Фарҳод уларни мазах қилиб:

– Бармоқларингни машқ қилдиришдан фойда йўқ, барибир шишади. Ҳечқиси йўқ, икки-уч кун овқатнинг фақат шўрвасини ичиб, картошқадан воз кечиб турсанглар, очингдан ўлмайсанлар, – деди.

Фарҳодга эътироз билдирдим:

– Нега улар картошқадан воз кечишар экан? Бурни билан бўлса ҳам эзишади, воз кечиш йўқ!

Жаслик зонасининг 17-чи камерасида яна – энди учинчи кез кулги кўтарилди.

КЎЗ «УЧИШИ» ТАЪБИРИ

2000 йил 11 июн. УЯ 64/71. Жаслик.

Тонг саҳардан иккала кўзим ҳам пирпираб уча бошлади. Бунинимда ўтирган Фарҳодга айтиб, таъбирини сўрадим. Фарҳод:

– Асабларингиз чарчаган, шунга бўлса керак, – деди.

Эрталабки нонуштадан сўнг коридорга чикдик. “Пайка” мизни олиб, яна камерага қайтдик. Кўз “учиши” тўхтади.

– Кўзларим эрталабки “пайка”ни истаган экан, учишдан тўхтади, – дедим ҳазиллашиб.

Аммо, бир оз вақт ўтиб, еган калтакларим камлик қилди шекилли, кўзларим яна пириллай бошлади. Яна бирор нарсани истаб қолди, шекилли.

Соат 10:30 ларда камерамиз маҳбусларини “сайр”га чиқаришди.

“Сайр”га боришда, қайтишда одатдагидек яхшигина калтакландик. Кўзларим “учиш”дан тўхташди. Бироқ буниси ҳам вақтинчалик экан.

Кечкурун “зерикиб қолмаслигимиз учун” яна коридорга чиқарилдик. Кечки “пайка”ни олиб, камерага кирдик. Кўзим пирпирашдан тўхтагандай бўлади. Лекин тўртинчи гал ҳам вақтинча тўхтади. Сўнгра яна бошлади.

Хойнаҳой, ухлаб қолганимда ҳам кўзларим “учган” бўлса керак.

2000 йил 12 июн. УЯ 64/71. Жаслик.

Бугун ҳам худди кечагидай, кўзларим тонгни пирпираб кутиб

олди. Шунга қарамасдан, кайфиятим кўтаринки эди.

Бугун ҳам кечаги куннинг такрори бўлди. Эрталаб калтак, тушликдан олдин калтак, кечқурун калтак. Кўз “учиши” ҳам худди кечагидай...

2000 йил 13 июн. УЯ 64/71. Жаслик.

Уйкудан уйғондим дегунча, кўзларим яна “учиб” бошлади.

“Аллергия ёки биронта асаб касаллиги аломати бўлса керак”, деган шубҳага бордим. Чунки илгарилари ўзимда бундай ғалати ҳолатни ҳеч қачон сезмаганман.

Эрталабки “пайка”дан сўнг ўнг оёғим (синган) зиркираб оғрий бошлади. Соат 11 ларда Фарҳод билан санчастьга тушдик. Ҳамшира ўнг оёғимни ушлаб кўриб, вазелинга ўхшаган нарсадан қоғозга бармоқ учидай сиқиб берди ва:

– Ҳозир оёғингизга суртинг, эрталабгача оғриқ ҳам, шиш ҳам қайтади,– деди.

Мен оғриқ қолдирувчи игна илтимос қилдим. Ҳамшира хонада ўтирган қорақалпоқдан (врач бўлса керак):

– Қандай укол қилсак экан?– деб сўради.

“Врач” ўрнидан туриб келиб, оёғимни кўрган бўлди ва:

– Маздан сурт, эртага битиб кетади,– дея маслаҳат берди.

Шу билан “даволаниш курси” тугаб, биз яна ўз камерамиздан қайтдик.

Соат 11:30 ларда акустик Раҳматиллоҳ эшик олдига кимлардир келганидан хабар берди. Тушлик десак, ҳали эрта. Чунки олдин 18-чи камерага тарқатилади. Улардан кейин бизга тарқатилади. Демак, эшик олдидагилар баландачилар эмас. Демак, бошқалар. Аммо кимлар?

Раҳматиллоҳнинг бу сафарги “башорат”и ҳам тўғри чиқди ва камерага 3-чи ҳолат эълон қилинди:

– Бегжанов, ҳамма нарсанг билан ташқарига!– деди кимдир.

Мен нарсаларимни йиғиштириб, читозни кўлимга олиб коридорга чиқдим. Коридордаги капитан мен тўғримда маълумотларни солиштириб кўрди ва ҳарбийга:

– Олиб бор! – деб буйруқ берди.

Читозни кўлимда олиб кетаётганимни кўриб қолган капитан бизни тўхтатиб ҳарбийдан:

– Нега бу оёқяланг юрибди?– деб сўради.

– Оёғи шишиб кетган, ўртоқ бошлик,– жавоб берди ҳарбий.

Капитан ёнимга келиб оёғимни кўрди.

– Қани, кийиб кўрчи, балки сиғар,– деди.

Мен читозни кийишга ҳаракат қилдим. Айниқса ўнг оёғим ҳаддан ташқари шишиб кетгани учун ҳамма ҳаракатларим зое кетди.

Капитан ҳарбийга читознинг олди ва ёнини кесишни буюрди. Ҳарбий ўнг оёқ читозимни олиб пичоғи билан кесди. Бир илож қилиб илма-тешик бўлган читозни оёғимга илдириб, оқсоқланганча зинадан биринчи қаватга тушдик.

Қайсидир хона тўғрисига келганимизда, ҳарбий менга:

– Нарсаларингни шу хонага ташла!– деди.

Мен фақат битта тўшакдан иборат бўлган “нарсаларимни” хонага улоқтирдим.

Буни кузатиб турган ҳарбий елкамга бир дубинка тушириб:

– Нимага улоқтирасан? Эртага бошқаси келиб шу матрасда ётади!
– деди.

Мен унга жавоб қайтариб ўтирмадим...

АЛВИДО «ЖАСЛИҚ!»

Ташқарига чиқаётганимизда, мени кузатиб кетаётган ҳарбий:

– Маҳқум! Чепчигингни⁵⁵ босиб кий! Янаям тушир, кўзинг фақат оёғингни кўрсин! – деди бақариб.

Юзми, икки юзми метрлар чамаси юриб, бир эшиқдан кириб бордик. Ҳарбий ким биландир гаплашди. Менга 4-чи ҳолатда ўтиришимни буюрди. Қўлимни бўйнимга қўйиб ўтириб олдим. Кўзларим фақат оёқларимни кўради.

Ўнг оёғимдаги читозга кўзим тушиб, кулгим қистади; ғирт масхарабозга ўхшабман...

Чап томонимдан бир овоз:

– Маҳқум! Бошингни кўтар, бу ёққа қара! – деди. Мен бошимни кўтариб, овоз келган томонга қардим.

Камера олдида кимлигимни аниқлаган капитан бошқа бир

55 Чепчик – маҳқумларнинг ёзги бош кийими.

капитанга менинг “дело”мни топшираётганини кўрдим.

– Чепчигингни еч, бошингни кўтариб бу ёққа қара! – деди таниш капитан.

Энди қабул қилиб олаётган капитан ўрисчалаб сўроққа ўтди:

– Фамилия, имя, отчество, год рождения, статья, срок...

Мен капитаннинг ҳамма саволларига жавоб бериб бўлганимдан сўнг, ташқарига олиб чиқишди ва зона дарвозаси олдида турган зековозга чиқаришди.

Машинага автомат билан қуролланган учта солдат, овчарка етаклаган сержант ҳам чиқиб жойлашиб олишди.

Ҳамма ёғи темир билан қопланган зековознинг ичи тандирга ўхшаб қизиб кетган эди. Машинадаги ҳарбийлар навбатма-навбат ташқарига чиқиб тушишар, мен эса бу “ўчоқ”да зўрға нафас олиб ўтиришда давом этардим.

Ниҳоят, конвойларнинг каттаси келиб, ҳайдовчи ёнига ўтиради ва зековоз ўрнидан кўзғолди.

Машина тепасидаги очиқ люк (дарча)дан чўлнинг ёқимсиз, иссиқ нафаси уради.

Икки соатча вақт юрганимиздан кейин машина тўхтади ва менинг қўлларимни кишанлаб, пастга туширишди.

Автоматчилар атрофимни ўраб олишди. Сержант итини ҳозирлади.

Буларни кўриб, миямга келган биринчи фикр шу бўлади: “Етиб келдим, ҳозир отиб ташлашади. Атроф кимсасиз. Шу жазирама бепоён чўлда ким ҳам бўларди...”.

– Ҳўв брат, бўлинг тезроқ, ҳожатингизни чиқаринг, энди то Нукусгача тўхтамаймиз, – деди сержант.

Машинага чиққанимиздан сўнг сержантдан қаерга кетаётганимиз тўғрисида сўрадим.

– Биз сизни Нукус турмасига топшираимиз. Турма Тошкентга жўнагади...

– Тошкентга? Нимага Тошкентга?– савол бердим мен.

Бундай қувончли хабардан ҳаяжонланиб кетиб беўхшов савол бериб қўйганимдан ўзим хижолат бўлдим.

– Тушунмадим. Сизга айтишмадимки этапга кетишингизни? – сўради сержант.

– Ким айтиши керак эди? Ҳеч ким ҳеч нарса айтгани йўқ,– деб жавоб бердим.

– Санчастандагилар ҳам айтишмадимми?

– Йўқ, ҳеч ким айтмади. Санчастаннинг этапга қандай алоқаси бор?

– Ҳўв, ака, Жасликдан фақат икки йўл билан чиқиб кетилади: биринчиси – мабодо ўлиб қолсанг; иккинчи йўл эса, касалланиб ўлар ҳолатда ётсанг. Бу ердан чиқиб кетишнинг бошқа иложи сираям йўқ...

Анча йўл юрганимиздан сўнг сержант сумкасидан аскарлар учун мўлжалланган консерва банкаларни чиқариб, аскарларга тарқатди. Изидан икки буханка нон олиб, тўрт бўлакка бўлди. Аскарлар ўзларига тарқатилган банкаларни очади ва ичида ёғдан бошқа нарса тополмасдан, чеккага олиб қўйишди.

Сержант мендан, “тушлик қилдингизми?” деб сўради. Агарда сержант бу саволини бир соат олдин берганида эди, мен “Иштаҳам йўқ”, деб жавоб берган бўлардим. Лекин ҳозир вазият бутунлай бошқа томонга бурилди, табиийки жавоб ҳам шунга яраша бўлди.

– Ҳозирги солдатский консервалар ичида гўшти бори ҳар 10 банкадан биттаси чикса, катта гап. Солдатларнинг кўпчилиги чарви ёғ ейишмайди, ҳаммасини ташлаб юборишади,– деди сержант.

– Чўчка ёғи бўлгандан кейин емайди-да,– дедим мен.

– Э-э ака, нималар деяпсиз, ким ҳам солдатга чўчка ёғи берар эди? Ҳозир Ўзбекистонда чўчка гўшти қанча туришини биласизми?

– Қанча турар экан?– сўрадим мен.

– Мол гўштига қараганда, икки баробар қиммат. Чўчка гўштида калория молниқига қараганда анча кўп, шунинг учун ҳам қиммат туради.

– Сизлар ҳам чўчка гўшти бўлса еган бўлармидинглар?– дея сўрадим сержантдан.

– Сиз-чи, емасмидингиз?– саволий жавоб қайтарди сержант.

– Мен ҳеч қачон чўчка гўшти емаганман. Армияда ҳам чўчка гўштини сариеғ ёки қандга алмаштирадим.

– Нега, “харом” дейилгани учунми? Колбасани-чи, униямамаганмисиз?

– Колбасаниямамаганман.

– Шунинг учун ҳам сизларни қамаб қўйишган. Ҳозир Ўзбекистон халқининг 50 фойизи чўчка гўшти истеъмол қилади, нима энди, шу 50 фойиз халқ сизларча “кофир”ми?

– Ука, келинг бу баҳс-мунозарани тўхтатайлик, сиз ҳали анча ёшсиз, кўп нарсаларни тушунмайсиз. Яхшиси, нонингиз бўлса бир бўлак беринг, тушлик ҳам қилмаганман, қорин оч,– дедим сержантга.

Сержант ўзининг сумкасидан бир буханка олиб, иккига бўлди ва ярим буханка нонни менга узатди ва мендан сўради:

– Чарви ёғ молники, чўчқаники эмас, ейсизми?

Мен сержантга ёғнинг ҳар қандай турини ёқтирмаслигимни айтдим.

2000 йил 13 июн. Нукус турмаси. Кечкурун соат 9:30 ларда Нукус турмасига кириб келдик.

Мени турмадаги навбатчи назоратчилар хонасига олиб киришди. У ерда бир лейтенант, иккита ҳарбий (войсковой) ўтиришар эди. Улардан бири менинг исм-фамилиямни сўраб, оладида турган журналга қайд этиб қўйди.

Хонага узун бўйли, турқи илонниқидан совуқ майор кирди ва қорақалпоқ шеvasида гап бошлади:

– Ҳа, ватан хоини! Тошкентга кетасанми? Ким чақиртирган сени? Сенларнинг ҳаммангни Жасликда қириб ташлаш керак эди! Вованинг⁵⁶ бўладими, хизбутинг бўладими, барингни! Тушундингми сен, хўв вован!?

– Ўртоқ бошлиқ, менинг исмим бор, фамилиям бор, мен “вован” эмасман,– дедим майорга.

Стулда ўтирган лейтенант майорга қарата:

– Бу одам Муҳаммад Солиҳнинг, пошшомизни ўлдирмоқчи бўлган 1-чи номерли халқ душманининг укаси экан.

Илонбашара майорга жон кирди:

– Қани у халқ душмани хўв вован!?

Асабим тобора таранглашиб, ортиқ тоқат қилолмай ва бу илонбашарага сенсираб:

– Майор, мен сенга айтдим, менинг исмим бор, исмимни айтиб чақир,– дедим турган жойимдан.

Мендан бундай қўпол муомалани кутмаган лейтенант ҳам, иккита войсковой ҳам бараварига ўтирган жойидан сакраб туришди. Майор

56 “Вован” – кимда ЖКнинг 159-моддаси бўлса, ўшани ментлар ҳам, жиноятчилар ҳам “вован” ёки “вовчик” (ваҳобий) дейишади.

уларга жойига ўтиришларини буюрди. Ўзи эса менинг олдимга келди. Бўйи салкам икки метрча келадиган бу махлуқ башарасини менинг юзимга яқинлаштириб, тишларини ғижирлатди:

– Сен кимингга ишониб менга бундай муомала қиляяпсан?!

Майорнинг менга қарата: “Ким чақиртирди сени Тошкентга?” деган саволидан келиб чиқилса, кимдир мени Тошкентга чақиртирган бўлиши керак, деб ўйладим ва майорга совуққонлик билан шундай дедим:.

– Тез қунларда билиб оласан кимга ишонганимни.

Майорнинг уни ўчди, ундаги ваҳима янада кучайди. Лейтенант ва иккита ҳарбий ҳам нима дейишларини билмай қолди. Мен эса “мўлжалга” аниқ урганимдан хурсанд бўлдим.

– Бахтинг бор экан, афсус, Тошкентга кетаяпсан. Бу ерда яна бир-икки ҳафта қолганимда эди, мен сенга қандай муомала қилишни ўргатиб қўярдим,— деди майор.

– Майор, агар мен турмангда яна бир-икки ҳафта қолганимда, мени калтаклаб синган оёғимни қайта синдирган бўлардинг ёки яна бошқа жойларимга шикаст етказган бўлардинг. Хўш, ундан кейин нима бўлишини биласанми? Билмайсан. Шунинг учун менинг бу ерда қолмаганимга шукр қилишинг керак,— дедим вазминлик билан.

Қизариб-бўзариб кетган майор гапни бошқа томонга бурди ва лейтенантдан “Қачон отправка бўлади? Этап тайёр бўлганми ўзи?” дея сўраган бўлиб, хонани тарк этди.

Лейтенант ҳарбийларнинг бирига:

– Бу кишининг (мени назарда тутаяди) “пайка”си қани? Қўлига беринглар. Тошкентга бориб устимиздан акаларига арз қилиб ўтирмасин яна,— деди.

Мен лейтенантга дедим:

– Энди сен бошляяпсанми асабга тегишни?

Лейтенант ҳеч нарса демади. Журнални варақлаб неларнидир излаган бўлди. Ҳарбий менга тумбочкадан бир буханка нон, бир қути балиқ консерва олиб қўлимга берди.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, турмадаги этапга кетадиган маҳбусларни машинага чиқаришни бошлашди. Мени энг охирида зековозга чиқаришди.

Столипиндаги кўриқчи-ҳарбийлар каттаси мени алоҳида, бир кишилик камерага жойлаштирди.

Поезд юриб бошлаганида бор овозим билан “АЛВИДО, ЖАСЛИҚ !!!” дея бақирдим. Бир зумда эшик олдида қўриқчилар каттаси пайдо бўлди.

– Нима бўлди? Тинчликми? – деб сўради катта сержант.

– Ҳаммаси жойида, командир. Ўзим шундай, яхши кайфиятдаман, бақиргим келди, командир...

Албатта, катта сержант менинг қувончимни бундай тарзда, яъни телбаларча ифода этганимни бошқача тушунгандир. У менинг нақ ўлим чангалидан соғ-омон қутулиб келаётганимни қаердан билсин? Ёки, у қаердан билсин бир вагон, яъни 81 нафар маҳбусни кутиб олган каримовчи жаллодларнинг “сизлар учун бу чўлу-биёбон абадул-абад масканинг бўлади, ўлигинг ҳам шу ерда қолади”, деб қақшаганларини? Қаердан билсин? Балки, кейин тушунар? Яна, ким билади, балки...

Нима бўлганда ҳам, катта сержант бир оғиз гапирмай, купесига қайтиб кетди. Шунисига ҳам шукр.

2-ҚИСМ

65-ЧИ ЗОНА. ЗАНГИОТА

2000 йил 13 июн. Нукус–Тошкент поёзди. Поёздниги Нукус стансиясидан чиққанига икки соатча вақт ўтганидан кейин мениги “купе-камерам” эшиги олдига сержант келиб:

– Мен сизниги “дело”нигига кўз югуртириб чиқдим, яхши одамлардан экансиз. Сизни “одиначка”да олиб кетиш Тошкентдан буюрилган. Поёзд эрта тонгда Урганчда тўхтаб ўтади, у ердан ҳам этап оламиз. Агар хоҳласангиз, зерикмай кетишингиз учун землякларингиздан бирини Қизилтепа стансиясигача ёнингизга қўйишим мумкин, гурунглашиб кетасиз.

– Мени Қизилтепага этап қилишяптими? – деб сўрадим сержантдан.

– Йўқ, йўқ, сиз Тошкентга кетасиз. Гап шундаки, Қизилтепада сизниги шу вагонда кетаётганингизга ишонч ҳосил қилиш учун хабар олишади...

– Ўзингиз қаердансиз, сержант? – деб сўрадим ундан.

– Мен туркманман. Чоржўйда туғилганман... – жавоб берди у...

2000 йил 15 июн. Тошкент. Поёзд эрталаб соат етти-саккизларда Тошкентга етиб келди. Олдин Сангород, кейин Тоштурмага кетадиганларни олиб кетишди, охирида мени чиқаришди.

Бир ўзим учун бутун бир зековоз. Конвойлардан қаерга боришимизни сўрадим. Улардан бири, “Тоштурмага кетяпмиз”, деди.

Лекин зековоз Тоштурма дарвозаси олдига бориб, яна орқага қайрилди. Бундан нафақат мен, балки, мени кўриқлаб кетаётган кузатувчиларим ҳам машинаниги кутилмаганда орқага қайтишидан ҳайрон бўлдилар.

Зековоз “Жанубий” темир йўл вокзалидан ўтганидан сўнг Занги отадаги қамоқхонага бораётганимиз маълум бўлди.

2000 йил 15 июн. Тошкент. УЯ 64/65-чи зона изолятори.

Капитан, икки сержант ва прапоршик¹ мени тинтув қилишди.

1 Прапоршик – СССР пайтида катта сержантдан юқори бўлган ҳарбий унвон. Ўзбекистонда, менимча 2006 йилдан кейин бу унвон олиб ташланган бўлса керак.

– Оёққа нима бўлган?– сўради прапоршик.

– Синган. Уриб синдиришган, – дедим.

Чеккада кузатиб турган қозоқ капитан зардали оҳангда:

– “Жасликдагилар уриб синдиришди” демоқчисан-да, а!

– Йўқ, Жасликдагилар эмас, МВД² подвалидагилар уриб синдиришди. Жасликдагилар қўшимча қилишди, – дедим мен.

Қозоқ капитан бу жавобни қандай изохлашни билмай, у ёқ–бу ёқ аланглади ва ахийри оёғимдаги читозга кўзи тушиб, унинг “аҳволига” ҳиринглаб кулди.

Прапоршик мени тинтув қилиб бўлгач, капитанга:

– Тўлқин ака! Буни шмон қилиб бўлдим, қайси камерага ташлаймиз?– деб сўради.

Капитан прапоршикка қайси камерага жойлаштиришни айтди.

Сержантлардан бири норози оҳангда капитанга деди:

– Кўка, бунинг “пайка”сини беришимиз керак. Икки кун “пайка”сиз кайф қилгани етар. Қани, деворга ўгирил!

Капитан: “Ҳей, бу ёққа кел!” деб сержантни ёнига чақириб олди. Унга нималардир деб дўқ қилди, тушунтирди. Сержант капитандан хафа бўлиб шериги ёнига бориб, унга дардини тўкиб солди.

Ҳужрага олиб боришдан олдин, прапоршик мени изоляторнинг омборхонасига киритди. У ердан кўрпа-тўшак олдим.

– Коридордан тўғрига юр! Ўнинчи камера эшиги олдида тўхта!– буюрди прапоршик.

Мен 10-чи хужра эшиги олдида тўхтадим. Деворга қараб турдим. Прапоршик хужра эшигини очди.

– Ҳозирча шу ерга кириб тур, беш дақиқадан сўнг бошқа камерага борасан,– деди прапоршик.

Беш дақиқа эмас, ярим соатлар вақт ўтиб мени бошқа – олтинчи хужрага жойлаштирди.

6-чи сонли хужра “Т” шаклида қурилган изоляторнинг чап томонидаги охириги камера эди. Бу камера ёзда ҳаддан ташқари иссиқ, бир кишига мўлжалланган, эни 2 метр 70 сантиметр, узун 4,5 метрга тенг, юз-қўлни ювиш ва ҳожат жойи ҳам ичида жойлашган катакдай бир хужра.

2 ИИВ ертўласи – Ўзбекистондаги камоқхоналарнинг кўпчилигида кўпинча русча терминлар қўлланилади. “ИИВ ертўласи” десанг, кўплари “нима эди у?” деб сўрашади.

Шифти ва деворлари моғорлаб кетганидан, бу хужранинг кишда зах ва совуқ бўлганлигидан далолат бериб турибди. Яхшиям, поли ёғоч ва деворларига қум сувоқ урилган, турмадаги хужралар каби ғадир-будур эмас, текис. Ҳарқалай, яшаса бўлади. Жаслиқнинг саранжом-саришта камералари олдида бу катак бамисоли бир қошона каби туюлди менга!

Прапоршик мени хужрага жойлаштирганидан сўнг:

– Камера тоза бўлсин, шконкага ўтирилмасин, баландёр ёки навбатчи войсковойлар билан гаплашилмасин, камерага ёт буюмлар – сигарет, нос, чой ва бошқа бало-баттарлар киритилмасин. Хужра эшиги олдида офицер келганида доклад қилинсин. Мабодо шмон пайтида камерангдан бирон-бир нарса топилса, ўлдим деявер! Тушунтиролдимми?

– Тушунарли, ўртоқ прапоршик,– дедим мен.

– Биринчидан, “ўртоқ прапоршик” эмас, “ўртоқ командир” дейилсин. Иккинчидан, яна қайтараман, камера тоза тутилсин,– деди ва хужра эшикларини қулфлаб, ғойиб бўлди...

«ОДИНОЧКА»³да 150 кун

...Тушликдан сўнг 6-чи хужра эшиги олдида кимлардир келди, нималарнидир гаплашдилар. Бир оздан сўнг эшикдаги дарча очилди ва унда акам Комил Бекжоннинг чеҳраси пайдо бўлди. Бир муддат кўзларимга ишонмай, Акамга қараб туриб қолдим...

Акам Комилжоннинг, паст овозда:

– Муҳаммад, яхшимисан, соғ-саломатмисан? Яқинроққа кел, мен акангман! – дея охирги жумлани қаттиқроқ гапирганида, бу бўлаётган воқеа рўё эмаслигини англаб, дарча олидига келдим ва Акамга қўл узатдим.

Акам сержантга қарата деди:

– Илтимос командир, эшикни бир дақиқага бўлса ҳам очинг, укам билан кучоқлашиб кўришайлик, олти-етти йилдан ошди кўришмаганимизга. Илтимос, ука...

3 Жаргонда “одиночка” – бир кишилик камера.

– Нималар деяпсиз, Комилжон ака? Сизга ҳозиргина тушунтирдим. Эшик шахсан ДПНК бошлиғи томонидан муҳрланган. Бўлинг тез, қимирланг-да энди, Комилжон ака! Худо кўрсатмасин, биров кўриб қолса ҳаммаси тамом, – деди сержант, жиғибийрони чиқиб.

Акам эртага кечки пайт келишини айтиб, мен билан хайрлашди. Эшик дарчаси беркитилди.

2000 йил 16 июн. Бу кун кечқурун акам Комил Бекжоннинг келишини кутдим, бироқ кеча акам билан учраштирган сержант келиб, у йўқлигида Комилжон акамни этапга юборишганини айтди.

Акам Комил Бекжон билан бўлган бу икки дақиқалик учрашув, Ўзбекистон қамоқхоналарида ўтирган пайтимиздаги биринчи ва охиргиси эди...

2000 йил 17 июн. УЯ 64/65-чи зона изоляторининг 6-чи камераси.

Эрталабки нонуштадан сўнг коридорда юрган дубакни чақирдим. Дубак эшик дарчасини очиб:

– Нима дейсан? Ўзинг кеча келиб, дарҳол бошладингми? – деди.

– Нимани бошладим?

– Нимани бўларди? Қон ичишни-да, – деди дубак.

– Командир! Манави хужра эшигида: “Зарурат туғилганда, навбатчи ходимни чақириб учун тугмани босинг”, деб ёзилган. Бу ерда ҳеч қандай тугма бўлмагани учун эшикни қоқдим. Шу ҳаракатим қон ичиш бўладими?

Дубак жимиб қолди. Бир оздан сўнг эшик дарчасига энгашди ва менга қараб:

– Нима проблема? – деди.

– Ҳеч қандай проблема йўқ, командир. Илтимос бор, – дедим мен.

Маҳбусдан бундай илиқ муомалани биринчи бор кўраётган бўлса керак, дубак ҳам мулойимлик билан:

– Нима илтимосингиз бор эди? – деб сўради.

– Командир, камера расво бўлиб кетибди. Полини, деворини бир артиб чиқмоқчиман, шунга латта керак эди, – дедим.

Дубак гўё ўта муҳим илтимосни бажараётган мисоли гўддайиб:

– Ўйлаб кўрамиз, – деди ва дарчани беркитди.

Ярим соатдан сўнг дарча очилди ва ҳали ишлатилмаган янги

сочиқ камерага ирғитилди.

Дубак:

– Буни иккига бўлинг-да, ярмини қайтаринг. Қоида бўйича узун сочиқни камерада сақлаш мумкин эмас. Буни билсангиз керак,— деди дубак.

Мен сочиқни иккига бўлиб, ярмини дубакка қайтардим. Дубак менга қараб, “Раҳматни ким айтади?” деди. Мен унга жавоб беришга шайланиб:

– Оддий латта...

Дубак гапимни бўлди:

– И-е, қанақасига оддий латта?!

– Сержант, келинг, ўзи бир латта экан, шунга ҳам бир-биримизнинг асабимизга тегиб ўтирмайлик.

Дубакнинг менга нисбатан муносабати ўзгарди. У сансирашга ўтиб:

– Ўзи, сенларга яхшилик қилиб бўлмайди. Подшомиз сизларни бекорга аяб юрибди. Бошқаси бўлганда сен террористларни чумолидай қирган бўларди. Аслида, ҳеч бўлмаганда ана шу зотга раҳмат айтишларинг керак, нонкўрлар!

Дубак кетганидан сўнг то тушликкача хужрани тозалаш билан шуғулландим. Кўримсиз камера шинам бир кичкина хонага айланди.

Кундузги соат иккидан сўнг камераларда гимн айтиш бошланди.

Гимн айтиш навбати мен ўтирган камерага келади. Коридордаги дубак: “Олтинчи! Бошла!”, дейди. Бир оз кутиб, такроран:

– Олтинчи! Бошла!” деб бақирди. Олтинчидан ҳеч садо чиқавермагач, дубак хужра эшиги олдига келди ва “кўзи”дан мўралаб, “Сен нима, эшитмаяпсанми?! Гимнни айт!” дея бақирди.

– Гимнни ёдламаганман, шунинг учун айтмаяпман.

– Тушунмадим?! Нимага ёдламагансан?! – бақириб сўради дубак.

– Ёд ололмапман, командир.

– Менинг ишим йўқ! Барибир айтасан! Менга баҳонанг ўтмайди!

Давай, айт гимнни!

Дубак бир қанча вақт камера эшиги олдида депсиниб турди ва бақирди:

– Олти! Бошла!

– ...

– Энди ўзингдан кўр, начальник зонанинг ўзи гаплашади сен билан!.. Еттинчи! Бошла! – дея бақириб буйруқ берди дубак 7-чи камерадагиларга.

Еттинчи камерадагилар гимни айта бошлайдилар. Еттинчи, саккизинчи ва бошқа камерадагилар гимни айтиб бўлишганидан сўнг, ярим соатча изолятор биносининг ташқариси ва ичкарасида жимлик ҳукм сурди.

Бу ярим соат жимликдан сўнг, изолятор коридорида овозлар қайта эшитила бошлади. Овозлар тобора мен ўтирган чекка камера томон яқинлаши келмоқда. Сезаяпман – мен томонга келишяпти. Эшик олдида кетиб, хужранинг ўртасига бориб турдим.

Олтинси камеранинг биринчи эшиги қулфини оча бошлашди. Демак, навбатчи дубак сўзининг устидан чиқибди. Чунки, бошлиқнинг ўзи бу ерга ташриф буюрибди. Чунки, зона бошлиғининг буйруғисиз ёки шахсан унинг иштирокисиз “олтинчи камера эшиги очилиши мумкин эмас”.

Эшик очилиши билан доклад қилишни бошладим. Докладни зона бошлиғи эмас, изолятор бошлиғи, капитан Тўлқин тўхтатди:

– Нимага давлат мадҳиясини айтишдан бўйин товляпсиз?

– Ўртоқ бошлиқ, мадҳияни айтишдан бош товламадим. Мен бу кишига: “Мадҳияни ёд олмаганман”, дегандим. Билмаган нарсани қандай айтиш мумкин?

Капитан:

– Жасликда ҳам айтмаганмисиз?

– Билмаганим учун Жасликда ҳам айтмадим.

Капитан тўлқин кўзларини лўқ қилиб мени бошдан-оёқ кузатиб чиқиб, войсковойларга қарата:

– Майли, бу бобойга навбат келганида ўтказворинглар, – деди.

– Рахмат, бошлиқ!..

– Фамилиянгиз Бегжономиди?

– Худди шундай, ўртоқ бошлиқ!

– Ўта кетган антипатриот экансиз-ку. Давлатимиз гимни айтишдан қутулганингиз учун шунча хурсандсиз. Виждонингиз қийналмаяптими, Бегжоном?

– ...

– Бегжоном, сиз ўзи гимн нима эканлигини биласизми? Қаердан

ҳам билардинглар сенлар? Билганларингда, ўз уйлариингда ўт қўймаган бўлардинглар. Билганларингда, ўз президентингда, ўз ота-оналаринг, опа-сингилларинг, ака-укаларингда қарши милтиқ кўтариб уруш эълон қилмаган бўлардинглар. Гимн дегани давлатимиз номини улуғлайди, шарафлайди, кўкларга кўтариб мактайди. Далатимиз обрўсини дунё оммасига кўз-кўз қилади...

65-зона изолятори бошлиғи Тўлқинвойнинг панд-насихатларидан давлат мадҳиясининг нима эканлигини ҳам билиб олдим. Лекин бу “доно”войнинг олижаноб ўғитлари менга заррача таъсир ўтказа олмади. Феъл-атворим шундай қусурли бўлса, мен айбдорманми? Бу феъл-атвор курғур сохталикни қабул қилмаса, нима қилишим керак?

Мадҳия эмиш. Шу ҳам мадҳиями? Лўттивозлик бу!

Масалан, қаранг: “Серкуёш ҳур ўлкам, элга бахт-нажот”, деб ёзғиради мадҳия муаллифи. Хўш, қани ўша “Ҳур ўлка”?

Ўзбекистонми “ҳур ўлка”? Ишонки қийин. “Хор ўлка” дейилса, ишончлироқ эмасми?

Зонадаги маҳкумлар бу “мадҳия”ни шундай ўзгартишлар билан куйлашади: “Серкуёш хор ўлкам, элга бўқ-нажас...”. Шармандалик.

Қайси элга “бахт-нажот” бўлибди бу ўлка? Ўзбек халқидами?

Албатта йўқ! ИАК ва унинг маддоҳларига бахт ва нажот бўлган бўлиши мумкин, лекин асло элга эмас!

Яна: “Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!”. Қайси дўстларни назарда тутмоқда муаллиф? Мабодо, ер ости, ер усти бойликларимизни очиқчасига талаб кетаётганларни айтаётган бўлса, тўғри фикр билдирибди. Чунки, Ислом Каримов шу йўл билан ўзининг яккахокимлигини ўз халқидан ҳимоя қилди (Шоир Абдулла Ориповнинг шоғирдлари ҳамда кўп минг сонли шеърийат мухлислари мени маъзур тутсинлар).

Агар ўша мадҳиячи Орипов айтганидек “дўстлари”га «йўлдош» бўлмаганида ёки уларга «меҳрибончилик» қилмаганида, “дўстлари”сиз бир кун ҳам ортиқча президентлик лавозимида қололмас эди.

“Одиночка”даги учинчи кун ҳам бошланди. Ҳозирча икки кун қандай ўтганини сезмай ҳам қолдим. Ҳар қалай, бошланиши ёмон эмас. Яратганга шукр!

“ОДИНОЧКА!”

Бу сўзни биринчи бор армияда пайтимда, армиядаги хизматим тугашига икки ой қолганида эшитганман. Аниқроғи, беш кеча-кундуз ўша “одиночка”сида ўтириб чиққанман...

1974 йилнинг октябрида мени Орск шаҳридаги ҳарбий авиация қисмдан Оренбург шаҳридаги авиация қисмига хизмат сафарига жўнатишди. Кайфият аъло, романтика, бир сўз билан айтганда...

Оренбург. 1975. Феврал. Ҳарбий хизматга ажратилган вақт тугашига икки ярим ой қолганда взвод бошлиғи лейтенант Кузнецов билан тортишиб қолдим. У мени рота бошлиғи олдига олиб борди ва: “Бу аскар менинг топшириқларимга умуман бўйин эгмаяпти. Сочингни олдир десам, яқинда дембелга кетаман, олдирмайман, сенинг буйруқларингга қўйиб қўйдим, деяпти. Сиздан чора кўришингизни сўрайман”, – деди.

Полковник менга: “Сен нима, аскар! Ўзингдан кетяпсанми?! Ҳозироқ бориб сочингни олдир! Агар бир соат ичида сочини олдирмасанг, 15 суткага гаупвахтага кетасан!” – деб бақирди.

Аслида Кузнецов ёмон бола (мендан икки ёш катта) эмас эди. Лекин ҳозирги сотқинлиги ғазабимни кўзғотди. Казармага қайтаётганимизда унга:

– Саша! Мен сени яхши одам деб юардим, ғирт сотқин, аблаҳ экансан! Сочимни олдирмайман, бор югур, полк бошлиғига шикоят қил! – дедим.

– Сочингни олдирасан, Бегжанов! Бу менинг буйруғим, тушундингми?! – деди у бақириб.

Ўзи шундоғам унга бўлган ғазаб қайнаб турганида унинг бу “катта кетиши” ортиқча эди.

Мушт бўлиб тугилиб улгурган қўлим Кузнецовнинг қоқ бурнига тушди! У тротуар чеккасида уйилиб ётган қор уюмига ағнади. Бурнидан шириллаб қон оқа бошлади.

Дарров Сашанинг олдига бордим ва турғазмоқчи бўлиб қўлидан ушладим. У қўлимни силтаб ташлаб: “Қўйвор мени! Ҳозир кўрсатаман сенга офицерга қўл кўтаришнинг оқибати қандай бўлишини!”, деб ўрнидан турди ва бир қўли билан бурнини ушлаб,

иккинчи кўли билан шинелидаги қорни қоқди.

- Саша, кечир дўстим. Қизишиб кетибман,— дедим.
- Мен сенинг дўстингмасман, тушундингми!
- Бор-э, билганингни қил!– дедим ва казарма томон кетдим.

Икки соатдан кейин учта сержант келиб, мени Оренбург шаҳридаги қамоқхонага олиб кетишди.

Лейтенант Александр Кузнецов ва полковник Бош штабга бориб, менга 15 сутка “одиночка”ни ҳужжатлаштирибди.

Оренбургдаги эски қамоқхона Оренбург ҳарбий округининг гаупвахтаси ҳисобланар экан. Бу қамоқхона оғир жиноят содир этган ҳарбийлар учун ҳам турма, ҳам гаупвахта ролини бажарар экан.

Сержантларнинг айтишига қараганда, лейтенант Кузнецов мени ҳарбий трибуналга бериш ниятида экан. Агар у ниятини амалга оширса, менга икки йил “дисцбат”⁴ берар экан. Оллоҳга шукр, ўшанда Кузнецов бу фикридан қайтиб, ҳарбий трибуналга: “кечирдим, шахсий адоватим йўқ” деб ёзиб берибди...

Ўшанда ўн беш эмас, бор-йўғи беш кун “одиночка”да ўтириб, ақлдан озишимга сал қолган эди.

Беш кундан сўнг мени умумий камерага ташлашган эди.

Умумий камера “одиночка”дан кўмир билан қиздириладиган печкаси, кенглиги, узунлиги ва ёруғлиги билан фарқ қиларди.

Бу ерда 7-8 та ҳарбий бор эди. Улардан икки киши Оренбург шаҳридаги Юрий Гагарин номидаги учувчилар тайёрлаш билим юрти курсантлари эди. Бу курсантлар менга ҳозир ўтирганимиз қамоқхона тарихи тўғрисида гапириб бергандилар.

Бу қамоқхона чор Русияси ҳукумати томонидан 1898 йилда Оренбург шаҳрининг шимоли-ғарбида, Урал дарёси ирмоғи қирғоғида қуриб битказилган бўлиб, ўша пайтларда ўзининг бири-биридан кўрқинчли тафсилотлари билан шаҳар аҳолисини кўрқув исканжасида ушлаб турган зиндон бўлган экан. Бу зиндонда Русиядаги энг ашаддий жиноятчилар билан бирга сиёсийлар ҳам сақланган ва улар шу ернинг ўзида қатл этилган экан...

Бу воқеага 25 йил бўлибди. Орадан 25 йил ўтиб, яна “одиночка” камерани эслатишди. Бу сафар ҳарбийлар эмас, ментлар “одиночка”га

4 Дисцбат – жиноят қилган ҳарбийларни тарбиялаш (аниқроғи, жазолаш) баталёни (дисциплинированный батальон).

ташлашди. Бугунги статусим “безори ҳарбий” эмас, “ашаддий халқ душмани”ман.

2000 йил 18 июн. Эрталаб соат 05:00 да уйқидан туриш эълон қилинди. Бир оз вақт ўтиб, худди Жасликдагидай, 11-чи ҳолат эълон қилинди. Камерада бир ўзим бўлганим учун нима қилишимни билмай, хужра ўртасида қаққайиб туравердим. Камераларни текшириб келаётган войсковой эшик “кўз”идан хужра ўртасида қотиб турганимни кўриб:

– Нега 11-чи ҳолатда турмаяпсан? – деди.

– Бу ерга келганимга икки кун бўлди. Ҳеч нарсани тушунмадим, нима қилишим керак? – сўрадим мен.

Войсковой:

– Қўлларингни кўтариб деворга қўйиб қотиб тур! Ана шу 11-чи ҳолат бўлади! – деб бақирди.

Эрталабки нонушта тарқатилгунча шу ҳолатда қотиб туришинг шарт, деб кетган дубакнинг бошқа камерадагилар билан гаплашаётганини эшитдим ва шконканинг устига ўтириб олдим. Хаёлларга берилиб кетиб, эшик дарчаси очилганини билмай қолдим. Коридор навбатчиси бақирди:

– Ким сенга рухсат берди шконкага ўтиришга! Ўзингдан кетдингми?!

– Командир, мен бу ерга келганимга уч кун бўлди, лекин ҳеч ким менга бу ердаги қонун-қоидани тушунтирмади. Мен айбдорманми сизлар тушунтирмаган бўлсанглар? – дедим.

Дубак ёнида турган “баландёр”га⁵ :

– Тезроқ бўл! Намунча секин сузасан! Яна ўн камера бор!– деб бақирди.

Баландёр шошилиб, менга узатмоқчи бўлган косани қўлидан туририб юборди ва бунинг учун ҳам войсковойдан сўқишлар эшитди. Шу сабаб войсковой ва менинг орамиздаги тортишув унутилди.

Бу ерга келганимга уч кун тўлиб, тўртинчи кун бошланди. Эрталабки нонуштадан сўнг коридордаги навбатчи қайсидир камера маҳкумларига мадҳияни бошлашга буюрди. Навбат менинг

5 Жаргонда “баландёр”– маҳбусларга емак тарқатувчи.

камерамга келганда, мадҳия айтиш тўхтади. Мени шконкада ўтирганимни кўрган дубак келиб:

– Хў-ў-ш, гимнни нимага айтмаяпсан? Буни ҳам билмаганмидинг? – деб сўради. – Ёки гимнни айтмаслик учун бошқа баҳона тайёрлаб қўйганмисан?

– Бошқа баҳона топиб қўйдим. Мен энди гимнни айтмайдиган бўлдим. Изолятор бошлиғи бундан хабардор. Зона бошлиғи ҳам билса керак. Шунинг учун 5-чи камерадан кейин тўппа-тўғри 7-чи камерага ўтиб кетаверар экансизлар, – дедим ва дубакнинг кўзига тикилдим.

Дубак ҳеч нарса демасдан 7-чи камера томон кетди ва “Етти, бошла!” деди. Шу кундан бошлаб бу зонада мендан гимн айтишни талаб қилиш тўхтади.

Нонуштадан кейин бошқа камера эшиклари очилиб-ёпилиб, кимнидир қаергадир чақирар, кейин бошқа камера эшиги очилиб-ёпилиб олдинги ҳаракатлар такрорланарди. Мен бўлса, камерада тўхтамай “тасовка” қилиб, “Ҳозир менинг олдимга келиб, мени ҳам суҳбатгами, сайргами тортишса керак”, деб кутдим, лекин ҳеч ким келмади.

Соат 11 ларда коридордаги борди-келдилар тўхтади. Жим-житлик. Навбатчи войсковой ҳам қаергадир йўқолди. Бир маҳал кимлардир ўзаро гаплаша бошладилар. Диққат билан қулоқ солиб турдим. Овозлар:

– Самара, Самара? Менинг ўрнимга кимни ташлади, аниқламадингизми?

– Ассалому алайкум, Тошкент ака! Яхшимисиз? Аляскага узун бўйли, сочи оқарган оқсоқ одамни ташлашди.

Гап мен тўғримда кетаётганини билиб, банзайка билан тўсилган туйнук (форточка) олдига келдим ва иситиш трубази устига чиқиб, ташқарига қулоқ солдим. Лекин овоз бошқа томондан келаётган эди.

Пастга тушиб эшик олдига келдим. Коридорда ҳам жим-житлик.

– Самара! Қўшниларга айтинг, Аляска алоқага чиқсин!

Ниҳоят, овоз қаердан келаётганини аниқладим. Овоз эшик тепасидаги ҳаво алмашлаш дарчасидан келаётган эди!

Бир неча дақиқа ўтиб, дарчадан:

– Олтинчи камера! Мен кўшни 7-чи камераданман. Алоқага чиқинг! Мени эшитаётган бўлсангиз, “эшитдим!” деб қўйинг!

– Эшитдим! – дедим, тепага қараб.

– Ака, сизнинг камерангиз номи “Аляска”, тўққизинчи камера– “Самара”, ўн иккинчи камера – “Тошкент”. Эшитилияптими, ака?!

– Эшитяпман, гапираверинг,– дедим.

Еттинчи камера тушунтиришда давом этди:

– Тўққизинчи камерадагилар доим эшик кўзидан коридорни кузатиб туришади ва мабодо коридордаги дубак ёки бошқа бирор ходим келиб қолса, алоқага “зиндон” берилади, яъни алоқа тўхтатилади. Хавф-хатар бўлмаса, “йўл очилди” дейишади. Алоқага чиқсангиз, иккинчи қаватдаги шконка устига чиқиб дарчага гапирсангиз, овозингизни 12-чи камерадагилар бемалол эшитади.

– Пастдан туриб гапирса, бошқа камерадагиларга эшитилмайдими?– сўрадим мен.

– Охирги камераларга эшитилмайди, ака,– деди кўшни камерадаги овоз.

Шу тариқа бошқа камерадагилар билан “алоқа” ҳам ўрнатилди. Бирок, бундай алоқа қилиш имкони ҳар куни ҳам бўлавермайди. Ҳафтада бир марта шундай имкон туғилса, катта гап...

КГБ-чи «ЖУРНАЛИСТ»

2000 йил 20 июн куни эрталаб соат ўнларда мени камерадан чиқаришди. Изолятор олдида ойналари қорайтирилган, “нам асфалт” рангдаги “Форд” енгил машинаси ва унинг эшиги ёнида изолятор бошлиғи капитан Тўлқин (қозоқ) ҳамда фуқаро кийимидаги икки киши гаплашиб туришар эди.

Тўлқин “меҳмон”ларга мени кўрсатиб:

– Мана шу одам Бегжонов. Жасликда йиқилиб тушиб лат еган экан, шунинг учун оқсаяпти,– деди.

Мен Тўлқиннинг гапига кулган эдим, фуқаро кийимидаги бири:

– Нега куласиз? Офицер бирон кулгили гап айтдимиз?– дея савол берди.

Мен жавоб бермадим. Менга савол бергани машина орқа эшигини очиб, “Ўтиринг” деди.

Қўлларимга кишан солинди. Машина ўрнидан жилиб, 65-чи зона дарвозасидан чиқди ва Тошкентга томон йўл олди.

Бундан етти йил олдин кўрганим Тошкент кўчаларини томоша қилиб кетяпман: Жанубий темирйўл вокзали, Шота Руставели кўчаси, кўчанинг ўнг ва чап тарафидаги тротуарлар ранг-баранг кийимларга бурканган одамлар оқими билан лик тўла.

Бир йилдан ошиқ вақт ичида қамоқхонадаги бир хил рангга кўниккан кўзлар кутилмаганда қамоқхона ташқарисидаги ранг-барангликни кўрса, одамда ғалати туйғулар пайдо бўлар экан. Шу туйғулар оғушига ғарқ бўлиб, бир муддат кўлларимга кишан урилгани эсимдан чиқаёзди...

Машина ИИВ биноси эшиги олдида келиб тўхтади. Қўлимдаги кишан ечилди. Бино ичкарасига кириб, лифтда ертўлага тушдик.

Ертўла фойесиди бизни бир майор ҳамда ёши ўттиз бешлар чамасидаги фуқаро кийимидаги одам кутиб олишди. Мени тинтув қилишиб бўлиб, ертўла фойесиди бокслардан бирига қамаб қўйишди. Боксда бирон соатларча ўтирганимдан сўнг эшик очилди ва кимдир “Чиқинг!” деди.

Эшик очиқ, лекин ҳеч ким кўринмаяпти. “Аҳмоқона ҳазил”, ўйладим мен ва фойега чиқдим. Фойедаги навбатчи зобит ўтирадиган жой ҳам бўм-бўш. Бир неча сониядан сўнг эшик ортидан эски таниш, сержант тиржайиб чиқиб келди ва:

– Соғ-саломатмисиз, ака! Эрталабдан сиз ҳақда бу ерда миш-миш: “Фалончи одам келяпти, у эмиш-бу эмиш...”. Гап сиз ҳақда эканлигини дарров пайқадим.

– Ўзингиз қалайсиз? – деб сўрадим сержантдан.

Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, сержант мени коридорнинг энг охиридаги (*менимча 14-чи*) камерага олиб борди. Тўрт ўринли камерада ҳеч ким йўқ. Сержантдан сўрадим:

– Ертўлада одам камми дейман, ҳеч кимнинг саси чиқмаяпти?

– Кам, кам. Худога шукр, олдингидай эмас. Эшитишимча, чет элдан комиссия келар эмиш. Шунинг учун бу ерда жуда кам одам қолган. Ўзингиз тинч-омонмисиз? Оёқларингиз ҳалиям оғрийдими? Оқсоқланиб юрибсиз, ака?

– Тузалиб қолганди. Жасликда яна шу ҳолга солишди,– дедим.

– Э, худойимэй...

– Сиз ўтган йили “пенсияга кетаман” дегандингиз, кетмадингизми?

– Қўйворишмади. “Яна бир-икки йил ишлаб берасиз”, деб туриб

олишди. Энди, Худо хоҳласа, йил охирида қўйиб юборишса керак. Майли, мен борай, биров келиб қолмасин. Ҳали гаплашамиз,– деди сержант ва эшикни қулфлади.

Бундай характердаги одамнинг мелисага ишга кириб қолгани мени ажаблантирар эди. Ким билади, балки бола-чақа, уй-рўзғор ташвишлари шу ишни танлашга мажбур қилгандир? Балки бошқа бир сабаблари бордир?..

Шу ўйлар билан тўшак устига ёнбошлаб олиб уйқуга кетдим.

Камера эшиги қулфи шақир-шуқиридан уйғониб, эшик олдига келдим. Эшик очилди, “Ака, тушлик олиб келишди, олволинг”, деди сержант ва овқатни қўлимга тутқазиб, “Ҳозир келаман” деди-да, эшикни қайта ёпиб чиқиб кетди.

Бир оздан сўнг сержант қайтиб келиб, қўлимга бир бўлак совун, икки-уч дона кўйлак, иккита шим кўтариб келди ва менга, “Манави кўйлак, шимдан хоҳлаганингизни танлаб олинг. Ҳозир баня қилиб, соч-соқоқолингизни оласиз. Мана бу станокнинг ити “Жиллет” дегани экан. Охирги выпускаси эмишми-ей, иш қилиб зўр нарса экан-да!

Сержантнинг шахсан менга атаб олиб келган кўча кийим-кечаклари-ю бошқа ашқол-дашқолларини қўлимга оларканман, тасвирлаб бўлмас гўзал, ширин хаёллар вужудимни камраб олди. “ОЗОДЛИК! ОЗОДЛИК!” дея ҳайқирарди бу хаёллар.

Сержантнинг, “Ака, эртага олдингизга кимдир келар экан, шу кийимларни кийиб у одам билан учрашишингиз керак экан”, деган гапи уларни чил-парчин қилди.

ИИВ ертўласининг (?-чи) камерасида ўша “кимдир”ни кутиб, бир ҳафта ўтиришга тўғри келди. Бу орада сержантдан ким келишини суриштириб кўрдим.

– Комиссия қаердан келаётган экан?

– Тўғриси, билмайман, ака. Юқоридан ёки чет элдан келса керак. Ўзимизникилар бўлганда, сизга бундай эътибор қаратмаган бўлишарди...

2000 йил, 27 июн. ИИВ ертўласи.

Кундузги соат 11:00 да мени ертўланинг тергов хонасига олиб киришди. Тергов хонасида кўзойнакли одам ҳамда бўйнига фотоаппарат илиб олган ёш йигит ва мени Зангиота зонасидан

келтирган фуқаро кийимидаги нусха ўтиришарди. Хонага киришим билан, ҳаммаси ўрнидан туришди. Фуқаро кийимидаги нусха “меҳмон”ларга мени таништириб, ўзи хонани тарк этди.

Кўзойнак таққан нусха ўзини таништирди:

– Мен, Олег Якубовман⁶ – халқаро миқёсдаги журналист. Бу йигит менинг фотомухбирим. Агар рози бўлсангиз, сиздан суҳбат олмақчи эдим. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?

– Муносабат? Нимага муносабат билдиришим керак?

– Суҳбатга. Сиз билан суҳбатлашсам розимисиз, демокчиман.

– Қайси мавзуда суҳбатлашмоқчисиз?

– Сиз қайси мавзунини хоҳласангиз, шу мавзуда суҳбатлашамиз.

– Ўзбекистон қамоқхоналаридаги аҳвол тўғрисида ҳам гаплашасизми?

– Айтдимку, барча мавзуларда деб...

– Менинг гапирганларим оммага очик-ойдин ошкор этиладими?

– Сиз нимани гапирсангиз, ҳаммасини газетада эълон қиламиз.

– Майли ундай бўлса, мен розиман суҳбатга, – дедим.

Якубов диктофонини стол устига чиқариб, менга яқинроқ суриб кўйди. Блокнотини очиб, ёзишга тайёрлаб кўйиб:

– Чет эл оммавий ахборот воситалари сизни ноҳақ қамашган дея дунёга жар солиб ётибди. Улар тарқатаётган уйдирмаларга сиз шахсан қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

– Бу саволингизга жавоб беришим учун аввало ўша “уйдирмалар”ни ўз кўзим кўришим ёки ўқишим керак. Балки улар уйдирма эмас, ҳақни ёзишгандир? Балки сиз менга улар хусусида уйдирма қилаётгандирсиз? Мен билмайманку, ким ҳақ-у ким ноҳақлигини. Ёки уларнинг мен тўғримидаги уйдирмаларидан бир парча факт келтириб беринг, мен билиб олиб кейин ўз муносабатимни билдирай. Ўзингизга маълум бўлса керак, бундай жойларда ташқаридан ҳеч қандай хабарнинг кириши ёки бу ердан чиқиши мутлақо имконсиздир. Ҳатто Хоразмдаги қариндош-уруғлардан хабар келиши амримаҳол бўлиб

6 Олег Якубов – “Правда Востока” газетасининг Афғонистондаги собиқ мухбири сифатида СССР КГБси томонидан ёлланган журналист - жосус. Миллати – яҳудий. Исроил давлати фуқароси. Ислом Каримовнинг буюртмасига ишлайдиган “журналист”лардан бири. Баъзи манбаларнинг таъкидлашича, Ислом Каримов ўзининг буюртмачи “журналист”ларига миллионлаб долларлар тўлаб турган. Деярли барча буюртма “журналист”лари яҳудий ёки бошқа миллат вакилларига мансуб бўлган.

турганда, сиз мендан чет эл ахборот воситалари тарқатаётган “ғийбатлар” ҳақида фикр билдиришимни сўраяпсиз.

Якубов кўзойнагини ечиб қўлига олди ва рўмолчаси билан асабий равишда арта бошлади. У узоқ вақт кўзойнаги билан овора бўлди. Менимча, у чет эл журналистларининг “ғийбат”ларидан бирини топиб, менга мисол тариқасида келтирмоқчи бўляпти. Бироқ, бундай мисолни тополмади шекилли, гапни бутунлай бошқа томонга бурди.

– Қамалмасингиздан олдин қаерда ишлагансиз? Сизни журналист дейишади. Қаерда, қайси газета ёки журналда ишлагансиз? Бирон жойда ўқиб диплом олганмисиз?

– Журналист бўлиш учун албатта журналистикада ўқиш ёки бирорта газета-журналда ишлаш шарт, деган қонун йўқ, менимча.

– Йўқ, йўқ, сиз мени нотўғри тушундингиз... Мен сиздан қаерда ўқиганлигингизни сўрамоқчи эдим.

– Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти институтида ўқиганман.

– Овощная база орқасидамиди у институт?

– Ҳа, база орқасидаги институт...

– Қайси йиллари у ерда ўқидингиз?

– 1975-80 йилларда.

– “Эрк” газетасида ишлаган экансиз... Қайси йилларда?

– 1990-1993 йилларда ЭРК партияси нашри бўлган “Эрк” газетасида техник муҳаррир вазифасида ишлаганман. 1994 йилда Истанбулда ҳам “Эрк” газетини чиқаришда қатнашганман. 1995 йилда Киев шаҳрида “Эрк”ни ўзбек тилида, “Форум” газетасини рус тилида чоп этганмиз.

– Сиз Ўзбекистонда ишлаганингизда “Эрк” газетаси давлат томонидан рўйхатга олинганмиди? Рўйхатдан ўтиб расмий равишда чоп этилганида “Эрк” газетасининг тиражи қанча бўлган?

– Газетамиз 1991 йил августида, ГКЧП қулаганидан сўнг давлат рўйхатидан ўтди. Аниқроғи, Ислон Каримов ҳукумати муҳолиф партия ва унинг нашрини рўйхатдан ўтказишга мажбур бўлди. Чунки, Ислон Каримовнинг ишонган тоғи – ГКЧП қулаган эди...

Якубов ёзишдан таққа тўхтаб, кўзойнаги тагида йилтиллаб турган кўзлари билан менга нафрат билан тикилди. Бундай жавоб, табиийки, унга мутлақо ёқмади. У анчагача пастга қараган ҳолда

нималарнидир ўйлаб ўтирди, сўнг бир сесканиб олди ва бошини кўтариб, секин овозда:

– Давом этаверинг, – деди.

– Газетимиз расмий равишда чоп этила бошлаганидан бор-йўғи уч ой ўтиб, тиражи 50 мингдан 100 минг, 110 минггача чиқиб кетди. Ҳукумат ва унинг кўғирчоқ партиялари газетларини ҳеч ким ўқимай кўйди. Оддий ўзбек халқининг етмиш фойизидан кўпи киоскалардан фақат “Эрк” газетини сўрайдиган бўлди.

– Сиз ЭРКни ҳокимиятга нисбатан конструктив партия деб ҳисоблайсизми? Агар “Ҳа” десангиз, унинг конструктивлиги нималарда ўз аксини топган?

– Биринчидан, ҳали иттифоқ гуллаб-яшнаб турган бир пайтда, яъни 1990 йил ёзида (20 июн) ЭРК партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Мустақиллик декларацияси қабул қилинганлигининг ўзиёқ сизнинг саволингизга тўлиқ жавоб бўлган бўларди. Чунки, у пайтда ҳозирги “мустақил” ҳукумат “мустақиллик” сўзини гапиришга кўрқарди.

Иккинчидан, ЭРК партияси вакиллари ҳукуматдан мунтазам равишда партиямиз дастурларида белгилаб қўйилган ислохотлар режасини пайсалга солмасдан, тезроқ амалга оширишни талаб қилиб келди. Аммо, ҳукуматдагилар, аниқроғи, Ислом Каримов муҳолифат фикрини дастаклаш ўрнига, соғлом фикрга қарши уруш эълон қилиб, муҳолиф фикрдагиларни экстремист, террорист, халқ душманларига чиқарди.

Якубов миқ этмади. Мен гапимни давом эттирдим.

– Сиз ЭРК партиясининг Ўзбекистон ҳукуматига нисбатан конструктивлигини ўзингиз билмасмидингиз? 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси парламентида ЭРК партияси фракцияси тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганидан хабарингиз йўқми? Ёки, ЭРК партияси Дастурида эълон қилинган ислохотлар дастурини Ислом Каримов ўзлаштириб олиб ўзиники қилиб кўрсатаётганидан ҳам хабарингиз йўқми?

Мабодо қуйидаги саволларга жавоб топа олмаган бўлсангиз, сизнинг “халқаро журналистман” деган иддаоингиз қуруқ сафсата! – дедим жаҳл билан.

Якубов менга ўқрайиб қараб қўйди ва “халқаро журналист” навбатдаги саволини ўртага ташлади:

– Чет эл ахборот агентликлари сизни “қамокхоналарда қаттиқ қийноққа солишяпти” дея бонг уришмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз? Балки улар янглишаётгандир? Масалан, ташқи кўринишингиздан қийноққа солинган одамга сираям ўхшамаяпсиз.

Бу сафар Якубов биринчи саволини салгина юмшоқ шаклда бераётган эди.

– Тўғри топдингиз! Мана, икки ҳафта бўляптики, ҳеч ким қўлини теккизмади менга. Ўзим ҳам ҳайрон бўлгандим. Сабаби бу ёқда экан. Мабодо менинг олдимга “Ўзбекистон қамокхоналарида қийноқлар йўқ, ҳамма ёқ гуллаб-яшнаб ётибди, чет элликлар Ўзбекистон раҳбариятини кўролмай бўҳтон ёғдирапти” деб айтишимни истаб келган бўлсангиз, бекорга келибсиз,– дедим.

Якубов шашт билан ўрнидан туриб, стол устидаги ашқол-дашқолини йиғиштирди ва планшетига жойлаштирди. “Майли, Муҳаммад Бекжан, суҳбат учун раҳмат”, деди-да эшик томон юрди.

Мен ҳам ўрнимдан туриб, “Бу суҳбатимиз қаерда чоп этилади?” деб сўрадим. Якубов: “Албатта чоп этамиз” дея хонадан чиқди.

Орадан 15 йил ўтиб, Зарафшон зонасида Олег Якубовнинг “Агония” (“Талваса”) деб номланган китобига кўз югуртириб чиқдим. Мен билан ИИВ ертўласида бўлиб ўтган суҳбат ҳақида бир оғиз сўз ёзилмаган. Бошидан охиригача бўҳтон билан тўлиб тошган бу “китоб”дан бир оғиз рост сўз (исм-шарифларни инобатга олмаганда) топмадим...

Қамокдан чиққанимдан сўнг “журналист-международник” Олег Якубов ҳақда интернет саҳифаларидан бирида Мақсуд Бекжоннинг 2006 йилда чоп этилган,

«ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ БУЮРТМАЛАРИНИ БАЖАРАЁТГАН ЖИНОЙИЙ ГУРУҲЛАР ҲАҚИДА»

деб номланган мақоласини кўриб қолдим. Мана, ўша мақола матни:

«Ўзбекистон ҳукумати ўзбек муҳолифатини ёмонотлиқ қилиш учун кимлар билан ҳамкорлик қилмаяпти, дейсиз. Ўзбекистон ҳу-

куматининг чет элдаги машхур “ҳамкор”ларидан бири, Исроил фуқароси Олег Якубов исмли журналистдир. У сўнги йилларда ўзининг ўзбек демократик муҳолифатига қарши тўқилган тўхматлардан иборат “Бўрилар галаси”, “Агония” (“Талваса”) номли китобларини чоп эттирди.

“Агентура. ру” интернет саҳифасининг ёзишича, у “Бин Ладен изидан” номли яна янги бир китоб наишр эттирибди. Мақолада ёзилишича, китобдаги энг муҳим боблардан бири Ўзбекистондаги машхур “Жаслик” қамоқхонаси ҳақидаги боб экан.

Якубовнинг “Агентура” мухбирига берган интервьюсида айтишича, “Жаслик” қамоқхонаси инсон ҳақлари ҳимоячилари жаср солганидай жаҳаннам эмас, балки, “халқаро нормаларга тўла мос келадиган “нормал қамоқхона” ва ҳатто у ердаги аҳвол Ўзбекистондаги бошқа қамоқхоналардан яхшироқ экан, чунки, Ўзбекистоннинг бошқа қамоқхоналарида маҳбусларга оддий сув беришса, бу ерда фақат чой беришар экан. Камералар ҳам тиқилинч эмас, кенгиш, маҳбусларга жой етиб ортар экан. Масалан, 16 кишилик камерада 10-12 маҳбус ўтирар, учрашув хоналарида эса, гиламлар тўшалган, қисқаси, салкам жаннат экан. Бундан ташқари, инсон ҳақлари ҳимоячиларининг, қамоқхонадаги радиоактив фон даражасининг ўта юқори даражада эканлиги ҳақидаги факт ҳам Якубов сўзи билан айтганда “полная ерунда” (яъний, тўла, ёлгон экан). Мен, дейди Якубов, радиацияни физиологик савияда ҳис қиламан, оғзимда ҳатто аччиқ таъм пайдо бўлади, чунки, Чернобилда ишлаганман, биламан, “Жаслик”да эса, ишонаверинг, ҳаммаси жойида, у ердаги овқатлар ҳам нормал, ҳаммаси худди уйдагидай, дейди Олег Якубов катта кўтаринкилик билан (Сўзма-сўз: Я радиацию чувствую на физиологическом уровне – у меня даже во рту горечь появляется. Там, поверьте, все в норме. И с питанием там все в порядке. Там, если можно так сказать, все домашнее).

Шунда “Агентура” мухбири бундай “гўзал” шароитларда яшайтган террорчиларга бир оз ҳасад қилгандай:

“У ерда машхур террористлардан кимлар ўтирибди, улардан қайси бирлари билан учраша олдингиз?” дея савол беради.

Бунга жавобан Олег Якубов: “У ерда Солиҳ Бегжановнинг укаси Муҳаммадни кўрдим, аммо у ҳозир у ерда йўқ, бу одам Украинадаги исломий газетанинг редактори эди”, деб жавоб беради. Шунда “Агентура” мухбири Муҳаммад Солиҳнинг “Солиҳ Бегжанов” деб аталишига ва Муҳаммад Бегжаннинг исломий газета эмас, балки, демократик муҳолифат газетасининг редактори эканлигини айтиб, эътироз билдирмаса ҳам, аммо бир газета редакторининг нега “террорист” деб аталишига эътироз билдириб: “Уни “террорист” деб аташ мумкинми?” (Раёе его можно назвать террористом?) дея савол беради. Шунда Якубов, дарров йўналишни ўзгартириб: “Яхши, мана, бошқаларни олайлик” (Хорошо. Вот другие. Там сидели несколько человек, которых приговорили к расстрелу за организацию теракта в Ташкенте), дея гапни бошқа томонга буриб кетишга мажбур бўлади.

Хўш, Ўзбекистон ҳукуматининг “бўюртма”ларини сидқидилдан адо этаётган бу исроиллик журналист ким ўзи?

“Агентура.ру” нинг маълумот беришича, Олег Якубов машхур рус мафиозиси, Русияда ва хорижда Михась лақаби билан донг чиқарган Москвадаги “Солнцевская уюшган жиноий гуруҳи”нинг лидери Сергей Михайловнинг матбуот котиби бўлиб хизмат қилади. Сергей Михайлов, яъний, Михась ҳақида қисқача маълумот:

Сергей Михайлов 1998 йилнинг 16 октябрида уюшган жиноий гуруҳларга мансубликда айбланиб, Швейцария суди “етарлича далиллар йўқлиги” туфайли Михасни қамоқдан озод этишга мажбур бўлган:

*Михась требует миллион от швейцарского правосудия
(Russia/1999/12/05/mikhas/):*

Сергей Михайлов был арестован в Швейцарии 16 октября 1998 года и предстал перед судом по обвинению в принадлежности к организованным преступным сообществам. Он, в частности, обвинялся в том, что является руководителем Солнцевской ОПГ.

Суду были предъялены многочисленные поддельные документы Михайлова, включая греческие, португальские и бельгийские удостоверения личности. Выступавшая обвинителем на процессе генеральный прокурор Швейцарии Карла дель Понте вызывала в качестве свидетеля женевского корреспондента московской еженедельной газеты «Московские новости» Игоря Седых. Его статьи были приобщены судом к уголовному делу. 11 декабря Сергей Михайлов был оправдан швейцарским судом, освобожден из-под стражи прямо во дворце правосудия и на следующий день возвратился в Москву. Сразу после своего освобождения Михась заявлял, что взыщет с властей Швейцарии компенсацию за весь ущерб, причиненный его бизнесу и репутации пребыванием в женевской тюрьме».

ЭРК партиясига қарши Ўзбекистон ҳукумати буюртмаларини бажараётган жиноий гуруҳлардан бири ҳақидаги қисқача маълумот ана шундай.

Мақсуд БЕКЖОН.

2000 йил 27 июн. Олег Якубов билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг мени яна 65-чи зонага олиб боришди.

Камерега киришимда эшикдаги муҳр урилган қоғозларга кўзим тушди. Навбатчи войсковойга:

- Нима бало? Кечаси эшикни муҳрлаб ташлайсизларми?– дедим.
- Фақат кечаси эмас, кундузи ҳам муҳрда туради. Айтишларича, сен ашаддийлардан экансан-у.
- “Ашаддий” деганда нимани назарда тутяпсан?
- Ашаддий террорист экансан-у сен.
- Сен “террорист” сўзининг маъносини биласанми, ўзи?
- Террорист деб сенга ўхшаган, Тошкентда бомба портлатиб, президентимиз жонига тажовуз қилганларни айтади. Сен уларнинг бошлиғи бўлганингни ҳам биламиз, – жавоб берди войсковой.
- Сен қаердан билдинг менинг террорчилар бошлиғи эканлигимни?

– Ҳамма айтяпти. Бошлиғимиз ҳар куни айтади терроистларнинг бошлиғи эканлигингни.

– Нима бало, бошлиғинг ҳам президентга ўхшаганми, дейман? Ҳаммани террорчига чиқараверса...

– Ҳўв, маҳкум! Президентимиз шаънига гап отяпсанми? Ўзбек халқи учун жон куйдираётганини кўролмапсан! Ўзбек халқи учун қилаётган ислохотларига ҳасад қиляпсан! Балки сенга Ўзбекистонимизда тинчликни сақлаб тургани ҳам ёқмаётгандир?! Қани, айт-чи, қилаётган қайси иши номақбул экан президентимизнинг? “Президентга ўхшаганми” деб пичинг қиласан! Ё мени “ҳеч нарсани билмайди, лох” деб ўйлапсанми?

– Йўғ-э, Ислон Каримовга ўхшаган билағонми, ақллими демоқчи эдим. Тўғриси айтсам, Ислон Каримовга гап йўқ. Унингдек президент бўлиш ҳаммага ҳам эмас! Қара, ватанимиз гуллаб-яшнапти. Энг асосийси – “осмонимиз мусаффо”, бошқа давлатлардагидай қирғинбарот урушлар йўқ, “халқимиз тинч, тўқ, фаровон ҳаёт” кечирмоқда. Менга ўхшаган “ватан хоинлари”ни қамоқхоналарга ташляпти. Аслида, ўзбек халқининг тўқсон фойизи “халқ душмани”дир. Буни Ислон Каримовнинг ўзи ҳам билиб турибди. Лекин бу “душман”ларга Ўзбекистонда, ҳатто собиқ СССР қамоқхоналарида ҳам жой етишмаган бўларди. Шунинг учун, ақли зукко президентимиз биратўла Ўзбекистонни қамоқхонага айлантириб қўяқолди.

Гапнинг дангали, бугунги кунда бутун дунё халқлари ўзбекларга ҳавас билан қараяпти. Ўзларини БУЮК ҳисоблаб юрган давлат раҳбарлари Ислон Каримовнинг олиб бораётган сиёсатига ҳасадга тўла кўзлари билан боқмоқдалар. Уларнинг ОАВ лари бетиним равишда президентимизга қарши турли-туман мағзавалар сочиш билан оворалар: “Дин душмани”, “Демократия душмани”, “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳар қадамда поймол қилинмоқда!”, “Қилаётган ишининг, гапираётган гапининг тайини йўқ”, “Тўнка”, “Параноик”, “Ҳезалак”, “Ўзбекистонда диктатура!” “Ўзбекистон қамоқхоналарида қийноқдан ўлаётганлар сони кундан кунга ошиб бормоқда”, каби сонининг адоғи йўқ ҳақоратлар...

Мен бу хумкалла билан гап талашиб, ичимдаги бор гапни тўкиб солдим. У ҳақиқатан ҳам қип-қизил “лох” эди. Менинг киноямни

мутлақо тушунмади. Ҳақиқатан ҳам Ислом Каримовни мақтаяпти деб тушунди...

– Эшикни очасанми ёки гап сотиб тураверасанми?– дедим.

– Ҳа, ўзинггаям ёқмадими дейман ҳақ гапни гапирганинг? – деди дубак.

– Нега энди? Ўзимга жудаям ёқди, – деб жавоб бердим.

Хумкалла камера эшигини очиб, “Кир!” деди тўнгилаб.

Дубак кетганидан кейин “Самара” алоқага чиқиб:

– “Аляска” ака! “Тошкент”⁷ сизни сўраяпти, гапи бор экан”, деди.

– Кейинроқ гаплашамиз, ҳозир гаплашишга иштиёқ йўқ,– деб жавоб бердим.

Очиғини айтганда, “Тошкент”нинг нима ҳақда гаплашмоқчи экани менга олдиндан маълум бўлгани учун ҳам “гаплашиш иштиёқи йўқ” дегандим...

2000 йил 30 июн куни прапоршик Марат: “Бугундан эътиборан ҳеч ким билан алоқага кирмас экансан”, дея огоҳлантирди.

Мен ундан:

– Ким билан алоқа қилмаслигим керак? – деб сўрадим.

– Ҳеч ким билан, ҳатто коридордаги навбатчи ходимлар билан ҳам гаплашишинг таъқиқланади. Зона бошлиғининг буйруғи бу,– деб жавоб берди прапоршик Марат. – Мабодо биров билан гаплашганинг бошлиққа етиб борса, тамом бўлдим деявер...

2000 йил. Июл. “Тошкент” билан “телефон” орқали узоқ гаплашдик. Сухбатимиз Ўзбекистондаги бугунги сиёсий вазиятга тегишли бўлди.

Мен унга “Жаслик” зонаси тўғрисида кўрган тушимни гапириб бердим. Шундан сўнг “Тошкент” Афғонистондаги жиҳодчи (“вахобий”)лар тўғрисида шахсий фикрим билан қизиқди. Мен “Тошкент”га бу ҳақда ўз тахминларимни очиқлаб ўтдим.

2000 йил Август (?) оyi. “Тошкент” ўта зарур гапи борлигини айтиб, “алоқа”га чиқишимни илтимос қилди.

“Телефон”дан “Тошкент”нинг ҳаяжонли овози эшитилади:

– “Аляска” ака! Эшитяпсизми мени? Сиз авлиёсиз, авлиёсиз, ака!

7 “Тошкент” – 12 камеранинг “лақаби”. Бу камера ҳам “одиночка”. У ерда “Ҳизбут-тахрир”нинг Ўзбекистон бўйича собиқ амири Ҳафизулло Носиров ўтирган эди.

– Тинчликми? Ҳовлиқмай гапиринг, “Тошкент”... Нима бўлди?

– Эсингиздами, ака, бизга “Жаслик” тушингизга кирганини айтиб бергандингиз?

– Қанақа туш? Нима ҳақда гапираётганингизни тушунмадим...

Ҳафизулло бир оз жим бўлиб қолди ва сўнг:

– Муҳаммад ака, келганингиздан сўнг ҳафта-ўн кун ўтиб, “Тушимда “Жаслик”қа қайтиб борсам, камерамизнинг томи йўқ, кўм-кўк осмон кўриниб турибди, осмонда бир парча булут кўринмас эмиш, лекин шариллаб ёмғир ёғаётган эмиш. Ёғаётган ёмғир шундай ёқимли эканки, хужранинг ўртасига бориб туриб олган эмишман. Маҳкумлар бу ёмғирдан қочиб, шконкалар тагига кириб олган эмиш. Мен уларга, “Биродарлар, очикқа чиқинглар, ажойиб ёмғир ёғяпти, мазза қиласиз” десам, шконкалар тагидан чиққанлар орасида эски камерадошларимдан биронтаси ҳам йўқ эмиш”, деб айтгансиз. Эсладингизми?

– Эсладим. Хўш, кейин нима бўлибди? – дедим.

Ҳафизулло бир-икки йўталиб қўйиб, гапида давом этди:

– Биринчидан, кеча “Жаслик”дан 80 киши этап билан Тоштурмага келган. Этапдаги маҳкумларнинг ҳаммаси 159-модда билан қамалганлар экан. Иккинчидан, “Жаслик” камераларида фақат решёткали эшик қолдирилиб, биринчи эшик умуман олиб ташланибди. Учунчидан, агар эшитган бўлсангиз, соат ўнларда жанубга томон ҳарбий самолётлар бир-икки соат давомида тинмасдан учиб ўтишди. Демак, шу ёқларда бирор кори-ҳол юз берган бўлса, ажаб эмас...

– Бунинг мен кўрган тушга қандай алоқаси бор? – сўрадим мен.

Ҳафизулло:

– Эсингизда бўлса, мен сиздан Афғондаги мужоҳидлар ҳақда фикр билдиришингизни сўраганман. Сиз ўшанда “Куз ойларида Ўзбекистонга хужум уюштириши мумкин”, дегандингиз. Натижа – тушингиз ҳам, билдирган фикрингиз ҳам тўғри чиқяпти, – деб жавоб берди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ҳақиқатан ҳам “Жаслик” зонаси камераларидаги икки эшикдан бири олиб ташланганлиги ва кўпчилик 159-модда билан қамалганларни Ўзбекистоннинг бошқа зоналарига тарқатилганлиги тўғрисида аниқ хабарлар кела бошлади.

Бу хабарни эшитиб, мен ҳам ўзимда йўқ хурсанд бўлганим рост, албатта. Чунки, ўша пайтда “Яқинда “Жаслик”қа этап бўларкан, бу ерда (65-зонада) ҳеч кимни қолдирмай “Борса келмас”га жўнатармиш”, деган миш-мишлар урчиган эди.

Бундан ташқари, Ҳафизуллонинг ҳарбий самолётлар бекорга учиб ўтмаганлиги тўғрисидаги тахмини ҳам тўғри чиқди. Бизга келиб тушган хабарларга қараганда, Ўзбекистон худудига киришга икки-уч нуқтадан мужоҳидлар томонидан ҳаракатлар бўлганлигини эшитдик...

Ҳафизулло билан бўлган бу “телефон” орқали сўзлашувимиздан сўнг алоқанинг бундай усули умуман тўхтатилди. Сўнг аниқланишича, “Тошкент” ва “Самара”да ўтирганлар бошқа зонага этап қилинган экан...

«ГУВОҲ»

Октябр ойи охирларида мени ИИВ ертўласидаги 14-камерага олиб келишди. Хужрада мендан бошқа яна уч-тўртта махбус бор эди. Бир-биримиз билан танишиб олганимиздан сўнг, ким қаердан (қайси зонадан) ва қачон бу ерга келганимиз тўғрисида гаплашиб ўтирдик. Хужрадаги ҳаммамиз охириги икки кун ичида ИИВ ертўласига (нима учун) келтирилганимиз маълум бўлди. Аммо, ҳеч биримиз бу мудҳиш жойга келтирилганимиз сабабини айтолмадик. Ҳар биримиз ўз тахминларимизни айтиб ўтдик, бироқ тахминларимиз ҳақиқатдан анча йироқ чиқди.

Ертўлага келтирилганим эртаси мени эскидан таниш бўлган “тергов” хоналаридан бирига олиб киришди. Хонада узун бўйли, ўзига бино қўйган ёши элликка яқин, фуқаро кийимидаги киши турар эди. У одам саломимга алик олмасдан, мени нигоҳи билан ўрганиб чиқаркан, савол берди:

– Мени танидингми?

– Йўқ, танимадим. Кимсиз? – деб сўрадим.

– И-е! Менга “Кимсиз” деддингми сен? Эсинг пастми сени, а?! Саволни сен эмас, мен бераман! Тушунарлими?! Кимлигимни билмасанг, тез кунларда билиб оласан, тушундингми?! – ўдағайлади у.

– Сиз ўзингизни таништирмасангиз, мен қаердан билишим мумкин?

– Сен билан ҳали гаплашамиз. Кў-ў-п гаплашамиз. Яхшилаб таниб оласан кимлигимни! – дея жаҳл билан эшикни тарақлатиб ёпди ва гумдон бўлди.

Мени бу хонага келтирган лейтенантдан: “Ким бу ўзи? Катталарингми?”, деб сўрадим.

Лейтенант:

– Бу киши полковник Алишер Шарафиддинов бўладилар...

Ҳали қамалмасимдан аввал, кимдир менга: “Домламиз Озод⁸ аканинг ўғли ИИВ да терроризмга қарши кураш бўлимида ишлайди, жуда яхши тарбияли, хушмуомилали одам”, деган эди. Ҳозир “Шарафиддинов” деган фамилияни эшитиб, ўша “кимдир”нинг гапи эсимга тушди.

Лейтенантдан яна сўрадим:

– Бу киши Озод Шарафиддиновнинг ўғли эмасми?

– Мен қаердан биламан кимнинг ўғли эканлигини? У киши бизнинг бошлиғимиз эканини биламан ва шунинг ўзи мен учун етарли...

Лейтенант билан ярим соатларча гурунглашиб ўтирдик. Унга “Жаслик” зонаси ҳақда гапириб бердим. У бир оғиз гапирмасдан тинглаб ўтирди. Бу пайт хонага капитан ва фуқаро кийимидаги ёш йигит кириб келишди. Лейтенант хонага кирганлардан: “Кетишим мумкинми?” дея сўради.

Капитан:

– Ҳа, боравер. Бир соатлардан кейин кел, – деди лейтенантга.

Фуқаро кийимидаги йигит менга:

– Яхшимисиз, ака. Соғлигингиз қалай? – деб ҳол-аҳвол сўради.

– Раҳмат, соғлигим жойида, – деб жавоб бердим.

– Оёғингиз яхшими? Синган деб эшитдим. Ҳозир оғримайдими?

– Оғримаса оқсоқланиб юрмайман-ку, демак, оғриқ ҳам бор озгина.

Фуқаро кийимидаги йигит капитанга:

– Врач чақирмадингларми? Чақириб, нима шикоят бўлса қарасин, даволасин, – деди.

Капитан: “Хўп, чақириб кўрсатамиз”, деб жавоб берди ва:

– Мен чиқиб тураверайми? – деб сўради.

Капитан коридорга чиқиб кетгач, фуқаро кийимидаги йигит гап

8 Озод Обидович Шарафиддинов – 1929 йилда Қўқонда туғилган. Ўзбекистон Қўқонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири, профессор.

бошлади:

– Гап бундай, Муҳаммад ака. Ҳафта–ўн кун ичида акангиз, Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний ва бошқаларнинг очик суди (маҳкамаси) бўлади. Шу сабаб сизни “Жаслик”дан, “бир оз дам олиб судга тайёрлансин” деган мақсадда, эртарок чақиртириб олдик.

– “Судга тайёрлансин” деб чақиртирдингизми? Гапингизга унчалик тушунмадим, ўртоқ бошлик. Мен ўша судда “ким” сифатида қатнашман? Айбланувчимми?

– Йўғ-э, Муҳаммад ака, нималар деяпсиз! Сиз гувоҳлик берасиз, тамом. Сизга у ерда бошқа қиладиган иш йўқ. Суд тугаши биланок, зонангизга қайтиб кетасиз.

– Ўртоқ бошлик, ўзингизни таништирайсизми?

– Суддан сўнг албатта танишамиз, келишдикми, Муҳаммад ака?

– Ўртоқ бошлик, мен яна “Жаслик”қа қайтаманми ёки бошқа зонага юборасизларми?

– Муҳаммад ака! Сизга дангал айтаман: ҳаммаси сизнинг суд мажлисидаги ҳаракатингизга боғлиқ. Агар суд мажлисида яхши гапирсангиз, сизни нафақат бошқа зонага, балки уйингизга, яъни озодликка кетишингиз мумкин!

– Зўр экан! Суд мажлисида ўзимни қандай тутай, айтинг?!

– Мажлисида сиздан фақат бир нарса талаб қилинади, холос. Яъни, Ўзбекистонимиз шаъни, халқаро майдондаги обрўйи учун қониқарли гувоҳлик бериш талаб қилинади.

– Кечирасиз-у, ўртоқ бошлик, “гувоҳлик бериш талаб қилинади” деяпсиз. Мабодо ҳокимият мендан гувоҳлик беришни талаб қилса, гувоҳлик беришга мажбурласа, унда менинг конституциявий ҳуқуқим нима бўлади?

– Муҳаммад ака, сизни ҳеч ким мажбурлаётгани йўқ. Сизга таклиф қилиняпти, холос.

– Майли, таклиф ҳам деяйлик. Кимга, нимага гувоҳлик беришим керак бўлади? Сиз тушунтириб беринг, яъни таклифингизни менга очиклаб беринг.

Фуқаро кийимидаги йигит хонада у ёқ бу ёққа юриб, ўйлашга тушди. У олдинги, бир йил олдинги “терговчи”лардан ақл борасида бир поғона устунлиги кўришиб турибди. Қаршисида турган одамга қандай ёндошишни билади. Шунинг учун ҳам у шошилмаяпти,

гапириши керак бўлган нарсани пухта ўйлаб чиқяпти.

У хона ўртасига чиқиб қўлларини ёнга ёзиб керилиб олди ва менга томон юзланди:

– Муҳаммад ака, бугунги кунда оилангиздан уч киши қамоқда ўтирибсизлар. Биламан, учовингиз ҳам беайбсизлар, лекин қамалдингизлар. Нима учун қамалганларингизни ўзингиз яхши биласиз. Умрингизнинг энг сара даври бекордан-бекорга қамоқда ўтаётганидан ачинмайсизми?

– Ўртоқ бошлиқ, мен сизни тушундим нима демоқчилигингизни, яъни сизнинг қандай “таклиф” киритмоқчи бўлаётганингизни англадим.

Менга бундан бир йил олдин ҳам мана шу подвалда сиз менга қилмоқчи бўлаётган “таклиф”ни бошқача тарзда, яъни зўравонлик, даҳшатли қийноқлар остида тақдим қилган эдилар. Аммо, қийноқ усули билан ҳеч нарсага эришолмагач, “нафақат мени, балки акам ва укамни ҳам қамоқдан озод қилиш”ни ваъда қилган эдилар. Ўшанда мен “Ширин ҳаёт”ни эмас, ҲАҚни танладим. Ўйлайманки, сиз мени тушундингиз, ўртоқ бошлиқ.

– Муҳаммад ака, мен сизни тушундим. Лекин... Ҳа майли, соғ бўлинг...

– Ўртоқ бошлиқ, суд қачон экан? Айтолмайсизми?

– Белгиланган суд куни ўзгармаса, (?) – ноябрда...

– Раҳмат, бошлиқ...

Бу йигит чиқиб кетганидан сўнг “тергов” хонага капитан Улуғбек кириб келди ва мандан: “Нима бўлди? Келишдингларми?” деб сўради. Мен капитандан: “Нимани келишишимиз керак эди?” деб сўрадим. Капитан:

– Суд мажлисида нима деб гапиришингизни келишиб олдингизми, демоқчиман.

Мен капитанга жавоб бермадим.

Капитан:

– Муҳаммад ака, суддан кейин яна шу ерга қайтиб келасиз. Агар юқоридагиларга ёқмаган гап гапирсангиз, улар сизни аяб ўтиришмайди. Буни ўзингиз яхши биласиз...

– Капитан, менга айтингчи, мана, қамоқда ўтирганимга бир ярим йилдан ошиқ вақт ўтди, тўғрими. Шу давр ичида қайси биринг мени аягансизлар? Қайси биринг менинг ҳолимга ачингансиз? Бундан

бир ярим йил олдин, мана шу подвалнинг 2-камерасида ўлим билан олишиб ётганимда, қайси биринг келиб мендан хабар олдингиз? Шунинг учун, ўртоқ капитан, менга ачинмай қўяқолинг. Шунинг учун, ўртоқ капитан, мени “қайтиб шу ерга келасиз” дея қўрқитманг. Мен “қўрқиб бўлган” одамман. Шунинг учун ҳам судда, “шу ерга қайтиб келишимни” билган ҳолда, тўқима ёки ёлғонни эмас, ҳақиқатни гапираман.

– Бўпти, бўпти, Муҳаммад ака, билганингизни қилинг. Сизларга яхшилик қилганнинг ўзи аҳмоқ! – деди капитан жаҳл билан.

Мен хужрага келиб, у ердагиларга “яқинда бўлиб ўтадиган судга гувоҳлик бериш” учун зоналардан чақириб олишганини айтдим. Камерадагиларнинг ҳеч бири бунга ҳайрон бўлмади. Ҳеч бири бу ҳақда фикр ҳам билдиришмади. Мен, ўзимча: “Демак, булар бу ерга келишганининг сабабини олдиндан билишган. Демак, буларга судда нимани гапириш кераклиги ҳам аллақачон ўргатилган, шундай экан, булар билан бўлиши кутилаётган суд ҳақида гаплашиш ортиқча”, деб фикр қилдим...

2000 йил 12 (13) ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида ЭРК партияси лидери Муҳаммад Солиҳ ва Ўзбекистон Исломий ҳаракати лидерлари Тоҳир Йўлдош, Жума Намангонийлар устидан суд жараёни бошланди.

2000 йил 16 ноябр. Суд жараёнининг тўртинчи куни ИИВ ертўласидан мени ва яна бир-неча кишини Олий суд биносига келтиришди.

Куннинг иккинчи ярмида, соат учларда мени гувоҳлик беришим учун суд залига киритишди. Катта зал лиқ тўла одам.

Залга киришдаги эшикнинг ўнг томонидаги панжара билан ўралган ўтироқ⁹да соқоллари ўсган икки (?) ёки учта ёш йигит ўтиришибди. Эшикнинг чап тарафидаги панжара “хона”га эса, мени киритишди.

Панжара олдида микрофонлар териб ташланган, сал орқароқда штативга ўрнатилган 5-6 та телекамералар қатор қилиб қўйилибди. Чет эл журналистлари ҳам диктофонларини тайёр ҳолда ушлаб

9 Ўтироқ – ўтиришга мўлжалланган узун тахта - “скамейка”.

ўтиришибди. Уларни кўриб, менинг кайфиятим янада кўтарилди. Бундай шароитдан фойдаланиб қолиш истаги пайдо бўлди. “Ҳақиқатни айтишнинг энг қулай вақти!” дедим ичимда.

Мен зални ўрганишда давом этдим: Мендан ўнг тарафда суд ҳайъати, чапда, залнинг орқа тарафидаги ўриндиқларда “қора курткалар”га бурканган чекист ва мелисалар ўтиришибди. Уларнинг ўзи 30-40 кишини ташкил этади. Залда эса, 300 дан ошиқ одам...

Суд раисининг менга берган биринчи саволи:

– Гувоҳ Бегжанов, сиз ўтирганлардан (гумонланувчиларни назарда тутиб) қайси бирини танийсиз?

– Мен уларнинг ҳеч бирини танимайман.

– Гувоҳ ... Сизга расмдагилардан (Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний расмларини назарда тутати) қайси бири таниш?

– Расмдагилар менга умуман кўринмаяпти. Яқинроқ келтириш мумкинми?

– Расмдагилар Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой ... (фамилиясини айтади).

– Муҳаммад Солиҳ – менинг акам. Қолганларини танимайман.

– Гувоҳ Бегжанов, сиз расмда кўрган одамларнинг қилган ишини тўғри деб ҳисоблайсизми?

– Расмдагилар қандай иш қилишибди? Баҳолашим учун уларнинг қандай иш қилишганини билишим керак.

– 1999 йил 16 февралдаги Тошкентдаги портлашларни шулар уюштиришган. Шуни тўғри деб биласизми?

– Йўқ. Буни ўта жирканч иш деб биламан. Бирок, бу ишни расмдагилар эмас, ҳукуматнинг ўзи сахналаштирган ва уюштирган, деб ҳисоблайман.

Залда ғала-ғовур бошланади. Суд раиси залдагиларни тинчликни сақлашга чақиради. Зал тинчигач, суд раиси залдагиларга:

– Гувоҳга саволларингиз борми? Кимда савол бўлса, марҳамат – дейди.

Залдан эркак кишининг овози келади:

– Гувоҳ, 1992 йил 16 январда Талабалар шаҳарчасидаги кўзғолонни Муҳаммад Солиҳ уюштирганига қандай қарайсиз?

– 1992 йил 16 январдаги воқеаларга Муҳаммад Солиҳнинг ҳеч

қандай алоқаси бўлмаган. Буни талабаларнинг ўзлари ташкил қилган. Сабаби– президент Каримовнинг ўз ваъдаси устида турмагани, яъни ноннинг баҳосини қимматлатганидир...

Суд залида яна ғала-ғовур бошланади. Бош судянинг амри билан зал тинчийди.

Залдан аёл кишининг овози:

– Нима учун акангиз Муҳаммад Солиҳ ўзининг шеърларида нуқул президентимизни ҳақорат қилади?

– Хоним, қаердасиз? Қайси қатордасиз, сизни кўролмаяман? Шундай аҳмоқона савол ҳам берадими одам дегани?..

Зални янада кучлироқ ғала-ғовур босади. Суд раиси кутилмаганда:

– Тинчлик сақлансин! Тинчланинг! – дейди ва кетидан: – Бугунги суд мажлиси ёпиқ, деб эълон қилинади,– дейди.

Панжара эшиги олдида мени қоровуллаб турган войсковой қўлларимга кишан урди ва панжара эшигини очиб, мени тезда опчиқиб кетади.

Кечкурун соат 17:00 ларда ИИВ ертўласи 14-чи хужрасига келтирилдим. Хужрадагилар ўзаро нималарнидир гаплашиб ўтиришибди. Суд жараёнида буларнинг аксарияти муҳолифатга қарши гувоҳлик беришгани аниқ. Шунинг учун улар билан гаплашишга кўзим учиб тургани йўқ! Мен бошқаларни, яъни ИИВ ертўласидаги “қийноқчи”ларни кутаяпман. Аслида, уларга ҳам кўзим учиб тургани йўғ-у, лекин кутаяпман. Кутаяпман, чунки, суд мажлисида уларнинг ишончи чил-парчин бўлди, “ота”си шаъни ерга урилди...

Кечки овқатдан сўнг эски танишим – сержант акамиз тиржайиб:

– Бегжонов, нарсаларингиз билан ташқарига! – деди қувонч билан.

– Командир, менда ҳеч нарса йўқ, шундай чиқсам бўлаверадими?

– Нарсангиз бўлмаса, шундай чиқинг!

Мен ҳеч ким билан хайрлашмай, коридорга чиқдим. Сержантга ҳазил қилиб, “Деворга қараб турайми, командир?” дедим. Сержант камера эшигини қулфлар экан, “Судда бобойни боплабсиз-ку”, деди тиржайиб. Ўзимни билмаганликка олиб:

– Қайси бобойни? – дедим.

– Қайси бобойни бўларди, пошшомизни-да,– деди қулиб.

– Ким айтди, қаердан билдингиз? – сўрадим мен.

– Э-э ака, мелисаларнинг ичида ҳам битта иккита хурсанд бўлгани

бор бобойни шарманда қилганингизга, чин сўзим! – деди сержант акамиз.

Буни эшитиб, кўзларимга ёш қалқди. Демак, тўғри иш қилганимни тушунганлар мелиса ичида ҳам, кам бўлса ҳам, бор экан. Шунга ҳам шукр.

Ҳозиргина камерадошларимнинг бефарқлигидан тушкунлик домига йўл олаётган кайфият бирданига тепага сапчиди!..

65-чи зонада уйқуга ётиш эълон қилинганда, менга қадрдон бўлиб қолган 6-чи камерага олиб келишди. Чарчаган эканман, тўшакка ташаб тонггача қотиб ухладим.

2000 йил 18 ноябр. Эрталабки нонуштадан сўнг коридорда ғала-ғовур бошланди. Иккинчи қаватдаги камералардан маҳбусларни чиқараётгани эшитилиб турди. Тушликдан сўнг навбат билан биринчи қаватдаги маҳбусларни ташқарига чиқариш бошланди.

Ҳали эрталабки ғала-ғовур бошланганида миямга келган фикр шундай эди: “Наҳотки, яна ўша жаҳаннамга?! Аблахлар, айтганининг устидан чиқишишга киришди, шекилли: “Бу ер сизлар учун охириги манзил (станция)! Шу ерда ўласиз, шу ерда кўмиласиз!..”

Мени ташқарига чиқаришганда, иккала қафас ҳам маҳбус билан тўла эди. Қафаслар олдида 5-6 стол қатор қилиб қўйилган. Стол устида роба, бушлат, читозлар тахланган. Икки ходим исм-фамилияни ўқиб, маҳбусларни стол олдига чақиряпти ва кийим-кечак олганларни дафтарга имзо чектириб оляпти.

Ҳамма маҳбус кийим билан таъминлангандан сўнг, изолятор дарвозаси ёнида турган зековозларга маҳбусларни чиқара бошлашди...

2000 йил 18 ноябр. Тоштурмага кечки овқатдан кейин кириб келдик. Бу ерда тўққиз кун бўлиб, 28 ноябр куни 46-чи зонага этап қилиндик.

«ДАҲШАТ» ЗОНА

2000 йил 29 ноябр. Навоий цемент заводи ёнидаги 46-чи зонага келтирилдик. Зековоздан тушишимиз билан зонанинг “ломка”си бошланди. “Ломка”дан ўтиб, зонанинг “карантин”ига келтиришди.

“Карантин”нинг завхози Женя деган ўрис экан. Унга зонадаги биродарлар (159-модда билан қамалганлар) “қопоғон бултерьер” деб лақаб ҳам қўйишибди. Лақаби жисмига роса мос тушганини қаранг! Бу Женя деганнинг башараси, чийиллаб гапириши, иршайиши қуйиб қўйгандек Африка чиябўрилариникига (гиена) ўхшаб кетади. Менга қолса, уни зотдор ит номини булғамасдан, таги паст, ўлак-сахўр “гиена” деб ўзгартирган бўлардим. Шунда “женя” деган исм “гиена” деган лақабга ҳам жуда мос тушган бўларди.

Бу “гиена” ўзининг ёнига ўзи сингари гиеналарни йиғиб олган эди. Гиена ва гиеначалар этап билан келган маҳкумларни ёш-қари демай аёвсиз қийнашар эдилар.

Мен ана шу таги паст “гиена”нинг “идора”сида бир ойча бўлдим. Мен билан этапда бирга келганлар аллақочон зонага чиқиб кетишган эди. Янги, 2001 йил кириб келишига санокли кунлар қолганида, карантинда ЧП юз берди: Яъни, бу ердаги (карантиндаги) вазият биздан икки ҳафта кейин келган бир ёш йигитнинг қаттиқ калтакланишидан сўнг ўзгарди.

2000 йил 26 декабр. КАРАНТИН. Андижонлик Тоҳир Жумабоевни “Ҳизб-ут-таҳрир” партиясига аъзо бўлгани учун карантин завхози бошчилигидаги бир тўда ТБООШ¹⁰ (СПП)чилар беаёв калтаклаши оқибатида, чап қоши ёрилиб кетади ва қон оқиши тўхтамайди.

Тоҳирни санчаствга олиб боришга мажбур бўлдик. Санчаствдагилар “Буни ким урди?” деб сўрашди. Мен санчаств бошлиғига “Карантин завхози ва унинг ёрдамчилари калтаклашган”, дедим.

Санчаств бошлиғи Тоҳирни текширувдан ўтказган врачларга карантин завхози устидан зона бошлиғи номига шикоят ёзишни

10 ТБООШ – Тартиббузарликнинг олдини олиш шаҳобчаси (СПП). Зоналарда – мелсаларнинг ўнг қўли. Чап қўлига худди уруш давридаги полицияларга ўхшаб қора латта (СПП ёки ТБООШ деб ёзилган) бойлаб юрадилар.

буюрди. Орадан бир соатча вақт ўтиб, мени ва карантиндаги ёши катта икки кишини зона бошлиғи ўз хузурига чақирди.

Зона бошлиғи подполковник Азиз Мардоновнинг олдига икки киши алоҳида-алоҳида кириб, карантиндаги аҳволни гапириб беришибди. Мендан олдин зона бошлиғи олдига кириб чиққан икки кишининг кўрсатмаси карантиндагиларни жазолашга етарли, деб мени орқага қайтаришди.

Тушдан сўнг карантин маҳкумларини плацга йиғишди. Тоҳирни калтаклашда қатнашган ТБООШчиларни ҳам плацга келтиришди. Плацга зона бошлиғи подполковник Азиз Бозорович Мардоновнинг келиши кутилаётган эди. Изғирин совуқда ярим соатча кутдик. Ниҳоят, штабдан зона бошлиғи чиқди ва плац томонга кела бошлади. Плацга кирган замон карантиндаги ҳамма ўнг қўлини кўксига қўйиб, “Ассаломалайкум, хурматли бошлиқ!” деб жўр бўлиб бақирди.

Подполковник виқор билан юриб бизнинг олдимизга келди ва қоши бинт билан боғланган Тоҳирни олдига чақирди. Тоҳир сафдан чиқиб подполковник Мардоновнинг олдига борди ва қўлини кўксига қўйиб, “Ассаломалайкум, хурматли бошлиқ”, дея саломлашди.

Подполковник Мардонов қатор бўлиб турган СПП ларни Тоҳирга кўрсатиб:

– Бу итларнинг қайси бири сенинг қошингни ёрди? – деб сўради.

Тоҳир бошлиқнинг гапига жавоб бермай, ерга боқиб жим тураверди.

Полковник карантин завхозига “бу ёққа кел” дегандек имо қилди. Завхоз Женя бошлиқ олдига чошиб борди ва букилиб таъзим қилиб салом берди. Мардонов унинг саломига алик олмади ва унга ғазаб билан:

– Қанжиқларингдан қайси бири бу боланинг қошини ёрди?!– дея ўшқирди.

Завхоз дир-дир титраб, СППлар орасида турган, сал кам икки метр келадиган ўрис “обиженный”¹¹ни кўрсатди.

11 ТБООШ – Тартиббузарликнинг олдини олиш шаҳобчаси (СПП). Зоналарда– мелсаларнинг ўнг қўли. Чап қўлига худди уруш давридаги полицияларга ўхшаб қора латта (СПП ёки ТБООШ деб ёзилган) бойлаб юрадilar.

“Обиженный” жаргонда – қора зоналарда ЖКнинг 118-моддаси (номусга тегиш) билан қамалганлар зонадаги братвалар томонидан мужиклар сафидан чиқарилади ва “обиженный” деб эълон қилинади. “Обиженный”лар мужиклар билан бир столда ўтириши, бир идишда чой ичиши ёки бирга ўтириб овқатланиши мумкин эмас. Мабодо “обиженный” братва томонидан ўрнатилган бу қондани бузса, беаёв калтакланади. У билан ҳамтовок бўлган ҳам “обиженный”лар қаторига қўшилади.

Мардонов хайрон бўлиб, завхозга:

– И-и-и! Сенинг ўзинг ҳам пидаразсан («педераст» демоқчи) шекилли! Қора зонага тушиб қолсанг сени ҳам кўтингга ... Ёки аллақачон тешикмисан?!

Завхоз Жёня сувдан чиққан мушукка ўхшаб дир-дир титрар, ўнг қўли гўё кўксига бир умрга ёпишиб қолган каби ҳамон кўксига, ярим букилиб турган ҳолда қотиб қолган эди.

Унинг бу шармандали ҳолатини кўрган маймун ҳам йиғлаворса керак. Биз – маҳбуслар эса, қанжиқнинг бундай ҳолатга тушганидан лаззатланиб, изғирин совуқда турганимиз эсимиздан ҳам чиқиб кетибди.

Полковник Мардонов «обиженный»ни олдига чақирди. У ҳам ўнг қўлини кўксига қўйиб, бошлиққа яқинлашди ва икки метрча нарида тўхтади. Бошлиқ:

– Яқинроқ кел, эй пидараз! Калтақдан кўрқяпсанми, мол?!

Уларнинг орасидаги масофа бир метрлар қолганда, Мардонов “обиженный”нинг қорнига бир тепган эди, у “Ой, ма-ма!” дея эгилди. Бошлиқ иккинчи марта тепди. ‘Обиженный’ муз бўлиб ётган ерга юз тубан қулади.

– Тебе кто разрешил бить заключенного, эй ты пидараз?! Я у тебя спрашиваю! Почему не отвечаешь на мои вопросы! – деб яна бешолти марта тепди. Сўнг бир оёғини ўриснинг бошига қўйиб, СПП ларга:

– Агар қайси бирингнинг бировга қўл теккизганингни эшитсам, промкадаги туалетга чўмилтираман! Тушунарлими?!

Мардонов штабга томон кетаётиб, бу спектаклини чеккароқда кузатиб турган иккита войсковойга нимадир деб гапирди. Улар келиб ҳалигача ерда юз тубан ётган ‘обиженный’ни турғазишиб, қўлига кишан солишди ва изолятор томон олиб кетишди.

2000 йил 27 декабр.

Эрталаб соат ўнларда мени 3-сектордаги 12-отрядга олиб боришди. Бу отрядда мени Устоз (Мамадали Маҳмудов) кутиб олди. У менга укам Рашид, Самандар ака (Кўқонов) ҳам шу зонада эканлигини айтиб берди. Янги йил куни, агар секторларга йўл очилса, хабар олишимиз мумкинлигини ҳам айтди.

46-чи зона Ўзбекистон қамоқхоналарининг ичида энг каттаси ҳисобланар экан. Бу зонада ўн олти барак бўлиб, ҳар баракда 300 дан зиёд маҳкум яшайди. 16-чи баракда шконкалар тўрт қаватдан иборат. Қолган баракларда уч қават экан.

Одам кўплигидан, ҳар икки шконкага уч маҳкумдан ётишар экан. Бу ерда ҳам худди Қизилтепадагидек, битламаган одам йўқ. Бит босмасин десангиз, 200 литрлик бочка топиб уни керосин билан тўлғазиб ичига кириб ўтиришингизга тўғри келади.

Зонага чиққанимдан кейин битга қарши курашаман деб уч кунгача ухлай олмадим. Бу ернинг битлари ҳам ҳокимият тепасида ўтирган баъзи(лар)га ўхшаб “иқтисодчи” экан; “аввал иқтисод, кейин сиёсат” дея кундузи, халқ уйғоқ, фаол пайтда пистирмага кириб “иқтисод”ни қойилмақом қилар экан. Қоронғу тушдиги замон пистирмадан ўрмалаб чиқиб, “сиёсат” билан, яъни кун бўйи оғир меҳнатдан толиққан халқ қонини ичиш билан машғул бўлар экан...

2000 йил 31 декабр. Устоз билан дарвозалар очилишини кутдик. Кечки соат 19:00 да дарвозалар очилди. 2-секторга ўтиб, Рашид билан учрашиб, гаплашдик. Рашид 5-чи жаримавий (штрафной отряд) туркумда экан. Жаримавий туркумдаги маҳкумлар зонанинг промкасидаги энг оғир ишларга жалб этилар экан. Укам Рашид ҳам промкадаги шлакоблок цехида ишлаб юрганини айтиб берди.

Рашиднинг бир метр-у 86 сантиметрли бўйига оғирлик вазни аранг 50 килоча бордир! Ҳатто эгнидаги бушлат (гуппи) тагидан ҳам танада суякдан бошқа нарса йўқлиги яққол билиниб турарди.

– Нима бало, бунча озғинсан? Ёки овқат емайсанми? – деб сўрадим укамдан.

Рашид Мамадали акага сирли қаради. Устоз:

– Муҳаммаджон, сиз куни-кеча карантиндан чикдингиз. Ҳозир карантиндагиларни яхши боқишяпти. Шу икки кун ичида зонадаги аҳволдан мутлақо беҳабарсиз. Бу ерда бир ой яшаб кўринг, кейин ҳаммасини тушуниб оласиз, – деди.

Сўнг учовимиз қўшни 6-чи баракка ўтдик. Самандар ака бизни байрамона кутиб олди. Чой ичиб бўлганимиздан сўнг ташқарига чиқиб, узоқ вақт гаплашиб юрдик. Соат кечки 11 ларда секторлар ёпилиши эълон қилинди ва биз Мамадали ака билан секторимизга қайтди.

Укам Рашид билан бу учрашувимиз охиргиси эди. Ошхона ёки 159-модда билан қамалганлар учун ўтказиладиган тадбирларда узоқдан имо-ишоралар билан саломлашиб турардик, аммо кўл бериб кўришишнинг ҳеч бир иложи йўқ эди.

2001 йил январ ойи охирларида зона бошлиғи подполковник Мардонов мени ёнига чақиртирди. Салом-алиқдан сўнг Мардонов куйидагиларни деди:

– Муҳаммад¹², бугун Тошкентдан: “Ака-ука бир зонада бўлмасин, иккисидан бири бошқа зонага жўнатилинсин”, деган буйруқ келди. Энди ё сизни ёки Рашидни бошқа зонага жўнатишимизга тўғри келади. Нима қиламиз? – деб сўради.

– Қайси зонага экан? – сўрадим мен.

– Қизилтепага. Идиевни биласиз, яхши одам. Нима қилдик? Сизними ёки Рашидними?

– Азиз Бозорович, тўғриси айтсам, зонангиз концлагерга ўхшар экан. Укам таниб бўлмас даражада озиб-тўзиб қолибди. Бунинг устига, штраф баракда яшайпти. Қизилтепага Рашидни юборинг, ўзингиз Идиевга айтиб ишга чиқармаслигини сўрасангиз, янада яхши бўларди, – дедим.

Мардонов шундай қилишга сўз берди. У ўз сўзи устида турдими ёки йўқми, бу менга қоронғи.

2001 йил 5 март куни Мардоновдан яна чопар келди. Бордим. Мардонов ўтиришни таклиф қилди:

– Келинг, Муҳаммад, ўтиринг. Ҳозиргина юқоридан кўнғирок бўлди: Сизни тезда ишга чиқаришимизни айтишди. “Зонадаги энг оғир ишга қўйинглр...” дейишди. Ишга чиқмасангиз бўлмайди. Шунинг учун сизни ҳозирнинг ўзидаёқ 3-чи отрядга ўтказишини айтаман. Отряд завхозини чақириб, сизга ётиб-туришингиз учун қулайроқ жой топиб беришини тайинлайман.

Яшириб ўтирмайман: 3-чи отряддагилар промкадаги энг оғир ишларга жалб қилинган. Бир ойларча шу отряд билан бирга промкага ишга чиқиб турсангиз, юқори тинчигандан сўнг енгил ишга қўяман. Келишдикми? – деди Мардонов.

– Ишга қачон чиқишим керак? Эртагами? – деб сўрадим мен.

– Индинга, 7 мартдан бошлаб ишга чиқа бошлайсиз. Бўладими?

12-чи отрядга энди келиб Устозга бошлиқнинг нимага чақирганини айтиб бераёт пайт, 3-чи отряд завхози менинг ёнимга келиб, “Сиз бизнинг баракка бораркансиз, нарсаларингизни олдингизми?” деди.

Устоз билан хайрлашиб, Худонинг қарғишига учраган 3-чи отрядга кетдим.

7 март куни 46-чи зона промкасининг энг оғир иш жойи – “дробилка”га¹³ ишга чиқдим. Мени 2-чи “дробилка” элаги тагидага тупроқни олиб туришга қўйишди. Мендан ўн қадам нарида, 1-чи “дробилка”да чангдан оқариб кетган кийимларда бир маҳқум элак тагидаги тупроқни кураб чеккага отяпти.

Мен кийган кийим ҳам 15 дақиқа ичида қўшни “дробилка”даги маҳқумнинг кийими тусини олди.

Тушлик вақти келганида ёнимга “дробилка”нинг бригадири келди ва овқатга чиқиш кераклигини айтиб, “Анави жойда ювинадиган жой бор, ювиниб кийимларингни алмашлаб ол”, деди. Ювиниш жойига борганимда, қўшни “дробилка”да ишлаётган маҳқум ҳам шу ерга келди.

“Қўшни” мен билан саломлашди. Биз ўзаро кўп марта гаплашганимизни, эски таниш эканлигимизни айтди. Менга ҳам унинг овози танишдай туюлди, аммо қаерда ва қачон бу одам билан гаплашганимни, харчанд урунмай, эслай олмадим. Ахийри, у “Зангиотада кўп гаплашганмиз, мен “Тошкент”, сиз “Аляска” эдингиз”, деди.

Бу йигит Ҳафизулло Носиров эди.

Мен юз-қўлимни ювиб бўлдим ва Ҳафизулло билан бирга тушликка бориш ниятида уни кута бошладим. Шунда Ҳафизулло:

– Ака, тезроқ кетинг ошхона томон, бригадир келяпти. Бу ерда 159 лар бир-бирлари билан гаплашиши таъқиқланган,— деди.

“Дробилка”, “Столба”¹⁴ цехи, “Оҳак” ва “Шлакоблок” цехлари-га Самарқанднинг Каттақўрғонидан “Шокир бука” лақабли лохмач жавобгар қилиб қўйилган эди. У ўзига мос тушган лохмачларни

13 “Дробилка”– тош майдалайдиган ускуна. Майдаланган тош элакка тушади. Элак тагидаги чангни тинимсиз равишда тортиб олиб туриш керак бўлади.

14 “Столба”– чегара устун. Бўйи 4 метр, оғирлиги 120 килодан иборат бетон устун. Ҳафтада бир марта промкага 5-6 вагон киради. “Столба” цехидагилар уч кун тинмасдан вагонларга устун юклайдилар. 46-чи зонада тайёрланган бу устунлар Ўзбекистоннинг чегаравий худудларига тарқатилади.

цехларга бригадир қилиб тайинлаб чиққан эди. “Дробилка”да андижонлик Ғулом деган лохмач бригадирлик қиларди.

Бир куни ўша “нажас”¹⁵ 1-чи дробилкада ишлаб турган Ҳафизулони ҳожатхона томон олиб кетди. Ғуломнинг ёнида иккита ўрис СПП ҳам бор эди. Орадан ярим соат вақт ўтиб, Ғулом “нажас” ўша ўрис СПП лар билан менинг ёнимга келди ва “Юр! Сени мастер Шокир чақиряпти”, деди ва мени ҳожатхона ёнида турган “Буқа”га кўрсатиб, “Мана, главный вованни ҳам олиб келдик”, деди. “Буқа” менга бир қараб қўйди ва ёнида турган бригадирларга нималарнидир гапиришда давом этди.

Промка ҳожатхонаси орқасида катта ўра қазилган бўлиб, ўра ҳожатхонадан чиққан нажас билан лиқ тўла. Шокир буқага қарашли ҳамма цехларда ишлаётган биродарларни тўплаб, ўша чуқур атрофида саф қилиб қўйибди.

Буқа:

– Ҳамма вованларни йиғдингларми? – деб сўради “нажас”дан.

– Ҳаммаси шу ерда, Шокир ака, – жавоб берди Ғулом “нажас”.

Буқа ўзини гўё зонанинг мутлақ ҳокими туйиб, гап бошлади:

– Ҳозир сенларга ажойиб бир спектакл қўйиб бераман. Бош ролларда эса, ҳаммаларинг навбатма-навбат иштирок этасанлар. Бугун олтитангиз, эртага олтитангиз, индинга олтитангиз... Шунинг учун бу спектаклининг репетициясини ҳаммаланинг томоша қилиб, ўрганиб турасизлар, эртага навбатинг келганда нима қилишингни билмасдан қийналиб юрманглар, деб сизларни бу ерга чақиртирдим, – деди ва “нажас”га:

– Ғулом, бошла! – деди.

“Нажас” ёнида турган икки СПП га ишора қилди. СПП лар бир биродарни қўлларини орқага қайиришиб, ўра олдига олиб келишди. “Нажас” қўлида учи томони айри узун ходани ушлаб олган ҳолда тайёр турарди.

СППлардан бири Шокир буқага:

– Шакир ака! Всё готово, начнём? – деди.

– Давно пора! – деди буқа.

Икки СПП лохмачлар биродарни кийим-пийими билан ўрага туртиб юборишди. Биродар ўрадан чиқишга ҳаракат қилиб қирғоққа

15 “Нажас” – Андижонлик Ғуломга маҳкумлар томонидан қўйилган лақаб.

интилар, “Нажас” қўлидаги хода билан уни ўра ўртасига итарар эди.

Шуйўсиндаянабеш биродарни ҳожатхона ўрасига чўмилтирдилар. Сўнгра бу биродарларга ифлос кийимларида ахлат ташитдилар. Шу олти биродар ичида Ҳафизулло ҳам бор эди...

Таҳқирлашнинг бундай усули борлигига 46-чи зонада гувоҳи бўлдим.

“Томоша” тугаганидан сўнг Буқа бизга қарата:

– Қалай бўлди? Ёқдими спектакл? – дея сўради. – Эртага давом эттирамиз. Олти танг тайёр туришларинг керак. Менга айтадиган гапинг йўқми ҳеч қайсингда? – сўради Буқа.

Мен Буқага дедим:

– Шоқир, менда гап бор, лекин бу ерда эмас. Шахсан ўзингга айтаман, – дедим.

Буқа “Нажас”га: “Ўн минутлардан кейин олиб бор”, деди ва ёнида юрадиган икки “бригадир”и билан ўз капасига қараб кетди.

Иш жойига кетаётганимизда “Нажас” савол берди:

– Шоқир акамда нима гапинг бор?

– Шоқир акангдан сўраб оласан. У сенга айтиб беради, – дедим мен.

Беш дақиқача ўтириганимиздан сўнг, “Нажас” билан “Буқа”нинг капасига кетдик. “Буқа” ёнидагиларга: “Беш минутга чиқиб туришлар”, деди ва менга: “Нима гапинг бор эди?” деб сўради.

Мен “Буқа”ни бир оз кузатиб туриб, сўрадим:

– Сен бу ишни ўзбошимчалик билан қиялсанми ё зона бошлиғининг буйруғи биланми?

“Буқа” ўтирган жойидан туриб ёнимга келди ва захарханда қилиб:

– Нима эди? Бошлиққа шикоят қилмоқчимисан? Яхшиси, ГУИН га чопақол! – деб жавоб берди.

Мен “Буқа”га шуларни дедим:

– Сенинг нима демоқчилигингни тушундим. Энди гап бундай, мастер! Бориб оталарингга айт: “Анави Бегжонов дегани бундай таҳқирланишдан кўра, промкадаги кўтарма краннинг тепасидан сакраб ўлишни афзал билар экан”, деб айт. “Сенларнинг дробилкангга ҳам, бошқасига ҳам қўйиб қўйдим”, деб айтди дегин!

“Буқа” талмовланиб:

– Сенга биров “таҳқирланасан” деб айтдимми? Нима, ўзингдан ўзинг қаерда йўқ гапларни алжираясан?

– Мен алжираяпманми?

– Ахир сенга ҳеч ким бир оғиз ёмон гап гапирмади-ку!

– Сен билан келишолмадик. Мен бу зонадаги ҳамма гапни ёзиб, аллақачон ташқарига чиқариб юборишга улгурдим. Қисқаси, мен билан бирор кори-ҳол юз берса, сен ҳам омон қолмайсан, – дедим ва “СППингни чақир, мени иш жойимга кузатсин”¹⁶, дедим.

Иш жойига келганимдан сўнг ишламасдан ўтириб олдим ва: “Бошлиқ ҳам аблаҳ экан, одамни ҳам шу даражада таҳқирлашига йўл қўйган бўлса. Эртагаёқ олдига чиқиб зонаси, ўзи, қўл остидагиларнинг қандайлигини юзига гапираман”, деб ўйладим. Бу пайт ҳаллослаб “Нажас” келиб қолди.

“Нажас”:

– Сени срочно промзона директори чақиряпти, юр кетдик! – деди.

Промзона штаби олдида директорнинг навбатчиси (маҳкум) кутиб турар эди. Навбатчи менга: “Кийимингни чангини қок”, дейди. Мен унга жавобан: “Бу менинг иш кийимим, бу ерга мен зиёфатга келмадим, ҳозир яна иш жойимга кетаман”, дея жавоб қайтардим.

Навбатчи маҳкум мен билан ортиқ тортишиб ўтирмай, директор хонасига бошлади. Эшикни очар экан, “Доклад қилиб кир” деб қўйди.

Катта хонада узун стол ортидаги креслода директор ялпайиб ўтирар эди. Хона ўртасига бориб тўхтадим ва миқ этмай қотиб турдим.

– Ҳа, Бегжонов, нима бўлди? “Башенний крандан сакрайман” дебсиз. Тинчликми? – деди.

– Тинчлик эмас, ўртоқ майор. Тинчлик бўлганида, бекордан-бекорга “бўлмағур гапларни” айтмаган бўлардим, – дедим.

– Нима бўлди? Кимдир сўқдим, уришдим сизни? Айтаверинг очик. Қайси бири гапирган ёки урушган бўлса, гаплашамиз, жазолаймиз...

– Ўртоқ майор, промкангизда нималар бўлаётганидан хабардормисиз?

– Нималар бўлаётган экан промкамда?

– Ҳожатхона томонга бир ўтинг, нималар бўлаётганини ўз

16 Ўзбекистоннинг барча қамокхоналарида 159-модда билан айблан диндорлар ва сиёсий маҳкумлар якка ҳолда юриши қатъиян тақиқланади.

кўзингиз билан кўрасиз, – дедим.

– Бегжонов, буни мен буюрганам йўқ. Буни бошлиқ ҳам буюргани йўқ. Мени тушунгандирсиз?

– Ўртоқ майор, мен сизни тушунмадим. Сиз шу промзона бошлиғи бўлсангиз-у, “мен буюрганам йўқ” деяпсиз...

Хонага директор навбатчиси кирди ва директорга мени зудлик билан зона бошлиғи Мардонов чақиртирганини айтди. Майор чайқалиб ўрнидан турди, олдимга келди ва шуларни деди:

– Бегжонов, ким сизга ёмон гапирган бўлса, албатта жазосиз қолмайди. Уларни албатта жазолаймиз, – деди...

Биз зона штабига келганимизда, бошлиқ кабинети эшиги олдида уч-тўрт офицер қабулга навбат кутиб туришганини кўрдим. Мен билан келган СПП бошлиқ навбатчисига:

– Азиз Бозорович манави маҳкумни сродно чақиртирган экан, нима қилай? Маҳкумни шу ерда қолдириб, ўзим кетаверайми? – деб сўради.

Навбатчи: “Шошма! Кимга қолдириб кетасан?! Ҳозир сўраб кўраман”, деб бошлиқ олдига кириб кетди ва дақиқа ўтмай, чиқиб келди ва СППга “Кутасизлар экан”, деди.

Азиз Мардонов салом-алиқдан сўнг: – Сизни енгил ишга ўтказаман деб ваъда бергандим, лекин ишлар билан овора бўлиб, ҳеч бўш вақтим бўлмади. Сиз ҳозир бориб ювиниб-тараниб кийим-кечагингизни алмаштиринг. Запасда борми янгиси? Йўқ бўлса, ҳозир оғборчига айтаман, янги кийим беради, – деди.

Промзонада бўлиб ўтган гаплар оқизмай-томизмай бошлиққа етказилгани Мардоновнинг гапириш услуби ўзгарганидан сезилиб турар эди. У гапирар экан, бир оғиз ҳам промкадаги иш тўғрисида миқ этмади.

Мен жим туришда давом этдим.

Бошлиқ гапиришда давом этиб:

– Бугундан бошлаб сизни 2-чи баракка ташлаймиз. Сиз энди бу ёғига “сапожка”¹⁷ ишлайсиз. “Дробилка”ни унутинг. Эртага дам олинг. Индинга тўғри “сапожка” цехига борасиз. Мен “сапожка” мастери Муродга айтиб қўяман, у сизни цехдаги ишлар билан таништиради. Қайси ишни маъкул кўрсангиз, шу ишга қўяди. Мастер ёмон бола эмас, нима десангиз, шуни қилади, – деди подполковник Мардонов.

17 “Сапожка” – промзонадаги оёқ кийим тикадиган цех. Зонадаги энг осон иш жойи.

ҲУСАН БОБО

Мардонов айтганидай, “Сапोजка” мастери Мурод цехдаги ҳамма иш жойларини эринмай кўрсатиб чиқди ва цех охирида ўтирган уч-тўрт кишини кўрсатиб:

– Муҳаммад ака, менимча шу жой сиз учун жуда қулай бўлса керак. Энг осон иш бўлгани учун ҳам бу ерга фақат ёши катталарни қўйганмиз. Нима дедингиз? – сўради Мурод.

– Бу киши – Ҳусан бобо, қариялар гуруҳига бригадир. Яъни, кундузги сменада шу ердаги иш сифати ва иш самарадорлигига жавобгар шахс. Бу киши...

Бу ер “отделка”, яъни оёқ кийимига “охирги ишлов бериш жойи” экан.

Ҳусан ака билан тез чиқишиб кетдик. Самарқан шаҳридан экан. Давлат мулкани кўп микдорда талон-тарож қилганликда айбланиб, 10 йилга қамашибди. Қамалганига икки ярим йил бўлибди. Яқинда эллик икки ёшни қоралабди. Икки ўғли АҚШ нинг Флорида штатида яшаётган экан.

Ҳусан бобо гурунглашишга шунақанги ўч эканки, гапнинг очиги, мен уни эшитиб чарчаб қолар эдим. У соатлаб гапирар, ҳар ярим соатда чой дамлаб келиб, менга чой узатавериб жонимга тегиб кетарди. Йўқ, ичмайман десам, йўқ ичасиз, деб туриб оларди. Ортиқ сабрим тугаб, кунларнинг бирида Ҳусан акага қаттиқроқ гапиришга мажбур бўлдим:

– Ҳусан ака, мен чойни кўп ичмайман, сизга минг марта айтдим, ҳа деб менга чой узатаверманг, деб! – дедим жаҳл билан.

Шундан сўнг Ҳусан ака мен билан бир ҳафтача гаплашмай юрди. Ёнимда турган курсисини иш столининг охирига олиб бориб қўйди. Қаттиқ хафа қилганимни тушундим...

Чойнагини кўтариб чойдамлашга кетганида, курсисини эски жойига, ёнимга келтириб қўйдим. Ҳусан ака чой дамлаб келиб, курсини қидирди. Хўмрайиб келиб курсини олишга интилганида, “Курсига тегинманг, ўтиринг шу ерга”, дедим ва саломлашиш учун қўлимни узатдим. Ҳусан бобонинг кўзларига ёш қалқди...

– Янгиликлардан олинг энди, Ҳусан бобо! – дедим мен.

Ҳусан ака, одатдагидай, олдин менга чой узатди. Бир оз сукут сақлади. Сўнгра, менга кўз таги қараш қилиб:

- Худди пошшомизга ўхшайсиз,– деди.
- Тушунмадим. Қайси пошшони айтяпсиз?
- Пошшо бир-ку, Ўзбекистонда,– жавоб берди Ҳусан ака.
- Каримовни айтяпсизми?
- Ҳа да!

– У, биринчидан, менинг пошшом эмас, иккинчидан, ўша пошшоингизга мен эмас, эшшак ўхшасин! Ҳусан бобо, мени иккинчи бор бундай ҳақорат қилманг, – дедим жиддий оҳангда.

– Узр, Муҳаммаджон. Ёмон кўришингизни билардим, лекин бу даражада деб ўйламагандим. Мен характерингизни айтмоқчи эдим, холос.

- Нима бўпти характеримга?
- Сиз ҳам қизиққон-да энди...

Бир куни ишдан кейин Ҳусан ака ёнимга келиб:

– Муҳаммаджон, юринг ташқарига, айланиб келамиз, – деб қолди.

Бирон марта бундай таклиф билан чиқмаган ва фақат менинг мажбурловим остида ташқарига зўрға чиқадиган Ҳусан бобо бугун нимагадир менга ташқарида гурунглашишни таклиф қилаётгани мени ажаблантирди.

– Тинчликми, Ҳусан бобо? Бугун қуёш бошқа томондан чиқмадимми мабодо?

– Юринг, юринг! Ажойиб янгилик бор!

Ташқарига чиққанимизда Ҳусан акадан: “Нима янгилик экан?” дея сўрадим.

– Анави оқ қон касаллигига чалинибди. Тез орада “капут” бўлар эмиш...

- Ким эди у “анави”?
- Каримов-да, ким бўларди бошқа.
- Шуми янгилигингиз?

– Э-э, Муҳаммаджон! Ҳали мени айтди дерсиз, оқ қон билан касалланган одам узоқ яшолмайди, узоғи билан бир йилдан кейин...

– Ҳусан ака! У ўлса, сизга нима фарқи бор? Сиз диндор ёки сиёсатчи бўлмасангиз...

– У ифлоснинг нафақат диндор ва сиёсийларга, балки бутун ўзбекларга зиёни тегяпти. Аёлларимиз ўзларини ёқиб юборишяпти,

эркакларимиз хезалакка айланиб боришяпти, қизларимиз бузуқлик кўчаларини ишғол қилиб бўлишди. Ўғил-қизларимиз очликдан, хорлик-зорликдан бошқа давлатларга кул бўлиб кетишга мажбур бўлишяпти.

Сиз менга диндор эмассиз, сийсий эмассиз деяпсиз. Бу нуқсонларни кўриш, билиш учун сиёсий ёки диндор бўлиши шарт эмас-ку, ахир. Шу ўн йил ичида бу яхуд ўзбекларни хор қилди, ярамас!

Муҳаммаджон, “қамаб қўйгани учун сўкиняпти” деб ўйламанг. Асло ундай эмас. Қамалмасимдан олдин Америкадаги катта ўғлим билан телефонда гаплашган эдик. Ўшанда унга: “Ватанга қайт ўғлим, у ёқда хору-зор бўлиб юрганингдан кўра, уйимизда қаттиқ нон еб кун кўриб юрганинг афзал”, деб маслаҳат қилгандим. Бир ойдан кейин ундан хат олдик. У хатида:

“Ота, сиз ҳечам сиқилманг, бу ёқда сизга пропаганда қилаётганидек “расво” эмас. Бу ерда “Нима эксанг, шуни ўрасан” экан. Яъни, ишлаган тишлар экан. Агар иложини қилсангиз, укамга ҳам Green Card топиб беринг. У ҳам келсин. Ҳалол ишлаб пул топади.

Уйга қайтиш масаласига келсак, ҳали-бери қайтмайман. Сабабини ўзингиз биласиз”, деб ёзибди. Чунки, у ҳам намоз ўқир эди-да. Ҳозир укаси билан биргаликда ўзбек сомса, самарқанд нон пишириб сотишар экан. Ҳар ойда уйга 500 доллар юборишар экан. Агар улар ҳам бу ерда бўлганларида, қамалиб кетишлари турган гап эди.

Кетиб тўғри иш қилганлигини энди тушуняпман мен овсар...

Шу куни, яъни 2002 йил 30 март кечкурун, Ҳусан бобо ўзаро бошқа гурунг қилолмаслигимизни сезгандек, “Отбойгача тоза ҳавода юрамиз, эртага бормизми, йўқми”, дегани ҳали-ҳамон қулоғим остида жаранглаб тургандай гўё...

КУТИЛМАГАН ЭТАП

2002 йил 31 март куни эрталаб соат саккизда кутилмаганда менга “Этапга тайёрлан” деган хабар келди. Э-эх, ...

Энди бир жойга кўника бошлаганингда... Бу ҳам бир кўргулик экан. Яна ўша “ломка”, яна ҳақорат, таҳқирлаш...

Бир томондан, бу қадар чиркин жойни тарк этаётганингдан шод

эсанг, иккинчи томондан, яна ўша “бахтли, чароғон” кун келишини кута бошлайсан. Қалбингни яна ўша эски саволлар исқанжага ола бошлайди.

Бу сафар ҳам Ўзбекистоннинг энг катта зонасидан фақат ўзимни этап қилишаётган эди. Зона дарвозаси олдида турган зековозга чиқаришганида, унинг ичида яна бир маҳкум ўтирар эди.

Машина ўрnidан кўзголиб анча йўл юрганида, бизни қоровуллаб кетаётган войсковойлардан этап қаергалигини сўрадим. Улар “Зарафшонга кетяпмиз” дейишди.

Ёнимдаги ўтирган одам миллати немис эканлиги, 36-чи зонадан келаётганини, аслида уни ўша 36-чи¹⁸ зонада қолдиришлари кераклиги, чунки у сил касаллигининг ўтлашиб кетган хилига чалинганини такрор ва такрор қайтарар эди. Бу одамнинг ўз ҳасратини кимга қарата айтаётгани номаълум эди.

– Я ведь чахоточный, зачем мне ваш Зарафшан? Все равно я нигде не буду работать. Они это знают, что я не работоспособен. Знают, что я болею туберкулёзом. Они специально поступают так, чтобы я заразил других туберкулёзом, верьте мне...

Шу куни, яъни 2001 йилнинг 31 марти тушлик вақтида Зарафшондаги 48-чи зонага келиб тушдик. Изоляторга ташлашдан олдиншмондан ўказишди, этапда бор-йўғи икки маҳбус бўлганимизга қарамай, худди Жасликдаги 80 кишини кутиб олгандек, дубинкалар билан роса “сийлаш”ди ва изоляторнинг (48-чи зонанинг энг ёмон камераси бўлса керак) поли бетондан иборат, март ойи охири бўлишига қарамасдан, ўта совуқ ва нам камерага олиб киришди.

Камерадошим олдиниға хужранинг қоқ ўртасида туриб олди, кейин эса, камера бурчағиға бориб нималарнидир ўзича ғудрана бошлади, сўнгра пичирлашға ўтди.

Бу киши кўринишидан, ёши етмишға бориб қолган афтодаҳол бир одам эди. Камерада менинг бор-йўқлигимға умуман эътибор бермай, бир нуктаға тикилиб олиб, йўқликқа ўз ҳасратини тўқишда давом этарди:

– Никто меня не хочет понять, никто; ни правые, ни левые... Дурдом какой-то. Вот-вот, дур-дом тамам вассалам. Везде я

18 УЯ 64/36-чи зона – сил касаллигининг оғир туриға чалинган маҳкумларни даволаш муассасаси.

громкогласно говорю, и сейчас еще раз повторяю – я тубик (“туберкулёз” демоқчи) конченный. Мне скоро каюк. Господин президент! Вы должны услышать мой голос. Мой голос – частица народного голоса. Ведь, вы являетесь руководителем узбекского народа, гарантом его здоровья, господин президент. Вот, слушайте меня, господин президент! Ваши служители спецом (“специально” демоқчи) меня сюда привели. Остальных арестантов тоже хотят заразить туберкулёзом. Это для государство, для узбекского народа будет непоправимый удар, господин президент...

Бу орада изолятор навбатчиси бир неча бор эшик кўзидан мўралаб, “чакагингни ўчир!” деб бакиради, дубинкаси билан эшикни уриб, такиллатади, бироқ, войсковойнинг бу шовқин-сурони ҳам “файласуф” ҳамхужрамга таъсир ўтказолмайди. У монологини давом этаверади...

Кечкурун ДПНК келиб, мендан:

– Сизни нима учун бу зонага юборишди? – деб сўради.

– Сиз билмасангиз, мен қаердан биламан ўртоқ бошлиқ. Эрталабки нонуштадан сўнг “этапга тайёрлан” дейишди. Бор-йўқ гап шу, – деб жавоб бердим.

Шунда у ёнидаги ёрдамчиларидан сўради. Улар ҳам мени бу зонага нима учун келтиришганини билишмади. Ҳатто зона бошлиғи полковник Шавқиддин Идиев ҳам мени бу ерга ким ва нима учун юборишганини билмас эмиш.

ДПНК бошлиғи ёнимдаги немисдан сўради:

– Сен юқумли сил касаллигига чалинган бўлсанг, нимага 36-чи зонада қолдирмасдан бу ерга юборишди?

– Гражданин начальник, меня должны были оставить там, но они отправили меня сюда, в рабочую зону. Никто меня слышать не захотел. Высшие должностные лица, наверное, хотят чтобы я заразил неудобных им людей открытым туберкулёзом!

ДПНК билан биргаликда келган ёш лейтенант немисга ўшқирди:

– Чакагингни ўчир ҳей искирт! Қаердан олдинг бу сассиқ гапни?! Фамилиянг ким, исминг ким, ҳей эшшак, мол, чўчқа?! Ман санга кўрсатаман ҳозир “высшие должностные лица”! Мол, блядь! Туғилганингга пушаймон бўласан, ифлос, итнинг қанжиғи, қараб тур сан! Тушундингми, ҳей блядь?!..

– Понял, понял, гражданин начальник...

Немиснинг уни ўчди. Бундан уч дақиқа олдинги шашти батамом ер билан яксон бўлди. Шўрлик, нима деярини билмай, ўнг қўлини кўкрагига кўйганча қотиб турарди. Кун бўйи менга намойиш этган “спектакл”идан асар ҳам қолмаган эди.

Энди мени бу ерга фавкулудда этап қилишганининг аниқ сабабини нафақат мен, балки ДПНК ва унинг ёрдамчилари ҳам билиб олишган эди. Ёш лейтенант (опер бўлганлиги аниқ) ўзи билмаган ҳолда “давлат сири”ни ошкор қилиб қўйган эди.

Бўлиб ўтган бу жанжалли воқеадан кейин бундан икки йил олдин, яъни Қизилтепада пайтимдаги маҳкумлар орасида юрган миш-миш ёдимга тушди. Ўшанда:

“Ислом Каримов қамокдаги ҳамма 159 модда билан қамалганларга сил ва СПИД касаллигини юқтиринглар, касаллик юқмаганларини укол қилибми, бошқа йўл қилибми, йўқотинглар, биронта ҳам 159 модда билан қамалган одам қамокдан тирик чиқмаслиги керак”, деган буйруқ берган эмиш, деган миш-миш кулоққа чалинган эди.

Мен у пайтда бу миш-мишни “қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас” дея баҳолаган эдим. Президент дегани шу даражада пасткашликка бормаса керак, деб ўйлаган эдим. Бугун эса, Ислом Каримовнинг нақадар пасткаш, ўта кетган разил одам эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим...

Камераларда кечки текширув тугагач, камерадош маҳкумдан сўрадим:

– Как вас зовут, товарищ?

Бу “товарищ” менинг саволимга эътибор бермади ва яна ролга киришиб кетди. Камера бурчагига бориб, бир нуктага тикилганча, ўзи билан ўзи гаплашишга тушди.

Ҳамкамеранинг ўзини суҳбатдан олиб қочишидан қайғуриб ўтирмадим, аксинча, хурсанд эдим. Қани эди, камерада битта ўзим қолсам...

Изоляторда уйқуга ётиш эълон қилинади. Полига бетон ётқизилган бу совуқ камерада темир ўтироқ (скамейка) ва темир столдан бошқа ҳеч нарса (шконка, нара) йўқ. Кеч тушиши билан хужра янада совий бошлайди. Эгнимда бушлат бўлишига қарамасдан, аъзойи баданим совуқдан титрай бошлайди. Немис бетон полга ғужанак бўлиб ётиб олади.

“Отбой” эълон қилинганидан сўнг бир соатлар чамаси ўтиб, камера эшигини қоқаман. Коридор навбатчиси келиб, “Нега тақилла-тасан?!” дея ўшқиради.

– Командир, совуқ қаттиқ бўляпти, ёпиниб ўтиргани ҳеч нарса йўқми? – сўрадим войсковойдан.

– Эртага бошқа камерага ўтказишади, шу ёқда оласан одеялони. Отбой бўлди, нега ётмаяпсан? – сўради дубак.

– Командир, ётишга жой йўғ-у, қаерга ётаман?

– Шеригинг ётибди-ку, полга ётавермайсанми?..

– Командир, тасаввур қил: Шу онда дафъатан менинг ҳолимга тушиб қолсанг, нима қилган бўлардинг? Шу бетон полга ётган бўлармидинг?

– Нега энди сенинг ҳолингга тушиб қоларканман? Ҳозирги ҳолатимдан ҳечам нолимайман. Худога шукр, хотиним бор, болачақам бор, ётар-турар жойим бор, ейиш-ичишим бор. Сенинг ҳолингга тушишдан худонинг ўзи асрасин. Так что, ҳолинг ўзингга буюрсин...

Бу дубак гапга жуда чечан чиқди ва унинг тиним билмай жавраши асабимга тега бошлади.

– Командир, раҳмат “қимматли” маслаҳатинг учун. Боравер, уй-қум келди, ётмоқчиман, – дедим ва темир ўриндикқа келиб ўтирдим.

Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтиб, ўтирган жойимда уйқуға кетганимни сезмабман.

Совуқдан уйғониб кетдим ва полдағужанак бўлиб ётган шеригимга кўзим тушди. Бир сичқон унинг ёнбошида у ёқ-бу ёққа югуриклаб юрди ва лип этиб немиснинг бушлати енгига кириб ғойиб бўлди. “Ҳозир уйғониб кетади, сапчиб ўрнидан туради!”, ўйладим мен. Аммо... Немис қимир этмасди. Бирданига мияга ёмон фикр келди: “Ўлиб қолган, шекилли”, деб ўйлаб, ўрнимдан турдим ва немисни туртиб кўрдим. Бушлати енгига кириб кетган сичқон отилиб чиқиб, ўзини камеранинг темир эшиги тагидаги тирқишга урди. Ҳайрият, немис ўлмаган экан. У кўзини очди, ўрнидан туриб ўтириб олди, кўзларини уқалади, эснади. Бир оз ўтириб, менга қараб, сўради:

– Что? Уже объявили подъём? Который час?

Мен немисдан бундай “инсоний” саволни кутмаган эдим. Аниқроғи, унинг мен билан суҳбатга киришишига умуман ишонч

йўқ эди. Негаки, мен бу одамни “қамокда ўтиравериб томи кетиб бўлган, эси паст одам” деб ўйлаган эдим.

– Нет, не объявили еще.

– Как вас зовут, товарищ? – сўрадим ундан.

– Мени погонялам¹⁹ “немис”. Просто “немис” деб чақираверинг,– деди ўзбек ва русча аралаш. – Сизда исмингиз ким? – сўрайди мендан.

Мен унга жавобан:

– Мени Мухаммад деб чақиришади,– дедим.

– Сколько вам лет, немец?

– Мне уже сорок, а я все еще мотаюсь по тюрьмам да по зонам, вот...

Ҳеч ким немиснинг афтига қараб “бу одам қирқ ёшларда бўлса керак” деб ўйламайди. У кўринишидан етмиш ёшли чолга ўхшаб қолган эди.

– Нега бунча қари кўринасан? Мен сени етмишга киргансан деб ўйлагандим.

– Сиз неча ёш? – сўради немис.

Мен немисга “Сендан етти ёш катта эканман” деб жавоб бердим.

Ҳозиргина туппа-тузук гаплашиб турган немиснинг турки бирданига ўзгарди, камера бурчагига бориб олиб, бир нуқтага тикилганча, ғудрана бошлади. Менимча, “сендан ёшим катта” деганим унга ҳақорат бўлиб туюлди, шекилли.

Немиснинг телбалиги кўзиган пайти унга гапириш ёки уқтириш бефойда. У ўзининг ички дунёсидан ташқарида кечаётган ҳар қандай ҳодиса, воқеалардан мутлақо узилиб қолар ва бирданига, ҳеч нарса бўлмагандек, яна аввалги ҳолига қайтар эди...

2002 йил 5 апрел куни ДПНК бошлиғидан “Бизни бошқа камерага қачон ўтказасизлар?” деб сўраганимда, у шундай жавоб берди:

– Сизлар юқоридан жавоб келгунича шу камерада турасизлар. Мумкин, сизларни келган зонангизга қайтаришар, мумкин, шу ерда қоларсизлар. Қисқаси, сизлар ҳақда бизга ҳеч қандай кўрсатма келмади.

ДПНК кетгач, немис ўзининг бу тўғридаги тахминини билдирди:

– Буларга бор-у, давно хабар кеб бўган, ока. Ман сизга шуни айтай, ока. Ман открытий туберкулёзник, буларнинг плани бўйича ман сизга бу касалликни юқтиришим керак. Вы поняли меня, ока?

19 Жаргонда “погоняло” – лақаб.

Була мана шунақа маразла, я их наизусть знаю. Они думают, что я полоумный. Я вам покажу еще кто лох. Людоеды, суки...

Тахминан 10 ёки 12 апрел куни эрталаб ДПНК бошлиғига яна эски саволни ташладим:

– Ўртоқ бошлиқ, биз қанча вақт бу яланғоч камерада ўтирамыз? Бошқа камерага ўтказиш сизнинг қўлингиздан келмаса, мени зона бошлиғи олдига чиқаринг.

ДПНК бошлиғи ёнидаги ёрдамчиларига менинг шикоятимни қоғозга қайд қилдириб бўлиб, бизга қарата:

– Эртага албатта ҳал қиламиз. Эртагача чиданглар, – деб жавоб берди.

Лекин, на эртасига, на индинига ҳеч нарса “ҳал” бўлмайди.

Немис иккимиз, “эртага захсиз камерага ўтказишади, индинга бошқа камерага кўчиришади” қабилида умидларга боғланиб, бу зах камерада бир ой азоб чекишимизга тўғри келди. Ниҳоят, 2002 йил 30 апрел куни 48-зонанинг изоляторидан зонага чиқаришди.

Зах, совуқ камерада ўтиравериб, миямда муқим кўним топган “қаҳратон киш” манзараси изолятор ҳудудидан чиққаним заҳот қайларгадир ғойиб бўлди ва унинг ўрнини баҳорнинг бетакрор, тотли ифори эгаллаб олди.

УЯ 64/48.

ЗАРАФШОН КОЛОНИЯСИ

2002 йил, 30 – апрел. Ташқарида ҳақиқий баҳор! Дарахтлар яшил либосларга ўранган, ҳаво очиқ, илиқ шабада эсяпти.

ДПНК бошлиғи изолятор войсковойларидан бирига немисни қайсидир отряд бошлиғига топширишини буюрди.

– Сиз билан бошлиқ ўринбосари гаплашмоқчи. У штабда кутиб ўтирибди, кетдик, – деди ДПНК бошлиғи менга.

ДПНК бошлиғи мени штаб даҳлизидида қолдириб, ўзи бир кабинетга кирди. Орадан беш-ўн дақиқача вақт ўтиб, ДПНК бошлиғи кабинетдан чиқди ва менга эшиги очиқ турган хонага имлади ва “киринг”, деди.

Хона тўрида подполковник унвонли одам креслога ёнбошлаб олиб телевизор томоша қияпти. Доклад қилдим. Подполковник до-

кладимга ҳечам эътибор бермай, телевизорга қарашда давом этаверди. Орадан анча вақт ўтса ҳам, подполковник ўтиришини бузмади. Подполковникнинг ўзини бундай тутиши менинг жиғимга тега бошлади. Билиб турибман, бу тип менинг асабимга тегиш учун жўртага шундай тутяпти ўзини. Ахийри сабр косам тўлди ва подполковникка шундай дедим:

– Ўртоқ бошлиқ, кабинетингизга кириб доклад қилганимга ярим соат вақт бўлди, агар малол келмаса, мен маҳқумга ҳам икки дақиқа вақтингизни ажратсангиз яхши бўларди.

Ниҳоят, подполковник мен томонга бошини бурди. Унинг башараси танишдай туюлди. Қаердадир кўргандайман. Эслашга улгурмадим. Подполковник гўё ҳайрон қолиб гап бошлади

– Иби, иби! Бегжонов, сизмисиз? Мени танидингизми?! Қизилтепа! Қизилтепани эсланг! Қаерларда юрибсиз-эй, кўринмай кетдингиз-ку дўстим!..

“Дўстим” эмиш... Бу бақалоқ подполковникнинг бу гапини эшитиб, Қизилтепа зонаси, 2000 йил январ (феврал) ойи эсимга тушди. Бу воқеани шундай хотирлайман:

2000 йил, Январ ёки Феврал ойи. ҚИЗИЛТЕПА зонаси.

Гишт заводининг учинчи сменасига ишга чиқишимиз учун хозирлик кетяпти...

Шу куни қаттиқ шамоллаганимдан танамдаги ҳарорат 39, 40 даражага етди. Юришга мадорим йўқ. Тунги соат 11–,11:30 ларда учинчи сменада ишлайдиган маҳбусларни майдончага йиғиб, санокдан ўтказишяпти. Офицерлар отрядма-отряд маҳқумларни исм-фамилияларини ўқишяпти.

– Бегжонов!

Менинг фамилиямни ўқиган офицерга ўрнимдан туриб, “Муҳаммад Мадаминович!” дея жавоб беришим керак бўлади. Лекин ҳолсизликдан нафақат ўрнимдан туриб жавоб бериш, балки, исм-шарифимни ҳам айтишга қурбим йўқ.

Карточка ўқиётган офицер қайта менинг фамилиямни такрорлайди: – Бегжонов! Нима, у ишга чикмадими? Бригадир! Бригадир! Қани

Бегжонов! Карточкаси бу ерда бўлиб, нега ишга чиқмади?!

Бригадир чопиб келиб ёнимдагилардан “Нима бўлди бунга?” деб сўрайди.

Бригадирнинг бу саволи миям қабул қилган охирги сўзлар эди. Шундан сўнг нима бўлганини, ким ёки кимлар мени санчастига олиб келганидан мутлақо беҳабарман.

Хушимга келиб кўзимни очганимда, тиббиёт бўлимида эканлигимни билдим.

Юзимга совуқ сепишиб ўзимга келтиришибди. На қон босимимни, на тана ҳароратини ўлчашмади. Устига устак, битта оқ халат кийган мавжудот келди да, ёнимда турган бригадирга мени кўрсатиб, ҳар икки ўзбекча сўз орасига русча калима тикиштириб, нима дейди, денг: —

– Бу одам соппа соғ, симулянтлик қияпти, а так, 100 фойиз ишга годен, так что, ҳозирнинг ўзидаёқ ишга ҳайда! Ишламаса, уриб ишлат. Бундайлар фақат калтакланиши керак!

Оқ халат кийган бу БИТнинг гапларидан кейин ўзи шундай ҳам тушқин кайфият янада расворок ҳолатга тушди. Бу воқеадан ўзининг хурсандлигини яширмай, ёнимда хиргойи қилиб келаётган бригадирга:

– Мен шу аҳволда ишга бормайман. Ҳозироқ мени зона бошлиғи олдига олиб борасан! – дедим.

– Қанақа бошлиқ? Тунги соат 12 да бошлиқ нима қилади?

– Бошлиқ бўлмаса бошқаси бордир. Штабга олиб бор мени, ўзинг кўрмаяпсанми қандай аҳволдалигимни?

– Қандай аҳволдалигингни менга айтма! Сени мен қамамадим, ким қамаган бўлса ўшанга айт! Ҳеч қандай штабга бормайман, гап тамом!

– Ундай бўлса бор, кетавер ишинга. Бошлиқ олдига ўзим чиқаман.

Изма из тўрт беш марталаб ўғирлик орқасидан қамалиб чиққан бу ўғрибачча қанчалик тихирлик қилмасин, ахийри мени штабгача кузатиб келишга мажбур бўлди.

– Мана кўрасан, штабда дежурний офицердан бошқа ҳеч ким бўлмайди, бекорга борган бўламиз, – деди у норози оҳангда.

Ҳақиқатан ҳам, зонани штаби даҳлизи жим жит, ҳеч ким кўринмайди. Бригадир бир кабинет эшигини қия очиб, ким биландир гаплашди. Хонадан штаб навбатчиларидан бири чикди ва мендан фа-

милиямни сўради. Навбатчи йигит:

– Штабда бошлиқ йўқ, бошлиқ ёрдамчиси билан гаплашасизми?
– сўради у.

Мен унга “Қабул қиладими? Қабул қилса, албатта гаплашаман”,
деб жавоб бердим.

Навбатчи йигит менга “Бир дақиқа кутинг” деб, даҳлиз охири-
да жойлашган бир хона эшигини тақиллатди ва хонага кириб кет-
ди. Орадан беш дақиқача вақт ўтиб, қайтиб чиқди ва “Бегжонов, ке-
линг” деб мени чақирди.

Кабинетга кирдим. Кабинет тўридаги ”Т” шаклидаги стол орқа-
сидаги креслода подполковник унвонли одам қош қовоғини уюб
ўтирар эди. Ўзимни таништириб, доклад қилдим.

Подполковник ўтирган жойидан:

– Нима бўлди, Бегжонов? Нима проблема?

Мен подполковникка қаттиқ шамоллаганлигим туфайли зона
тиббиёт бўлимига борганим, у ердаги тиббиёт ходимларининг мен-
га қилган қўпол муомаласи, менга ҳеч бўлмаганда бир кунга дам
беришмаганини айтдим.

Подполковник менинг бу арзимга ҳақоратомуз кулди ва ўтирган
жойида бир керилиб қўйиб, деди:

– Нима сабабдан тиббиёт ходимлари сизга дам бериши керак
экан? Температурангиз 39 40 даражага чиққани учунми? Ёки бошқа
сабаб ҳам борми? Масалан, промкада жон куйдириб ишлаб чарча-
гандирсиз ёки...

Мен бу муттаҳамга гап тушунтириб бўлмаслигини билдим. Ҳа-
роратим қайта кўтарила бошлаганини сездим, қулоқларим шангил-
лай бошлади. Яна бирон дақиқадан сўнг ерга қулашимни ҳам се-
зиб турибман. Пешонамдаги тер юзим узра оқиб, полга томчилаб
бошлади. Узун столга тиркаб қўйилган стуллардан бирини тортиб,
ўтириб олдим. Подполковник бесўроқ стулга ўтириб олганимга ҳай-
рон бўлиб, ўрнидан турди ва менга яқинроқ келиб:

– Бегжонов, артистлик қилманг, – деди ва менга янада яқин кел-
дида юзимга тикилиб қаради. Артистлик қилмаётганимга амин бўл-
ди шекилли, ваҳима аралаш сўради:

– Нима бўлди? Бегжонов, нима бўлди?

Мен жавоб бермадим. Подполковник такроран бақириб сўради:

– Бегжонов, гапирсангиз чи! Нима бўлди?

Тер босган юзимни енгим билан артиб, подполковникка боқдим. Подполковник тер босган юзимни кўриб кўрқиб кетган шекилли, кўзларини катта катта очиб, энгашган ҳолда менга қараб турарди. Бир оз тин олиб, дедим:

– Ўртоқ бошлик, сиз мандан “проблема”ни сўрадингиз, мен “проблема”ни айтдим. Аммо сиз менинг арзимни тинглаш ўрнига мени ҳақоратладингиз, артист дедингиз...

– Бегжонов, ҳамма гапингизни эшитдим. Бетоб бўлсангиз, албатта даволатамиз. Лекин ҳаммаси эртага ҳал бўлади. Бошлик келсин, унинг ўзи ҳал қилиб беради. Бугун эса, ишга чиқишингизга тўғри келади, тушунтиролдими? Яна қандай проблема?

– Сиз аввал мана шу проблемани ҳал қилиб беринг, менда бошқа проблема йўқ. Кўриб турибсиз, бугун ишга мутлақо яроқсизман. Чиқсам ҳам ишлолмайман бу аҳволда. Шу сафар ишдан олиб қолинг, бугун. Қайта ёрдам беришингизни сўраб келмайман, чин сўзим. Ишга чиқсам, промкадаги ходимларингиз касал пасалга қарамасдан сим арқон, дубинкалар билан беаёв калтаклаб ишлатишади. Бу нарсалардан ўзингиз ҳам хабардорсиз.

Бу гапим подполковникка қаттиқ таъсир қилди шекилли, менга бақирди:

– Тур ўрнингдан! Ким сенга рухсат берди менинг кабинетимга бостириб кириб, сўровсиз ўтиришга?!

Ўрнимдан туриб стул орқасига ўтдим ва подполковникнинг кўзларига тик боқиб шундай дедим:

– Ўртоқ бошлик, табиий, сизга шогирдларингизни ёмонлаганим ёқмади. Лекин ўша шогирдларингизнинг кўпчилиги қопағон итлардан ҳечам кам эмас. Сизга яна бир бор айтаман, ўртоқ бошлик, бу аҳволда ишлай олмайман ва ишга чиқишдан очикчасига бош тортганим бўлсин. Энди изоляторга ёпасанларми, калтаклайсанларми, менга фарқи йўқ!

Подполковник телефонда изолятор навбатчи ҳарбийларидан бирини тезда кабинетига келишини буюрди ва телефон гўшагини жойига қўйиб, менга бақрайиб:

– Бегжонов, ём мон артист экансан ай, қойил лекин! Ҳеч кутмагандим сендан, Бегжонов. Кап катта одамсан а! Фирт аферист экан-

сан у. Ишдан қочиб шу спектаклни ўйлаб чиқардингми эй, уялмадингми эй? Сенга ҳозирча 15 сутка, кейин яна қўшамиз! Яхшилаб дам оласан!,-деди.

Подполковник бу гапани тугатди ҳамки, хоанага катта сержант кириб келди. Зона бошлиғи ёрдамчиси сержантга мени одиночкага қамашини тайинлади. Сержантнинг “Хужжатсиз қандай қамаймиз?”, деган саволига: “Сен ҳозир қамайвер, хужжатни эрталаб олиб боришади”, деб жавоб берди.

Изоляторга келаётганимизда сержант сўради:

– Нимага қамаяпти?

– Ишга чиқмайман деганим учун.

– Ишдан отказ қилдингми?

– Отказ қилмадим.

– “Ишга чиқмайман!” деганинг отказ эмасми?

– Ҳозир иссиғим 40 даражага кўтарилган, зўрға оёқда турибман. Қандай ишлайман шу ҳарорат билан? Менга ишлаш эмас, даво олишим керак.

– Касал бўлсанг, бунинг олдига эмас, санчаствга боришинг керак эди.

– Олдин санчаствга бордим шундоғам. У ердаги битгаси “Соппа соғсан, бор ишга!” деб ҳайдаб солди. Шундан сўнг бунинг олдига келгандим.

Ҳозир изоляторга борганимизда у ерга санчаствдан дўхтир чақиртирса бўладими?

– Статянг қандай?

– 158,159...

– Бу статяларга санчаств заперет. Билмасмидинг?

– Йўқ, билмасдим...

– Ҳали вери ўлмасанг, кўп нарсаларни билиб оласан.

Изоляторга келдик. Навбатчилар хонасида бошқа бир сержант дафтарга менинг фамилиям, исми шарифимни қайд қилди. Мени олиб келган сержант изоляторнинг камераларидан бирига жойлаштираётиб, бугунча кўрпа тўшаксиз ётишим кераклигини айтди.

Лекин менга эртаси куни ҳам, индинига ҳам кўрпа тўшак берилмади. Ҳар қалай, деворга қулфланадиган нарани очиб устида ётишимга рухсат этилди.

Шунисига ҳам шукр.

Шу тариқа, совуқ камерада 15 кеча кундуз битта ўзим ўтириб чиқишимга тўғри келди.

Яратганга ҳамдлар бўлсин ки, камерага соғлигим ўта аянчли ҳолда кириб, икки ҳафтадан сўнг, Оллоҳнинг марҳамати билан ҳеч нарса бўлмагандек соғайиб чиқиб келдим.

Аниқ биламанки, изоляторда менга тўшак берилмаслигини ўша подполковник тайинлаган. Чунки, ҳар сафар ётишдан олдин ҳамма камераларга матрас тарқатилади, мен ўтирган камерага келганда эса, фақат нара кулфини очишади ю тўшак бермай ўтиб кетишади. Бир икки марта сўраб ҳам кўрдим, аммо натижа чикмади. Подполковник ҳақ гапни айтганим учун мендан шу тариқа ўчини олди.

Орадан икки йил ўтиб, бугун яна ўша подполковник билан тўқнаш келдик.

2002 йил 30 апрел. Зарафшон зонаси бошлиғи ёрдамчиси кабинети.

Подполковник гапида давом этди:

– Бегжонов, мени эсладингизми?– сўради подполковник ва кўшимча қилди, – Қизилтепада Шавқидин Аминовичнинг (Идиевни назарда тутяпти) зами эдим.

– Албатта эсимда бор. Катта “ёрдам” бергансиз ўшанда. 15 сутка дам бергансиз. Бу каби “яхшилиқ”ни унутиб бўладими, ўртоқ бошлиқ.

– Ҳай энди бўлиб туради ундай ишлар, уларни энди унутинг, Бегжонов. Бу ёғи, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетади. Қайси зонадан этап билан келдингиз?

– 46 чи зонадан келдим. Унгача Жаслик, Зангиота зоналарида бўлдим.

– 46 да Мардоновмиди? (“Мардонов бошлиқмиди” демоқчи)

– Ҳа, Мардонов...

– Хў ўш, бошқаси тинчми, ҳай?

– Тинч.

– Қайси отрядга тушишни хоҳлайсиз, Бегжонов?

– Менга фарқи йўқ.

– Унда сизни 5 чи отрядга ташлаймиз. Яхши отряд. Отрядниги

ҳам ёмон эмас. Ҳозир завхозини чақиртираман, олиб кетади. Проблема чиқса, келиб туринг, ҳал қиламиз...

“Худонинг ўзи асрасин сенларга ишим тушишидан! Икки йил олдин “проблема”ни қандай “ҳал” қилганинг ёдимда!” дедим ичимда.

Подполковник Бахти билан бўлган бу суҳбатимиз охиригиси эди. Бу кимса зулм салтанатининг стандарт подполковниги эди.

У уч ойдан кейин ишидан бўшатилади.

Зонага чиққан куним 1999 йил феврал портлашлари «ташкilotчи»ларидан хисобланган Рустам Маматқулов билан танишганимиз эсимда...

Завхозни мени штабдан обкелиб, менга баракни кўсатди, отряд омборхоначиси билан таништирди ва унга менга “кўз кулоқ” бўлиб туришни тайинлади ва “мен ярим соатларда қайтиб келаман”, дея отряд омборхонасидан чиқиб кетди. Мен омборчи билан анча гаплашиб ўтирдим. Бу орада омборга маҳкумлар кириб чиқиб туришарди.

Маҳкумлардан бири кириб, узоқ вақт сумкасини титкилай бошлади. Бир маҳал мен билан гаплашиб ўтирган омборчи гурунгимизни бўлиб, сумкасини ковлаштириб ўтирган кишига гап қотди:

– Рустам ака! Инсоф билан да энди! Бир соатдан бери сумкангизни ковлайсиз, уни оласиз яна сумкага тикасиз, буни оласиз униям қайта сумкага тикасиз. Керагини олиб чиқиб кетавермайсизми? Унақамасда энди, Рустам ака!

Рустам бир оғиз гапирмай, кип қизариб омборхонани тарк этди. Мен омборчидан:

– Бу ким эди, нима билан қамалган? Раис бўлмаганми мабодо? – деб сўрадим.

– Қаерда раис бўлади? Вовчик бу, террорист! Тошкентни портлатганлардан бири. Срогиям отнинг калласидай – 20 йил! Бор йўғи энди уч йил ўтирди. Э ҳее, яна ўн етти йил а! Йигирма йил срок бу умрнинг учдан бири дегани! Худо кўсатмасин эй...

– Тошкентда ушлашибдими уни?

– Кимни?

– Ўша террористни да, ким эди у, Рустаммиди?

– Йўқ. Туркиядан ушлаб олиб келишган.

- Йўғ е, Туркияга қочиб кетганмикан?
- Ҳа, Туркияда ушлашган. Буларнинг катталари ҳозир ҳам шу ёқда.
- Ким экан буларнинг катталари? Ўша катталарини ушлашмабдими?
- Буларнинг каттаси Муҳаммад Солиҳ дегани бор. Баракка киришда ўнг томонда расмини осиб қўйибди. Эшитганмисиз шундай одамни?
- Йўқ, эшитмаганман. У ҳозир ҳам Туркиядамикан?
- Шундай дейишади. Туркияда мазза қилиб юрибди эмиш.
- Ундай бўлса бу ердан бориб ушлаб келишса бўларди-ку. Нега ушлашмабди уни?
- Қандай ушлашади? Муҳаммад Солиҳнинг Афғонистоннинг ўзида юзминг одами бор, ҳаммаси тиш тирноғигача куролланган.
- Миллиардер экан-да унда Муҳаммад Солиҳ.
- Ўзининг иккита шахсий «Боинг» самолёти, миллиардлаб долларлари дунёнинг ҳамма банкларида тикилиб ётади-ю, камбағал бўладими, ака?! Дунёнинг йигирматага яқин давлатларида қасрлари ҳам бор экан...
- Бу ерда қариндошлари бормикан?
- Бор дейишади. Қариндошлари ҳам зўр яшаётган эмиш. Ҳаммаси яхши таъминланган, уйли жойли...
- Лекин мен бошқача эшитганман Муҳаммад Солиҳ тўғрисида. Каримов унинг укаларини ҳаммасини қамаб қўйганмиш. Яна, уларнинг уйлари, мол мулклари ҳам мусодара қилинганмиш. Эшитмадингизми?
- Эшитгандайман, лекин...
- Ҳа майли, келинг яхшиси, анави «вовчик» ҳақда гапириб беринг. Унинг ёши мен қатори бўлса керак?– сўрадим омборчидан.
- Сиз неча ёшдасиз?
- Худо хоҳаса, кузгача ўлмасам, 48 га тўламан, – дедим мен.
- Унинг ёши ҳам сиз қатори, менимча.
- Лекин ўта камгап, камсукум экан. Бундай юмшоқ одамдан террорчи чиқмаса керак менимча?
- Э э, ака билмас экансиз! Ўзи шундайлардан, индамаслардан чиқади «вовчик» дегани, террорист дегани!
- Омборчига ўткир нигоҳ ташладим. У бир сесканиб тушдида да, сўради:

– Ака! Ўзингизнинг статя нима?

– Ўзингиз мен ҳақда қандай фикрдасиз?, – саволга савол билан жавоб бердим.

– Сиз «маслоқрат»га ўхшайсиз. Кўчада ё раис, буғалтир бўгансиз. Статянгиз 168, яъни камомад ёки катта миқдорда давлат мулкани ўмариш! Қалай, топдимми, ака? Қойилмисиз?

– Қойил, қойил, лекин озгина, атиги тирноқ учидайгина адашдингиз. Биласизми, нимада адашдингиз?

– Йўғ е, мен шу пайтгача адашмаганман. Ҳамма прогнозларим аниқ чиққан, ака. Хўш, нимада адашибман, айтинг чи?

– Статяда, ука, статяда адашдингиз.

– Ҳа, энди онда сонда бўлиб туради да бундай майда ошибкалар, ака. Адашган бўлсам ўзингиз айтақолинг статянгизни, мен таслимман.

Мен “буюк башоратчи”га қайси жинойи моддалар билан қамалганимни айтишга улгурмадим. Завхоз қайтиб келди ва отряд маҳкумларини барак ичкарасига йиғилишини сўради.

5 отряднинг ҳамма маҳкумлари барак ичкарасига кириб бўлганидан сўнг завхоз ўртага чиқиб, ўзича қойилмақом қилиб “нутқ” қилди:

– Мужиклар! Мана шу одам (мени кўрсатиб) бугундан бошлаб бизнинг баракда яшайди, бизнинг 5 отрядимиз (“отрядимиз” демоқчи) маҳкуми бўлди. Ҳаммангизга маълум, отрядимизда ҳамма шароит яратилган, ким яхши бўлса ошини ейди, ёмон бўлса, бошини. Мужиклар, сизлардан илтимос, бу одамга отрядимизда ўрнатилган тартиб қоидаларни тушунтириб қўйинглари. Бирор нарса бўлса, “нега олдин айтмадингизлар” деб баҳона қилиб юрмасин тагин!

Мужиклардан бири завхозга заҳархандалик билан:

– Нега энди тартиб қоидани мужиклар тушунтириши керак? Отрядда завхоз сенми ёки мужикларми? Так что ўзинг тушунтир!

Завхоз мужикка нима деб жавоб беришини билмай, менга томон ўгирилиб:

– Бегжонов! Агарда бирор нарсани не то қилсанг, шу гап – прямо изолаторга жўнайсан! Менга саволинг борми? Ҳаммасини тушундинг-а? Қара лекин!

Мен учун бу зонадаги биринчи мажлис тугади. Отряд маҳкумлари ҳар томонга тарқаб бўлишди. Мен ҳам ташқарига чиқдим ва барак олдидаги скамейкаларнинг бирида ўтирган “вовчик, террори-

ст”нинг ёнига ўтирдим.

Салом алик қилдик. Ҳол аҳвол сўрашдик. Рустам пастга қараб, менга тик боқишга тортингансимон ўтирарди. Мен биринчи бўлиб ўзимни таништирдим:

– Мен Муҳаммад Солиҳнинг укаси Муҳаммад Бекжонман.

– Саломайлайкум ака, – қайта саломлашди Рустам. – Сизни танидим, секторга киганиздаёқ танидим ака. Яхшимисиз, соғ саломатмисиз?

– Мен ҳам сизни танидим ҳали, омборчи “таништирди”. Ўта кетган аблаҳ экан омборчиларинг. Гап тўқишга, тухмат қилишга устаси фаранг экан. Зўрға чидаб ўтирдим, сал қолди жағига мушт туширишимга.

– Буларнинг ҳаммаси шундай, ака. Эътибор берманг. Ака ҳақда ҳам роса вайсагандир?

– Шундай, оғзи тинмас экан. Ўзингиз қалайсиз, ҳозир тинчидими булар? Ёки ҳали ҳам босим қилишяптими?

– Ҳозир ҳам тез тез штабга тортиб туришади...

– Уйингиздагилар хабарлашиб турибмилар? Улар тинчми, ишқилиб?

– Уйга биров келса, уларни ҳам сўроқ қилиб туришаркан.

– Сизни қачон қамоққа олишди? Зайниддин Асқаров билан биргами ёки алоҳида алоҳидами?

Рустам, Олма ота–Истанбул учоғи Истанбулга кўнганида Туркия полицияси томонидан қамоққа олинганини, Зайниддин билан учраша олмагинини ва шу куни Зайнидинни бошқа шаҳарда қамоққа олишганини айтиб беради (қайси сана ва қайси шаҳарни айтганини эслолмадим).

– Зайниддин билан бирга судланганингизни биламан, Рустам. Хафа бўлманг у, Зайниддин кўпчиликка очиқдан очиқ тухмат қилди.

– Ака, уни қаттиқ алдашди. Уни ўз алдовларига ишонтиришди.

– Нимага ишонтиришди? Ким ишонтирди?

– Зайниддиннинг айтишича, уни Зокир Алматов шахсан олдига чақириб, “Агар Тошкентдаги портлашларни Муҳаммад Солиҳ уюштирди” десанг, нафақат сени ва акангларни, балки портлашларда айбланганларнинг ҳаммасини чиқариб юбораман” деб қасам ичган экан. Шу Алматовнинг ёлғонига ишониб тухмат қилишга мажбур бўлган.

– Сиз чи, сиз, ҳеч кимга тухмат қилмадингизми?

Рустам бир оз ўйлаб ўтирди, сўнг кўзлари ёшланиб менга қаради ва мунгли оҳангда деди:

– Муҳаммад ака, сиз ҳам биз каби ИИВ ертўласи чиғириғидан ўтдингиз. У ердаги қийноқларни бошингиздан кечирдингиз. Айтингчи, шу қийноқларга одам зоти бардош беришга қодирми? Мен, масалан, бир ҳафта чидай олдим, кейин бўлмаган нарсани, қилмаган ишни, кўрмаган одамимни “шу нарса бўлди”, “шу ишни қилдим”, “шу одамни кўрдим”, “уни танийман, буни танийман” деб ёзиб беришга мажбур бўлдим.

Ўша ертўлада ўтирганимда “қанийди, Аллоҳ таоло тезроқ жонимни олсайди” деб дуо ҳам қилардим, ака...

Рустам билан суҳбатимиз шу ерда узилади. 5 туркум маҳкумлари учун зона ошхонасига тушликка тайёргарлик эълон қилинади.

5 чи отрядда 159 чи модда билан қамалганлар йигирматадан ошиқ эди. Эсимда қолганлар: Рустам Маматкулов (Андижон), Фарҳод Ҳамидов (Кўқон), Саиджамол Носиров (Ҳафизулло Носировнинг амакиси. Косонсой), Фарҳод Жумаев (Қашқадарё), Шухрат Ғуломов (Тошкент) ва Чори Бойматовлар (Сурхондарё).

Фарҳод Ҳамидов 1980 1986 йилларда Афғон уруши қатнашчиси. Спортчи (қаратэ бўйича), Рустам Маматкулов Қозоғистонда тадбиркорлик билан шуғулланган, Саиджамол Носиров “Ҳизб ут таҳрир” партиясининг компютер дастурчиси, Фарҳод Жумаев оддий электрик бўлиб ишлаган. Энг каттаимиз Шухрат ака эса, Зангиота типографияси директори бўлиб ишлаган ва “Ҳизб ут таҳрир” партияси варақаларини кўпминг нусхада босиб бергани учун 14 йилга озодликдан маҳрум этилган.

2002 йилнинг 1- МАЙидан бошлаб УЯ64/48 зона ичидаги “промка”га ишга чиқа бошладим. Бизнинг, асосан, 159 модда билан айбланганларнинг иш жойимиз яшаш зонаси худудида жойлашган эди.

УЯ64/48 дан 4 5 чақирим нарида бу колонияга тегишли ЖБИ (ишлаб чиқариш корхонаси) бор эди. У ерга ЖКнинг бошқа моддалари билан қамалганлар ишга чиқариларди.

Хуллас, зонанинг яшаш худудида жойлашган “промка”да маҳкумлар сим сетка, тиконли сим тўқиш ҳамда маҳкумлар учун кийим ке-

чак тикиш цехларида ишлашар эди.

Бешинчи отряд маҳкумлари зиммасига Зарафшондаги олтин қазиб олинадиган кар’ерда ишлатилиб яроқсиз ҳолга келган қалин сим арқонларини (трос) сим ҳолига келтириб бериш вазифаси юклатилган эди. Бу қалин тросларни чилангарлар (электротросваркачилар) беш метрдан кесиб чиқиб, газ печкада куйдиришарди.

Қалин тросларни очиб ташлаш қийин иш эмасди, аммо, куёшдан тарқайётган радиация нурлари соғлигимизга зиён етказайтгани ёмон эди. Айтишларига қараганда, Зарафшон чўл худудда жойлашгани учун куёш радиацияси Ўзбекистоннинг бошқа худудларига қараганда, анча юқори.

Иттифоқ даврида Зарафшонда узоқ вақт қамок жазосини ўтаганларнинг кўпи куёш радиациясидан нурланиши оқибатида узоқ вақт яшамаган.

Яна бир миш мишга қараганда, Зарафшонда нафақат олтин, балки уран ҳам қазиб олинаркан. УЯ 64/48 чи зонага келтирилайётган сим трослар ўша урандан тарқайётган радиация нуридан тўйинган эмиш. Бунинг натижазда, 64/48 да ҳар хил касалликлар урчиётганмиш.

Бу гаплар миш миш, холос. Ҳақиқатда эса, касаллик тарқашининг бошқа сабаблари бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас...

2002 йил октябр ноябр ойларида 48 сонли ЖИЭМ да маҳкумлар рентгендан ўтказилади. Рентген натижасига кўра, зонадаги 300 га яқин маҳкумнинг ўпкасида сил касаллиги (туберкулез) аломатлари “аниқ”ланади ва ҳар ҳафтада 20 30 одам сангородга (УЯ 64/18) этап қилина бошлайди. Эстап 2003 йил январидан бошланиб, март ойи охирида тугайди. Зонадаги сил касаллиги аломатлари топилган маҳкумлар 6 туркумга жойлаштирилади ва шу отряддан сангородга этап қилинади.

“Сил касаллиги аломати топилганлар”нинг деярли ҳаммаси 159 модда билан қамалганлар эди. Бу рўйхатга мен ҳам киритилган эдим.

2003 йил 18 феврал куни 5 туркум бошлиғи капитан Неъматдан уйга – Хоразмга телефон қилдиришни илтимос қилдим. Уйдагиларга ой охирида Сангородга кетишимни билдиришим керак эди. Неъмат рози бўлди ва шу куни кечқурун уйдагилар билан гаплашдим. Телефон гўшагини кимдир кўтариб, Комилжон акамнинг овози билан:

– Алло, алло! Ким бу? – деб сўради.

Мен ўз қулоқларимга ишонмай, бироз довдираб, телефончи операторга:

– Бошлиқ, номерни нотўғри тергансиз шекилли, бошқа жойга тушди, – дедим.

Лейтенант оператор мен ёзиб берган телефон рақамини кўрсатиб, шу ерда ёзилган номерни терганини айтди ва “Гаплашинг тез, хозир вақтингиз тугайди!” деди. Мен телефон жўмрагини қайта қулоғимга тутиб:

– Алло! Ким бу? Менга Комил аканинг уйи керак эди! – дедим бор овозим билан.

– Ҳа, Муҳаммад, сенмисан?! Қаердан телефон қиляпсан?

Ҳайрон қолдим. Ахир, Акам қамокда ку! Қандай қилиб...

– Уйдამисиз, Ака?! Қачон чиқдингиз қамокдан?!

– Уч кун бўлди! 15 февралда озод этишди! Ўзингда янгилик йўқми? Зарафшондамисан ҳалиям?!

– Ҳа, Зарафшондаман! Ўзимда янгилик: шу ой охирида Сангородга этапда кетяпман, шуни айтай деб телефон қилдим! Уйдагиларга айтиб қўйинг, Зарафшонга учрашувга келиб юрмасинлар энди!

– Нега Сангородга, касалландингми? Соғлигинг яхшими, нима бўлди?!

– Ака, хайр, уйдагиларга салом айтинг! Вақт тугади дейишяпти, навбат кутиб турганлар кўп, хайр!

Акам яна нималардир деди, лекин ғала ғовурда ҳеч бир гапини тушуниб бўлмади. Оператор норози оҳангда “Икки минут ортиқча гаплашдингиз” деди.

Акамнинг озодликка чиққани эшитиб, хурсандчиликдан капитан Неъматга “Молодчик, мужиксан капитан!” деб бақирганимни билмай қолдим. Телефон олдида ўтирган лейтенант ва атрофимизда турган маҳкумлар ҳам хо-холаб кулиб юборишди. Неъмат ҳам қотди кулгидан. Ҳаммаси акамнинг озодликка чиққани билан табриклашга тушиб кетдилар.

Бараккача ўқдек учиб бордим ва биродарларга бу хушxabарни етказишим билан ҳаммалари атрофимни ўраб олишди, бир бир келиб, қучоқлашиб табрикладилар. Баъзи бирлари “Энди сизни ҳам тез орада қўйворишади, иншаоллох” дея кўнглимни кўтаришди.

2003 йил 28 феврал куни мени умуман кутмаганим «қисқа урашув»га тортишди. Учрашув ташкил этувчи сержант мени «қисқа учрашув» учун мўлжалланган хонага киритди ва эшикни қулфлаб

чиқиб кетди.

Икки соатча вақт кутиб ўтириб, баданим совуқдан титрай бошлади. Эшикни қаттиқ тақиллатсам ҳам ҳеч кимдан дарак бўлмади.

Яна бир соатча вақт ўтгандан сўнг учрашув хонаси эшиги очилди. Сержант, “Чиқинг, замполит свиданкага қўл қўймади, баракка кетасиз”, деди.

– Нега қўл қўймайди? Учрашувга кириш вақти аллақачон келиб, ўтиб кетган ку?

– Яқинда қамокдан чиққан акангиз келибди учрашувга. Унга ҳали учрашиш мумкин эмас экан.

– Олдинроқ келиб айтсанг бўларди— ку шуни. Мен бу ерда уч соатдан бери совуқдан қотиб қолдим.

– Мен нима қилай? Мен ҳам, Ориф ака (159 модда билан қамалган маҳкумлар куратори, опер) ҳам шунча ёлвордик замполитга, “йўқ!” деб туриб олди.

Тарвуз қўлтиқдан тушиб, ташқарига чиқдим.

КПП нинг ташқари томонида Акам, зона томонида капитан Ориф турарди. Ўртадаги будкада солдат. Акам солдатга, “Қўл бериб саломлашайлик укам билан, ўн йилдан ошди кўришмаганимизга”, дейди.

Солдат эса:

– Ака, мумкин эмас, менга гап тегади, – дейди.

Акам яна нималардир дейди, ялинади, ёлворади. Солдат “Иложсизман, ака” дея жавоб қайтаради.

Шундан сўнг капитан мулоқотга аралашади:

– Солдат! Қўл бериб кўришсинлар, ахир, қандай одамсан ўзи!

Солдат капитаннинг ҳам гапини қабул қилмайди.

Акам билан орамиз бор йўғи 5 6 метрча масофа. Бизнинг том маънода бу “қисқа учрашув”имиз бир биримизни ажратиб турган бор йўғи шу беш олти метрча масофадан туриб 5 дақиқагина ҳол аҳвол сўрашимизга етди, холос.

Хайрлашганимиздан сўнг Акам ташқарига, мен эса зона ичкари-сига томон тарқалдик.

Сангородга этапга кетишимиздан бир кун олдин, яъни 30 март куни Райим ака ва бошқа биродарлар билан хайрлашиш учун 7 от-

рядга бордим. Хайрлашаётганимизда Райим ака шундай маслаҳат берди:

– Муҳаммад, Сангородга борганингизда укол ҳам, таблетка ҳам олманг! Сиз ҳам, бошқа биродарлар ҳам касал эмассизлар. Булар сизларни бирон бир касаллик юктириши учун Сангородга олиб кетишпти. Буларга шахсан Каримов томонидан қатъий буйруқ бўлган. “СПИД ёки силни юктириб, гумдон қилинлар” деган буйруқ берган. Мен бу гапни ўзимдан тўқиб айтаётганим йўқ, катта лавозимда ишлаётганлар шу гапларни Каримовнинг оғзидан эшитган. Менга ишонинг, буни ҳамма билади. Бу гапни мен 1999 йил ҳали кўчадалигимда эшитганман. Эшитишимча, у ўзига душман деб билганларини рўйхат қилдириб ҳамма зоналарга тарқаттирган. Шу жумладан, Сангородга ҳам берилган бу рўйхат. Шунинг учун, сиздан илтимос, таблетка ҳам, укол ҳам олманг. Бу гапларимни бошқа биродарларга ҳам етказинг...

Мен Каримовнинг қора рўйхат тузиб, рўйхатдагиларга касаллик юктириб, «гумдон қилинсин» деган буйруғидан анчадан бери хабардорлигимни Райим акага айтиб ўтирмадим ва биз хайрлашдик.

Сангород даволаниш муассасаси бўлишига қарамай, этапни кутиб олиш маросими (синдириш) ишчи зоналардаги кутиб олишдан деярли фарқи йўқ экан. Зонага киришдаги “синдириш”, “карантин” каби “удум” бу ерда ҳам бор экан. Баъзида эса, Сангороддаги “удум”лар бошқа зонадагилардан ҳам ошиб тушган вақтлар бўлган.

Бунга сабаб шу эканки, 1990 йилдан бошлаб то 2003 йилларгача Ўзбекистоннинг барча зоналарида очарчилик, том маънодаги очарчилик ҳукм сурган. Юзлаб маҳкумлар очликдан ўлиб кетишган, минглаб маҳкумлар оғир хасталикларга чалинганлар.

Яна айтишларича, шу йиллар давомида 5000 одам аранг сиғадиган Сангородга 10.000 дан ошиқ маҳкум тикиштириб ташланган пайтлар бўлганмиш.

Маҳкумлар очарчилик ҳукм сураётган зоналарда очдан ўлиб қолмасликлари учун Сангородга кетишнинг янги янги усулларни қўллашга мажбур бўлишган. Масалан: мих, чой қошиқ ютиш ва ўз ўзини қорнини тиғ билан ёришгача боришган. Тепада ўтирганлар буни

тўхтатишнинг бошқа чорасини топаолмай, Сангороддаги режимни тубдан ўзгартиришга қарор қабул қилишган, яъни қаттиқ режимдаги зоналар атрибутлари ҳисобланган “зонага киришдаги “синдириш”, “15 кунлик “карантин”дан ташқари, даволаш муассасасида озик овқат ҳам кескин озайтирилган.

1999 йилдан бошлаб сиёсий ва диний (159 модда) қарашлари сабаб қамалганлар учун Сангороддаги режим янада қаттиқлашган, яъни юқорида санаб ўтилган қийноқларга қўшимча тарзида “муассаса ички тартиб қондасини бузганлиги учун” 15 кунлик изолятор” ҳам қўшилган. Бундай ҳол “ХАЛҚАРО ҚИЗИЛ ХОЧ” ташкилоти ва АҚШ давлати Ўзбекистон қамоқхоналари учун катта миқдордаги пул ажратиши ва озик овқат маҳсулотларини юбора бошлаган давргача давом этган.

САНГОРОД

2003 йил 1 апрел куни эрталаб Зарафшон зонасидан 30 киши Тошкентдаги УЯ 64/18 чи зонага этап билан кириб келдик. Зонага киришимизда ҳеч қандай “синдириш”, “карантин” ва “тартиб бузарлик”ларсиз баракларга тарқатишди.

Шу куніёқ 48 чи зонадан этап билан келганларни рентгенга туширишди.

Мени 9 чи сектордаги 2 чи баракка олиб келишди.

Бу отрядда Қибрайлик бир бола завхоз экан. У менга баракнинг қоқ ўртасидан жой қилиб берди. Девор томондаги каравотлар “VIP” жойлар ҳисобланади ва у ерларга барак завхози билан “тил топишганлар” жойлашиб оладилар.

Менинг қаршимдаги каравотда баракнинг хлебрезиди жойлашган экан. Баракдаги маҳқумларга бир кунлик нон пайкаси, 30 грамдан сариеғ, бир стакан сут, 2 донадан тухум тарқатиб бериш унинг вазифаси экан.

Сангородда хлебрезиди қилиш “престижний” ҳисобланаркан. Чунки, бу “престижний” жой эгаси муассаса ошхонасидан нон, сариеғ, тухум, сут каби маҳсулотларни ортиқча қилиб олиб келиб, баракдаги маҳқумларга нақд пулга сотар ёки бошқа нарсаларга ал-

машлар, алмашлаган нарсаларини ҳам пулга айлантириб, “танланган” офицерларнинг ҳам “оғзини мойлаб” турар экан.

Бу ерда маҳқумларни озик овқат билан таъминлаш ҳам бошқа зоналарга қараганда, анча яхши бўлишига қарамасдан, хлеборезнинг мижозлари кўплигидан ҳайрон қолдим. Хлеборез қурғур икки каравот ўртасидаги йўлакчада ўтириб олиб эрталабдан кечгача савдо сотиқ билан шуғулланар, жағи тинмай жаврар эди. Сангородга келганимизга 10 кун тўлмасдан бу балабол шундай жонга тегдики, то уйқуга ётиш эълон қилингунча ташқарида юришни одат қилдим.

Апрел ойининг ярмигача ким ҳеч биздан “ўликмисан, тирикмисан” деб хабар олмади. 15 апрел куни эрталаб олдимга санитар келди ва соат 9:30 да санчастьга бориб фалончи врач билан учрашишим кераклигини айтди. Айтилган вақтда санчастьга бориб, фалончи врач билан учрашдим. Бу фалончи мени даволовчи врач экан.

Фалончи рус миллатига мансуб аёл бўлиб, ёши 40 45 лар атрофида, тўладан келган, суҳбатлашишига қараганда дўхтир эмас, ветеринар(мол дўхтири)га ўхшайди. Бу “дўхтир” билан бўлиб ўтган мулоқотимиз шундай кечди:

ВРАЧ чеккада турган стулни кўрсатиб:

– Садитесь. На что жалуетесь?

МЕН: – Я ни на что не жалуюсь.

ВРАЧ: – Я спрашиваю: где и что у вас болит?

МЕН: – Я и ответил вам, что у меня нигде и ничего не болит...

ВРАЧ: – Часто кашляете?

МЕН: – Вообще не кашляю.

ВРАЧ: – Температура часто бывает?

МЕН: – За эти четыре года один раз у меня была высокая температура.

ВРАЧ: – Хотите сказать, что вы совершенно здоровы?

МЕН: – Я ничего не хочу сказать. Я отвечаю на ваши вопросы и все.

ВРАЧ: – Если вы отвечаете на мои вопросы, то ответте как следует.

МЕН: – Как надо ответить? Я не понял о чем вы...

ВРАЧ: – У вас с психикой все нормально?

МЕН: – В каком смысле? Вы заметили какойнибудь отклонение в моей психике? Мне кажется, это вы даёте мне странные, непонятные вопросы и я отвечаю вам таким же способом.

Дўхтир хонимга менинг бу сурбетлигим умуман ёқмади. У қизарди, бўзарди, ёзиб ўтирган дафтарини аламзадалик билан юлқиб юлқиб варақлаб, тўнғиллади:

– Я вижу, что вы считаете себя очень уж умным. Откуда у вас такая самоуверенность?

МЕН: – Доктор, давайте прекратим эти пустые разговоры и приступим к делу. Зачем нам с утра портить друг друга настроение? Скажите лучше, как у меня на рентгеновском снимке? Что там? Есть ли на снимке подозрение на туберкулез или это...

ВРАЧ гапимни узиб, сансирашга ўтди ва бақира кетди:

– Что “или это”! Что “или это”! Ты что этим “или это” хочешь сказать?! У тебя открытый туберкулёз! Легкие у тебя вся в дырках! Вот тебе “или это”! Понял!?

Бу ярамас билан мулоқотни давом этириш яхши оқибатга олиб келмаслигини англаб, ўрнимдан турдим ва эшик томон юрдим.

– С завтрашнего дня с восьми до девяти утра за лекарствами придешь!, – бақирди у кетимдан.

Бу воқеадан бир ҳафта ўтганда санчастан санитар келди ва “срочно санчаства бориб дўхтир ёзиб берган дориларни олишим зарурлиги, агарда ўз хоҳишим билан бормасам, мажбурлаб дори ичириш”ларини уқтириб кетди.

Эртасига соат 8:00 да дори тарқатиладиган дарча олдига келиб, дори тарқатаётган ҳамшира қизга исм шарифимни қайд қилдирдим.

– Дўхтирингиз сизга 10 та таблетка ёзибди, – деди. – Ҳозир ҳаммасини шу ерда ичишингиз керак экан, дўхтирингиз айтди.

– Синглим, сиз менга дўхтир ёзиб берган таблеткаларни менга беринг ва ўша дўхтирга “ҳамма дорини шу ерда ичирдим” деб айтинг.

– Нималар деяпсиз, ака! Йўқ, дориларни шу ерда, кўз олдимда ичишингиз керак.

– Синглим, мен ўзимда ҳеч қандай касаллик аломатини сезмадим. Ҳозир сиз бераётган ушбу таблеткалар туфайли касаллик орттирсам, сизга топшириқ берган ўша рус аёли эмас, сиз сабабчи бўласиз. Агар шундай бўлишини хоҳласангиз, майли, ҳозироқ кўз олдингизда қабул қиламан шу дориларни. Хоҳлайсизми шундай бўлишини?

Бу гапим ҳамширага таъсир қилди шекилли, у шаштидан қайтди ва менга шивирлаб, “Мен нима қилай унда?” деб сўради.

– Сиз шу дафтارينгизга ҳар куни мени “таблеткаларни олди, кўз олдимда ичди” деб қайд этиб қўйсангиз кифоя,– дедим мен ҳам шивирлаб.

– Сизга ажратилган таблеткаларни нима қиламан унда? – сўради ҳамшира.

– Таблеткага муҳтожларга беринг. Шахсан менга таблетка ҳам, укол ҳам керак эмас.

Шу билан мен санчастьга 7 майга қадар бирон марта йўламадим. Нега айнан 7 майгача келмаганим хусусда эса, бироз кейинга қолдираман.

2003 йил 4 май куни мени “қисқа муддатли учрашув”га чақиришди.

Сангороднинг учрашув хонаси бошқа зоналардаги учрашув хоналаридан бутунлай бошқача экан, яъни бу ердаги учрашув хонаси ойна ўрнига сим сетка деворлар билан тўсилган, кабина ёки телефон деган нарса йўқ, ташқи ва ички сетка деворларнинг орасида мелиса юриши учун бир ярим метрча очиқ жой қолдирилган, сетка деворнинг ташқари томонидан хоҳлаган одам кириб чиқиб ётибди, ғала ғовур, ичкари томондан 5 6 та маҳкум, ташқари томонидан 10 15 одам сеткага ёпишиб олиб, бир бирига навбат бермай қий чув бўлиб ётишибди. Яна шунча одам уларнинг орқасидан тизилиб ётибди.

Ким мени йўқлаб келганлиги ҳозирча менга номаълум. Оломон ичидан таниш чеҳра излашга тушаман. Шунда кўзим оломонни ёриб ўтишга ҳаракат қилаётган ЭРК партияси Бош котиби Отаназар Орифга кўзим тушади.

Унинг олдида қомати келишган, баланд бўйли бир ёш йигит тикилиб кетган одамларни уриб суриб Отаназар акага йўл очиб беряпти.

Отаназар ака ва ёнидаги йигит бир илож қилиб сетка девор тагига етиб келишди. Суҳбатимиз бор овозимиз билан бақаришиб саломлашишдан бошланди. Салом алик, ҳол аҳвол сўрашишни бир амал қилиб “қойиллатдик”, бир биримизни тушундик.

Кейинги суҳбатимиз суҳбатга ўхшамади. Бу узук юлуқ суҳбатдан эшитганларим шу сўзлар бўлди: “...эртага яхши янгилик...”, “...Европадан вакиллар...”, “...Европа банки...” ва ҳоказо.

Учрашув сўнггида тўла тушунганим эса, эртага ажойиб янгилик бўлади.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИХОНА- ЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

(2003 йил, 5 май. Тошкент, Сангород)

2003 йил 5 май. УЯ 64/18, 9 сектор, 2 отряд. Эрталаб соат 10 ларда баракда бирданига чопа чоп бошланиб қолди. Бизнинг йўлакда 5 6 буханка нонни олдига қўйиб олиб нон кесиш билан овора. Нондан ташқари, унинг каравоти тагида бир челақ сут ва яна бир челақда алламбало нарсалар...

Бир маҳал завхозимиз баракка ҳаллослаб кириб келди ва тўппа тўғри бизнинг йўлакчага келиб, хлеборезга бақирди:

– Йўқот ашқол дашқолингни! Тезлат, жаллаб! Нега иммиллайсан, тезлат дедим сенга ҳей мол?!

Ҳар куни “братишка”си орқали хлеборездан бепулга хоҳлаганча нон, сариеғ, сут олиб кун кўриб юрган завхоз бугун бутунлай бошқа одамга айланган эди.

Баракдагилар ҳам ҳеч нарсага тушунмай, ҳайрон.

Нималар бўлаётгани ҳаммага қоронғу.

Нонкесар тадбиркор «проход»даги нарсаларини эндигина йиғиштириб улгурди ҳамки, баракка ўттиз қирқ киши бир тўда бўлиб кириб кела бошлашди.

Тўданинг олдида 10 15 киши фуқаро кийимида, қолган 20 30 киши мелиса кийимида.

Ранглари докадек оқариб кетган завхоз уларга пешво чиқиб, йўл йўлақай нималарнидир гапириб, меҳмонларга қўли билан биз ўтирган томонни кўрсатди.

Тўда биз томонга юра бошлади ва биз ўтирган «проход»нинг олдига келиб тўхтади.

Мен ўрнимдан турдим.

Тўдани бошлаб келган ўзбек қиз, “Ассаломалайкум, Муҳаммад ака. Яхшимисиз? Соғлигингиз тузукми? Менинг исмим фалончи, таржимонман, ёнимдагилар Европа Иттифоқи давлатлари элчихона вакиллари. Агар сиз рози бўлсангиз, сиз билан суҳбатлашмоқчилар. Нима дей, уларга? Розимисиз суҳбатлашишга?

Ҳаммаси билан имо ишора билан саломлашиб чиқдим ва таржимон қизга “Албатта, суҳбатлашамиз”, дедим.

Таржимон қиз меҳмонларга ўгирилиб, рози бўлди деди шекилли, ҳаммаси қўлини кўксига қўйиб миннатдорлик билдиришди.

– Муҳаммад ака, қаерда гаплашсак бўлади? – сўради таржимон қиз.

Мен тўда орқасида худди пионерларга ўхшаб тизилиб турган офицерларга қарадим. Бу “пионерлар” ичида зона бошлиғидан тортиб, энг кичик лавозимли оперчаларигача бор эди. Уларнинг ҳаммаси, ҳатто зона бошлиғи ҳам нафасини ичига ютиб турардилар.

Оломон ичидан завхозни изладим, лекин у ҳам кўринмади. На зона бошлиғи, на бошқасидан садо чиқмади.

– Синглим, анави ерда (“Маърифатхона”ни кўрсатиб) катта зал бор. Меҳмонларга айтинг, шу залда суҳбатлашамиз, – дедим.

“Маърифатхона”га ўтиш учун меҳмон ва офицерлар тўдасини кесиб ўтиш керак бўлади. Шу ёққа қараб юрдим, ҳамма вақт ёпиқ турадиган “маърифатхона” эшигини очиб, меҳмонларни таклиф қилдим.

Улар ичкарига кириб бўлганидан сўнг, зал эшиги олдига офицерлар саф бўлиб туриб олишди. Элчилардан бири таржимондан ниманидир қизикди. Таржимон эшик олдида турганларга “Элчилар Бегжонов билан ҳоли гаплашмоқчи экан”, деди.

Таржимоннинг бу гапидан кейин оломон орасидан зонанинг “главврач”и отилиб чиқди ва у баланд овозда: “Мен маҳкум Бегжоновга биркитилган дўхтирман, унинг соғлигига мен жавобгарман, сизлар эмас, шунинг учун мен киришим шарт!”, деб туриб олди.

Зона бошлиғи ва бошқа офицерлар “главврач”нинг бу иддасини “бир овоздан” маъқуллашди. Таржимон элчиларга “главврач”нинг гапини таржима қилиб, уларнинг жавобини кутди. Элчилар “Биз билмадик”, деган маънода елка қисишди.

Таржимон мендан: “Муҳаммад ака, сиз нима дейсиз, дўхтирингиз экан, кираверсинми?” дея сўради.

– Нафақат дўхтир, агар элчилар рози бўлишса, ҳаммаси киришсин. Менинг ҳеч кимдан яширадиган сирим йўқ, – дедим.

Майор катта хонанинг қарши томонига бориб ўтирди. Стол атрофига ўтирганимиздан сўнг таржимон қиз элчихона вакиллари билан таништирди. Менинг ўнг томонимда Олмония элчихонаси вакили, чап томонимда Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда элчисининг

ўзи (2003 йили Италия Евроиттифоқ бошқарувига раислик қилган эди), столнинг нариги томонида эса Франция элчихонаси вакили ва Белгиянингми, Даниянингми элчихона вакили жойлашиб ўтирдик.

Таништирув тугаганидан сўнг таржимон мендан ўзбекча гапира-сизми ёки русчада гаплашасизми, деб сўради. Мен, ўзбекчада гаплашамиз, табиий, дедим.

Элчилардан биронтаси ўзбекча умуман билмаслигини айтди ва агар русчада суҳбатлашсангиз, учтаси русчани яхши билишади, деб маслаҳат қилди.

“Хоҳласангиз, ўзбекчада гапиринг, мен инглизчага таржима қиламан”, дея қўшимча қилди таржимон

Ўнг томонимда ўтирган олмон йигит рус тилида:

– Муҳаммад ака, хорошо было бы если вы с нами беседовали на русском. Это наша просьба.

Европа Иттифоқи давлатлари элчихона вакиллари билан бўлиб ўтган бу суҳбатимиз 2003 йилнинг 5 майида Сангороднинг 9 сектор, 2 отряд “ленкомната”сида рус тилида бўлиб ўтди.

Элчихона вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувнинг эртаси куни эрталаб ҳали соат 8 бўлмайд туриб санитар олдимга келди ва “тезда санчастьга бориб дўхтирингизга учрашишингиз керак экан” деди ҳансираб.

– Тинчликми? –деб сўрадим санитардан.

– Билмадим. Срочно келсин деди.

– Қайси врач? Ўрис хотинми ёки бошқасими? – сўрадим санитардан.

– Ўша, ўрис хотин.

– Бўпти, ҳозир келаркан, деб айт.

– Йўқ ака, ўзинг билан олиб кел деган менга. Мен билан бормангиз бўлмайди...

МЕТАМАРФОЗА

2003 йил 6 май. Сангород, 9 сектор тиббий бўлими.

Тиббий бўлимга келиб, “эски таниш” ўрис дўхтир қабулхонаси эшигини қоқдим. Ичкаридан, “Заходите!” деган овоз келди.

Эшикни очиб хонага киришим билан дўхтир хоним юзида ясама

табассум билан ўрнидан турди, гўё эски кадрдони билан анчадан буён кўришолмай юриб, айна дамда эса, ниҳоят бундай бахтга муяс-сар бўлаётгандек ёнимга келди ва гап бошлади:

– Здравствуйте, Бегжанов! Давно вас не видать на горизонте, где пропадаете? Скажите, разве друзья так поступают? Почему так долго наше заведение не посещаете? Ой, как не хорошо, как не хорошо. Не уважаете вы нас, нашу профессию. А вот мы – наоборот, всем вам желаем только добра. Мы всем желаем добра несмотря ни на что, несмотря на то, кем вы являетесь. У нас отсутствует чувство ненависти. Наша профессия не позволяет быть ненавистником...

Нимага бу хоним мунча ёниб куйиб ўзини фаришта қилиб кўрсатишга ҳаракат қиляпти?

Уч ҳафта олдин ўзининг асли кимлигини кўрсатиб бўлиб, энди беозор кўринаётгани замирида қандай сир яширинган?

Шуни ўйлаб туриб, дўхтирнинг навбатдаги саволини эшитмадим ва саволини қайтаришни сўрадим.

Дўхтир саволини такрорлади:

– Ну и, как у вас встреча прошла?

– Какая встреча?

– Как “какая”? Вчерашняя встреча. Ну, встреча, как их... ну, с этими... послами что ли... Честно говоря, я не разбираю, не понимаю ничего, кроме своей работы...

Дўхтирнинг бу саволи менга жумбоқ кўринган ҳолатга жавоб бўлди, “қурбақанинг маликага айланиши” сирини кашф этдим: у МХХ нинг топширигини бажараётган эди холос.

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

2003 йил 8 май кунини эрталаб соат 10 ларда бундан уч кун олдинги ҳолатнинг айниси такрорланди. Яъни, бугун ҳам уч олдингидай, завхоз баракка ҳаллослаб чопиб кирди ва хлебрезга “тез тез йиғиштир!”, “обчиқиб кет!” деб бақирди. Нон сотувчи ҳамма ёқни саранжом саришта қилиб бўлганидан сўнг завхоз:

– Бугун ҳам олдингизга комиссия келяпти экан.

– Кимлар келишяпти? Қанақа комиссия? – сўрадим завхоздан.

– Мен ҳам билмайман ҳали. Оперлар сенинг барагинга боришса керак, дейишди. Улар ҳам анигини билишмайди. Ака, ташқарида ким бўлиб ишлагансиз, ўзи? Намунча катта катта жойлардан комиссиялар келишяпти ёнингизга? – деб сўради мendan.

– Муҳолифатчи бўлганман ташқарида, – деб жавоб бердим.

– Муҳолифатчи? Қанақа мансаб у муҳолифатчи деганингиз?

– Колхоз раислигидан озгина кичикроқ мансаб, – дедим ҳазиллашиб. – Қибрайда колхоз бормиди, колхоз раисини кўрганмисан ҳеч?

– Ака, биз кичкина бола эдик у пайтда. Сал улғайиб балоғат ёшига тўлганимда, қамокқа тушиб қолдим. Лекин одамларнинг раис, раис деганларини кўп маротаба эшитганман. Қамокхонада ҳам кўп эшитганман. Ундай одамларни маслоқрат дейишади бундай жойларда. Демак, сиз ҳам маслоқрат экансиз да.

– Маслоқрат деганинг ким у? – деб сўрадим кулиб.

– Билмадим, бой одамларни маслоқрат дейишадику, мен қаердан билай. Ҳамма шундай катта катта ишларда ишлаб қамалганларни маслоқрат дейишади, шунга қараб мен ҳам сизни маслоқрат бўлган экансиз, дедим да! – дея кулди завхоз.

– Ундай бўлса, қамокдан чиққанингдан сўнг отангдан колхоз раиси қанақа мансаблиги сўраб билиб оларсан, – дедим жиддий оҳангда.

– Ака, дадам йўғ у, қанақа айтаман?

– Узр, даданг вафот этганини билмабман.

– Йўқ, тушунмадингиз, дадам бор лекин бизни ташлаб кетган...

Бу пайт ташқаридан завхознинг чопари келиб, ҳозиргина комиссия зона дарвозасидан ичкарига кирганини айтди.

– Хозяин кўринмадимми? – сўради завхоз чопаридан.

– Ҳаммаси дарвоза олдида, хозяин ҳам, зами ҳам, оперлар ҳам...

– Ташқарида ким “атас”да?

Чопар ташқари турган “атас”чининг исмини айтди.

– Бор, сен ҳам эшик олдида тур. Комиссия биз томонга бурилса, тезда бу ёққа кел. Қара лекин, ўтган сафаргидай бўлмасин!

Чопар ташқарига чиқиб улгурмай, яна баракка отилиб кирди ва “Бу ёққа келишяпти!” деди ваҳима билан.

Баракдаги маҳкумларнинг ҳаммаси жой жойига бориб ўтиришди.

Худди олдинги сафаргидай, барак ичкарисига биринчи навбат билан меҳмонлар, уларнинг орқасидан 15 20 тача мелиса ходимлари кириш-

ди. Худди олдинги сафардаги каби, улар ҳам биз томонга кела бошлади.

Гуруҳ олдида келган аёл киши салом аликдан сўнг ўзини ва ҳамкорларини таништирди:

– Мен журналист Галима Бухарбоеваман, бу киши Ўрта Осиё бўйича ФРАНС ПРЕСС ахборот агентлиги мухбири Ник Коулман, бу киши ВВС радиоси ўзбек редакцияси мухбири Хайрулло Файз, «ОЗОДЛИК» радиосининг Ўзбекистондаги мухбири Раҳимжон Раҳмат бўладилар. Биз сиздан суҳбат олгани келдик. Қаршимасмисиз? – сўради Бухарбаева.

Бу сафар зона бошлиғи ва икки учта офицер журналистларнинг орқасида эмас, олдига, бизнинг йўлакчамиз олдига келиб туришди.

Журналистларга интервью беришга розилик билдирганимдан сўнг, Бухарбаева: “Сизни шу ерда, ўтирган ҳолда суратга олсам қаршимасмисиз?” деб сўради. Мен розилик билдирдим.

Зона бошлиғи Бухарбаеванинг олдига чиқди да унинг фотоаппаратини тўсиб:

– Бу ерда суратга олиш мумкин эмас, – деди қатъий оҳангда.

– Уберите свои руки от камеры, вы не имеете права запрещать что либо! – деди Бухарбаева ва бошлиқнинг қўлини силтаб ташлаб, мени каравотда ўтирган жойимда уч тўрт марта суратга олди.

Бу сафар завхознинг ўзи бизни “маърифатхона”га бошлади.

Маърифатхонага ҳеч ким киритилмади. Ник Коулман ва Бухарбаеванинг илтимосига кўра, суҳбат рус тилида олиб борилди. Рус тилидаги суҳбат тугаганидан сўнг, ВВС ва «ОЗОДЛИК» мухбирлари “Бизнинг тингловчиларга ҳам бир оғиз тилак билдиринг”, дея илтимос қилишди.

Ник ва Бухарбаева мен билан хайрлашиб, хонани тарк этишди.

Хонада Хайрулло, Раҳимжон ва мен қолдик.

Хайруллодан ташқаридаги аҳвол тўғрисида сўраб суриштирдим. Раҳматжон ва Хайрулло ташқаридаги вазиятни қисқача шарҳлаб бердилар. Сўнг улар бу ердаги дурум билан қизиқишди. Мен ҳам бу ердаги вазиятни қисқача сўзлаб бердим.

– Муҳаммад ака, зонага кирганимизда ҳамма ёқни чиннидек қилиб йиғиштиришибди, йўлларга сув сепишибди. Бу зонада ҳар куни шундай уборка қилишадими ёки биз келишимизни билиб уборка қилдирганми? – савол берди Хайрулло.

– Уборка қилишибдими ташқарини? Сизлар келишингиздан сал

олдинроқ баракка чиққандим, ҳеч қандай уборка йўқ эди ташқарида. Бу ерда ўзи шундай қоида. Уч кун олдин “Комиссия келар эмиш” деб ҳамма маҳқумларни тозалаш ишларига жалб қилишади. Бу сафар кеч беҳабар қолишибди да булар!

– Биз жўртага шундай қилдик, ҳеч кимга айнан бугун бу ерга келишимиз ҳақда гапирмадик. Зонага киритишда баҳона топишга ҳам уриниб кўришди, лекин арзигулик бир сабаб топишолмади. Аслида, аккредитациядан ўтганимизга анча бўлган, хоҳлаган пайтимизда келишимиз мумкин эди. Биз бугунни танладик...

«БОШ ОПЕР»

Меҳмонлар (журналистлар) келиб кетганидан сўнг бир соат вақт ўтиб ўтмай, энди мени “меҳмонга” чақира бошладилар.

Биринчи бўлиб чақирган одам, табиийки, Сангороддаги оператив гуруҳ бўлими бошлиғи бўлди.

Унинг иш хонасига киришим билан, салом аликни насия қилган ҳолда, қаршисидаги стулни кўрсатди ва ўтиришга таклиф қилди.

“Мезбон”нинг менга берган биринчи саволи тахминан шундай бўлди:

– Бегжонов, бу одамларни сизнинг олдингизга акангиз Муҳаммад Солиҳ юборганми?

Очиғи, бош опер томонидан берилган бундай ноўрин саволга қандай жавоб қайтаришни билмай, бироз туриб қолишимга тўғри келди.

– Мен тўрт йилдан бери қамокда ўтирган бўлсам у, бу чет элликларни менинг олдимга ким юборганини қайдан билишим мумкин экан, ўртоқ бошлиқ?

– Ўзлари айтишмадими ким юборганини?

– Ўртоқ бошлиқ, тушунмадим саволингизга. Кимни назарда тутяпсиз “ўзлари айтишмадими” деганингизда?

– Шу, ўша ёнингизга келган чет эллик одамларни айтяпман да!

– Йўқ, ўша чет элдан келган одамлар менга, “Акангиз Муҳаммад Солиҳ бизни сизнинг олдингизга юборди” деб айтишмади, ўртоқ бошлиқ.

– Ҳа а, Бегжонов, ёммон пихини ёргансиз а! Нима қиласиз яшириб, очиғини айтавермайсизми, ҳамма билади ку буларнинг акангиз олдидан келишганини!

– Бўпти, жавобимдан қониқмаган бўсангиз, унда сизни қониқтирадиган шаклда жавоб бераман: “Тўғри, бу одамлар менга, **“Бизни акангиз Муҳаммад Солиҳ сиздан хабар олиб келиш учун юборди”**, деб айтишди”. Қалай? Чиройли чиқдими энди, ўртоқ бошлик? Протоколга шундай деб ёзиб қўяқолинг, ўртоқ бошлик.

– Ўзингизни босинг, Бегжонов! Сизда мелиса ходимини устидан кулиш ҳуқуқи йўқ, пичинг қиладиган жой эмас бу ер!

– Ундай бўлса, сиз ҳам пичингбоп гапларни гапирманг, ўртоқ бошлик. Ўзи, нимага мени бу ерга чақиргансиз, тушунолмадим ҳеч. Агар юқорининг буйруғига кўра, асл мақсадингиз асабимга тегиб бирон бир ишқал чиқариш бўлса, марҳамат, ҳеч бир жанжалсиз ҳам, бемалол, протоколга “Бу одам шундай деди, у қилди бу қилди” деб ёзиб хужжат тўғирланг ва изоляторга ёпинг. Ҳеч ким сизга “Бу одамни нега қамадинг” демайди, аксинча, погонингизга қўшимча юлдуз илиб қўйишади, ойлик маошингиз ошади. Чунки, Ўзбекистонда қонун бор у унга амал қилиш йўқ. Бу юртда диктаторни мақтасанг, ялтоқлик қилсанг, ашаддий ўғри бўлсанг ҳам, яхши одамсан. Аксинча, ҳақ гапни гапирсанг ёки танқид қилсанг – қонунбузар, жиноятчисан!

Опернинг рангги ўзгарди. Ўтирган жойидан сакраб турди. Мен ҳам ўрнимдан турдим. Опер менга тик қараб туриб, сансирашга тушди:

– Ҳўв маҳкум, нималар деяпсан? Қанақа ўғри, ким диктатор? “Яхши” “ёмон” дея вайсайсан, муддаонинг нима ўзи? Президентимизни ёмонлашми? Ўша келиб кетган америкаликларингга ишопняпсанми?!

– Келиб кетганларнинг ичида америкаликлар йўқ.

– Мен учун фарқи йўқ, ҳаммаси бир гўр уларни! Ўша искиртларинг Ўзбекистонимизнинг бойлигини талаш учун келади бу ерга, билдингми?! Сен бир тийинга қимматсан улар учун, билдингми?!

Бу аблаҳ мени жанжалга тортиб, изоляторга ёпмоқчи бўлаяпти, шекилли, мен гапирмаган гапларни айтиб, очиқ туҳмат қила бошлади. Менда бу нусхага нисбатан ошиб бораётган ғазаб муштга айланди. Ҳозир бу ғазабни жиловлай олмасам, нохуш бир вазият юз беришини илғадим ва ичимда, Оллоҳдан ўзимга сабр тилай бошладим.

Орадан ҳеч вақт ўтмай, мўъжиза юз бера бошлади. Ҳозиргина ит каби ириллаб ётган опернинг саси ўчди. Опер муддат шипга тикилиб турди ва жойига чўкди. У энди нигоҳини менга эмас, ерга тикиб

олиб, ўйга толганича бир неча дақиқа шу алфозда ўтиришда давом этди. Мен тикка турган ҳолда ясама йўталиб қўйдим. Опер менга бошини оғир кўтариб:

– Ўтиринг Бегжонов, – деди у паст овозда ва давом этди; – Бегжонов, илтимос сиздан, йўқ жойдан жанжал чиқармайлик, ўзи шундоғам ҳаммамиз чарчаганмиз. Сиз ҳам, биз ҳам чарчаганмиз. Сиз ҳам ўзингизча ҳақсиз, биз ҳам ўзимизча ҳақмиз. Бизнинг вазифамиз сизларни қонунга бўйсунушга чақириш, сизларнинг вазифангиз эса, қонунда белгиланган чегарадан чиқмаслик.

– Ўртоқ бошлиқ, яхшиси, шу қонун тўғрисида гаплашмаганимиз маъқулми дейман? Негаки, мен ҳозир “биздаги қонунлар фақат мансабдорлар фойдасига ишлайди” десам, яна сан манга боришимиз турган гап.

– Бу сизнинг фикрингиз, Бегжонов. Менинг фикрим эса, қонун ҳамма учун бир, яъни у ҳамма томон учун тенгдир. Масалан, сиз жиноят қилдингиз, бу жиноятингиз учун қонунга мувофиқ суд қилиниб, қамалдингиз. Қамокда касалландингиз, қонунга риоя қилган ҳолда, биз сизни даволадик. Бу дегани, қонунда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар ҳаммага тааллуқли, деганидир...

– Ҳаммасини тушундим, ўртоқ бошлиқ. Ҳозир зонада маҳкумлар учун тушлик эълон қилинади, қонунни бузмаслигим учун вақтида ошхонага боришим керак бўлади. Рухсатингиз билан тушликка борсам...

– Ҳа майли, боринг. Яна чақиртираман, гурунглашамиз.

Опернинг ёқимсиз, совуқ башарасини кўришдан чарчаб ташқарига чиққанимда, қаршимда бошқа бир опернинг чопари пайдо бўлди:

– Сизни фалончи ака чақиряпти, тезда кабинетига ўтаркансиз, – деди чопар.

– Ким у фалончи аканг? – сўрадим чопардан.

– Фалонинчи отряднинг опери, катта лейтенант фалончиев.

– Фалончи отряд оперининг менда қандай гапи бор экан? Мен ҳамма гапни гаплашиб олдим уларнинг каттаси билан. Ўша фалончига шуни айтиб қўй. Мен тушликка боришим керак, – дедим чопарга.

– Ака, беш минутга кириб ўтақолинг энди, илтимос, – ялворди чопар.

– Нима гапи бор экан?

– Шундай, просто танишмоқчи сиз билан.

– Просто танишмоқчи бўлса, тушликдан кейин чақирсин, просто танишамиз, бўптими? Мен тушликка боришим керак, буниям ту-

шунтириб айт ўша оперга...

Тушлик қилиб бўлганимиздан сўнг барагимизга иккита войсковой кириб келди. Улар кириш эшиги олдида бир маҳкум билан анча гаплашиб турдилар. Гаплаша туриб, улар мен ўтирган томонга бир бир қараб турардилар. Мен ўзимча: “Бу войсковойлар опернинг гапини писанд қилмай баракка кетворганим учун мени изоляторга ёпишга келишди, шекилли” деб ўйладим. Ҳақиқатан ҳам, войсковойлар биз томонга кела бошлашди.

– Хў ўш, жаноб Бегжонов сизми? – сўради войсковойларнинг новчаси.

– Ҳа, мен Бегжоновман, – дедим ўрнимдан туриб.

– Унда, биз билан юришингизга тўғри келади, жаноб Бегжонов, – деди иккинчи войсковой.

“Тўғри ўйлабман, изоляторга тикишади ҳозир. Анави оперча дарров хужжат тайёрлашга улгурибди да” ўйладим мен.

– Ўзим билан нима олай? – сўрадим войсковойлардан.

– Йўқ, ҳеч нарса олманг, ҳозирча шарт эмас, юринг кетдик, – деди улардан бири.

Сангороднинг 9 чи ва 3 чи бўлимларини бир биридан ажратиб турувчи баландиги уч метрча келадиган бетон девор бор. Ўша бетон девордан 5 метрча масофада қаторасига дарахтлар экилган. Шу дарахтлар соясида скамейкалар ҳам қаторасига териб қўйилган. Войсковойлар изолятор томон эмас, келиб шу скамейкалардан бирига ўтириб олишди.

– Ўтиринг, жаноб Бегжонов! – деди узун бўйли войсковой.

– Изоляторга қачон борамиз? – сўрадим мен.

– И-е, қанақа изолятор? Биров сизга изоляторга борамиз деганми-ди? Ё изоляторни соғиндингизми, ўртоқ Бегжонов? – кулиб сўради узун бўйли войсковой.

Войсковойларнинг бунчалик ўзларидан кетиши ҳамиятимга тегди. Уларнинг ёнига келдим ва салмоқлаб:

– Сизларнинг қандай ҳаққингиз бор ҳеч кимнинг буйруғисиз, рухсатисиз, ўзбошимчалик билан маҳкумни ташқарига чиқаришга?

– И-и-и, тушунмадим Бегжонов! Ўдағайлаяпсизми? Мелиса ходимига я!

– Сизлар мелиса ходимимас, ҳарбийсизлар. Ҳарбийларнинг маҳкумни мелиса ходимининг буйруғисиз ўзбошимчалик билан бирор жойга чақириши мумкин эмас. Ҳатто яккама якка гаплашиши ҳам мумкин эмас. Бу ҳаракатларинг билан ҳарбийлар уставини

бузаётганларингни биласизларми ўзи? Ҳозир штабга бориб бирон офицерга “фалончи войсковой мен билан гурунглашди” десам, биласизларми нима бўлишини?

Войсковойлар кутилмаган “хужум”дан довдираб қолишди.

– Ака, узр, бизда сизга нисбатан ҳеч қандай ёмонлик қилиш нияти йўқ. Аксинча, сизни кўриб, танишиб кўймоқчи эдик, холос, – деди бўйи пастроғи.

– Танишадиган одам шундай танишадими? Сизлар мени опчиқиб кетганларингда, баракдаги бошқа маҳкумлар буни ҳозир қандай талқин қилаётганларини биласизларми? Ҳозир, орадан беш дақиқа ўтиб ўтмай бу нарса козёллар орқали штабгача бориб етишини биласизларми? Мен ҳам истамайман сизларнинг арзимаган бир майда нарса учун озор чекишингизни.

– Узр, ака, биздан хато ўтибди...

Войсковойлар “козёл” сўзини эшитиб, баттар ваҳимага тушишди ва тезроқ бу ердан ғойиб бўлиш тараддудига тушиб қолишди.

– Ака, бўлмаса бизга рухсат, кейинроқ танишармиз энди.

– Майли, соғ бўлинглар, кейинроқ албатта танишамиз.

Войсковойлар кетгани ҳамон сайр қилиб юрган биродарлардан бири ёнимга келди да:

– Ассаломалайкум, ака! Погонлилар ёнингизда ивирсиб қолишибди, тинчликми?

– Валайкум салом, Муҳаммад Исо²⁰! Яхшимисиз? Мен билан яқиндан танишишни истаб қолишибди.

– Э, ака, нима дедингиз уларга, бунчалик тез кетишяпти?

– Сизга кўзим тушиб қолиб, “козёл” сўзи эсимга тушди ва козёллар билан кўрқитдим, танишишни насиё қилиб, кетворишди.

Муҳаммад Исо билан дарахтлар соясида соат кундузги иккигача, **яъни “тихий час”**гача ундан бундан гурунглашиб ўтирдик.

20 Муҳаммад Исо – 1999 йил феввалида Тошкентда бўлган портлашларда алоқадорликда айбланиб 20 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Ҳизбчиларнинг гапига қараганда, Муҳаммад Исо “ғирт козёл” ҳамда “ваҳобийлар тутган йўл нотўғри, хизбники тўғри”, экан.

Муҳаммад Исонинг айтишига қараганда эса, “хизбдагиларни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ”, “Улар ўзларининг илмсизлиги билан Ислом динига катта зарар келтираётган”ларини таъкидлайди.

Муҳаммад Исонинг яна бир гапи: “Агарда озодликка чиқиш насиб қилса, фақат “Ҳизб ут таҳрир” ва шунга ўхшаш ташкилотларга қарши жон жабдим билан курашаман”.

Уларнинг қайси бирлари ҳақ ёки ноҳақлигини фақат Аллоҳ билгучидир.

Муҳаммад Исо ҳақида бошқа маълумотга эга эмасман.

Хайрлашаётганимизда, Муҳаммад Исо ҳазиллашиб, деди: “Чет элдан келган комиссиялар²¹ сизни авторитетга айлантирди қўйишди. Қойил лекин... Яхши дам олинг, “авторитет” ака!..”

2003 йил, 15 июл. Тошкент, Сангород.

УЯ 64/18 чи Республика Даволаш муассасаси (Сангород) Халқаро Қизил Хоч ташкилоти вакиллари келишини кутяпти. Икки кундан бери бутун Сангород бўйлаб тозалаш ишлари тўхтамайди. Зоналарда бу тадбирни “маданий оқартув ишлари” деб аташади. Бир сўз билан айтганда, зонага қаердан комиссия келишидан қатъий назар, уч тўрт кун олдин “маданий оқартув ишлари” бошлаб юборилади. Шу сабаб, маҳкумлар “комиссия” сўзидан безиллаб қолган, чунки, уларда уч тўрт кунга ҳаловат бўлмаслиги аниқ.

Бугун 18 чи муассасада комиссия келишини кутишнинг охири куни.

Эрталаб соат 9 ларда чопар келиб, зонага комиссия кирганини эълон қилди. Барақдаги 159 ёки 244 модда билан қамалганлар муассаса ходимлари томонидан яна бир бор огоҳлантирилди, яъни “тилига эрк бермаслик” талаб қилинди. Такрор такрор “Красний крестдагиларнинг “почти” ҳаммаси чет эл шпионлари (жосус)” эканлиги, уларнинг “жонажон Ўзбекистонимиз учун зарардан бошқа ҳеч нарса бермаслиги” ҳақида бот бот гапирилди. Албатта, бу насиҳатлар фақат диний этикоди ва сиёсий қарашлари учун қамалганларга тааллуқли эканлиги уқтириб ўтилди. Чунки, бошқа жиноий моддалар билан қамалганлар “красний крестдагиларнинг шпион эканлигини жуда яхши билишади, чунки бошқа жиноий моддалар билан қамалганлар ҳақиқий мужиклардир, улар аҳмоқ эмас ки, келгинди шпионларга давлатимиз тузумини ёмонлаб гапиргани. Шунинг учун ҳам “красний крест”дагилар мужиклар билан суҳбатлашишни истамайдилар, чунки бу шпионларга Ўзбекистонимизни қораламаганлар ёқмайди”.

Соат 12 да чопар мени излаб келади ва бугун этапга кетишим кераклигини айтади. Сангороднинг режими бўйича, этапга кетадиган маҳкум бир кун олдин огоҳлантирилади ва у шу бир кун ичида этапга тўлиқ тайёр бўлиб туриши керак бўлади. Бироқ, кеча мен завхоз-

21 Ўзбекистон қамокхоналарига ким ташриф буюришидан қатъий назар, “комиссия” деб талқин қилинади.

дан сўраганимда, “сиз этапга кетадиганлар рўйхатида йўксиз” деган эди. Бугун эса, тўсатдан этапга кетасиз, дейишмоқда.

Соат 15 да этапга кетадиганларни изоляторга йиғишди. Ҳар бир маҳкумга бир бўлак қайнатилган гўшт, бир буханка нон тарқатилди. 15:30 да войсковой келиб, мени 9 бўлим штабига олиб борди.

Штаб олдига келганимизда, Халқаро Қизил Хоч ташкилоти вакили мен билан гаплашмоқчи эканини, шунинг учун мени бу ерга олиб келганини билдирди. Бу пайт штабдан фуқаро кийимида, ўртача ёшдаги бир киши чиқди ва мендан рус тилида сўради:

– Здравствуйте! Вы Бегджанов?

– Здравствуйте, да, я – Бегжанов.

– Я – представитель Красного Креста. Моя фамилия Иванов, имя Н...²². Вы состоите у нас на учете. По этому, мы хотели бы с вами побеседовать, если вы не возражаете.

– Я не возражаю, обязательно побеседуем.

Қизил Хоч вакили мени олиб келган ҳарбийга “ярим соатдан кейин фалон отряддан фалончини олиб келиб, шу ерда кутиб туринг” деди ва мени штабга киришдаги чап томонда жойлашган хонага таклиф қилди..

Қизил Хоч ташкилоти вакили билан ярим соатларча суҳбатлашдик.

Суҳбат чоғида унга “ўзимда сил касаллиги асоратларини умуман сезмаётганлигим”, “гуруҳингизда врачлар бўлса, мени қайта рентгендан ўтказиб, ҳақиқий хулоса чиқариб беришини” илтимос қилдим. Иванов бу ишни эртагаёқ ҳал қилишини айтди.

Мен унга бу ишни бугуноқ ҳал қилмаса, эртага кеч бўлиши, чунки бугун мен этапга кетишим мумкинлигини айтдим.

– Мы еще утром вручили руководству колонии список осужденных, которые должны будут пройти собеседования с нами. Вас никуда не отправят до тех пор, пока мы не отметим, что вы прошли собеседование с нами.

– Тогда мы с вами до завтрашнего дня попрашаем, – дедим ва Иванов билан эртагача хайрлашдик.

Эшик ёнида турган войсковой ёнидаги маҳкумни Ивановга рўпарў қилди ва мени олиб кетишга руҳсат сўради.

Штабдан узоқлашганимизда, войсковой менга:

– Тезроқ юр, этапга кетадиганлар аллақачон машинада кутиб ўти-

ришибди, – дея кистади.

Машина олдига келганимизда, менинг сумкамни ҳеч ким изолятордан олиб чиқмагани маълум бўлди. Офицерлардан бири войсковойга тез бориб менинг сумкамни олиб келишини буюрди ва мени зековозга чиқаришди.

Кечкурун поездга чиқдик.

БУХОРОГА ЭТАП

2003 йил 16 июл. Поезд эрталаб Когон шаҳрига келиб тўхтади. Столипин вағони эшиги олдига зековоз тиркалди ва Когон зонасида қоладиган маҳкумлар зековозга чиқарилди.

15 20 дақиқача вақт юриб, зековоз Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида жойлашган УЯ 64/62 чи зонасига кириб келди.

Бахтимизга, бу зонага кирганимизда, бошқа зонадалардаги каби, ҳеч қандай “ломка” (синдириш) юз бермади.

Изоляторда 15 кун карантинда бўлдик ва июл ойи охирида бизни зонага чиқаришди.

Карантиндан чиққанимизда, бу зонанинг менга ёқмаган томони шу бўлдики, Когонда ҳарорат 45 50 даража иссиқ эди. Ҳатто, сув тўла ариқ четидаги дарахтлар ҳам иссиқдан қовжираб, нафас ололмаётгандек, япроқлари сўлғин осилиб турарди.

Бараклардаги ҳамма маҳкумлар икки қаватли биноларнинг орқа томонидаги соя жойда туриб, этап билан келганлар ичидан ўзларининг таниш билишларини излашар эди.

Биз келган этапдан 3 киши учинчи сектордаги 5 отрядга тушдик.

Баракка кирдик. Завхоз баракдаги яхши жой деб баҳланадиган жойлардан бирини кўрсатиб, “Ҳозирча шу ерга жойлашиб турасиз, кейинчалик, агар бу ёқмаса бошқа жойга алмаштирамиз”, деди. Мен унга қамоққа тушганимдан то шу кунгача жой танламаганлигимни, курортда эмаслигимни айтдим. Завхоз хафа бўлгандай, деди:

– Ака, сиздан ҳеч ким жой танлаган танламаганингизни сўрамади ку. Сизнинг ёшингизни ҳурмат қилиб, яхши жойда яшасин деяпман. Қўшнингиз Рустам аканинг ҳам ёши сиз қатори. У ҳам ўзимиздан. Қўшқўпирдан. Мен ҳам кўшқўпирлик, исмим Раим, Рустам акам би-

лан бир қишлоқданмиз.

Завхознинг айтишича, у ҳам норкота билан ўтирган экан. Олдинги қамалиши ҳам қора дори сабабли бўлган экан. Хоразмликларнинг 90 фойизи норкота билан қамалар экан...

Рустам билан танишиб олдик. Питнақдан. Қамалгани тарихини айтиб берди. 2001 йил қора дори билан қўлга тушибди. Рустамнинг айтишича, Термизга меҳмонга бориб қайтишда Хоразм худудига киришда мелисалар томонидан автобусдаги одамлар текширувдан ўтказилган. Биргаликда келаётган йўловчилар ичидан бир ёш жувондан норкотик модда топилган. Шу ёш хотин қамалиб кетмасин деб, “бу норкотик модда менга тегишли, бу жувонга ўтказиб бер деб илтимос қилгандим” дебди. Шунга 11 йилга қамоқ жазоси олибди.

Рустам қамалишидан олдин мактаб директори бўлиб ишлагани, бешми, олтими фарзанди борлигини ҳам гапириб берди.

Сухбатимиз шу жойда узилди. Зона бошлиғи майор Бахтиёр Азизовнинг чопари келиб, мени бошлиқ чақиртираётганини айтди ва унинг ҳузурига олиб кетди.

«БОШҚАЧА» БОШЛИҚ

Бахтиёр Азизов билан бугунги учрашувимиз иккинчиси эди. Биринчи учрашувимиз 16 июлда, яъни этап билан бу зонага келган кунимиз бўлиб ўтган эди.

Азизовнинг чопари Шўхрат бошлиқ хонасининг қия очиқ турган эшигидан мўралаб, “Бахтиёр ака, Бегжонов шу ерда, кираверсинми?” дея сўради. Ичкаридан Азизовнинг, “Кирсин, кирсин” дегани эшитилди.

Ичкарига кириб, одатдагидек доклад қила бошладим. Исми шарифимни тўлиқ айтиб улгурмасимдан, майор Азизов мени тўхтатиб, сўради:

– Карантинда қийналмадингизми? Келинг, ўтиринг. Соғлигингиз яхшими?

– Раҳмат, ҳаммаси яхши.

– Карантинда қўпол муомалада бўлишмадим, уриб сўкмадим ҳеч ким?

– Йўқ, ҳеч ким кўпол муомалада бўлмади. Тўғриси, мен Ўзбекистон қамоқхоналари ичида биринчи бор бундай зонани кўраяпман, яъни зонага киришдаги “ломка”сиз, карантин пайтидаги қийноқларсиз, ходимларнинг маҳкумларга нисбатан нормал муомилалик зонани, демокчиман. Зонада бундай режимни ўрнатганингиз таҳсинга сазовор.

– Раҳмат мақтовингиз учун. Лекин, мақтовни салгина оширвордингиз. Зонада ҳали камчиликлар тўлиб тошиб ётибди, уларни бартараф этиш учун ҳали кўп ишлар қилиш керак бўлади. Бу камчиликларни зонага чиққанингизда сезасиз.

– Ўртоқ бошлик, нима бўлганда ҳам бу ерда бошқа зонадагиларга нисбатан режим анча енгил, айтмоқчиманки, биз, маҳкумлар учун енгил...

– Бегжонов, агар бирон бир муаммо чиқадиган бўлса, тўғри олдимга келинг. Ҳар қандай муаммо бўлса, ҳал қилишга ҳаракат қиламиз, келишдикми?

– Келишдик. Раҳмат сизга, ўртоқ бошлик, муаммо туғилса, албатта келаман...

«ТЕРРОРЧИ» МХХ ХОДИМИ

Зонага чиққанимнинг эртаси куни ёнимга 30 ёш чамасидаги йигит келиб, “Саломалайкум, мени танидингизми?” дея савол берди. Мен унга “Қаердадир кўргандайман, лекин эслолмаяпман”, дедим.

– Эсингиздами, 2000 йил октябрида гувоҳлик беришга Олий судга борганимиз? Ўшанда бир камерада ўтирдик. 7 8 киши бор эди, охирида иккимиз қолиб кетдик. Эсладингизми?

– Йўқ, эслолмаяпман...

– Камерамиздаги ҳамма гувоҳлик беришга чиқиб кетди. Биз иккимиз охирида қолиб кетдик. Сиз ўшанда менга ўқрайиб қараб: “Сен ҳам гувоҳмисан?” дедингиз. Бироздан сўнг мени ҳам гувоҳлик беришга олиб чиқиб кетди. Камерада ўзингиз қолгандингиз...

– Ҳа, ҳа, энди эсладим. Ўша қилтириқдай бола сиз эдингизми? У пайтда жуда озғин, ёш болага ўхшаб кўринган эдингиз. Сиз қайси оқимданман деган эдингиз ўшанда?

– Ака, ҳозир сиз билан бир сўрашиб кўяй дегандим. Узр, бу ҳақда кейинроқ, уч тўрт кун ўтгандан кейин гаплашсак, дегандим. Айбга

буюрмайсиз, ака, тўғри тушунинг.

– Хўп, исмингиз ким эди?

– Исминим Абдукарим. Карим деб чақирсангиз ҳам бўлаверади. Бўлмасам, мен кетдим, ака. Кейинроқ гаплашамиз, ака...

Орадан бир ҳафтача вақт ўтиб, Абдукарим билан иккинчи бор танишувимиз бўлиб ўтди. Бу сафарги танишув ва суҳбатимиз узок давом этди ва тақрибан, шундай кечди:

– Абдукарим, биринчи учрашувимизда қайси оқимга мансублингингизни сўрагандим, эсингизда бўлса...

– Мени ҳам феврал портлашларида иштирок этганликда айблашган. Аслида, мен ҳеч қандай оқимга аъзо бўлмаганман.

– Ундай бўлса, нега қамашади? Сиз ҳеч бир оқимга аъзо бўлмасангиз...

– Ўша портлашларда иштирок этганларни яширганликда ва уларга ёрдам берганликда айбладилар.

– Демак, ўша террор уюштирганларга алоқангиз бўлган, деган гумондами? Унда, сизни ҳам Муҳаммад Солиҳга боғлашган бўлса керак? Шундан келиб чиқиб, уларга қарши гувоҳлик бериш учун судга чақиртирган экан да?

– Ака, гапнинг очиғи, шундай ҳам бўлган. Лекин мен акангиз ҳақда ҳеч нарсани билмаганим сабабли, у киши ҳақда эмас, бошқа одам ҳақда гувоҳлик берганман.

– Ким эди у бошқа одам?

– Улуғбек Бобожонов деган одам. У ҳақда эшитган бўлсангиз керак, у менинг яқин дўстим бўлган. Ўша Улуғбек тўғрисида гувоҳлик кўрсатмаси берганман.

– У дўстингиз қаерда? Қамалганми у ҳам?

– Ким, Улуғбекми? Улуғбек қамалмади, қочиб кетди мени ташлаб, хумшар.

– Нимага қочиб кетди? Ёки у феврал портлашларида қатнашганмиди?

– Қатнашган қатнашмаганини аниқ билмайман, лекин тергов пайтида “Дўстинг Бобожонов портлашларни амалга оширганларга Тошкент харитасини бериб, қайси жойларни портлатишни кўрсатиб берган” деб айтишди.

– Сиз шу гапларни айтган терговчиларга ишондингизми?

– Йўқ, мен ишонмадим, лекин ишонишимга мажбур қилишди.

– Улуғбек каттароқ жойда ишлармиди?

– Ҳа да, у оддий одам эмасди, нақ президент девонида ишларди.
– Балки бу ерда мансабини тортиб олиш учун Улуғбекка сохта айб қўйишгандир, сиз билмайсиз ку?

– Балки шундайдир...

– Улуғбек шундай катта мансабдор одам экан, сиз унга қандай ёрдам беришингиз мумкин?

– Портлашлардан уч тўрт кун олдин у мендан паспортига чет элга чиқишга виза қўйдириб беришни илтимос қилди. Мен ундан сабабини сўраганимда, “Юқори менга қарши босим ўтказяпти, чиқиб кетмасам бўлайди” деганди. Чиқиш визасини бизнинг ташкилот аралашувисиз удалашнинг имкони йўқ эди. Мен буни танишларим орқали икки кунда ҳал қилиб бергандим.

– Абдукарим, “бизнинг ташкилот” дедингиз, қаерда ишлагансиз, ўзи?

– Эшитмадингизми шу пайтгача? Э ҳе, бу иш қанчалар шов шув бўлиб кетган: “Тошкентдаги портлашларда МХХ нинг ҳам қўли бор” деган миш миш тарқаб кетди ҳамма жойга. Наҳотки сиз эшитмаган бўлсангиз бу гапларни?

– Мен қамокда ўтирган бўлсам, қаердан эшитаман шов шув бўлган иш ҳақда? Сиз ташкилотингиз ҳақда гапирмадингиз, Абдукарим...

– Мен МХХ да ишлаганман. Капитан

– Э ҳа, эсладим, ИИВ вазирлиги ертўласида ўтирганимда полковник Б. Т.: “Бу портлашларни сенлар МХХ билан биргаликда режалаштиргансизлар” деганди. Демак, у сизни назарда тутган экан да? Ёки бошқа МХХ чилар ҳам аралашганмикан бу ишга?

– Аслида, мен Улуғбек Бобожоновнинг феврал портлашларига алоқадорлигига ишонмаганман. Унинг ўзи ҳам менга бу нарса тўғрисида бир оғиз ҳам гапирмаган. Унинг портлашларга “алоқадор”лигини менга ИИВ ертўласида аниқ ва лўнда қилиб “тушунтириб” қўйишди. Мана, қаранг, “тушунтириш” излари ҳалигача кетгани йўқ (Карим шимини тиззасигача шимариб, оёқларидаги ўйилиб қолган калтак изларини кўрсатади).

Сухбат чоғида Абдукарим отаси ҳам СССР даврида КГБ сафида ишлаганини ва Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг уни ҳам МХХ сафига ўтишида ёрдам берганини, ҳозир эса, ўша қилган ишидан (отаси) ўта афсусда эканлигини ҳам айтиб ўтди.

Менинг, МХХ га ўтишдан олдин қаерда ишлагансан, деган саво-

лимга, “Ҳарбий бўлганман, Самарқанддаги ҳарбий қисмда сувязист эдим” деб жавоб берди Абдукарим.

– Абдукарим, уйланганмисиз? – сўрадим мен.

– Энди уйланаман, деб юргандим, улгурмадим, – деди хўрсиниб.

– Ҳа энди, пешонамизга ёзилганини кўрамыз. Энди сабр қилишдан бошқа илож йўқ бизда. Мазлумликдан қутулганингиздан кейин уйланарсиз, иншааллоҳ.

– Шундай. Сабр қилишга мажбурмиз. Лекин, озодликка чиққанимда ёшим сал кам элликка тўлар экан...

– Қанча срок берган?

– Умумий срок 20 йил эди. Яна 15 йил 7 ой бор олдинда²³.

– Биродарларнинг зонада уйланганлари ҳақида эшитганман. Сиз ҳам шундай қилсангиз, яъни шу ерда уйлансангиз бўлмайдими?

– Бўларди ю, лекин... Ўзингиз тушунасиз, ўтган тўрт йил ичида умуман аёл ҳақида ўйламаганман, ўйлагудек ҳам эмасди. Эндигина ўзимга кела бошладим. Ўзингиз биласиз, подвалда қандай тўкиб ташлашини. Ота онам ҳам бир неча бор уйланишни таклиф қилишди, бироқ мен кўнмадим, чунки...

– Абдукарим, мен бир неча бор сизнинг пол ювиб юрганингизга кўзим тушди. Сизни бу ишга кимдир мажбур қилдими?

– Йўғ е, ҳеч ким менга “пол ювасан” деган эмас. Мен бу ишни ҳаракатланиб туриш учун ўз хоҳишим билан қиляпман. Бу ерда бошқа зоналардагидек, 159 ларни ишга мажбурлашмайди.

Карим билан то кечки текширувгача бу зона ҳаёти ҳақда гурунглашиб ўтирдик.

ТУРКИЯДАН МАКТУБ

2004 йил баҳорида мени колония штабига чақаришади. Капитан Хуршид (опер) менга:

– Туркиядаги яқин танишларингиздан бири сизга хат ёзибди. Ким эди у?

– Ким экан у яқин танишим? Туркияда танишларим кўп, – жавоб

23 Абдукарим (Карим) Узоқов билан бўлиб ўтган бу суҳбат 2003 йил Июл ойининг охирида бўлиб ўтган эди. Агар уни “раскрутка” қилишмаса, 2019 йил феврал ойда озодликка чиқиши керак.

бераман мен.

– Мактуб турк тилида ёзилган. Яхшилаб эслаб кўринг чи? – сўрайди опер.

– Саволингиз қизиқ бўлдику, хат сизнинг қўлингизда туриб, “ким эди у?” деб мендан сўраяпсиз. Ёки конверт юзига кимдан экани ёзилмаганми?

– Истанбулда турк танишларингиз кўпмиди?

– Ҳа, турк танишларим етарли эди.

– Турғут Ўзтошқин²⁴ деган танишингиз бормиди?

– Бор эди шундай танишим. Турғутбейдан келибдими хат? Бўлиши мумкин эмас! Ажойиб одам!

Хуршид конвертни кўлида ўйнатиб:

– Бегжонов, биласизми бу ажойиб одамнингиз хатида нима деб ёзганини? Ҳат эмас, даҳшат бу!

– Нима деб ёзибди? Ўқиб кўрай, кейин қайтариб бераман.

Хуршид хатни кўлимга тутқазиб, “бирова кириб қолса, хатни кўлингизда букланган ҳолда ушлаб турунг, ўқиётганингизни билиб қолмасин”, деди.

Турғутбей ўз хатида шуларни ёзибди:

«Салом, Муҳаммадҷон, соғ саломат ўйнаб кулиб юрибмисан? Кайфиятларинг яхшими?»

Биламан, аҳмоқона савол бердим, авфу эт мен қари чолни. “Шундай ҳам савол берасанми, сассиқ чол”, деб ўйлаганинг аниқ. Яна бир бор узр, Муҳаммадҷон! Ахир, қайси аҳмоқ Ўзбекистон қамоқхоналаридаги аҳволни билатуриб, шундай ноўрин саволни беради?

Биз ку бу ерда, очикда юриб кун ўтганини билмай юрибмиз. Лекин сизларга қийин. Ҳатто, тассавуригизга ҳам сиғдиролмайман, қандай қилиб инсон зоти йиллар давомида тўрт девор ичиде яшамокқа чидашини.

Муҳаммадҷон, менинг фикримча, мабодо Афғон томон Ўрта Осиёга уруш билан кириб келишса, бу қаттол Ислон Каримов

24 Турғут Ўзтошқин – Истанбулдаги “ИмпексТур” фирмаси бошлиғи. 1996 98 йилларда шу фирмада Турғутбей билан биргаликда ишлаганман.

сизларни уруш чизигининг олдинги сафига ташлаши аниқ.

Иккинчи жаҳон урушида Сталин шундай йўл тутган, яъни, СССР тасарруфидаги барча қамоқхоналар маҳкумларини йиғиб, “штрафной баталён”лар ташкил қилган ва бу шўрлик маҳкумларни ҳақиқий ўлимга рўпара қилган. Буни ўзинг ҳам тарих китобларидан ўқигансан.

Нима демоқчилигимни фаҳмлагандирсан, Муҳаммаджон?

Демоқчиманки, сен қамоқхонада экансан, ҳеч қачон Ислом Каримов ҳақда ёмон гап айтма, чунки, у ерда сенинг ҳар бир қадамнингни миллиметригача санаб юришади, чунки, сени ҳатто ухлаб ётганинда ҳам “қандай рўё (туш) кўраркин?” деб пойлаб чиқишади. Шунинг учун, сендан яна бир бор ўтиниб сўрайман, мутлақо Каримов ҳақда бир оғиз ҳам ёмон гапирма. Унинг параноик эканлигин, йиртқич ҳайвондан ҳам ваҳший мавжудотлигини мендан ҳам яхшироқ биласан, у ҳайвон ҳеч кимни аяб ўтирмайди...

Менинг маслаҳатимни қабул қил ва унга яраша иш тут. Оллоҳга омонат қилдим.

Соғ бўл.

Турғут Ўзтошқин.

2003 йил, Истанбул, Туркия».

Хатни ўқиб бўлиб Хуршидга узатдим. У менга “қалай ёзибди?” деган маънода бош ирғади.

Мен:

– Содда бир қариянинг эзгу мақсадда берилган маслаҳатлари. Бошқа бирон бир ёмон гап йўқ.

– И е, ёмон гап йўқ дейсизми? Президентни “параноик”, “жинни”, “одамхўр” деб ёзса ю, сиз “бу бир оддий маслаҳат” деганингиз нимаси? Эси жойидами ўзи бу одамнинг?

Турғутбейнинг бу хатидан сўнг, капитан Хуршид ўзини мендан олиб қочадиган бўлди. Шунингдек, ўша мактубнинг “дело”га тикилгани ёки йўқотиб юборилгани ҳақда ҳам ҳеч қандай маълумотга эга бўлмадим.

Ўшанда Турғутбейнинг маслаҳати мен учун қанчалик тўғри ва

зарур бўлишига қарамай, ўз билганимдан қолмадим, яъни, Каримов хурмати “чиройли” равишда жойига қўйишда давом этавердим...

МЕНГА БИРИКТИРИЛГАН ОПЕР

Капитан Хуршид бошқа отрядга опер бўлиб кетганидан сўнг, унинг ўрнини лейтенант Ақром эгаллади. У эртаси куниёқ ўзига биркитилган маҳкумлар билан яқиндан танишиш учун отрядимизга келди. Умумий танишувдан сўнг, мени чеккага чақириб, “Сизга чет элдан бир тўп хатлар келган, агар хоҳласангиз, ҳозир штабга борсангиз бериб юбораман”, деди.

Мен Ақромдан:

– Кимдан келган экан? – деб сўрадим.

Ақром:

– У ерда 30 40 дона хат бор, ҳаммаси инглиз тилида ёзилган. Журналистлардан келган бўлса керак.

Мен:

– Хатлар қачон бу ерга келганлигини билмайсизми? Чунки, шунча хат бир кунда келмаса керак? Хуршид менга фақат битта мактубни ўқиб берган эди.

Ақром:

– Бу хатлар олдин Сангородга борган, у ердан бу зонага юборишган. Конвертларнинг ҳаммасида Сангороднинг адреси ёзилган. Шу ёқда ўқилиб, цензурадан ўтгандан сўнг бу ерга юборилган экан.

Мен:

– Ақромжон, бўлмасам ҳозир сиз билан биргаликда штабга бориб хатларни олсам бўладими?

Ақром:

– Мен ҳозир ташқи штабга боришим керак. Қайтиб келиб сизга хабар юбораман, бўладими? Ёки, бугун вақтим бўлмаса, эртага ўзим ташлаб кетаман.

Эртаси куни эрталабки текширувдан сўнг, Акмал бир тўп хат кўтариб келди. Менинг номимга битилган бу мактублар устига Тошкентдаги УЯ 64/18 чи зона адреси ёзилган, яъни Тошкентда цензурадан ўтиб, бу зонага юборилган ва орадан беш олти ой ўтиб, энди

қўлимга тегяпти.

Шу кундан бошлаб, Ақром чет элдан хат келган куни эртасигаёқ шахсан ўзи келиб қўлимга берадиган бўлди.

Ақром иштирокида бўлган яна бир воқеа шундай бўлган эди:

2004 йил баҳор ойларининг бирида менга жўнатма (посилка) келганлигини хабар қилишди. Жўнатмалар, одатда ДПНК биносида жойлашган режимчилар²⁵ хонасида тарқатиларди. Бу ерга келганимда, эшик олдида жўнатма олиш учун 5-6 та киши навбат кутиб туришарди. Ҳар бир киши жўнатмаси учун 10-15 дақиқа вақт кетади. Чунки, ҳар бир маҳкумга келган жўнатма кутиси очилиб, опер, режимчи ва свиданкачи²⁶ иштирокида ҳар бир буюм синчиклаб текширувдан ўтказилади. Демак, менинг навбатим келишига тахминан бир соатча вақт бор. Мен навбат банд қилиб, отряд томон кетаётганимда, олдимдан опер Ақром чиқиб қолади. У мендан қаердан келяпсиз, деб сўрайди. Мен жўнатма келгани ва навбатим келишига ҳали вақт борлигини айтаман. Ақром мени кўярда қўймай, орқага қайтаради ва эшик олдида навбатда турганларга:

– Йигитлар! Шу одам сизларга қараганда ёши анча улуғ экан. Унинг биринчи бўлиб жўнатмасини олишига қаршимасмисизлар? Фақат чин дилдан айтинглар, агар норози бўлсангизлар, навбатда туради. Қаршилар борми? – сўрайди Ақром.

Навбатда турганлардан икки учтаси “Қаршимасмиз, олишсин” дейишади. Ақром жим турганлардан ҳам сўраб, “мажбуран” розилик олади ва менга:

– Бегжонов киринг, ана, братишкаларингиз ҳаммаси рози бўлди, посилкани биринчи бўлиб оласиз,– дейди.

Мен ҳам навбатдагилардан, “Розимисизлар?” дея сўрайман. Улар чиндан ҳам розиликларини билдиришади.

Хонага олдин Ақром киради, кетидан мен.

Режимчи Аҳмад ва свиданкачи хонада опернинг келишини кутиб ўтирган экан, Ақромга:

– Бошладик бўлмасам, – дея менга аталган жўнатма кутисини очди ва кути ичидаги нарсаларни узун стол устига тўқди.

25 Режимчи – зонадаги тартиб интизом сақланишига жавобгар бўлган мелиса ходими.

26 Свиданкачи – зонадаги учрашувхонага жавобгар ҳарбий. Учрашувга келганлар ва жўнатмаларни ҳужжатлаштирувчи ҳарбий ходим.

Ақром деворга осиглик турган Ислом Каримов портрети тагида турган стулга бориб ўтириб олди. Режимчи Аҳмад унга:

– Нега ўтириб олдинг? Турсанг чи, қара шунча посилка ётибди, тез тез текшириб тарқатворайлик, – деди.

Ақром:

– Бегжоновнинг посилкасини текшириб ўтирмасдан ўтказиш керак, барибир манави дўсти кўрмаяпти ку, – деб тепасида осиглик турган Каримовнинг портретига ишора қилди ва хо хохолаб кулиб юборди.

Ақромга қўшилиб Аҳмад ва ҳарбий ҳам мириқиб кулишди.

Мен уларга қарата:

– Жаноб офицерлар, анча вақт бу одам ҳақда ёмон гап гапирмагандим. Нимага ёмон гапирмаганим сабабини Ақром билади.

Ақром гапимни бўлиб:

– Бегжонов ҳазиллашяпти, мен ҳеч нарсани билмайман. Унақа ҳазиллашманг да, Бегжонов, манавилар ишониши мумкин, – деб, яна хандон ташлаб кулади.

Режимчи Аҳмад:

– Бегжонов, нима қиласиз энди яшириб? Буни (Каримовнинг портретига ишора қилади) ҳамма вақт сўкиб юришингизни бутун Ўзбекистон билади ку, яшириб нима қиласиз, – деди.

Мен Аҳмаддан:

– Аҳмад, сиз ўз қулоғингиз билан эшитганмисиз Каримовни сўкканим ёки ҳақоратлаганимни? – деб сўрадим. Аҳмад: “Йўқ, ўз қулоғим билан эшитмаганман, лекин эшитганлар кўп”, деб жавоб берди.

– Демак, мен бу нухани ҳамма вақт ҳақорат қилиб келган эканман да, шундайми? – сўрадим улардан.

Энди гапга свиданкачи ҳам қўшилади:

– Бегжонов, сиз зонада отнинг қашқасидай ҳаммага маълум одамсиз. Ёлғон гапириш сизга ярашмайди. Тан олинг да энди.

– Мен тушунмадим, сизлар мени бу ерга сўроқ қилишга чақирдингларми ёки посилкани беришгами? Балки сизлар Каримовни ҳақорат қилишимни ўз қулоқларинг билан эшитмоқчидирсизлар? Ундай бўлса, эшитинг. Бу президентларинг ўта кетган қабих, жирканч одам. Одам дейишга ҳам тилим бормади – ҳайвон бу! Бу одам отаси номаълум валадизино! Энди ҳар қайсингиз ўз қулоғингиз билан эшитдингизлар! Сўз сизларга, жаноблар, ана энди мени суд қил-

сангизлар ярашади, – дедим жаҳл билан.

Учалови ҳам сассиз кулишади, лекин ҳеч қайсиси бир оғиз гапирмайди. Биринчи бўлиб Ақром тилга кирди ва менга қараб:

– Бегжонов! Бир нималар деб гапирдингизми, кўлларим билан кулоқларимни бекитиб ўтириб, хаёлларга берилиб кетибман, ҳеч нарса эшитмабман. Нима ҳақда гапирдингиз, ўзи? Нима деди Бегжонов, сизлар эшитмадингларми? – дея, Аҳмад ва сержантдан сўради.

Аҳмад:

– Биз иккимиз бу ерда посилкани текшириш билан овора бўлиб ётибмиз. Қизиқ экансан, Ақром, Бегжоновнинг ёнида ўтириб сен эшитмаган нарсани бизлар қаердан эшитамиз? Қисқаси, биз ҳеч нарса эшитмадик, – деди Аҳмад тиржайиб.

Ақром ўрнидан туриб, стол устидаги ёйилиб турган нарсаларни сумка солар экан, “Бегжонов, тезроқ ашқол дашқолингизни йиғиштиринг да, кетинг бу ердан! Бу ерда узоқ турсангиз, президентимизни ҳақорат қилиб қўйишингиз мумкин, – деб яна кулиб юборди.

Хуллас, посилкадан уч қути сигарет олиб, “хизмат ҳақларинг” деб Аҳмадга бердим. Ақром: “Бегжонов, икки қути етади, мен чекмайман”, деб, унга аталган сигаретни Аҳмаднинг қўлидан олиб, сумкага ташлади.

Ўша, 2000 йилларда Ўзбекистоннинг барча зоналарида, ҳарбий қисмларда қаҳатчилик ҳукм сургани бор гап. Зоналарда очликдан ўлиб кетган маҳкумларнинг саноғи бўлмаган ўша пайтларда. Шунинг баробарида, зоналарда хизмат қилаётган мелиса ходимлари ҳам аранг рўзгор тебратишаётгани, бунинг оқибатида Каримов олиб бораётган сиёсатга норози эканликлари ҳақда ҳам фикр билдиришганини бир марта эмас, бир неча бор ўз қулоғим билан эшитганман.

Шу сабабларга кўра, барча зоналарда кўпчилик мелиса ходимлари маҳкумдан бирон нарса ундириб олишга ҳам хазар қилишмас эди. Айрим ходимларни айтмаганда, деярли ҳамма сержант ва мелиса ходими ҳеч бўлмаганда, бир қути сигарет ёки бир сиқим конфет ишлаб олишга интилар эди.

Ақром ўша кам сонли “кўзи тўк” мелиса ходимларидан бири эди.

АЁЛИМ БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ

2004 йил сентябр ойининг 10 чи куни соат 11 ларда ДПНК чопари келиб, “Сиз учрашувга чиқаркансиз”, деган хабар олиб келди. Соат 12:30 да ДПНК олдига бордим. Янглишмасам, ўша куни мен билан биргаликда яна учта биродар ҳам учрашувга киришни кутиб, ДПНК олдида туришарди. Аниқ эсимда, мен улардан, “Бугун ДПНК ким экан?” деб сўраганман. Биродарлардан бири ўшанда, “Бугун Алишер навбатчилик қилади, кириб чиқинг, у сиз билан яхши муносабатда”, деган.

ДПНКга кириб, Алишердан сўрадим:

– Ким келибди бу сафар? Опамми ёки Жуманазарми?

– Э ҳа, Муҳаммад ака! Бугун суюнчининг улуғидан тайёрлайсиз! Биласиз, сигарет пигарет чекмайман! Кириб чиқаверинг, каттага туншадиган бўлдингиз, ака!

– Алишер, айтинг да энди, ким келибди, ахир?

– Ким келарди, кеннойим келган да!

Мен ишонмайман, чунки укам Жуманазар ҳар сафар олдимга учрашувга келаганида, “Нина опам учрашувга бормоқчиман, акангга айт, рухсат берсин, деб холи жонимга қўймапти” деярди. Мен эса, Жуманазарга: “Умуман Ўзбекистонга яқин йўламасин, нима у аҳмоқ билмайдими бу ердагиларнинг ҳаммаси шантажчи эканини?” дея, хотинимни Ўзбекистонга келишига умуман қарши эдим.

Шуларни эслаб, Алишердан қайта сўрадим:

– Алишер, менинг оилам Америкада яшашини биласиз. Унинг устига, мен хотинимга бу ерга келишини таъқиқлаб қўйганман. Сиз учрашувга келган аёлни “хотинингиз” деб адаштиряпсиз, менимча.

– Муҳаммад ака, қанақа одамсиз ўзи? Менинг бирон марта ҳазиллашганимни кўрганмисиз ёки эшитганмисиз? Янгам келган, дедим ку сизга! Нина Лонская, украинка, сизнинг хотинингизми, ахир?..

Мен Алишерни охиригача эшитиб ўтирмай, отилиб ташқарига чиқаман, соатга қарайман. Яна 10 15 дақиқа вақт кутиш керак. Буни билганим ҳолда, биродарлардан свиданкачи аниқ соат нечада келишини сўрайман. Довдираб қолганим сезилди шекилли, қайсидир биродар:

– Муҳаммад ака, тинчликми, довдираб қолибсиз? Хойнаҳой янгам келган кўринади ёв?! – деди.

Мен нима деб жавоб берганим эсимда йўқ. Бу пайт ўзимни йўқотиб, телбасимон бўлиб қолганим ҳам ғирт рост.

Учрашувхонада Нина ўзларининг (қизларимиз Ойгул, Комила ва Иноятхоннинг) шу беш йил айрилиқда бошидан кечирганларини бир бир сўзлаб берди.

Нега менинг таъқиқловимга қарамай, бу ерга келдинг, деган саволимга, йиғлаб:

– Нега келмас эканман? Ахир, мен бу учрашувга не не машаққатлар билан эришдим. Америкадаги Ўзбекистон элчихонаси бизнинг арз додимизни эшитишни ҳам хоҳлашмади. Қизинг Ойгул билан АҚШ Сенати, Конгрессигача эшик қоқиб борганмиз...

Нина бу учрашувни уюштиришда фаол иштирок этганлардан: Michael Ochs (Майкл Окс) – Хельсинки комиссиясининг Америкадаги вакили, Steve Swerdlow (Стив Свездлоу) – human’s rights watch, Julia Hall (Юлия Хелл) ва Светлана Ворбьева – Amnesty International, Надежда Атаева – ҳуқуқ ҳимоячиси, Мўътабар Тожибоева – ҳуқуқ ҳимоячиси ва бошқа кўплаб инсонларни санаб берди.

Шунингдек, АҚШ давлатининг бешта сенатори Ўзбекистон президенти Ислом Каримовдан мени озод этишини илтимос қилиб хат ёзганини ва 2002 йили Ислом Каримов АҚШ га келганида, кўпчилик конгресс аъзолари ва сенаторлар ундан мени озод қилишини илтимос қилиб чиққанлари, аммо, Каримовнинг уларга: “Ўзбекистонда сиёсий маҳкумнинг ўзи йўқ. Қамалган бўлса, демак, жиноят устида ушлаб қамалган. Мен жиноятчини қамоқдан озод қилолмайман, бунга ҳаққим ҳам йўқ”, деб жавоб берганини ҳам гапириб берди.

– Стив Свездлоу АҚШ Конгресси аъзолари билан учрашувимизни ташкил қилди. Амнести интернешнл эса, Оқ уй маъмурияти вакиллари билан учрашувимизга кўмаклашди. Биз, ўзимиз яшаб турган штат (Вашингтон штати) сенаторлари Patty Murray ва Maria Cantwell га ҳам мурожаат қилдик. Улар бизнинг илтимосимизга кўра, Американинг Ўзбекистондаги элчихонасига сўровнома юборишди. Яна жуда кўп кишилар билан учрашдик, лекин ҳаммасини эслаб қололмаймиз. Биз билан энг кўп вақт бирга бўлган ва биздан ёрдамни аямаганлар Стив, Надя ва Светлана Воробьевалар бўлди, – дея гапини яқунлади Нина.

Биз биратўласига УЧ КУН бирга бўлдик! Уч кун кўз юмишга, уйқуга кетишга кўрқиб яшадик. Нимадан кўрқдик, ўзи?..

Бундай ғайритабiiй ҳисни англаш учун, менимча, қасоскор диктатор қамоқхонасида “энг хавфли душман укаси” деган тамға бо-силган маҳбусгина англаши мумкин, холос.

Урашувимизнинг учинчи, яъни, охирги куни Нинанинг кўзлари қизариб, ёшлана бошлади. Мен унга:

– Агар кўзингдан бир томчи ёш оқса, мен билан учрашишга қай-тиб келмайсан, тушундингми? – дедим.

У бир оғиз гапирмади, ерга қараб ўтираверди. Раҳмим келди, очиги. Мен бир баҳона топиб чиқиб кетсам, тўйиб тўйиб йиғлаб ол-ган бўларди, енгил торгарди, деб ўйладим ва:

– Мен ҳозир чўмилиб келаман, чой тайёрлаб қўй, ярим соатга ке-ламан, – дедим ва хонадан чиқиб кетдим.

Қайтиб келганимда, Нина ичидаги дардини кўз ёшларига қўшиб чиқариб ташлаган, анча енгиллашиб олган эди. Ҳатто, ҳазиллашиш-га ҳам курби етиб қолганди. Хайрлашаётганимизда эса, ўзини тутиб турулмади. Бу сафар унинг кўз ёш қилишига қаршилиқ қилолмадим.

Бу учрашув иккимиз учун ҳам бир рўёдек туюлганди ўшанда...

Нина билан учрашувимиздан бир ярим ой ўтиб, ДПНК чопари келиб, соат 10 та кам 12:00 да Алишер (ДПНК бошлиғи) аканинг олдига ўтаркансиз, деди.

– Тинчликми? Нима гап экан? – сўрадим ундан.

Чопар:

– Нимага эканлигини айтмади. Лекин боришингиз шарт экан.

Учрашувга яна 1,5 ой вақт бор, посилка ҳам эмас, чунки посилка тарқатилса, “посилка келган, сумкангизни олиб боринг” деб айтиши лозим бўлади. Учинчидан, посилка бандерол тарқатилганда режимчи-ларнинг чопари келиши керак. Бу чопар фақат ДПНК га қарашли. Унда, ДПНК бошлиғининг менда қандай иши ёки гапи бўлиши мумкин?

Роппа роса соат ўнта кам ўн иккида ДПНК биноси олдига кела-ман ва ДПНК хонаси эшигини чертаман. Ичкаридан Алишернинг “Муҳаммад ака, кираверинг” деган овози келади.

Ичкари кираман. Алишер саломлашиб бўлиб:

– Ака, ҳозир янга телефон қилади, бир соат олдин қўнғироқ қил-ганди ва соат 12 да сизни телефонга чақиришимни илтимос қилди.

Шунга олдингизга посилнийни (чопар) юборгандим, – деди.

Мен Алишердан сўрадим:

– Ҳалигача кетмабдими? Тошкентдан кўнғироқ қилдимми?

– Йўғ-е, Америкадан телефон қилди. Америка билан Ўзбекистон ораси ўн икки соат фарқ қиларкан. Уларда ҳозир тунги ўн икки бўларкан...

Соат 12:00 ДПНК хонасидаги телефон аппарати жириглайди. Алишер “Ҳа, келди, мана бераяпман”, дея телефон жўмрагини қўлимга тутқазади ва “қаттиқроқ гапиринг” дейди.

Мен телефон жўмрагини қулоғимга тутиб, бақираман:

– Алло, алло!

– Алло! Ака, ассаломалайкум, яхшимисиз?! Мен Ойгулман!.. Қизингиз!..

– Ойгул! Яхшимисан, қизим?! Ойгул! Ойгул, нега жимсан?! Алло! Алло!..

– Мухаммад, это я, Нина! Айгуль дальше не может разговаривать, она рыдает...

– Где Камила и Иноят?! Позови их, хочу услышать их голос!

– Они давно заснули! Здесь сейчас 12 часов ночи! Они спят!

Мен Нинадан телефон жўмрагини Ойгулга беришини сўрайман. У эса, Ойгул ҳалиям йиғидан тўхтамаганини айтади...

Нина билан хайрлашаётиб, қизларни мен учун ўпиб қўйишини айтдим...

2005 ЙИЛ, 13 МАЙ

2005 йил 12 май куни учрашувга чиқдим. Бу сафар ДПНК бошлиғи бошқа одам бўлганлиги учун, ким келганлиги ҳақда қизиқиш билдирмадим. Хоразмдаги яқинларимдан бири келган бўлса керак, деб ўйладим. Ҳатто, учрашувхонага кирганимда, свиданкачидан ҳам ким келганлигини сўрамадим. Свиданкачи хона номерини айтади.

Ёпиқ турган хона эшигини қоқдим. Ичкаридан жавоб бўлмагач, хона ичкарасига кирдим. Хонада ҳеч ким йўқ, аммо стол устидаги дастурхон турли туман ширинлиг у емаклар билан лик тўла. Хона чеккасида иккита катта сумкалар ҳам ҳар хил нарсалар билан тўлдирилган...

Янглишмадимми, дея даҳлизга чиқиб эшик номерини қайта текширдим. Шу хона. Свиданкачи шу номерни айтган.

Даҳлиздан юриб, телевизор турган фойега бордим. Бу ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Бу пайт учрашувхона навбатчиси (маҳкум) идиш товоқ кўтариб қайсидир хонага ўтиб кетаётган эди. Мен ундан (N) хонада ҳеч ким йўқлигини айтдим.

Учрашувхона навбатчиси:

– Кеннойи ошхонада, овқат тайёрлаётган бўлса керак, – деди у.

– Қайси кеннойи? – сўрадим мен.

– Э, ака, қайси кеннойи бўларди? Ўтган йили келган кеннойи да! Бошқа кеннойилар ҳам борми дейман да, ака?

Қайтиб хонага кирдим ва дастурхондаги нарсаларга кўз югуртирдим. Ҳақиқатан ҳам егулик ва ширинликлар “таниш”. Аёллар сумкаси ҳам “кеннойи”ники...

2005 йил 13 май куни кундузги соат 11 ларда Нина ошхонадан қайтаётганида, Андижонда қандайдир нохуш воқеа содир этилгани тўғрисида телевизорда кўрсатув кўрганини айтди.

Телевизорхонага бордим. У ерда фақат режимчи Аҳмад диванда чўққайиб олиб телевизор томоша қилиб ўтирибди. Телевизорда Каримов “Ҳизб ут таҳрир” партияси ва ундан ажраб чиққан акромийларни Андижондаги қирғинда айблаябди.

Мен режимчи Аҳмаддан “Андижонда нима бўлибди?” деб сўрадим.

– Боевиклар Андижон турмасига бостириб кириб, у ердагиларни озод қилишибди ва уларни қуроллантирибди. Сўнг улар Андижондаги Бобур майдонида йиғилган тинч аҳолини ўққа тутибди...

– Сиз шунинг гапига ишондингизми? – сўрадим Аҳмаддан.

Аҳмад ўрнидан турди да, телевизорда гапираётган Каримовга “Бор ей” дегандай қўл силтади ва менинг саволимга жавоб бермасдан, чиқиб кетди. Аҳмад борида телехонага киришга торгиниб, даҳлизда телевизор томоша қилиб турган биродар, унинг ўрнига келиб ўтирди.

Телевизорда оломонни ўққа тутган боевиклар эмас, тиш тирноғигача қуролланган ҳукумат армияси аскарлари, майдонда қатор қатор териб қўйилган, оқ матоларга ўралган жасадлар ва қонга беланган асфалтни ювиб юрган одамлар...

ГУМОН

14 май куни Нина билан хайрлашдик. Бу сафарги учрашувимиз қонхўр диктатор Ислом Каримов режимининг Андижон қатлиоми сабаб, иккимизда ҳам тушкун таъсирот қолдирди.

Бу воқеадан бир ой ўтиб, зона бошлиғи подполковник Бахтиёр Азизов мени ўз кабинетига чақиртирди.

Азизов:

– Сизни эртага Сангородга юбораяпмиз. Юқоридан чақиришяпти. Сабабини ўзингиз билсангиз керак?

– Йўқ, билмайман, нима сабаб экан? – сўрадим бошлиқдан.

Азизов:

– Сиз акромийлар билан алоқа қилган – қилмаганингизни айтиш учун, менимча. Айтишларича, Ақром Йўлдошев Сангороддан туриб Андижондаги кўзғолонни сотовой телефон орқали бошқариб турган эмиш. Сизда телефон йўқми? Бўлса, бу ерда қолдириб кетинг. У ердагилар билан умуман гаплашманг. Билиб бўлмайти буларни...

2005 йил, 15 – июн. Бу куни мени Сангородга этап қилишди. Сабабини билсам да, махсус бўлим (спецчасть) бошлиғидан қизиқдим:

– Ўртоқ бошлиқ, мен ҳеч кимга касалман деб шикоят қилмагандим, нега Сангородга юбораяпсизлар?

Махсус бўлим бошлиғи:

– Нега бўларди? Текширувдан ўтишингиз керак бўлгандир, шунинг учун чақирган бўлса керак да. Мен қаердан биламан нимага чақирганини?

16 – июн куни Сангородга келдик. Мени изоляторга олиб кирмасдан тўғри 3 – чи бўлимга, Ақром Йўлдошев даволанаётган корпусга олиб боришди ва шу корпусдаги палаталардан бирига жойлаштиришди.

Келган куним кечқурун ташқарига чиқиб, бир соатларча якка ўзим сайр қилдим ва ҳеч ким йўқ скамейкалардан бирига ўтирдим. Ёнимга бир ёш йигит келиб, ўзини андижонликман дея таништирди

ва ўтириб олди, ҳол аҳвол сўрашди. Менинг хоразмлик эканимни биларкан, “Хоразм тинчми?” дея сўради.

– Мени қаердан танийсиз? – сўрадим ундан.

– Бир мен эмас, ҳамма танийди сизни, ака! – дейди андижонлик йигит.

Кейин у ўзининг нима учун қамалгани, ким қамагани ва қандай қўлга тушгани, наша, героин ва бошқа наркотик моддаларнинг зарари, ўғирлик, зино, фоҳишалик ва бошқа бузуқликларнинг шариятга нақадар хилоф экани ҳақда узундан узок гапирди. Мен унинг “асо-сий мақсад”га ўтишини кута кута чарчаб энди ўрнимдан қўзғолганимда, у узок кутганим саволини ташлади:

– Ака, Ақром ака билан танишмисиз?

Мен қайта жойимга ўтирдим, “Ҳозир бу йигит хўжайинлари учун ахборот йиғишни бошласа керак”, деган хаёлда ўзимни гўё оламдан беҳабар одам тутиб савол бердим:

– Ким эди у Ақром акангиз? Хоразмликми у ҳам?

– Йўғ э, ака! Ақромийларни эшитганмисиз? Шуларнинг каттаси у киши. Ақром Йўлдошев. Ҳукуматдагиларнинг гапи билан айтганда, 13 май кунги Андижон қўзғолонини уюштирган одамни айтаяпман...

– Андижондаги қўзғолонни ўша Ақром Йўлдошев уюштирган эканми? Ундай бўлса, уни қамоққа олишгандир? Ёки отиб ташлашгандир?

– Э э ака, нималар деяпсиз? Ақром ака шу ерда, изоляторда ҳозир!

– Бу ерда нима қилади у? Суд бўлмади туриб бу ерга олиб келишибдими?

– Ака, олдин мени охиригача яхшилаб эшитинг: Ақром ака худди сизга ўхшаб 1999 йилдан буён қамоқда ўтирибди. Бир йилми, икки йилдан берими тубик (туберкулёз) деб шу зонага олиб келишган. Шундан буён бу ерда даволанаётганди. Қамалмасидан олдин у киши Андижонда катта ишбилармон бўлган. Унинг ёрдами билан жуда кўп тадбиркорлар қаддини тиклаб, Андижон халқига иш ўринлари яратиб берган. Бу нарса ҳукуматдагиларга ёқмаган ва тадбиркорларни ҳар хил баҳоналар билан қамай бошлашган. Шундан сўнг халқнинг ўзи норозилик билдириб майдонга йиғилган, Каримовни Андижонга келишини талаб қилишган. Ҳокимлик биноси олдидаги майдонда норози халқнинг сони кундан кунга орта борган...

– Кундан кунга йиғилганлар сони орта борган, деяпсиз. Митинг неча кун бўлган, ўзи?

– Митинг 9 ёки 10 май куни бошланган экан. Бошида ҳокимият биноси олдида фақат қамалган тадбиркорларнинг яқин қариндошлари плакатлар билан норозилик пикетлари уюштиришган. Кундан кунга пикетчиларни қўллаб қувватловчилар сони оша борган. Кейин ҳукуматдагилар Андижон турмасидаги “спектакл”ни ўйлаб чиқаришган.

– Қанақа спектакл? – сўрадим мен.

– Каримов ўзининг генералларига қандай йўл билан бўлмасин, митингчиларни “тинчитиш”ни буюрган. Бу буйруқдан сўнг ўша генераллар бир – бирлари билан маслаҳатлашиб, Андижон турмасини гўёки террористлар ишғол қилди деб, баҳонада митинг қатнашчиларини қириб ташлашни кўзлашган. Оқибатда, шундай ҳам бўлди. Андижон турмасидан озод этилганларнинг кўпчилиги ўзлари билмаган ҳолда “халоскорлар” ноғорасига ўйнаб беришган. “Халоскорлар” турмадан қутқарилганларга “холостой патронли” (ўқланмаган патронли) автоматлар тарқатишган.

– Демак, Андижон турмасидаги “қутқарув операцияси”ни Каримовнинг одамлари қилган экан да, шундайми?

– Худди шундай, Каримовнинг одамлари уюштирганига 100 фойиз аминман. Чунки, бир пайтлар, аниқ эсимда йўқ, Ислом Каримов: Бир миллион деганми, ўн миллион одамнинг деганми, хуллас, “шунингча одамнинг тинчилиги учун бир миллион одамни ўлдиришдан қайтмайман” деб ўз оғзи билан айтган. Албатта, ўшанда Каримов ўша миллионлаб одамларнинг тинчилигини эмас, биринчи навбатда ўзининг тинчилигини ўйлаб айтган.

– Сиз бу гапларни икир – чикиригача сўзлаб беришингизга қараганда, гўёки ўзингиз ўша митингда қатнашгандайсиз?

– Ака, мен Ақром ака билан анчадан бери танишман. У менга Каримов ва унинг вазиру шотирлари ҳақда кўп нарсаларни айтиб берганди. У айтмаган тақдирда ҳам мен ўзим Каримовнинг ўта кетган жирканч, пасткаш, мараз одам эканлигига фаҳмим етади. Мана қаранг да, ҳеч бир гуноҳсиз минглаб одамларни бошини еб, энди ҳамма айбни қамокда ўтирган бир бегуноҳ одамнинг бўйнига ағдаришмоқчи. Аслида, Ақром аканинг бу митингларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

– Миш мишларга қараганда, Ақром Йўлдошев қўл телефони орқа-

ли кўзғолонни бошқариб турган дейишади. Ростдан ҳам Ақромда қўл телефони бўлганмикан? – сўрайман андижонликдан.

– Тўғри, Ақром акани ёнида қўл телефони бўлган. Буни ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ. Лекин ўзингиз айтингиз чи ака, у ўша қўл телефони орқали қандай қилиб қамоқхонадан туриб, ҳали митинг у ёқда тура турсин, ҳатто кичик бир ўн кишилиқ мажлисни бошқариши мумкинмиди? Тўғри, Ақром ака митинг ташкилотчилари билан телефон орқали гаплашганини инкор қилмаган. Очиғини айтган, яъни, ўша ташкилотчиларга ҳамма муаммоларингизни тинч йўл билан ҳал қилинлар, деб маслаҳат қилган, турмага ҳужум уюштирганлар билан алоқа қилмасликлари ва қўлига қурол олмасликни маслаҳат берган...

– Сиз Ақромнинг бу гапларни айтганини қаердан биласиз? – сўрадим андижонликдан.

– Ака, кечирасиз, буни сизга айтолмайман, ўзингиз тушунасиз...

– Майли, тушундим сизни. Лекин, менга ишонмас экансиз, нега унда ҳамма сирларингизни гумон қилган одамингизга очиклаб ташляпсиз?

– Узр ака, бундай жойда ҳамма бир – биридан гумонда бўлар экан. Шунга кўникиб кетибмиз, ўзи. ГУМОН деган нарса зехниятга ёпишиб олса, ажратиб ташлаш қийин бўларкан. Товба қилдим, астафуриллоҳ!

– Ҳа, афсуски шундай. Айтиш мумкинки, ўзбек халқи ГУМОН уммонига чўкиб ғарқ бўлди ҳисоб. Бу “чўкиш” ҳам Ислон Каримов юритаётган сиёсат ҳосиласининг бир бўлаги. Тўғриси, мен ҳам сиздан гумон қилгандим. Шу сабаб, сиз билан яқиндан танишиш истаги йўқ эди. Энди, қарши бўлмасангиз, танишсак ҳам бўлади. Мени танишингизни айтдингиз. Навбат сизга.

Биз танишиб олдик. У йигитнинг илтимосига кўра, унинг ким эканлигини ҳеч кимга ошкор қилмасликка келишиб олдик.

Мабодо, бир кун келиб озодликка чиқсам ва китоб ёзиш насиб қилса, “андижонлик йигит” деб ёзсам, у ўзи ҳақда гап кетаётганини билиб, ғурурланиб юришини ҳам гапига илова қилиб қўйди...

Андижонлик йигит билан бошқа кўришмадик, чунки мени бор йўғи уч кундан сўнг яна Когонга этап қилишди. Бунга сабаб, оперлар томонидан ташланган қулоқларни “бехосдан” босиб олганим бўлди.

Андижонлик йигитга келсак, мен унинг илтимосини шу бугунгача бажариб келдим ва иншаллоҳ, бундан бу ёғига ҳам бажаражакман.

Салом сизга, андижонлик укам!

«ҲАРБИЙ УЧЕНИЯ»

19.06.2005 йил куни Когонга кириб келдик. Зековоз зона ташқарисида тўхтади. Одатда, зонага этап келганда, зековоз зона ичкарасига кириб тўхтар эди. Сабабини машинадан тушганимиздан кейин англадик.

Зона дарвозасига 30 метрча қолганда дарвоза йўлида баландлиги ярим метрлик уч тўртта бетон тўсиқлар йўлга кўндаланг қилиб қўйилибди. Зонанинг икки қаватли ташқи штаби томи устида автоматлар билан қуролланган уч тўртта аскар уёқ буёққа бориб келиб юришибди.

Зонага кирдик. ДПНК бошлиғи изолятор эшиги олдида мени тўхтатиб, “Сиз шу ерда қолинг” деди ва войсковойлардан бирига, “Бегожоновни бошлиқнинг олдига олиб бор, кутиб ўтирибди”, деди.

Бошлиқ хонага кирдим, бошлиқ билан ҳол аҳвол сўрашдим.

Азизов:

– Ҳеч қандай муаммо бўлмадимиз? – сўради у.

– Йўқ, ҳаммаси жойида, менимча, – жавоб бердим мен.

– Офицерлардан ҳеч ким қизиқмадимиз сиз билан?

– Йўқ, офицерларнинг ёлланган қозёллари қизиқишга ҳаракат қилиб кўришди. Улар “шундай” дейишса, мен “бундай” дедим. Хуллас, агентларнинг ҳафсаласини пир қилдим. Натижа чиқмагач, мени орқага қайтарворишди.

– Яқинда Тошкентдан режим бўйича комиссия келиши мумкин. Оёғингиздаги туфлини читозга алмаштиринг. Текширувга тўлиқ қамоқхона кийимида чиқинг...

Бошлиқ билан суҳбатдан сўнг баракка келдим ва биринчи бўлиб барегимиз “барига”²⁷си Абдураҳим акага дуч келдим. У билан са-

27 Барига (барыга) – зоналарда маҳкумлар билан олди сотди қилиб кун кечирувчи маҳкум. “Қора” зоналар баригаларга “братвалар” томонидан барча имкониятлар яратиб берилади. Жумладан, баригалар зона магазиндан хоҳлаган нарсани чекланмаган миқдорда сотиб олиб, маҳкумларга сотишга имконият яратилади. Шунингдек, зона ичидаги баригалар ташқаридан (свиданкадан) кирган буюмларни арзон нархда сотиб олишади ва қимматроқ боҳада сотиб “бойлик” орттиришади.

ломлашиб бўлиб, сўрадим:

– Абдурахим ака, ташқи штаб томида қуролланган аскарлар пайдо бўлиб қолибди, тинчликми?

– Ҳа, шундай, аскарлар ҳам пайдо бўлди, дарвозалар ҳам бетон билан тўсилди, ҳарбий учениялар ҳам бўлиб ўтди. Иш қилиб, тўрт – беш кундан буён тинчлик йўқ зонада.

– Учения дейсизми? Қачон бўлди учения?

– Кеча бўлиб ўтди. Зона ташқарисида бўлди. Спектакл! Шу ҳам учения бўлдими. Худди бизнинг ёшлигимиздаги “уруш уруш” ўйинимизга ўхшайди. Бурчакдаги вишкага ҳув анави очиқликдан (қўли билан зона ташқарисидаги очиқ майдонни кўрсатади) 10, 15 тага яқин “боевиклар” юриб келаётиб вишкада турган солдатни ўққа тутапти. Вишкада якка ўзи турган солдат эса, “боевикларга” қарата тариллатиб отаяпти. Короче, вишкадаги солдат “боевикларни” шест секундда қириб ташлади. Короче, мултфилм.

– Абдурахим ака, илк бор бундай учения ўтказилгандан кейин “мултфилм” бўлади да. Шунга ҳам асабингизни бузиб ўтирманг.

– Йўқ ахир, бир оддий ўзбек солдатига қарата ўнта боевик тўхтатмасдан тариллатиб отса ю биронта ўқ тегмаса?! Бу ҳам етмагандай, кулоғи тагидан пашша учиб ўтса ётиб оладиган солдатча ўқдан қўрқмай якка ўзи шунча боевикни ер тишлатса я! Ким ишонади бу эртакка?!..

Хуллас, бу хил спектакллар 2005 йил май ойида содир этилган Андижон қатлиомидан сўнг, нафақат қамоқхоналарида, балки, Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарларида ўтказиб туриладиган бўлди. Яъни, Ислом Каримов режими терроризм баҳонасида ўзбек халқининг қалбига узлуксиз равишда кўрқув солиб турди.

2008 йили Косонда пайтимда, ҳатто Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида ҳам терроризмга қарши шов шувли “учения” ўтказилганлиги тўғрисида ишончли манбадан эшитган эдим...

Когон зонасида бундай учениялар 2006 йилга қадар 5 – 6 марта ўтказилди. Зонанинг ташқи штаби томи устидаги солдат ва снайперлар ярим йил тўхтовсиз “террорчилар”ни кутиб яшашди, бироқ, улар (террорчилар) келавермагач, томда куёш ва иссиқ шамолдан кўмирдек қорайиб кетган шўрлик аскарларга “отбой” берилди шекилли, том тепасида кўринмайдиган бўлишди.

«ҚОРА ПЛАШ»

2005 йил Андижон воқеаларидан сўнг, ЖИЭББ (ГУИН) дан ҳар бир зонага жавобгар қилиб биттадан офицер қўйиладиган бўлди.

Бизнинг 62 чи зонага бир қора плаш кийган майор келди. Бу майор зонага келган куниёқ, ўзининг “қора иш”ини бошлаб юборди.

Биринчи навбатда, у, зонадаги барча маҳкумларни текширув ўтказиладиган майдон (плац)га йиғдирди.

Зонада 500 600 га яқин одам. Биринчи қилган иши – маҳкумлар оёқ кийимини текширишдан бошлади. Кимнинг оёғида қамоқхона берган читоз бўлмай, “волнячий ” туфли ёки ботинка бўлса, шу ернинг ўзида рўйхат туздирди, алоҳида гуруҳга ажратиб, бир жойга тўплади. Зонадаги ҳамма маҳкумлар сараланиб бўлгач, “волнячий” туфли, ботинкалалилар (200 киши атрофида) изолятор ҳудудидаги майдончага ҳайдалди ва уч қатор бўлиб сафланди.

Бу сафнинг ичида мен ҳам борман: оёғимда укам Жуманазар олиб келган “модний” туфли...

ГУИНдан келган қора плашли киши изолятор ҳудудидан чиқиб кетиш эшиги яқинига қўйилган стулга ўтириб олиб, сафдагиларни бир бир текширувдан ўтказяпти. Одамига қараб, яъни 159 бўлмаса 2-3 дубинка “оёғи товонига ур!” дея войсковойга буйруқ берар ва навбатдаги маҳкумнинг оёқ кийимини ечтириб, ёнидаги уюмга ташаттириб, сўрокни бошлар эди.

Қора плашдаги одамнинг олдига 159-чи модда билан қамалган маҳкум келиб қолса, “Манавининг товонига 10 та бер, манавинисига 15 та бер!” деб буюртма бериб ўтирибди.

Ҳамманинг кўз олдига товонига дубинка олаётганларнинг «оҳ воҳ»и миямга ханжар каби санчилар ва кўз илғамас бу туйғу бутун баданимда азобли бир оғриқ ҳосил қилар эди.

Хаёлимда вазирлик ертўласидаги, «Жаслик» зонасидаги чекканим азоб уқубатлар гавдаланади. “Ўша азоб уқубатларга қандай қилиб бардош бераолдим экан?” дея ўзимдан сўрайман.

Наватим яқинлашган сари, тобора кучайиб бораётган ваҳима бутун вужудимни қоплаб олди. Ўнг оёғим товони зиркираб оғрий бошлади...

- Фамилиянг? – сўради қора плашли.
- Бегжонов Муҳаммад Мадаминович, 1954 йилда...
- Статянг?
- 158, 159, 216, 242...
- Қайси оқим?...
- ЭРК партияси, – дейман мен.
- Қайси, қайси? Партия дейсанми? Компартия дедингми? – сўроқлайди плаш кийган нусха.

Оёғимдаги оғриқ тақа -тақ тўхтайди, икки дақиқа олдин бутун вужудим бўйлаб таркаган кўрқув ҳиссидан асар ҳам қолмайди. Аксинча, кўрқув ўрнини ғзаб боса бошлайди.

- Ўрток бошлиқ, нима, қулоғингиз оғирроқми? – дейман жаҳл билан.

Қора плашли ўтирган жойида менга бошдан оёқ разм солди ва ўрнидан туриб олдимга келди. Муштини тугди, кўзларимга тикилиб қараб турдиди да, бир оғиз гапирмасдан, бориб жойига ўтирди ва:

- Қайси партияданман дединг? – деб сўради.
- ЭРК партияси аъзоси бўлганман, – жавоб бердим мен.
- Қачон қамалгансан?
- 1999 йил март ойида.

Мендан олдин турганлар узоғи билан 2-3 дақиқада оладигани олиб чиқиб кетишяпти, мен билан эса, савол жавоб қилишдан тўхтамаяпти.

- Тошкентдаги портлашларда қатнашгансан, шундайми?
- Йўқ, ҳеч қандай портлашларда қатнашмаганман. Мени Украинадан олиб келишган.
- Портлатиб туриб Украинага қочганмидинг?, – сўрайди қора плаш.
- Тошкентда бўлмасам, қандай портлатаман? 1993 йил охирида Ўзбекистондан чиқиб кетганман.
- Значит, шу ёқдан буйруқ бериб тургансан-да анави Ақром Йўлдошевга ўхшаб. Танийсанми уни?
- Ҳеч қандай Ақромни танитайман, – дейман қора плашлига.
- Қанақасига танитайсан? Ўз маслакдошингни танитайсанми?
- Мен ҳеч кимнинг маслакдоши эмасман.
- Сен гапни чўзма! Маслакдошисан, танийсан, тушундингми?! – бақирди қора плашли ва ёнида турган войсковойга деди:
- Манавинга (мени кўрсатиб) йигирма дубинка бер оёғига, туф-

лиси зўр экан. Шундай ургин ки, қайтиб бунақа чиройли туфли киймайдиган бўлсин!

Войсковой қора плашлига қараб, унинг биз маҳкумларга ўтказаетган зулмидан норози бўлгандек, бошини чайқаб қўяди.

– Бу ёққа ташла самосвалингни (туфлини назарда тутиб), тезроқ қимирла! – ўшқирди қора плашли менга.

Зонадаги ҳамма офицер ва ҳарбийлар мени яхши таниганлиги сабабли, туфлимни ечиб, уюм устига қўйдим ва войсковойга имлаб қўйдим. Войсковой ҳам тушуниб, қора плашга сездирмай, бошини ирғаб қўйди.

Ялангоёқ ҳолда войсковой олдига келдим. Қора плашли мендан кейин турган маҳкумни сўроқ қила бошлайди. Бундан фойланган войсковой шивирлаб: “ёлғондан бўлса ҳам “вой вой”лаб туринг” туринг дейди менга. Унинг бу гапидан кулгим қистади.

Войсковой “Ўтир! Оёқларингни текис қилиб ўтир!” дея бақириб, ролга кирди ва оёқларимга санаб 20 та дубинка урган бўлди. Ўрнимдан тураётганимда, яна шивирлаб: “Оқсаб кетинг” деди.

Войсковойнинг “оқсоқланиб кетинг” деганига, изолятор эшигигача базўр етиб бордим ва эшикдан чиқибок, яхшилаб кулиб олдим.

Ялангоёқ ҳолда барак томон кетаётганимда, йўлда иккита войсковой дуч келди. Улардан бири:

– Ҳа, Бегжонов, изолятордан чиқаётганлар оқсаб, инграб келаётса, сиз оғзингизни қулоғингизгача чўзиб кулиб келяпсизми? Тушунмадим! – деди ҳазил қилиб.

Мен унга жавобан:

– Фалончига бориб айтинлар, “Бегжоновнинг оёгини синдирибсан, юролмасдан эмаклаб кетяпти” денлар, нима дер экан, – дедим...

Икки кун читозда юришимга тўғри келди.

ГУИНдан келган меҳмон кетганидан сўнг, режимчастга бордим ва ярим соат оёқ кийими уюмини титкилаб, ўзимнинг кадрдон туфлимга эришдим.

Меҳмон кетганидан сўнг, зонадагилар унга “чёрный плащ” деб лақаб қўйиб олишибди.

Нимага энди “қора плащ?”

Чунки, бу одамнинг исмини маҳкумлардан ҳеч бири билиб олишга улгурмабди.

Ҳар ойда бир марта келиб кетаверганидан сўнг, унга қўйилган лақаб янада оммалашди. Ҳатто, офицерлар ичида ҳам кўпчилиги бу майорни “қора плаш” дейиш удумга кирди.

Айтишларига қараганда, “қора плаш” шахсан Зокир Алматовнинг “чап оёғи” бўлган, яъни телпагини олиб кел деса, бошини ҳам телпакка қўшиб олиб келадиган хилидан бўлгани учун, вазирнинг шахсан ўзи уни нафақат Бухоро вилоятидаги зоналар, балки, Навоий вилоятидаги зоналарни ҳам тартибга солиш вазифасини топширган экан.

Янаям, Аллоҳ билади.

КОСОНГА ЭТАП

Йил бошида 62 зонада миш миш тарқалди: Қоровулбозор зонасининг ярми Когонга кўчар эмиш, шунинг учун бу ердагиларни бошқа зоналарга бўлиб ташлар эмиш. Очиқ сил касаллиги борлар Навоийдаги 36 чи зонага, юрагида ишқал борлари – Чирчиққа этап бўлар эмиш. Қолганлар Ўзбекистондаги бошқа зоналарга тарқатиб ташланар эмиш ва ҳ.к.

Бу миш миш апрел ойи бошларида ўз тасдиғини топа бошлади. Зонадаги ҳамма маҳкумларни катта рентгендан ўтказиш бошланди. Ой охирида эса, рентген натижалари тўла аниқланди ва ким қаерга этап қилиниши аниқланди. Биринчи этап май ойи бошида бўлди. Май ойи ўрталарида иккинчи этап кетди.

2006 йил 23 – май кунги этапга мени ҳам тортишди. Зона дарвозаси олдида Махсус бўлим ходимлари дело бўйича текширув ўтказди. Уч ой олдин Махсус бўлим бошлиғи ўзгариб, унинг ўрнини “менга биркитилган опер Ақром” эгаллаган эди.

Ақром менга кўзи тушиб, олдимга келди ва сўради:

– Бегжонов, қайси зонага кетаётганингизни биласизми?

– Қайси зонага? – сўрадим мен.

– Ўзингиз тахминингизни айтинг чи, қайси зонага деб ўйлайсиз?

– Тошкент зоналаридан бирига бўлса керак. Тахминим шу, – дедим мен.

– Ў ҳў, иштаҳангиз зўр ку, Бегжонов, – деди Ақром, тиржайиб.

– Майли, айтманг, шарт эмас қайси зонага эканлигини билишим. Борганда билаверамиз, – дедим мен.

– Эллик биринчи зонага кетяпсиз, Бегжонов! Яна хафа бўлиб юрманг, қайси зонагалигини айтмади деб.

– Қаерда у эллик биринчи зона? – сўрайман Ақромдан.

Ёнимда ўтирганлардан икки учтаси “Косонда” деб Ақромнинг ўрнига жавоб беришади.

– Косондаги зонани ёмон деб эшитган эдим, яхши сийлабсизлар ку мени, раҳмат Ақромбой! – дедим.

– Ҳозир Ўзбекистонда энг яхши зона Косон бўлади, Бегжонов! Ишонмасангиз, сўранг манавилардан, – дейди Ақром.

Ақромнинг гапини орқарокда ўтирган бири тасдиқлайди:

– Ақром ака тўғри айтди. Тўғри, авваллари ёмон бўлгани рост. Лекин, ҳозирги кунда ҳақиқатан ҳам яхши зона, – дейди маҳкум.

– Бегжонов, ҳали борганингизда раҳмат дейсиз бизга, – дейди Ақром.

– Ундай бўлса, ҳозир айтиб қўяман раҳматни, раҳмат сизларга, – дедим мен.

24.05.2006 йил куни эрталаб Тошкентга келиб тушдик.

26.05.2006 йил куни поездга ўтирдик ва 27.05.2006. куни Косон зонасига кириб келдик...

«КОСОН! КОСОН! КОСОНДА ЎЛИШИНГ ОСОН!»

(зона шиори)

27- май куни эрталаб соат 9 ларда зековоз Косон зонаси дарвозасидан ичкарига кирди ва биз 22 кишини машинадан пастга туширишди. Атрофимизни 20 30 тача ҳарбий ва мелиса ходимлари ўраб олишди.

Офицерлардан бири:

– Ҳамманг диққат билан эшит! Изолятор эшигигача 50 метр, изолятор худудида ҳам 20 метр! Ҳамманг ашқол дашқолингни қўлингга олиб икки дақиқа ичида изолятор ховлисида сафга тизилиб тури-

шларинг керак бўлади! Кимда ким бир сония кечикиб сафга турса, ўзидан ўпка қилсин, тушунтиролдимми?!

Этап билан келганлар сумкаларига ёпишади, офицернинг оғзига тикилиб, буйруғини кутади. Атрофимизни ўраб олган войсковойлар ҳам дубинкаларини шайлаб, старт берилишини интиқлик билан кутиб туришади. “Интиқлик билан” деганимнинг сабаби, ҳар ҳафта ёки икки ҳафтада бир марта ўтказиладиган бундай “тадбирлар”, яъни этап кутиб олиш, войсковойлар учун ҳузурбахш бир томоша!

Ниҳоят, офицернинг:

– Изолятор томон бегом марш! – деган буйруғи янграйди.

Йигирма иккита маҳкум ва яна шунча войсковой бирданига изолятор томон чопа бошлайдилар. Войсковойлар йўл бўйи маҳкумларни дубинкалари билан савалаб боришади. Маҳкумлар дубинкадан камроқ ейиши учун жон жаҳди билан чопишади. Икки уч дақиқа ичида маҳкумларнинг барчаси изолятор орқа томонидаги очик жойда саф тортиб, аскар каби қотиб турадилар. Икки уч дақиқа ичида маҳкумларнинг барчаси қора терга ботган, гўё улар етмиш метр эмас, етти чақирим наридан югуриб келгандек ҳарсиллашарди.

Войсковойлар бир жойга тўпланишиб олиб, қайси зекни қандай ургани ва “зек югураётиб, оғриқдан бир метрча баландга сакрагани”ни, “биттаси дубинкадан кўрқиб, самолёт каби учгани”ни бири бирларига гапириб, хондон отиб кулишар эдилар.

Биз ҳали нафасимизни ростлаб олишга улгурмай, КПП олдида бизни кутиб олишда қатнашган бошқа офицерлар ҳам изолятор ҳовлисига кириб келишди. ДПНК бошлиғи войсковойлардан: “Ҳаммаси вақтида стройга туришдими?” деб сўрайди. Улардан бири: “Ҳаммаси бир вақтда келишди, ўртоқ бошлик!” деб жавоб беради. ДПНК бошлиғи: “Яхши, ундай бўлса, спектаклни бошлаймиз!” дейди.

ДПНК бошлиғи, девқомат капитан: “Ким акромий бўлса, сафдан бир қадам олдинга марш!” дея бақиради.

Этапдагилардан тўртта маҳкум бир қадам олдинга чиқишади.

Капитан: – Сен бу ёққа кел! Деворга кўлларингни кўй, думбангни сиртга чиқар! – дейди новча йигитга.

Новча йигит девор ёнига келади ва ДПНК бошлиғи нимани буюрган бўлса, шуни қилади.

Капитан войсковойлардан бирининг дубинкасини олади ва де-

ворга қўлларини юқори қилиб турган новча йигитнинг думбасига зарб билан уради. Новча йигит “Вой вой!” деб бақириб юборади.

ДПНК бошлиғи: – Фамилиянг?

Новча йигит исм фамилиясини айтади.

Капитан унинг думбасига янада қаттиқроқ дубинка туширади.

Маҳкум янада қаттиқроқ “вой”лайди.

– Исмингни айт! – ҳайқиради капитан.

“Исмим фалончи” – жавоб беради новча йигит.

Капитан “акромий”нинг думбасига яна дубинка билан зарба беради. Бу сафар маҳкум бечора оғриқ азобидан ерга чўккалайди. Атрофимизни ўраб олган войсковой ва мелиса ходимлари хиринаглаб кулишади.

Бизнинг этапда келган яна учта “акромий” ҳам шундай жазоланадилар. Лекин, бу шўрлик биродарлар учун синов ҳали тугамаган эди.

Девкомат ДПНК бошлиғи тўртта “акромий”ни изолятор биниси деворига қаратиб қўяди ва уларга қарата:

– Ҳозир тўрталовинг ҳам қўлларингни осмонга чўзган ҳолда баландга сакраб, бир овозда “Косон! Косон! Косонда ўлишим осон!” деб бақирасанлар, тушунарлими?! – дейди ва “Бир икки, бошладик” дея бақиради.

Тўртта биродар “Косон, Косон, Косонда ўлиш осон” дея юқорига сакрашни бошлашади.

“Акромий”лардан кейин навбат бошқа 159 – модда билан қамалганларга келади. Улар ҳам қуруқ қолишмайди. Ҳар бир 159 – модда эгаси 8-9 дубинка “пайка” билан “сийланади”.

Навбат менга келганда, ДПНК бошлиғи: “Қайси оқимдансиз?” деб сўрайди. Мен “Эрк” партияси аъзоси бўлганлигимни, мухолифат газетасида ишлаганлигимни айтаман.

ДПНК бошлиғи ҳайрон қолган бўлиб:

– И е, ҳалигача тирикмисизлар?! “Бирлик”, “Эрк” деганлар давно қирилиб кетмаганмиди? Ҳай майли, буёқнинг (мени назарда тутиб) ёши катта экан, бундайлар билан катталаримиз (зона раҳбариятини назарда тутди) гаплашади. Бизлар кичик одамлармиз, – деб, мenden кейин турган маҳкумни сўроққа тута бошлайди.

Сўроқ ва қийноқлардан сўнг, шмон бошланади. Менинг сумкамни шмон қилган ёш офицер (лейтенант эди, менимча) ва ёши қирқларга

бориб қолган сержант менинг номимга чет давлатлар ҳуқуқ ҳимочилари ва журналистлардан келган бир тўп конвертларни кўриб, қизиқиш билан бир бир кўриб бошлайдилар.

Лейтенант хатларни титкилар экан, менга савол берди:

– Сиз ким бўлиб ишлагансиз кўчада?

– Газетада ишлаганман, – жавоб бердим мен.

– Газетада? Ёзувчи бўлганмисиз?

– Ёзувчи эмас, журналист бўлганман...

– Ўзбекистонда ишлаганмисиз журналист бўлиб?

– Ўзбекистонда ҳам, чет элда ҳам ишлаганман.

– Ўзбекистонда қамокқа олиндингизми?

– Йўқ, Украинада қамокқа олинганман.

– Яқинда қамалдингизми? – сўради лейтенант.

– Етти йилдан ошди. 1999 йил бошида қамалганман.

– Мана шу хат эгалари ҳаммаси танишингизми? Намунча кўп...

Лейтенантнинг шмончи ёрдамчиси – қария сержант гапга ара-лашади ва ёш офицерга ўзини билағон кўрсатиб, журналист билан ёзувчининг, ёзувчи билан шоирнинг фарқини тушунтира кетади:

– Журналист дегани любой давлатда, любой газета ва журналда ишлашга ҳаққи бор. Ёзувчи эса, ўзининг ёзганларини китоб қилиб чиқаради, унинг бошқа давлатларга бориб ишлашга ҳаққи йўқ. Шоир ҳам ўзининг шеърлар ва кўшиқларини ёзиб, китоб қилиб чиқаради. Менимча, шоирга ҳам чет элларга чиқиб шеърый китоблар чиқариш маън этилган. Тўғрими? – деб менга юзланади “билағон” сержант.

Мен бу “доно” харбийнинг “доно” фикрларини жавобсиз қолдирдим. Шунда у яна гапини давом этиб, офицерга ақл ўргатишда давом этди:

“Бу акамиз ҳам (мени назарда тутиб) чет эл газета журналларида ишлаб обрў топмоқчи бўлган, взятка (пора) олаётган пайти тапша босишган. Билмаган ки, чет эл бу – чет эл, Ўзбекистон эмас! Порахўрлик қилиб қўлга тушсанг, бизда кечиринишади, чет элда кечирмайди ҳеч кимни. Бутун дунёда биздақа бағри кенг халқ йўқ! Бутун дунёда бизнинг президентимиз Ислом ака Абдуғаниевич Каримов каби саховатли, меҳрибон президент йўқ. Мана, бизда, Самарқандда Жаҳонгир Маматов деган бир журналист бор эди бир пайтлар. Шу ҳам газетада журналист бўлиб ишларди. Любой бир магазинга

борадими, райпога борадими, хоҳлаган нарсасини бир тийин тўла-масдан олиб кетарди. Ҳеч ким ғинг демасди, деёлмасди ҳам. Ни-мага? Чунки, унинг қалами ўткир эди. Кимда ким “ғинг” деса, бир фельетонча ёзарди газетага, қарабсизки, юлғич магазинчининг иши пачава. Шунинг учун, яхшиси, ўғирланган молнинг ўндан бирини ўша фельетончи Жаҳонгирга бериб, ортиқча ташвишдан қутулганни афзал билишарди ўғриллар.”

– Пора билан қўлга тушганмисиз? – сўради мендан ёш лейтенант.

– Сержант акамиз айтишига қараганда, шундайга ўхшаяпти, – дедим кулиб.

Сержант ерда сочилиб ётган хатларни териб, сумкага ташлади ва ўрнидан туриб қаддини ростлади ва заҳарханда қилди:

– Сизни ҳеч ким “аниқ пора билан қўлга тушди”, демади. Бу менинг тахминим, холос...

Бугунги этап кутиб олиш маросими соат ўн иккида тугади. Изолятор биноси охирида “Карантин” учун ажратилган катта барак ка-мерага жойлашиб олдик.

Энди икки ҳафта шу барак камерада карантинда сақланамиз. Карантин даври ҳар бир зонада турли хил кечади. Масалан, Когонда карантин даври бошқа зоналардаги режим билан солиштирилганда, умуман енгил кечган эди. Косон зонаси карантин даври қандай кеч-шини эртадан бошлаб била бошлаймиз, иншааллоҳ!

КОСОНДА «КАРАНТИН»

28.05.2006. Эрталабки соат тўққизда карантиндаги барча маҳкум-ларни изолятор олдидаги йўлакка тўплашди ва завхоз “Бугун сизлар билан танишиш учун муассаса ходимлари келишади. Уларнинг саволларига аниқ ва тўлиқ жавоб беринглар, “не то” гап айтиб қовун тушириб қўйманглар”, дея огоҳлантирди.

Соат 10 ларда бирин кетин офицерлар киришни бошлашди. Ҳам-ма офицерлар биз маҳкумлар билан бир бир танишиб, суҳбатлашиб, карантин ҳудудини тарк этишди.

Соат 12 ларда пакана бўйли, бақалоқ, мўғул башара майор кириб келди. Карантин завхозининг рангги бўздек оқариб, “Сафлан, қатор-

ларни тўғирла, саломни “конкретно” берамиз!” дейишидан, бу бақалокнинг 51 чи зона катталаридан бири эканлигини тахмин қилдим.

Тахминим тўғри чиқди. Бақалок ҳаммамизни турнақатор қилиб оёқ устида ўтиртди, қўларимизни бўйнимизга қўйдирди ва “Ҳозир шу ҳолатда “гусиний шаг” билан дарвозагача борасанлар, орқага қайтишда ҳам “гусиний шаг” билан қайтасанлар! Ҳаммага тушунарлими? Завхоз! Команда бер!” дея бақирди у. Завхоз:

– Карантин! Гусиний шагом вперёд! – деб буйруқ берди.

Мен бир амаллаб дарвозагача бордим ва қайтишда ғоз юриш билан эмас, тик юриб қайтдим. “Бақалок ҳозир менга гапиради” деб ўйладим, лекин у менга гапирмади.

– Ҳамманг бир қатор бўлиб сафга тур! – бақирди бақалок.

Ҳамма бир қатор бўлиб сафланди.

Бақалок сафнинг бошидан бошлаб маҳкумлар билан бир бир гаплашиб, танишиб келяпти:

– Фамилиянг, исминг, статьянг?

Кимда 159 ёки 244 стат’я бўлса, уриб тепиб, келмоқда. Кимда сиёсий бўлмаган стат’я учраса, юмшоқлик билан панд насиҳат қилиб қўяди, масалан, ўғирлик қилиб қамалган бўлса, оталарча юмшоқ гапиради, яъни:

– Ундай қилма ахир, мана кўриб турибсан, ҳукуратимиз, шахсан президентимиз шу халқим яхши яшасин деб, ёниб куйиб ишлаяпти, ислохотлар ўтказяпти. Сизлар ҳам бу яхшиликларга муносиб жавоб қайтаришларинг керак, ўғирлик қилмасдан ҳалол меҳнат қилиб нонингни топишларинг керак...

Навбат менга келади.

Мўғил башара нақ бурним тагига келиб, менга бошдан оёқ назар солиб чиқади, қисик кўзлари билан еб қўйгудек бўлиб менга тикилади:

– Фамилия, имя, статья, туғилган йил, ой, кун...?

Мен орқароққа чекинаман, чунки бақалокнинг оғзидан ароқнинг бадбўй ҳиди уфуриб ётади. Ўзиям, ҳойнаҳой бир челақ ароқни смирған кўринади, баччағар.

Мен унинг биринчи саволига жавоб бериб улгурмай, у иккинчи саволини беради:

– И-и-и, ҳали сенмидинг, “гусиний шагингга қўйиб қўйганман” деб бемалол юриб келган? – деб, кутилмаганда қорнимга мушт туширди.

Мен тўсатдан келиб тушган мушт зарбидан букиламан, бақалок иккинчи марта, бу сафар кўкрагимга мушти билан уради. Учинчи марта тиззамга тепади, яна тепади.

Бақалок яна уришга шайланади. “Ўртоқ майор, балки тўхтатарсиз дўппослашни” дейман бақалокқа. Бу “маслаҳатим” бақалокқа ёқмайди. Мушти билан кўкрагимни мўлжалга олади ва қўлини сармайди. Менга томон йўналтирилган муштини муштим билан тўсаман. Бақалок ғазабга минади:

– И-и-и! Блок кўйдингми менга, а?! – бақиради бақалок.

Бақалок ҳаддидан ошиб кетаётган эди. Менда эса, сабр тугаб бўлди ва ҳамманинг олдида бақалокқа қарата:

– Майор, провокациянгни бас қил! – дедим ўшқириб.

Майор сергак тортди, орқасига ўгирилиб, “Завхоз, бу ёққа кел!” деб завхозни олдига чақирди. Карантин завхози бир зумда бақалокнинг олдида пайдо бўлди ва “Лаббай, бошлиқ?” деди, завхоз.

Бақалок:

– Эртага эрталаб соат 10:00 да шахсан ўзинг менинг кабинетимга олиб борасан буни! Сен эшитдинг а менга нима деганини?

– Худди шундай, ўртоқ бошлиқ, эшитдим сизга кўпол муомала қилганини! – деди завхоз эгилиб букилиб.

Бақалок менга:

– Сен эртагача яхшилаб дам олиб ол, эртага мен сенга “провокацияни” кўрсатиб кўяман, тушундингми? – деди у, мўғул кўзларини чақчайтириб.

Бақалок ғозга ўхшаб чайқалиб изолятор ҳудудидини тарк этди.

Мен баҳона, сафда мендан кейин турган маҳкумлар бу ароқхўрнинг зулмидан қутулиб қолишди.

Бақалок тамоман ғойиб бўлгандан сўнг завхоз ёнимга келди.

– Нималар қилиб кўйдингиз, ака? Ахир, бу одам зонанинг начальник опери ку! – деди у, куюниб.

– Нима қилибди начальник опер бўлса? Нима нотўғри иш қилибман мен? – сўрадим завхоздан.

– “Нима қилибман мен” эмиш. Гап қайтардингиз офицерга, мана нима қилгансиз! Энди, эртага конкретно гаплашади сиз билан.

– Бошга тушганни кўз кўради, дейишган. Пешонага ёзилганини кўрамиз, – дедим мен...

БОШ ОПЕР «ШОМА»

Эртасига, яъни **29.05.2006 йил** куни соат 10:00 да карантин завхози мени Косон зонасининг бош опери, “полковник” лақабли майор Шомурод Ражабовнинг кабинетига олиб келди. “Полковник” кабинети эшиги олдида яна иккита маҳкум навбат кутиб турарди. Карантин завхози улардан ичкарида одам бор йўқлигини сўради. Улардан бири: “Бор албатта, кўрмаяпсанми навбатда турганимизни?” – дея қўпол қилиб сўради.

Завхоз:

– Кеча бизга роппа роса соат 10:00 да кабинетимга келасанлар, деб қаттиқ тайинлаган эди, шунга...

Ҳали қўпол гапирган маҳкум завхознинг гапини бўлди:

– Нима демоқчисан ўзи, навбатсиз кирсам бўладими, деб сўрамоқчимисан? Дамингни ол! Бизга ҳам соат 10:00 да келасан деган. Гапни чўзма, биздан кейин кирасан, тамом вассалом! – дея яна қўпол дўқ қилди маҳкум.

Хуллас, карантин завхозининг “авторитети” навбатни четлаб бош опернинг олдида киришга фойдаси тегмади ва биз яна ярим соатча вақт опер эшиги олдида кутишимизга тўғри келди.

Ниҳоят, бизнинг навбат келди ва завхоз мени эшик олдида қолдириб, опер хонасига кириб кетди ва беш дақиқача вақт ўтиб, қайтиб чиқди, кирганимда ўзимни қандай тутишим кераклиги тўғрисида “инструкция” берди.

Эшикни тақиллатиб ичкарига кирдим ва эшик олдида туриб доклад қилдим. Бақалоқ ўтирган жойидан савол берди:

– Қайси диний оқим аъзоси бўлгансан?

– Диний оқим эмас, ЭРК партияси аъзоси бўлганман, – деб жавоб қайтардим.

– Эркми, бошқасими, ҳаммаси бир гўр! Ҳаммаси оқим, тушундингми?! – ўдағайлади майор.

У ўрнидан туриб ёнимга келди ва захарҳанда қилиб:

– Сен Муҳаммад Солиҳнинг укаси эмишсан, ким ўзи у, Муҳаммад Солиҳ?

– Муҳаммад Солиҳ – менинг туғишган акам.

Бақалок: – Сендан ака укалингни сўрамадим. Муҳаммад Солиҳ ким бўлибди ки, президентимиз шаънига тош отиб?

Мен: – Ўртоқ майор, сиз қаердан биласиз Муҳаммад Солиҳнинг президентга тош отганини?

Бақалок: – Сен менга савол беряпсанми? Тушунмадим. Сен эмас, мен бераман саволни, тушундингми? Сенинг вазифанг менинг саволларимга тўлиқ ва аниқ қилиб жавоб бериш! Тушундингми?!

Мен: – Тушундим, ўртоқ майор, сиз савол бераркансиз, мен тўлиқ жавоб берарканман.

Бақалок: – Ҳей, сен менга кесатиқ қилмай гапир, тушундингми?! Тўлиқ ва аниқ жавоб берасан менинг саволларимга, тушундингми?!

Мен: – Ундай бўлса, тушунмадим сизни, ўртоқ майор! Яна қандай тўлиқ ва аниқ жавоб беришим керак?

Бундай жавобни кутмаган майор шапалоқ уриш учун ўнг қўлини юзимга мўлжаллаб қаттиқ сармади. Мен бошимни пастга эгдим. Бақалокнинг зарбага мўлжаллаган ўнг қўли ҳеч қандай тўсиқсиз ўтиб кетди. Бақалок ўнг қўли инерциясидан мувозанатини йўқотди ва полга ағнади.

Бақалок ўрnidан туриб кийимини қоқди ва жойига бориб ўтирди. Унинг башараси уялганиданми ёки ғазабданми, кўкариб бўзариб кетган эди.

Жойига ўтириб олганидан сўнг ҳам рўмолчаси билан кийимини тозалаган бўлди, ўзича нималарнидир ғудранди. Бироз ўзига келиб олгач, деди:

– Менга сенлаб гапиргандай бўлдингми ё менга шундай туюлдими?

Мен: – Ўртоқ майор, сиз мендан ёш бўла туриб мени сенласингиз у, мен сизлашим керакмиди?

Бақалок: – Мен мелиса ходимиман, сен эса, маҳкумсан!

Мен: – Мелиса ходими одам, маҳкум марсликми?

Бақалок: – Мен учун сен жиноятчисан, мен сенинг тарбиячингман. Менинг вазифам сенга ўхшаган ватан хоинларини тарбиялаш, бўйин эгмаганларни жазо қўлаб тарбиялаш. Менга деса, сенинг ёшинг отам қатори бўлмайдими, барибир мен учун жиноятчи бўлиб қоласан.

Мен: – Ўртоқ майор, мабодо менинг ўрнимда отангиз бўлса, нима

қилган бўлардингиз? Униям тарбиялаган бўлармидингиз?

Бақалоқ: – Ҳей сен, нима деяпсан? Нега сен менинг отамга ёпишасан?!

Мен: – Отангизга ёпишганим йўқ, ўртоқ майор, ҳали “ёшинг отам қатори баўлсаям” деганингиз учун, мабодо отангизни ҳам “ватан хоини” деб айб қўйиб қамашса, уни ҳам жазолаган бўлармидингиз, деб сўрадим, холос.

Бақалоқ: – Менинг отам ўлиб кетган. Агарда тирик бўлиб шундай айб билан қамалганида...

Бақалоқ қизариб кетиб, нима дейишини билмай, гапни бошқа томонга бурди: “Сенинг фамилиянг Бегжоновидами?” сўради у. Мен “Ҳа, фамилиям Бегжонов”, деб жавоб бердим.

– Хў ўш, Бегжонов, карантиндан кейин сенга яна 15 сутка изолятор берамиз, розимисан?

– Нима сабаб менга 15 сутка изолятор бермоқчисиз? Мен қандай тартиббузарлик қилибман?

– И-е, Бегжонов, нима нарушениа қилибман, дейсанми? Кечаги куни мени ҳақорат қилганинг эсингдан чиқибди, шекилли? Сен унутган бўлсанг, унутгандирсан, лекин биз унутмаймиз! Энди бу ёғига ҳар уч ойда 15 суткадан изоляторда ўтириб чиқасан. Тартиббузарлик қилдинг қилмадинг, менга фарқи йўқ. Менга яна қандай саволинг бор?

– Савол йўқ. Ҳаммаси тушунарли. Кетишим мумкинми?

– Кетавер. Завхозингга айт, олдимга кирсин.

Даҳлизга чиқдим. Даҳлиз тўрида карантин завхози навбатчилардан бири гаплашиб турарди. Менинг кабинетдан чиққанимни кўриб, завхоз олдимга келди. Мен унга опер чақираётганини айтдим.

Орадан ўн дақиқача вақт ўтиб, завхоз юзи қизариб чиқиб келди ва менга “кетдик” деди.

Изолятор томон кетаётиб, завхоздан мўғулбашара опер ҳақда қизиқдим.

Завхознинг айтишича, майор Шомурод Ражабов Косон зонасидаги энг ҳақпарвар, адолатпарвар, қаттиққўл раҳбарларидан бири экан. Агар у бўлмаганда, 159 (сиёсий диний оқимдагилар) лар аллақачон зонани “дабдала”сини чиқарган бўларканлар. Яхшиямки, зекларнинг бахтига шу опер бор экан. Хуллас, бу зонада, ҳатто бутун

Қашқадарё зоналарида бу одамга етадигани йўқ экан. Ҳатто, ЖИ-ЭББ (ГУИН) дагилар ҳам Шомани қаттиққўллиги учун ёқтиришаркан. Зонадаги ҳамма 159 лар унинг қора рўйхатида тураркан. Шома ҳар куни ўша рўйхатига тушган маҳкумлардан беш олтиси билан “профилактик суҳбатлар” ўтказиб турар экан.

– Демак, мен ҳам Шоманинг қора рўйхатига тушибман да, шундайми? – сўрадим завхоздан.

– Йўғ е, сиз 159 эмассиз ку, сиз журналистлик қилиб қамалган бўлсангсиз, қандай қилиб рўйхатга тушасиз? Сизни киритмайдиган қора рўйхатига, хавотир олманг...

– Менда нафақат 159 чи модда, балки бошқа бир тўп сиёсий моддалар қалашиб ётибди, укам. Шома акангиз мени қора рўйхатига аллақачон киритиб қўйган.

Завхоз бир зумда тўнани ўзгартирди.

– Нега шу пайтгача менга айтмай юрдингиз 159 чи стат’я борлигини?

– Сен қизикмадинг, мен айтиб ўтирмадим, – жавоб бердим мен.

Шу ондан эътиборан карантин завхозини менга ёвқараш қила бошлади.

ЯНА МАДҲИЯБОЗЛИК

30.05.2006 йил. Карантиндаги учинчи кун.

Эрталаб 5:00 да уйқудан турдик. 5:30 зона ошхонасига нонуштага, 6:00 да яна изоляторга қайтиб келдик. Бир соат давомида изолятор худудини тозолаш билан машғул бўлдик. Тозалаш ишларидан сўнг, эрталабки текширувгача Ўзбекистон Республикаси мадҳиясини ёд олиб айтиб беришни машқ қилдик.

Ҳар галгидай, карантиндаги ҳамма маҳкум мадҳияни ёд олган бўлиб чиқди. Мен эса, етти йилдан бери шу гимн деган нарсани ҳеч ёд ололмапман, бундан буёғига ҳам ёд ололмасам керак. Чунки, менда ихлос ҳам йўқ, иштиёқ ҳам йўқ, аксинча, қандайдир бир жирканч ҳис бор бу ясама сўзларга нисбатан.

Бу ёзганларимни ўқиб, мени ватанни севмасликда айбламанглар. Мадҳияга нафрат – ватанга нафрат, дегани эмас. Шунингдек, мадҳи-

яни севмаслик – ватанни севмаслик ҳам эмас. Қолаверса, ўша мадҳия матнини ёзган шоирнинг ўзи ҳам ватанни менчалик севмаса керак.

Карантин завхози кечаги суҳбатимидан сўнг бирор бир нуқсон топиш илинжида мени кузататаётганини сезган эдим. Бугун у мендан шундай нуқсонни топди ва ҳозир ич ичидан хурсанд бўлаётгани аниқ.

– Бегжонов, шундай қилиб сиз гимнни айтишдан отказ қилдингизми? – сўрайди у мендан.

– Мен сенга гимнни айтмайман, демадим. Гимнни ёд ололмаяман, деб айтдим. Гимнни ёд билганимда, албатта айтган бўлардим.

– Ҳамма ёд олган, нимага сиз ёдламадингиз шу пайтгача? – сўрайди завхоз.

– Нимага ёдламадим? Чунки улар ҳали ёш, мияси меникига қараганда яхши ишлайди. Менинг миям қариган, хотирлаб қололмайди.

– Бегжонов, эртагача гимнни ёд олмасангиз, штабга оборишимга тўғри келади сизни, завхоз менга айтмаганди, деб юрманг.

– Қизиқ экансан, етти йилда ёд олмаган одам, бир кунда ёд оладими?

– Эртага соат ўн яримда штабга борамиз, шу ердагилардан сўрайсиз, “Давлат гимнини 7 йилда ёд олмаган одам, бир кунда ёд ололадими?”, деб...

31.05.2006 йил. Эрталабки соат ўн яримда карантин завхози мени штабга олиб келади. Мени даҳлизда қолдириб, Шоманинг кабинетига кириб кетади. Бир нечта дақиқа ўтиб, у ердан чиқади ва бошқа бир кабинетга кириб кетади. Бу кабинетда ҳам иши битмади шекилли, учинчи, тўртинчи кабинетларга бир бир кириб чиқади. Ҳеч бир менга қарши ўйлаган режаси амалга ошмагач, менга хомуш қараб: “Кетдик, ака, эртага келамиз энди, бугун оперларнинг ҳаммаси ўз ишлари билан банд экан”, дейди.

– Уларнинг гимн билан шуғуланмоқдан бошқа иши йўқ деб ўйлаганмидинг? Эртага ҳам мени бу ерга етаклаб келадиган бўлсанг, бугунгидан беш бадтар бўлиб қайтасан, ишонавер, чунки, ўша гимн ҳеч кимга кераги йўқ, бир тийинга арзимайдиган нарса...

Шу куни завхоз ва менинг ўртамизда мадҳия тўғрисида бўлиб ўтган суҳбатимиз охиригиси эди. Карантинда ҳам мадҳияга нисбатан эътибор пасайди...

МАХСУС ОПЕР

Июн оyi бошида тўрт кишини (мен ва учта ҳизбий) зонанинг диний ва сиёсий қарашлари сабаб (ДЭО) қамалганларни тафтиш қилувчи опер, капитан Аброр Пардаевнинг қабулига олиб боришади.

Одатда, ДЭОдаги маҳкумларни тафтиш қилиб борувчи опер ГУИН томонидан тайинланган бўлади ва улар фақат зона бошлиғига бўйсунушади. Шунинг учун ҳам бу вазифадаги опер, зонага янги этап келиши билан ДЭО га мансуб маҳкумлар рўйхатини тузади ва махсус бўлимдан уларнинг жиной ишидаги (ДЕЛО) хужжатлар билан танишиб чиқади. Бугун бизни чақирибди, демак, бизнинг ДЕЛО лар Пардаев томонидан тўлиқ ўрганилган. Бўлажак суҳбат ҳам ДЕЛО мизга мос равишда кечади.

Капитан Пардаевнинг иш жойи штабда эмас, барак ёнбошига алоҳида қурилган хонада эди.

Суҳбатга биринчи навбатда мени чақиришади. Кабинетга кириб, доклад қиламан. Капитан Пардаев ўтиришга таклиф қилади.

– Бегжонов, сизнинг делонгиз билан танишиб чикдим. Муҳаммад Солиҳ туғишган акангиз бўладими ёки...?

– Ҳа, туғишган акам бўлади, – жавоб бераман мен.

– Акангиз Муҳаммад Солиҳ сиздан неча ёш катта? – сўрайди капитан.

– Беш ёш фарқимиз бор.

– Оилада нечта фарзандсизлар?

– Оиламизда битта қиз, олтига ўғилмиз, – дейман мен.

– Ў хў, оилангиз катта бўлган экан, – дейди капитан Пардаев.

– Ҳа, худога шукр, оиламиз катта, – дея жавоб бераман мен.

– Делонгиздаги Бегжонов Рашид укангиз бўладими?

– Ҳа, Рашид ҳам укамлардан бири.

– Оилангизда нечта одам қамалган? – сўрайди капитан.

– 1999 йилда учтамыз қамалган эдик. 2003 йил Комилжон акам озодликка чикди. Ҳозир, Рашид иккимиз қамоқдамыз.

– Акангиз Муҳаммад Солиҳни ҳам қамалиб чикқан, деб эшитгандим, шу гап тўғрими? – сўрайди капитан.

– Ҳа, тўғри. 1992 йил кузида, менимча, ИИВ ертўласида ўтирган.

- Чет элда акангиздан бошқа, қариндош уруғларингиздан яна ким бор?
- Энг кичигимиз, Мақсуд Бекжон ҳам чет элда яшайди.
- Ака укаларингиз оиласини ҳам олиб кетишганми?
- Ҳа албатта, оиласини ҳам олиб кетишган.
- Сизнинг оилангиз чи, Хоразмдами? – сўрайди капитан.
- Менинг оилам ҳозир Америкада.
- Йўғ е, Америкада яшашадими? Қачон кетишган у ёққа?
- 2001 йилда чиқиб кетишган. Делода ёзилмаганми?
- Сиз делонгизни кўрдингизми, ўзи? – дейди капитан ва стол тортмаси ичидан қалин делони олиб, менга кўрсатади. – Шунча балони қачон ўқиб улгураман мен? Минг варақдан ошиб кетибди ўзи-ям, – дейди у.
- Ҳа энди, ДЕЛО ҳам қилган “жиноятларимиз”га яраша шундай семириб кетган, – деб кулиб жавоб бераман.
- Сизнинг Ўзбекистондаги уй жойларингизга тегишмадими, демокчиманки, мол мулкингиз конфискация қилинмадими?
- Нафақат меники, балки, акам Муҳаммад Солиҳники, укам Мақсуд Бекжон, акамнинг (М.С.) қизи Нигоранинг уй жойлари 1992 йилдаёқ ҳеч қандай судсиз сўроқсиз Илом Каримов ҳукумати томонидан тортиб олинди. Мусодара қилиндимас, ноқонуний равишда тортиб олинди. Қишлоқдаги (Хоразмдаги) ака укаларимиз ўзларининг иш жойларидан бўшатилади, ҳозиргача тазйиқ таъқиблар остида яшамоқдалар.
- Сиз четга чиқиб кетишингиздан аввал Тошкентда яшардингизми?
- Ҳа, Тошкентда 4 хонали привитизация қилинган уйимиз бор эди. Шу уйни ҳеч қандай судсиз сўроқсиз тортиб олишган. Эшитишимча, ҳозир у ерда мелиса ходими яшаётган эмиш.
- Бундай бўлиши мумкин эмас. Қандай қилиб приватизация қилинган уйни судсиз сўроқсиз олиб кўяди? – дейди капитан, менинг гапимга ишонқирамай.
- Ўртоқ капитан, афсуски, бизнинг Ўзбекистонимизда бундан да ғалатирок ишлар бўлиши мумкин экан. Мен сизга бор гапни айтдим, бўлиб ўтган воқеа ҳодисаларни ўзимдан тўқиб чиқармасдан айтиб бердим. Ишониш ишонмаслик, бу сизнинг ишингиз, ўртоқ капитан.
- Суд пайтида судяга айтишингиз керак эди шуни.
- Уй жойимиз 1993-94 йилларда тортиб олинган, орадан беш

йил ўтгандан сўнг, яъни 1999 йилда биз бутунлай бошқа нарсада айбланиб суд қилинаётган эдик, яъни бу судянинг 5 йил олдин тортиб олинган мол мулкимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Айтган тақдиримда ҳам ҳеч нарса ўзгармас эди. Чунки, бу ҳақда ИИВ да ўтирган пайтимда шу ерда ишлайдиган мулозимлардан бирига айтганман. У ҳам худди сиз каби, “Бўлиши мумкин эмас”, дейиш билангина чекланганди, холос.

– Сизни Украинадан ушлаб келтиришибди. У ерда ишлармидингиз бирон жойда? – сўради капитан Пардаев.

– Киевда кичик бизнес билан шуғулланардик, яъни биз Туркиядан товар келтириб, Киевдаги бозорда сотиб кун кечирардик.

– Кимларни назарда тутиб, “биз” дедингиз? – сўради капитан.

– Биз деганимда, ўзимнинг шерикларимни, яъни Юсуф Рўзимуродовни, Қобул Диёровни ва Неъмат Шариповларни назарда тутдим. Киевнинг Троешина микрорайонидаги катта бозорда ҳар биримизда товар сотиш нуқтаси бор эди.

– Делонгиздаги поделникларингизми?

– Худди шундай, “жиной шериклар”им. У бечоралар ҳам мен каби Тошкентдаги портлашларга алоқадорлигини билмай юришган экан, ИИВ подвалида яхшилаб эслатишиб қўйибди.

– Делонгиздаги тергов хулосаларида сиз газета чиқариб тарқатганликда айблангансиз, Тошкентдаги портлашларда эмас,– деди Пардаев.

– Ўзбекистон Республикаси бош прокурори Украина прокуратурасидан “Тошкентдаги портлашларда қатнашган террорчиларни қўлга олишда ёрдам бериш”ни сўраган. Дастлабки терговнинг асл мақсади ҳам бизни терроризмда айблашга қаратилган эди. Бунга ҳеч қандай асос топишолмади...

– Делонгизда “Ўзбекистонда таъқиқланган экстремистик руҳдаги “Эрк” ва “Форум” номли газеталарни чоп этиб, Ўзбекистон худудида тарқатган” дейилган...

– Тўғри, мен буни инкор этмайман, аммо биз газета чиқаришни 1995 йилда тўхтатганмиз. 1995 йилда Украинада чоп этилган газетанинг 1999 йилда Тошкентдаги портлашларга қандай алоқаси бўлиши мумкин?..

Капитан Пардаев менинг бу саволимни жавобсиз қолдиради. У

соатига қараб:

– Сизларга тушлик вақти бўлибди. Ҳали сиз билан суҳбат тугамади, эрта ё индин яна чақиртираман, – дейди ва мен билан бирга ташқарида кутиб турган учта биродар олдида турган завхозга:

– Буларни тушликдан сўнг олиб кел, – дейди.

Орадан 3-4 кун ўтиб, карантинга чопар келади ва завхозга “Пардаев Бегжонови суҳбатга чақиряпти”, дейди.

МАХСУС ОПЕР БИЛАН ИККИНЧИ СУҲБАТ

Бугунги суҳбатга фақат мени чақирибди.

Хонага кирганимда, Пардаев чой дамлаш билан овора бўлаётган экан. Доклад қилишга шайланаётганимни кўриб, “Бегжонови, кўйинг шу бўлмағур расмиятчиликни, келинг, ўтиринг”, дейди.

Капитан чойни дамлаб бўлиб, жойига келиб ўтиради, чойни икки-уч марта шопиради, бироз тиндириб, пиёлага куяди ва менга узоқтади. Бошқа бир пиёлага чой қуйиб, ўзи ҳам ича бошлайди.

– Бегжонови, мен суҳбатларимизни протокол қилмаяпман, ундай ниятим ҳам йўқ. Биринчи суҳбатимиздаёқ мен сизни қандай одамлигинизни билиб олдим. Шунинг учун, кейинги сафар келганингизда доклад қилиб ўтирмасдан, ўзбекчасига салом-алик қилиб ҳол-аҳвол сўрашганимиз яхши, деб ўйлайман, – дейди капитан.

Чойдан сўнг, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг пайдо бўлган турли диний оқимларнинг пайдо бўлганлиги ва уларнинг келиб чиқиш омиллари тўғрисида суҳбатлашдик.

– Бегжонови, сиз шу янги пайдо бўлган гуруҳлар, турли диний оқимларнинг келиб чиқиш сабабларини нимада деб ўйлайсиз? – сўрайди капитан.

– Ўртоқ капитан, бу саволга бир-икки жумла билан жавоб бериб бўлмайди.

Биринчидан, бир тоифа одамлар наздида, бу – гўёки ҳокимият томонидан халққа берилган эркинлик сабабчи эмиш. Агар бу назария дейсизми, фараз дейсизми, тўғри деб топиладиган бўлса, табиийки, халққа ўша эркинликни ким, қачон берибди, деган ҳаққоний савол туғилади. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, ўзбек халқига асрлар

давомида ҳеч ким ҳеч қандай эркинлик бергани йўқ, бугун эса, бу халқнинг Иттифоқ давридаги тазйиқ-таъқиблардан ҳам баттарроқ сиқувга олинганини инкор этиб бўлмайди. Бу дегани, “халққа берилган эркинлик сабабли” деган гап қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас.

Иккинчидан, баъзи гумроҳлар: “Ислом Каримов Ўзбекистонга мустақилликни олиб берибгина қолмай, ўлкамизда ислом дини ҳам ривожлантириш ниятида юртимиз эшикларни ланг очиб қўйди. Бундан фойдаланган чет эллик турли тоифа дин тарғиботчилари юртимизга кириб олиб, ҳарқайсиси ўзининг йўл-йўриғини диндан беҳабар ёшларимизни онгини заҳарладилар. Айнан шу сабаб ёшларимиз парча-парчаларга бўлиниб, юртимизда “ваҳобийлик”, “ҳизб-ут-таҳрир”, таблиғчи-ю “акромий” каби оқимлар пайдо бўлди”, дея айюҳаннос солишади. Авваламбор, Ўзбекистонга мустақилликни Ислом Каримов олиб бермади. Советлар парчаланиши оқибатида мустақилликка эришдик. Бу неъмат Яратганнинг иноятидир. Мустақиллик бозорда сотиладиган тарвуз эмас-ку, уни олиб берса, – дедим мен.

Капитан Пардаев “очиқиб” (хандон отиб) кулади.

– Бегжонов, қаердан топасиз-ей бундай тиканак гапларни?! – деб, ўзини қулишдан тўхтолмайди.

Мен ҳам унга қўшилиб куламан:

– Тўғри-да, қаерга қарама: “Мустақиллик асосчиси”, “Мустақиллик архитектори”, “Мустақиллик раҳнамоси”, “Мустақиллик инженери” ва яна алламбалолар.

– Бегжонов, гапнинг очиғи, мен мустақилликка қандай эришилганлиги тўғрисида анча-мунча нарсдан хабардорман. Бу тўғрида сиз ҳам фикр билдирсангиз, дегандим. Фикр билдиришга рози бўлсангиз, албатта.

– Қайси мавзуга тегишли фикр билдирай?

– Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

– Ўртоқ капитан, суҳбатимиз ғайритабиий тус олаётганга ўхшаб кетяпти менинг назаримда, яъни, мелиса ходими ва маҳкум ўртасидаги савол-жавоб журналист билан сиёсий шарҳловчи ўртасидаги суҳбатга менгзаяпти. Бунақаси ҳали яқин тарихда бўлмагани аниқ,

– деб, кулиб юбораман.

Капитан ҳам кулади. У шундай йўл тутиб менинг фикрларим билан танишиб чиқмоқчидир балки?

Билмадим.

Мен бор гапни айтиб келганман, бундан кейин ҳам айтаман...

Менинг бу қусурли феълимни билган бир укамиз²⁸ менга яхшилик қилиш ниятида, кўзларига ёш олиб, шундай деган эди: “Муҳаммад ака, сиздан илтимос, уларга (мелисаларга) Каримов ҳақда ҳеч нарса гапирманг. Улар ҳамма гапингизни юқорига оқизмай-томизмай етказишади, керак бўлса, ўзларидан ҳам кўшишади, кейин, “Нега мени қўйворишмаяпти” деб, йилларча ўтираверасиз”.

Укамизнинг мени қайғуриб айтган бу гапини эътиборга олганим ҳолда, унга тахминан қуйидагича:

“Укагинам, агарда жоҳилнинг жоҳиллигини мен айтмасам, сиз айтмасангиз, Холмат айтмаса, Тошмат айтмаса, ким айтади? Менга айнан шу керак, яъни менинг гапларим қонхўрга етиб бориши керак, токи у “муҳолифларимдан қутулдим” деб ўйламасин, ҳар жойда, ҳатто ётганида ҳам тинч ухлолмасин”, дея жавоб берган эдим.

Ҳозир, капитан билан суҳбатлашиб ўтириб, ўша укамиз ва Туркиядан Турғут Ўзтошқин деган акамизнинг менга қилган маслаҳатларини эсларканман, Каримовга бўлган мендаги нафрат бадтар қўзий бошлайди.

Капитан Пардаев билан суҳбатамиз давом этади.

– Ўртоқ капитан, 1990 йилнинг 20-июнида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси қабул қилинганидан хабардомисиз?– дея сўрайман капитандан.

– Албатта хабарим бор. Нега хабарим бўлмас экан? Бироқ, 1991

28 Мен бу китобда кўпчиликнинг исм-шарифини билатуриб, келтирмайман. Чунки, уларнинг кўпчилиги золим, қонхўр Ислоҳ Каримов ўлимидан кейин ҳам қамоқдан озод этилмади, яъни, ИАҚдан қолган тузум ҳали батамом ўз ҳукмронлигини даваом эттираяпти. Шунинг учун ҳам, бу китобнинг чоп этилиши шу бугунгача қамоқда сақланаётган маҳбусларга фойда ўрнига зарар келтирмасин, деган мақсадда уларнинг исм-шарифларини келтирмадим.

йил август оyi охирида иккинчи бор қабул қилинди. Шунни қандай изоҳлайсиз?

– Ўртоқ бошлиқ, нима учун бундай бўлганини ўзингиз билатуриб, нега мендан сўраяпсиз? Мен ҳам сиз билганингиздан ортиқ бирон-бир бошқа фикр билдиролмайман бунга.

– Ҳарқалай, сиз ўшанда менга қараганда сиёсий жараёнга яқин эдингиз, айтиш мумкинки, жараён ичида эдингиз, – дейди капитан.

– Ўртоқ капитан, агар сиз Ислом Каримов ҳақида мендан бирор яхши гап эшитишни кутаётган бўлсангиз, бекорга вақт сарфляяпсиз, – дейман мен.

Пардаев ўйга чўмади. Бироздан сўнг бошини кўтариб, менга қарайди ва:

– Бегжонов, мен сизга суҳбатимиз бошидаёқ айтганман, ҳозир ҳам айтаман: Мен сиз билан бўлган суҳбатни ҳужжат учун қилмадим. Суҳбатингизни фақат ўзим учун эшитдим. Сизда бошқа гапириш истаги йўқ экан, демак, суҳбатимизни шу ерда тўхтатамиз, – дейди ва чой дамлашга ҳозирлик кўра бошлайди.

– Мен кетишим мумкинми? – сўрайман капитандан.

– Карантиндан қачон чиқасизлар экан, айтишмадими? – сўрайди капитан.

– Икки-уч кундан сўнг чиқарса керак. Лекин мен яна 15 кун изоляторда қолсам керак, – деб жавоб бераман капитанга.

– Нима учун яна 15 кун изоляторда қоласиз?

– Началник опер Ражабов карантин тугаганидан кейин яна 15 кунга изолятор жазоси тайинлашини айтган эди.

– Нимага? Тартиббузарлик қилганмидингиз изоляторда? – сўради капитан.

– Этап билан келган кунимиз эртасига зона офицерлари билан танишиш тадбири ўтказилди. Шу кун Ражабов билан озгина тортишиб қолгандик. Сабаб шу, – дедим мен. – Сиз у билан гаплашсангиз бўлмайдими? – сўрадим Пардаевдан.

– Биз бир-биримизнинг ишимизга аралашолмаймиз. Гарчи у менинг бошлиғим бўлса ҳам, менинг ишимга арлашишга ҳаққи йўқ.

– Тушунарли. Демак, яна 15 кун изоляторда ўтиришимга тўғри келаркан, – деб, капитан билан хайрлашиб, ташқарида мени кутиб турган завхоз билан изолятор томонга йўл оламиз...

11.06.2006 йил. Мен билан бирга келган этапдагилар бугун отрядларга тарқатилди. Опер Шома ўз сўзи устидан чиқиб, менга 15 сутка изолятор жазоси тайинлади.

Яна ярим ой бир ўзим “одиночка”да ўтиришим керак бўлади. Эҳ, Шома, Шома! Сен ҳам «катта одам»сан-да!

Майли, “бошга тушганни кўз кўрар”.

Июн, 2018 йил. УРГАНЧ – ТОШКЕНТ.

**АҚАМ КОМИЛ ВА УҚАМ РАШИД БЕГЖОНЛАРНИНГ
ХОТИРАЛАРИ**

1999 йил ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ хотираларда

Акам КОМИЛ БЕКЖОННИНГ ХОТИРАЛАРИ

«...1999 йил 16 февралда Тошкентда содир этилган портлашлардан икки кун ўтиб, уйимга Хоразм вилояти ИИВ ходимлари бир тўда ОМОНчилар билан биргаликда бостириб киришди.

Уларнинг каттасидан:

– Ўртоқ майор, нима сабаб бўлиб уйимга тонг саҳарда (соат еттиларда) бостириб кирдинглар?– деб сўрадим.

Майор узоқ ўйлаб ўтирмасдан жавоб берди:

– Уйингизда террористлар яшириниб ётган экан, шунинг учун уйингизда тинтув ўтказишимиз керак.

– Сизда уйимни тинтув қилиш учун прокурор томонидан ордер берилганми?

– Албатта берилган. Мана ордер, – деб менга Урганч шаҳар прокурори номидан имзоланган ордерни кўрсатди.

Мен майордан:

– Ўзимизнинг туман прокурори ҳамда мелисаси билмаган нарсани Урганч шаҳри прокурори ва мелисаси қандай қилиб билибди экан? – деган саволимга, қизариб-бўзариб шундай жавоб берди:

– Комил ака, қўйинг шу кесатиқ гапларингизни. Устингиздан ёзилган шикоят хати уларнинг номига борган эмиш.

– Ўртоқ майор, аввал бизнинг туман мелисаси бошлиғи ёрдамчиси бўлиб ишлаган пайтингизда менинг умуман наркотик модда истеъмол қилмаслигимдан хабарингиз бор. Шунинг учун чўнтақларингизда “менга аталган” гиёҳванд модда ёки шунга ўхшаш ноқонуний нарсалар тинтув пайтида менинг уйимдан “топилиб” қолмасин, бу менинг сизлардан илтимосим, – дедим. – Сиздан яна бир илтимосим – манави ОМОНчиларга рухсат беринг, кетишсин. Кўриб турибсиз, уларнинг бу ерда қоровуллик қилишига ҳеч қандай ҳожат йўқ,– деб қўшимча қилдим.

Майор менинг илтимосимга йўқ демади ва ОМОНчиларнинг кетишига рухсат берди. Мен ҳам тинтувни бошлашларига розилик

билдирдим.

Икки соатлик тинтув натижалари қуйидагича бўлди:

- 4000 сўм ўзбек пули (ўзимга қайтариб берилди);
- Намоз ўқиш қоидалари битилган китобча (бир нусха);
- Ҳадислар тўплами (учта китоб);
- Укам Мақсуд Бекжоннинг “Умид таҳсили” (1988) ва “Мўътадил ранглар” (1988) ҳамда Истанбулда нашр этилган “Яшаш ҳуқуқи” (1998) китоблари.

Уйимдан топилган бу китоблар Тошкентдан келган МХХ ходими томонидан актга киритилиб, далил сифатида мусодара қилинди.

Тинтувчилар кетганидан сўнг стол устида турган машинанинг калити ҳам йўқолиб қолди. Уларнинг машина калитини қандай мақсадда олиб кетгани аниқ эди ва мен шу куниёқ Урганчга бориб, машина калити ва кулфини янгилатиб қайтдим.

Бу воқеадан икки кун ўтиб, уйимга фуқаро кийимидаги бир ёш йигит келди ва менга шуларни деди:

– Мен мелиса ходимиман. Исмим фалончи, сизни вилоят мелиса бошлиғи чақиряпти, ҳозир боришимиз шарт экан, илтимос юринг, – деб туриб олди.

Ўғлим Улуғбек:

– Ака²⁹, мен ҳам сиз билан бораман,– туриб олди. Мен унга:

– Йўқ, сен уйда қол, онангнинг ёнида бўл,– дедим.

Ташқарига чиққанимизда мен мелисадан: “Машинада келдингизми?” деб сўрадим. У менга:

– Йўқ, машинам бузилиб қолган эди, ремонтга топширгандим. Автобусда келишимга тўғри келди. Сизда машина бор-ку, барибир уйингизга қайтиб келасиз, машинангизда кетақолайлик,– деди.

Олдимга келган бу мелиса ходимининг нимага Урганчдан машинада эмас, автобусда келганлиги менда шубҳа уйғотди.

Урганчга кираверишдаги чорраҳада ЙПХ ходимлари бизнинг йўлимизни тўсишди ва мени машинадан тушириб, ҳужжатларимни текширишди. Менинг “йўловчим” машинада қолди. Ҳужжатларимни “текшириб” бўлган ЙПХ ходимлари ҳаммаси жойидалигини айтиб, кетишга рухсат берди.

29 Хоразмнинг айрим жойларида “дада”ни “ака”; “бобо”ни “бува” ёки “ота” дейишади.

Машинамни ўт олдириб энди юргизай деганимда, қора рангдаги “Жигули” олдимни тўсди ва ундан уч-тўртта фуқаро кийимидаги одамлар тушиб, “Машинадан тушинг, биз машинангизни текшира-миз. Бизга келган маълумотларга қараганда, машинангизда ўқ-дори бор экан”, дейишди.

Тинтув пайтида машинамдан 105 грам қора дори, ишлатишга яроқсиз (занг босиб кетган) 12 калибрли қирқма қўшотар милтиқ, икки дона 16 калибрли ўқ “топишди”. Бу бефаросат “шерлок холм-слар” 12 калибрли милтиққа 16 калибрли ўқ тўғри келмаслиги ҳақида ҳам ўйлаб кўришмабди.

Табийки, машинамда келган мелиса ҳам ўзига топширилган ва-зифани қойиллатиб бажардим, дея ўйлаб, изсиз ғойиб бўлибди.

Тинтув катта кўчаларнинг кесишган жойида ўтказилганлиги учун, атрофимизга 100 га яқин одам йиғилди. Одамлар бу “халқ посбон-лари”га қарата бақира кетишди: “Ноинсофлар!”, “Халқ посбонлари эмиш!”, “Сенларни ўзларингни қамаш керак!”, “Сенларни ҳам она тукқанми?!”, “Мен кўрдим: ўзлари ташлашди, вой ҳаромилар!!” ва ҳ.к.

Бу ғала-ғовурдан шошиб қолган мелисалар қўлимга кишан со-либ, мени ўзлари келган машиналарнинг бирига тиқишди ва шаҳар мелиса бошқармасига олиб кетишди. Бошқармада машинамдан “то-пилган нарсалар” хужжатлаштирилди ва ўзларича менинг “террорист” лигимга қонуний тус беришган бўлишди.

Учинчи куни жиноий иш қўзғамоқчи бўлганлар санкция олиш учун мени Урганч шаҳар прокурори олдига олиб боришди. Проку-рор мендан жиноят қидирув бўлимидагилар кўрсатаётган айбларни тан олиш-олмаслигим тўғрисида сўради. “Тан оладиган ҳеч қандай айб иш қилганим йўқ”, дедим.

Шунда прокурор:

– Машинангиздан топилган милтиқ ва қора дори-чи? – деб сўради.

Мен:

– Милтиқ ҳам, қора дори ҳам мелисаларники. Иккисига ҳам ме-нинг ҳеч қандай алоқам йўқ, – дедим.

Шундан сўнг прокурор мени “ушлаб” келганларга: “Бу кишини қўйиб юборинглар, айбини тасдиқловчи биронта ҳам аниқ далил йўқ”, деди.

Прокурорнинг бу гапларидан сўнг, “уддабурон оперлар” мени

қўйиб юборишга мажбур бўлишди.

Орадан бир ярим ой вақт ўтиб, олдимга Янгибозор туман Жиноят кидирув бўлими бошлиғи ва Башкиршийх қишлоғи фуқаролар йиғини раиси келиб: “Сизни Янгибозор туман мелиса бошлиғи чақиряпти”, деди. Мен уларга “Ҳеч қаерга бормайман, чиқинглар уйдан,” деб ҳайдаб юбордим.

Улар кетганидан бир соатдан сўнг колхоз раиси Мурод Юсупов келиб:

– Комил ака, юринг бориб келайлик. Сизни ўзим уйингизга ташлаб кетаман,— деди.

Муроднинг бу гапига ишониб, унинг машинасига ўтирдим. Янгибозор туман мелиса бошқармасига келдик. Мурод туман мелиса бошлиғи билан иккинчи қаватга чиқиб кетишди.

Бу пайт мени биринчи қаватдаги бир хонада тунги соат ўн иккиларгача ушлаб ўтиришди. Соат роппа-роса ўн иккида мелиса бошқармаси биноси орқасида кутиб турган енгил машинага ўтқозишди ва Урганч томон ҳайдади.

Мелиса идораси олдида ўғлим Улуғбек ва қудамиз Зариф ака турганини кўрдим. Машина ойнасида бошимни чиқариб:

– Улуғбек! Мени Урганчга олиб кетишяпти! – деб қичқирдим.

Зариф ака Улуғбек машинани тўсмоқчи бўлиб олдига чиқишди. Лекин машина бирданига Шовотга кетадиган йўлга бурилди. Зариф ака Улуғбекда “Тўхтат! Тўхтат машинангни!” дея бақаришдан бошқа чораси қолмаганди.

Бу сафар мени Шовот тумани орқали Урганч туман мелиса идорасига олиб боришди. У ерда намозхонларни қаттиқ қийноққа солишаётгани гувоҳи бўлдим. Шу ерда ишлайдиган ходимлардан бири бошимга пистолет тираб:

– Буларни бир қўймай отиб ташлаш керак! – деди.

Тошкентдан келган одам (МХХ ходими бўлса керак) ментга: “Чик ташқарига!” деди. Бошимга пистолет тираган “герой” бир зумда ғойиб бўлди.

Тошкентдан келган одам:

– Эртагача акангиз қаерда, нима иш қилгансизлар, акангиз билан қачон охириги марта гаплашгансиз, ҳамма-ҳаммасини ўйлаб қўйинг, – деди ва чиқиб кетди.

Эртасига эрталаб ҳаммамизни зековозда Урганч турмасига олиб келди.

Менга қўйилган айблар ўша-ўша – милтиқ ва қора дори...

Урганч турмасида 4 ойдан ошиқроқ вақт ушлашди. У ерда аёвсиз қийноқларга солишди, лекин ҳеч нарсага эришолмадилар. Менга қўйилган айбларнинг барчасини рад этдим. Лекин бу ҳаракатларим зое кетди.

Маҳкамадан сўнг Тошкент қамоқхонасига жўнатишди. Тоштурмада 7 кун бўлиб, Зангиотадаги 65-чи қамоқхонага этап қилишди.

1999 йил июл оий бошида Зангиотадаги УЯ 64/65-чи зонага, аниқроғи, шу зонанинг “изолятор”га ташлашди.

Этап билан 20 киши келдик. Машинадан тушишимиз билан бизни бир қатор қилиб сафга турғазилди ва қип-яланғоч қилиб “шмон” қилишди. “Шмон”дан сўнг изолятор атрофини беш марта айланасизлар дейишди.

Изолятор биноси атрофини 70 нафар войсковой бир қатор бўлиб ёйилиб ўраб олган. Маҳбуслар дубинка ушлаб олган войсковойлар олдидан чопиб ўтишлари керак бўлади. Кимнингдир бир, кимнингдир икки, уч айланиб келиб келишга қурби етади.

“Ломка”дан сўнг йигирма кишидан олтитасини санчастрга олиб кетишди. Ўн тўрт кишини иккига бўлиб, камераларга тарқатишди.

Бизни (етти кишини) 11-чи камерага ташлашди. Икки соат ўтиб, санчастрдаги учтаси келиб, камерадагилар сони ўнтага етди..

Бу “анклав” зона янги қурилган бўлиб, уч қаватдан иборат ва 150-200 одамга мўлжалланган. Зонани “Жаслик зонаси учун тайёрлов пункти” ҳам дейишади.

Бу ерда фақат диний эътиқоди учун қамалганлар ва сиёсийлар сақланади.

11-чи камера 6 кишига мўлжалланган, эни тўрт, бўйи олти метрча келади. Камерага кирганда ўнг томонда учта шконка (уч қаватдан иборат), тўғрида уч шконка жойлашган. Тўрт киши полда ётади.

Бу қамоқхона режимининг қисқача тафсилоти қуйидагича:

1. 05:00: - Уйқудан уйғониш.
2. 05:00 – 05:10: - Ювиниш.
3. 05:10 – 05:20; - Жисмоний тарбия машқлари (камера ичида).
4. 05:20 – 06:00; - Эрталабки нонушта.

5. 06:00 – 07:00; - Ўзбекистон гимнини айтиш.
6. 07:00 – 12:00; - Барча камера маҳкумлари навбатма-навбат “филтр”дан ўтказилади, яъни ҳар куни шу пайтда калтакланади, қийноққа солинади.
7. 12:00 – 14:00; - Тушлик.
8. 14:00 – 15:00; - Ўзбекистон гимнини айтиш.
9. 14:00 – 18:00; - Тартиббузар маҳкумлар учун “тарбиявий” тадбир, яъни калтак, қийноққа солишлар...
10. 18:00 – 18:30; - Кечки овқат.
11. 21:00 да уйқуга ётиш.

Бу зонадаги қийноқ турлари Жасликдагидан деярли фарқ қилмаса керак, деб ўйлайман. Бундай деб ўйлашимнинг сабаби – Урганч турмасида ўтирганимизда Жасликдаги дурум тўғрисида хабарлар олиб турардик.

2000 йил январ ойида бир сержант билан келишиб, Тошкентда яшайдиган қизимга “мулка” (хат) бериб юбордим. Бир кун ўтиб, сержант менга жавоб хати келтирди ва уч кундан ўтиб икки соатлик учрашувга кирдим.

Уйдагиларнинг айтишига қараганда, улар мени олти ой мобайнида зонама-зона юриб қидиришган, лекин ҳеч қаердан топиша олмаган экан.

Тоштурмадагилар “ЖИЭББ³⁰дагилар билади” дейишган, ЖИЭББдагилар эса, “Биз билмаймиз, зоналарни қидириб кўринглар” деб “ақлли” маслаҳат берибди.

2000 йил 15 июн.

2000 йил май ойи охирларида бу ерда Жаслик зонаси режими, яъни “положения”лар ва қийноқ турлари қўлланила бошлади. Ўзи шундоғам қийноқ усуллари Жаслик колониясидан қолишмас эди.

Сўнгги пайтларда бу ерда ҳам ўзбек бўлмаган офицер ва ҳарбийлар кўпайиб қолган эди...

Яна 17 кундан сўнг бу ерда ўтирганимга роппа-роса бир йил тўлади. Шу бир йил давомида 11-чи камерадагилар бир парча куёш ну-

рига ташна бўлиб яшардик. Шунинг учун ҳам камерамиздаги “бан-зайка” билан тўсилган деразанинг тепа бурчагидан 10-15 дақиқа давомида бир парча қуёш нури камерамиз бўйлаб сузиб ўтганида, ҳаммамиз навбатма-навбат юз-кўзимизни ўша нурга бир “чайиб” олардик. Ёз ойларида қуёш нурунинг камерамиз бўйлаб сузиб ўтиш вақти эрталабки соат 8-9 лар оралиғида бўларди.

Ҳар кунгидек, бугун ҳам қуёш нуридан баҳра олиб тугатганимизда, 1-чи камера деразаси олдига зековоз келиб тўхтади.

Одатда, зековоз 15-20 кишидан ташкил топган этап билан зонага киради. Этапни 30-40 та ҳарбий кутиб олади ва “тирик коридор”дан ўтказишади. Бу сафар эса, зековоздан фақат бир кишининг тушгани эшитилди. Кутиб оливчиларнинг ҳам овози эшитилмади. Бу дегани – зонага “**МАХСУС ЭТАП**” (СПЕЦ ЭТАП) келди, деганидир.

Бугунги махсус этапда келган маҳбусни бизнинг камера эшиги олдида олиб кетаётганида, менга жуда таниш бўлган “йўтал” овози эшитилди. Бу “йўтал” менга укам Муҳаммад Бекжонни эслатди.

Биз ҳали мактабда ўқиб юрган пайтимизда Муҳаммад онда-сонда бир марта шундай йўталиб кўяр эди. Орадан шунча йиллар ўтган бўлса ҳам, бу одат– бир марта йўталиб кўйиш одати қолмаган эди. Мен камерадолшларга дедим:

– Укам Муҳаммад эсимга тушди. Этап билан келган кишининг йўталиши укам Муҳаммаднинг йўталишига роса ўхшар экан.

Камерадагилар 1-чи камерага “қўнғироқ”³¹ қилиб этапда ким келганлигини билиб олишни айтишди. Шунда йигитлардан бири: “Ҳозир навбатчи войсковойлар алмашади, “обход”³²дан кейин “қўнғироқ” қилиш керак”, деди.

“Обход”дан кейин ярим соатча вақт ўтиб, камера эшиги очилди ва дубак мени ёнига чақириб ҳол-аҳвол сўради. Мен унга “Раҳмат, яхшиман” деб қисқа жавоб қилдим. Дубак:

– Бегжонов, оилангиздан бир ўзингиз қамалганмисиз?– деб сўради.

31 “Қўнғироқ”– иситиш ёки ҳаво алмаштириш каналлари (ветилиция) орқали алоқа қилиш. Ёз фаслида иситиш трубаларида сув бўлмайди ва камера рақами уч бўлса, труба уч марта чертилади. Учинчи камерадаги алоқачи ҳаво алмашлаш канали орқали бошқа камерадагилар билан бемалол гаплаша олади.

32 “Обход”– навбатчиликни қабул қилувчилар камералардаги маҳбусларни санокдан ўқизишади ва арз-шикоятларни қайд қилади.

– Йўқ, бир ўзим эмас. Оиладан уч киши қамалганмиз. Нима эди, командир?– дедим мен.

Дубак:

– Йўқ-йўқ, ўзим шундай, сўраб қўяй дегандим,– деб эшикни ёпди.

Энди менда “йўтал”нинг эгаси укам эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмаган эди.

Тушликдан олдин эски таниш, яқинларимга бу ердалигимни хабар қилган сержант келди ва укам ҳам бу ерга келганлигини айтди.

Мен сержантдан укам билан учраштиришини илтимос қилдим. Ширин сўз ва дуо эвазига эмас, албатта.

Тушликдан кейин бизни учраштиришга ҳаракат қилиб кўришини билдирди.

Ҳақиқатан ҳам, тушликдан кейин сержант келиб мени камерадан чиқарди ва “Аляска”³³ эшиги олдига олиб борди. Сержант менга:

– Комил бобо, фақат тез кўришасиз, соғлигини биласиз ва орқага қайтамиз. Ҳозир бу ердагиларнинг ҳаммаси обедга кетди. Бизнинг бу ерда бўлганлигимизни ҳеч ким билмаслиги керак. Шунинг учун ҳозирча фақат кормушка орқали кўришасизлар. Агар шунга кўнсангиз, кормушкани очаман. “Йўқ, эшик-пешик” деб гапни чўзадиган бўлсангиз, ҳозирок камерангизга қайтараман. Келишдикми?”, деди.

Сержант эшик дарчасини очди. Дарчадан камера ичкарасига қарадим. Муҳаммад менга тикилиб қараб турарди. Мен:

– Муҳаммад, яхшимисан? Бу ёққа кел, саломлашмайсанми?– дедим.

Муҳаммад ўзига келиб, дарча олдига келди ва:

– Ака, саломайлайкум! Сиз ҳам шу ердамисиз?– деди.

Мен укамдан “Оёғинга нима бўлди, оқсаб юрибсан?” деб сўрадим. У ўнг оёғи синганлигини айтди. Жаслиқ ҳақида сўраганимда, “Ёмон зона” деб қўяқолди.

Сержант:

– Комил бобо, тезлаштинг! Биров билиб қолса тамом,– дея қистовга ола бошлади.

Мен Муҳаммаддан нима кераклигини сўрадим. У “Чекишга сигарет бўлса яхши бўларди”, деди. Сержантга сигаретингиз бўлса икки-учта беринг, дедим. Сержант сигарет беришга қўрқди: “Ҳидини

33 “Аляска”– 6-чи камерага қўйилган ном. Маҳбуслар ҳар бир камерага ном қўйишган. 12-чи камера- “Тошкент”, 9-чи камера- “Самара” ва ҳ.к.

бирова сезиб қолади”, деди. Унда нос беринг, дедим. Сержант: “Ҳеч кимга билдирмай чексин”, деб икки чекишга нос берди.

Укам билан хайрлашар эканман, унга:

– Бу киши эртага кечки сменага келади. Тиш чўтка-паста, сочикларинг борми?– деб сўрадим. У ҳеч нарсаси йўқлигини айтди.

– Эртага кечқурун обкеламан,– дедим ва укам билан эртагача хайрлашдик.

Лекин биз эртасига учраша олмадик. Учрашувимиз белгиланган кун эрта тонгда бир ўзимни Тоштурмага этап қилишди. Турмада уч кун бўлиб, Навоийдаги 29-чи зонага юборишди. Навоийдаги зонада бир ярим йилча вақт бўлдим.

2001 йил охирида мени Қашқадарё вилоятидаги 61-чи зонага этап қилишди. Бу зона Навоийдаги зоналарга қараганда ҳар томонлама яхши эди.

2003 йилнинг 12 феввалида шу зонадан озодликка чиқдим...»

Укам РАШИД БЕКЖОННИНГ ХОТИРАЛАРИ

«Мен **1999 йил 16 феврал** куни Тошкентга кўзимни даволатиш учун чиққан эдим. Мен ўтирган автобус эрталаб соат 8:00 да йўлга чиқди. Қўлимда “Чинобод” санаториясига йўлланма. Санаториядаги даволаш курси 18 феврал куни бошланиши керак.

Акам Комил Бекжоннинг ҳам йўлланмаси 18 феврал кунидан бошланиши керак эди. Шунинг учун ҳам Комилжон акам менга олдинроқ бориб жой банд қилиб қўйишни тайинлаган эди.

Биз автобусда телевизор томоша қилиб кетаётган эдик, тўсатдан автобусимиз телевизор кўрсатмай қўйди ва орадан икки дақиқа ўтиб, қайта кўрсата бошлади.

Энди томоша қилиб кетаётганимиз филм ўрнига экранда Ислом Каримов, Зокир Алматов ва бошқа одамларнинг бир жойга йиғилиб туришганини кўрсатиб қолди.

Телевизорда Ички ишлар вазири Зокир Алматов Тошкентнинг бир неча жойида портлашлар содир этилгани ҳақда гапириб, бир ой ичида бу жиноятни уюштирганларни таг-томири билан йўқ қилишни гапирарди.

Буни кўрган одамларни ваҳима босиб, баъзилари автобусдан тушиб, орқасига қайтишди.

Биз тонгга яқин Тошкентга кириб бордик. У ерда ҳеч қандай ваҳимали ҳолатни сезмадик, одамлар ўз ташвишлари билан банд эканлигини кўрдик.

Мен такси ушлаб жияним Нигоранинг уйига бордим. Улар оиласи билан Тошҳовузга тўйга кетишган экан. Уйининг калитини кўшнисига ташлаб кетибди.

Ундан калитни олиб ичкарига кирдим ва Комилжон акамга кўнғироқ қилдим. Гўшакни янгам кўтарди ва Комилжон акамни мелисалар Урганчга олиб кетишганини айтди. Кўнглим безовта бўлиб, деразадан ташқарига қарадим. Бундан ўн дақиқа олдин келганимда уйнинг олди бўм-бўш эди, ҳозир эса уч-тўртта ойнаси қорайтирилган енгил машиналар пайдо бўлиб қолибди.

Орадан икки соат ўтиб, акамни кига яна кўнғироқ қилишга тушдим, лекин телефон ўчирилган эди.

Бир ҳафта уйдан чиқмай ўтирдим ва ахийри Хоразмга қайтишга қарор қилдим.

Уйдан чиқишим билан “таниш” машиналар ҳам ҳаракатга келди.

Мен таксичига ипподромга ҳайданг, дедим. Уй олдида турган машиналардан иккитаси изимиздан тушди. Ипподромга етай деб қолганимизда изимиздаги машиналардан бири олдимизга ўтиб олди ва юришини секинлатди. Буни сезган таксичи менга қараб “Сиз кимсиз ўзи?” дея савол берди ва машинасини шарта тўхтатиб: “Тушинг тезроқ” деб, мен узатган пулни ҳам олмай кетиб қолди.

Албатта, бизни кузатиб келаётган машиналар ҳам тўхтади ва машина ичидагилар отилиб чиқиб, менинг қўлларимни қайиришиб ўзларининг машинасига ўтқазди.

Машинадагилар то ИИБ биносигача менга бир оғиз ҳам гапиришмади.

Мени иккинчи қаватга чиқаришди.

У ерда сумкамни олиб қолдилар ва ўзимни ИИБ ертўласидаги бир камерага қамаб қўйишди.

Орадан тахминан икки соатларча вақт ўтиб, мени яна иккинчи қаватга кўтаришди ва “Гувоҳлар иштирокида сумкангизни тинтув қиламиз, сумкангизни очинг”, дейишди. Мен уларга: “Ўзларингиз

очаверинглар, мен сизларга ўзимга ишонгандек ишонаман”, дедим. Лекин мелисалар: “Биз бировларнинг сумкасини ковламаймиз”, дейишди.

Сумкамни очиб, ичидаги нарсаларни чиқара бошладим. Бир қат кийимлар остидан бир тўп қоғозлар чиқди. Шу ерда турган ходимлардан бири:

– Қани, менга берингчи. Нималарни кўтариб юрибсиз?– деб қўлимдаги қоғозларни олди.

Мен гапирмасдан туравердим. Ҳали қоғозларни олган ходим:

– Э-ҳэ, Чорвоқ ГЭСининг плани-ку бу! Бу нимага керак бўлди сизга?

Мен яна жимман. Энди сумкани ходимнинг ўзи ковлашни бошлади ва бир тўп “Эрк” газетини “топиб” олди. Тинтув қилаётган ходим сумкамдан “Эрк” газети чиққанига “хайрон” қолиб:

– Буларни қаердан олдингиз?– деб сўради.

Бу сафар ҳам жимликни сақлашда давом этдим. Оёқ тираб олиб, булар билан тортишиш бефойдалигини олдиндан билар эдим.

1994 йилда айнан шундай усул қўллаб қамашгани ҳали хотирамдан кўтарилмаган. Ўшанда ҳам ЭРКчиларни ёппасига қамашлар бошланганди: Ёзувчи Мамадали Маҳмудов, Муборак шаҳри собиқ ҳокими Мурод Жўраев, Самарқанд чой қадоклаш фабрикаси собиқ директори Эркин Ашуров, ЭРКчилардан Ғойибназар ака ва бошқалар шулар жумласидандир.

Гапнинг қисқаси, сумкамдан “Эрк” газетаси ва Чорвоқ ГЭСи планини “топишди”.

Соат тунги 2:00 да мени уйғотишди ва “Жиянингизни уйини тинтув қиламиз, кетдик”, дейишди. Ярим соатларга Нигораникига келдик. Ҳали ИИВ да пайтимда уй калитини олиб қўйган капитан менга калитни узатди ва “Очинг” деди. Мен унга:

– Ўзингиз очаверинг,– дедим.

Капитан менга ИИВ биносидаги гапини такрорлади:

– Биз бировнинг квартирасига бостириб киролмаймиз,– деди.

Капитаннинг бу гапидан тушундимки, булар бу ерда ҳам бир ба-
лаларни тикиштиришга улгурган.

Ичкарига кирганимизда ҳам қўлимдаги кишан ечилмади.

Капитан менинг ёнимда турди. Учтаси тинтувни бошлашди. Зал-

дан ҳеч нерса чиқмади. Залнинг ёнидаги хонадан ҳам ҳеч нарса тополмаган бўлишди. Учинчи хона ҳам тинтув қилинган бўлди. “Ҳеч вақо йўқ” деди тинтувчилардан бири.

Капитан:

– Ҳамма жойни қараб чиқдиларингми?– деб сўради.

– Манави антресол қолди,– деди бири.

– Қаранглар, қаранглар. Бирон жой қолмасин,– деди капитан.

Антресолни тинтув қилаётган:

– Ўртоқ капитан, манави ерда қандайдир провадалар бор экан.

Кофе идиши ҳам бор экан.

– Ҳаммасини буёққа ол. Ҳозир аниқлаймиз,– деди капитан. – Ў-ҳў, тротилку бу! Кечаги портлашларда ҳам худди шундай мосламалардан фойдаланилган...

Тонг отганида “тинтув” тугади ва мени яна ИИВ ертўласига келтиришди.

Икки-уч кун ўтиб, вазирлик катта терговчиси капитан Илҳом Турғунов бошчилигидаги терговчилар гуруҳи келишди ва улар билан “менга очилган жиноий иш тўғрисида” эмас, бутунлай бошқа мавзуларда гурунглашиб ўтирдик. Чунки улар менинг ҳеч қандай айбим йўқлигини ва ҳатто шу “айбсизлигим” учун қандай жазо тайинланишини (балки, тайинланганини?) ҳам олдиндан билишар эди.

Март ойи ўрталарида ИИВ ертўласига Мамадали Маҳмудов, Юсуф Рўзимуродов ва Муҳаммад акамни ҳам олиб келишди.

Улар билан июн ойида Тоштурмада учрашдик.

1999 йил 17 августда бизнинг, яъни “ашаддий халқ душманлари”нинг устидан “оламшумул маҳкама” бўлиб ўтди. Маҳкама раиси, прокурору терговчиларнинг хулосаларига қараганда, бизнинг жиноий гуруҳимиз ўзбек халқига, унинг сеvimли президенти Ислом Каримовга қарши “ўта разил, қабих режалар” тузганимиз фош қилинибди. Бундай “қабих режаларни ишлаб чиққанлигимиздан” ўзимиз ҳам ҳайрон қолганмиз. Ҳайрон қола туриб, ўзимиздан нафратланганмиз!

Бизнинг бу “разил ниятларимизни” вақтида фош қила олган “изкуварлар”га, прокурорларга ва албатта “одил” суд раисларига ўз “миннатдор”лигимизни билдираемиз. Шу билан бирга, уларнинг ўзларига, бола-чақаю яқинларига ҳам бизнинг тақдиримиз каби тақ-

дирдан насиб қилишини дуо қилиб қоламиз. Омин.

Декабр ойида гуруҳимиздан икки киши Навоийдаги 46-чи зонага этап қилиндик: Мамадали Маҳмудов (“Устоз”) ва мен.

1999 йил 18 декабр куни Худонинг қарғишига учраган бу кичик жаҳаннамга кириб келганимиз ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак. Бу зона Ўзбекистондаги зоналарнинг ичида қийноқ усуллари қўллаш бўйича “Жаслик”дан кейинги иккинчи ўринда туриши аниқ. Баъзи бир қийноқ усуллари ҳатто “Жаслик”дан ҳам ошиб тушади десам, муболаға бўлмайди.

“Ломка”дан ўтиб бўлганимиздан сўнг бизни карантинга олиб келишди. Карантинга ўша пайт Швец деган яхудий “лохмач” завхоз эди.

Ўн беш кун бу “карантин”да ит азобини чекдик. Шу ўн беш кун ичида кўпчиликни бир умрга майиб қилишди.

Карантиндан сўнг бизни отрядларга бўлиб чиқишди. Мамадали ака 12-чи отрядга тушди. Мени эса 5-чи отрядга (“штраф барак”) ташлашди. Бу секторда яна 6, 7 ва 8-чи отрядлар ҳам бор эди.

Отрядга келган кунимок ёнимга Самандар ака (Самандар Қўқонов) келди. Самандар ака бизнинг қаршимиздаги 6-чи баракда экан. Самандар ака то бу зонадан кетгунимча менга моддий томондан ёрдам бериб турди.

Самандар ака ҳақда яна шуни билардимки, у ҳеч қачон биронта зонада ҳам зонанинг овқатини емасди. Фақат уйдан келган емаклар билан кун кечирарди. Бир куни Самандар акадан сўрадим:

– Самандар ака, нега ошхонанинг овқатини емайсиз?

У шундай жавоб берди:

– Худога шукр, ўғилларим тиним билмай хабар олиб туришибди, оч қолаётганим йўқ. Агар оч қолган тақдиримдаям шу итнинг (Ислом Каримовни назарда тутати) овқатини емасдим...

2000 йилда 46-чи зонада ҳақиқий очлик ҳукм суларди. Бир буханка нонни беш кишига бўлиб берарди. Устига устак бу бир бўлак нон ҳам пишмаган, ярим хом ҳолатида бериларди. Ошхонадаги овқатига эса, бир бўлак шолғом тушса тушди, тушмаса у ҳам йўқ. Санчасть маҳбусларга тўлиб кетганидан, сиғмаганлари санчасть ташқарисида ҳам қалашиб ётарди. 700 нафар (етти юз) маҳкум сиғадиган зонада 5800 одам бор эди. Ҳар икки шконкада уч кишидан ётарди. Битла-

маган одам йўқ эди.

Йил охирида бу зонага Муҳаммад акамни келтиришди.

2001 йил январ ойида мени Қизилтепага этап қилишди.

У ерда мен Мурод Жўраев билан учрашдим.

2002 йил апрел ойида мени Қаршидаги 49-чи зонага этап қилишди. Бу зона Навоийдаги 46-чи зонага нисбатан анча яхши эди. Бу ерда мен Зайниддин Асқаров, шоир Қадам Саидмуродлар билан учрашдим.

2004 йил март ойида яна 46-чи зонага қайтаришди ва бу ерда 2011 йилнинг январигача шу ерда бўлдим.

2011 йил январ ойида суд қилишди ва 3 йил 6 ой қўшиб беришди. Суд тугаган куниёқ мени Каттақўрғон қамоқхонасига этап қилишди.

2011 йил 10 март куни соат 22:00 да Каттақўрғон қамоқхонаси ходими камерага кирди ва мени “бошлиқ чақираяпти” деди. Қамоқхона бошлиғи “Ҳозир зудлик билан Навоий вилоят судига кассация шикоятни ёзиб беринг”, деди. Мен: “Нима зарурати бор? Ёзмайман, фойдаси йўқ”, дедим.

Бошлиқ қўярда қўймай “кассация” ёздириб олди. Мени қайта камерага олиб келишди.

Тунги соат 00:30 ларда камерамиз эшиги очилди ва: “Бегжонов! Ҳамма нарсангни олиб ташқарига!” деган буйруқ бўлди. Мен сумкамни олиб дахлизга чиқдим.

Ташқарида бизни зековоз кутиб турган экан. Йўлга тушдик. Қўлимга кишан солмаганидан ҳайрон бўлиб войсковойлардан: “Қаерга бораяпмиз?” деб сўрадим. Улардан бири:

– Қайси зонадан келган бўлсангиз, ўша зонага, – деб жавоб берди.

Лекин улардан ҳеч қайсиси нима сабабдан 46-чи зонага қайтаётганим ҳақда чурқ этмади.

Тунги соат 01:30 ёки 02:00 ларда 46-чи зонага кириб келдик. Мени изоляторга олиб боришди. Чарчоқдан камерага кириб оқ, тонгача қотиб ухлаб қолибман.

11 март куни тушдан кейин соат 16:00 мени ташқарига чиқаришди ва шу ондан эътиборан қамоқдан озод этилганлигимни эълон қилишди. Яна 9 (тўққиз!) соат кутишимга тўғри келади, чунки Хоразм томонга поезд кечаси 1:00 да бўлар экан!

Дахшат! Яна тўққиз соат кутиш!..

12 март куни соат 00:30 да Навоий вокзалига келдик. Соат тунги бирларда поезд келди. Кузатувчи билан поездга чиқдик ва ниҳоят поезд кўзғолди.

Хўрлик, ҳақорат ва қийноқ билан лим тўлган 12 йилим орқанда қолаётган эди...»

1999 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ МАТБУОТДА

“ОЗОДЛИК” радиосининг ходими Абдулла Искандар (Шухрат Бобожон) 2010 йил 16 феврал программасида эшиттиришининг сарлавҳасини «ЎЗБЕКИСТОН МИЛТИҚЛИЛАР ҚЎЛИГА ЎТДИ» деб қўйди ва Каримов режимининг бу кенг миқёсли провокациясини шу мухтасар парчада кўрсатди: «Бундан 11 йил бурун, 1999 йилнинг 16 феввалида Тошкентнинг беш жойида 45 дақиқа ичида портлашлар юз берди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор рўй берган бу портлашлар мамлакатда тинимсиз давом этаётган репрессияларга доялик қилди.

Шу куни Вазирлар Маҳкамаси биносида 1998 йил яқунларига бағишланган йиғилиш бўлиши керак эди. Биринчи портлаш президент Каримов келишига 10 дақиқа қолганда – соат 10:45 да мана шу бино олдида бўлди.

Шундан сўнг Ички ишлар вазирлиги, Миллий банк, ўшандаги “Искра” кинотеатри олдида, Яккасарой туманидаги ҳовлида портлаш юз берди.

Мамлакат расмийлари баёнотида кўра, портлашлар оқибатида 16 одам нобуд бўлди, 100 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Ҳодиса содир бўлган куниёқ, аввалига президент Каримов, кейин эса Ўзбекистон Ички ишлар вазири Зокир Алматов ва Миллий хавфсизлик хизмати раҳбари Рустам Иноятовлар телевидениеда чиқиш қилиб, бу қўлига қурол олган радикал диндорларнинг террор ҳужуми, дея воқеага дарҳол баҳо берган ва айбдорларни ҳам айтиб улгурган эди.

1999 йил 16 феввалида ўзбекистонликлар “Шайтанат” видеофилмининг янги қисмини томоша қилишаётганида, бирдан филм тўхтатилиб,

экранда Ўзбекистон ТВ си суҳандони Даврон Зуннунов пайдо бўлди.

– Хурматли томошабин ўртоқлар! Дастуримизни кутилмаган хабар билан тўхтатамиз. Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкентда кутилмаган фавқулодда ҳодиса содир бўлди, – дея гап бошлади Даврон Зуннунов.

Суҳандон қўлидаги қоғозга қараб, бундан 20 дақиқа олдин президент Каримов жонига қасд қилингани, аммо президентнинг соғу саломат эканини билдирди.

– Пойтахт меҳнаткашлари осойишта кундалик юмушларини давом эттираётган бир пайтда, кундуз соат 11 ларга яқин, шаҳарнинг тўрт жойида портлаш содир бўлди. Дастлаб ИИВ биноси ёнида, ундан сўнг Искра кинотеатр биноси ёнида, сал ўтмай республика Вазирлар Маҳкамаси биносида, ундан сўнг Миллий банк биноси атрофида портлаш содир бўлди.

Портлашлар оқибатида бир неча машиналар ёниб кетган. Шаҳардаги айрим биноларга зарар етказилган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар ҳам бор. Бундай ҳодиса мамлакатимиз мустақиллигини кўра олмаётган экстремистик кучларнинг иши эканлиги барчамизга аёндыр. Бу ёвузлик тагидаги энг асосий мақсадлардан бири мамлакатимиз президенти Ислом Каримовга, унинг ҳаётига тажовуз эканлиги ҳам аёндыр. Чунки, соат 11 да Вазирлар Маҳкамасида республика ҳукуматининг 1998 йил яқунларига бағишланган мажлис бошланиши, унда президентимиз иштирок этиши керак эди. Энг муҳими, ҳукумат аъзолари, президентимиз ва ... (суҳандон шу ўринда қоқилади) соғ ва саломат. Соат 11 га мўлжалланган мажлис соат 13 да, яъни ҳозир республика Олий Мажлис биносида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилмоқда. Биз бўлиб ўтган тафсилотларни сиз азиз ватандошларимизга етказиб турамиз.

Ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Воқеани содир этган барча ёвуз кучлар аниқланади ва тегишли жазосини олади, – дея қоғозда ёзилган матнга яқун ясади Даврон Зуннунов.

Суҳандон ўқиган матн воқеадан 20 дақиқа ўтиб ҳозирланган ҳужжатга ўхшамас эди. Матн кўпроқ илгаридан ҳозирланган айблов ҳужжатини эслатар эди.

Тошкентда портлашлар бўлган куни шоир Рауф Парфи Навоий кўчасидаги “Жаҳон адабиёти” журнали тахририятида эди. Рауф

Парфи тирик чоғида муаллифга айтишича, гумбиллаган овозни эшитган чоғи “бизникилар келишди” деб ҳазил қилган.

Редакциядаги бошқа ходимлар эса, “Қурилишдагилар бир нарса қилишди” деб ғудранишган. Кейин яна бир неча марта гумбиллаган овозлар эшитилганида, Рауф Парфи кулиб, “Йўўк, бу ҳойнаҳой бизникилар” деб таъкидлаган.

Рауф Парфи “бизникилар” деганида ҳазил аралаш ўзбек мухолифатини назарда тутган эди.

Ўзбекистон ҳукумати ўзбек дунёвий ва диний мухолифатини портлашларда ўша куннинг ўзидаёқ айблаб чиқди.

Қўлга олинган “террорчилар” ҳам булбулигўё бўлиб, портлашни Муҳаммад Солиҳ уюштирди деган версияни саслантиришди.

Ана шундай “гувоҳ”лардан бири Зайниддин Асқаров кейинчалик портлашларни ҳукумат уюштиргани ва бу ишга Муҳаммад Солиҳнинг сира алоқаси йўқлигини билдиради:

“Ички ишлар министри Зокир Алматов мани чақириб, Муҳаммад Солиҳни ёмонлаб берсанг, мана шунинг ролини ўйнаб берадиган бўлсанг, ҳаммаси авф бўлади, отилмайди булар, сангаям енгиллик бўлади, суд залидан чиқиб кетасан, дегани учун, Аллоҳ шоҳидки, ман ўзимни кутқариш учун эмас, ана шуларни кутқариш учун ман шу нарсага мажбур бўлганман ўша вақтда. Лекин булар чиқарганиям йўқ, уларга “вышка” берворди. “Вышка” берворишининг сабаби, улар сирни биларди. Сирни билишлиги учун уларни йўқ қилиб юборди. Лекин улар бизга айтиб ўтиб кетган эди ҳаммасини, шундай шундай шундай бўлган деб. Шунинг учун сизларнинг радиостанциянглар орқали аввало “ЭРК” партиясининг раҳбари Муҳаммад Солиҳдан кечирим сўрайманки, ўша вақтда унга тухмат қилганмиз ва Тоҳир Йўлдошевларнинг қилмаган ишларини қилди деб айтганмиз. Ўзимиз Ўзбекистон халқининг олдида гуноҳқормизки, чиқиб 16 феврални баъзи бир нарсаларига алданиб қолиб, бу золим диктатор, кофирларнинг ваъдасига алданиб қолиб, рол ўйнаб, мусулмонларнинг обрўсига путур етказганимиз учун бутун Ўзбекистон халқидан биз кечирим сўраймиз.

Муҳаммад Солиҳнинг,– Аллоҳга қасам ичиб айтаман, бу гапимни дунё ю охиратда – умуман террористларга, террорга алоқаси йўқ ҳеч қанақа. Умуман алоқаси йўқ. Ман демократ эмасман, у одамни яхши кўриш, ёмон кўриш мақсадим ҳам йўқ. Холисона баҳо беришда ҳеч

қанақа алоқаси йўқ. Бу бизнинг сиёсий кўрлигимиз, ишонувчанлигимиз, Зокир Алматовнинг берган ваъдаларига ишонганлигимизнинг натижаси холос. Бу гапдан кейин бизни отворса, биз шаҳид бўлиб кетаверамиз”, деган эди Зайниддин Асқаров.

16 феврал воқеаларини ёритган “Озодлик” журналисти Брюс Панниэр бундан 11 йил муқаддам бу воқеани эшитиш ҳамона, “портлашларда ҳукуматнинг кўли бор” деган фикр миясидан ялт этиб ўтганини айтади.

Брюс Панниэр:

“Портлашлардан 20 дақиқа ўтиб, воқеа жойида Каримовнинг бамайлихотир юргани мени шубҳалантирди.

Иккинчидан, воқеадан сал олдин, 3 феврал куни “Халқ сўзи” газетасида Ўзбекистон барқарорлигига таҳдид қилаётган диний кучлар ҳақида мақола босилган эди. Бу мақолада илк маротаба Ҳизбут таҳрир калимаси тилга олинди. Бундай мақола ўзбек расмий ОАВлари учун янгилик эди. Мақола чиқишидан сал олдин, Каримов Ўзбекистон энг барақарор ўлка деб сармоядорларни жалб қилган эди”, дейди Брюс Панниэр.

Панниэрга кўра, портлашларни ҳукумат уюштирди, деган версия ҳақиқатга энг яқин.

Портлашлардан уч ой олдин, ўзбек муҳолифати лидери Муҳаммад Солиҳ Кремлда генерал Александр Лебед билан учрашди. Бу учрашув расмий Тошкентни хуркитгани рост.

Муҳаммад Солиҳ хотираларига кулоқ берамиз.

Муҳаммад Солиҳ: Ўзбекистон ҳукуматининг бу учрашувдан кўрқиб кетганига сабаб, Россиянинг ўзига нисбатан ўша пайтда муносабати яхши эмаслигини ва ўзини ёмон кўришини билар эди. Муҳаммад Солиҳнинг Кремлда фаворит ўлароқ танилган, яъни хокимиятга келиши мумкин бўлган учта инсондан биттаси бўлган генерал билан учрашуви Каримовни кўрқитиб юборди.

Озодлик: Бу ерда Ўзбекистондаги вазиятни бироз фаолроқ ўзгартириш масалалари ҳам кўрилдими?

Муҳолифат вакили рус генерали билан учрашар экан, балки расмий Тошкентнинг хуркканида жон бордир?

Муҳаммад Солиҳ: Албатта, Ўзбекистоннинг келажаги ҳақида жиддий гаплар бўлди. Менинг айтганим шу бўлди: биз тенг ҳуқуқли икки давлат ўлароқ диалог қилишимиз мумкин ва биз ўзимизни

Россиянинг дўсти ўлароқ кўришни истаймиз.

Муҳаммад Солиҳ Кремлда қабул қилинганидан сал ўтмай, Ўзбекистон КХШТдан чиқди.

Яқинда интернетга қўйилган “ҚУРОЛСИЗ КИШИНИНГ ОЗОДЛИГИ” филмида портлашдан олдин, 13 феврал куни Ўзбекистон МХХси Туркия аэропортларида ўзбек фуқароларини назорат қилишга расмий Анқарадан изн сўраганлиги айтилади.

“1999 йилнинг 13 февралда Анвар Солиҳбоев бошчилигидаги бир гуруҳ ўзбек МХХ ходимлари Анқарага келишди. Солиҳбоев Туркия ҳукуматидан Ўзбекистонга жўнаётган экстремистларни кузатиш учун Туркия аэропортларида ўз жосус агентларини жойлаштиришга рухсат сўрайди”.

Портлашларга бир кун қолганида, Ўзбекистондаги диний ва дунёвий мухолифат ҳамда инсон ҳуқуқлари фаоллари уйлари олдида назорат кучайтирилади.

“Барча мухолифат фаолларининг уйлари кузатув остига олинди.

Тошкентда 13 14 15 феврал кунлари МХХ агентлари ва махсус хизмат ходимлари ЭРК партиясининг котиби Отаназар Орипов, ҳуқуқ химоячиси Мўътабар Аҳмедова, ёзувчи Мамадали Маҳмудов, Муҳаммад Солиҳнинг кизи Нигор, инилари Комил, Жуманазар ва Рашид Бекжонлар яшайдиган Хоразмдаги уйлари ҳам қаттиқ кузатув остига олинган эди. 16 феврал куни Тошкент марказида бомбалар портлашидан сўнг биринчи бўлиб айна шу кузатувга олинган уй эгалари ҳибсга олинди”.

1999 йилнинг 15 феврал куни ушбу мақола муаллифи ўзбекистонлик журналистлар билан бирга Лондонда хизмат сафарига эди. 15 феврал куни кечқурун Ўзбекистоннинг Лондондаги элчиси Тешабоев элчихонанинг Жамшид исмли биринчи котиби билан журналистлар қўнган меҳмонхонага зудлик билан етиб келди ва ташвишли бир оҳангда, “Ҳеч ким кечқурун сайр қилмасин. Бугун ҳеч ким меҳмонхонадан чиқмасин” деган ғалати гапни айтди.

Ҳатто, журналистлар орасидан бир хурматли кишини четга чақириб, “баъзи бировлар”нинг оёқ олишидан хабардор бўлиш топшириғини берди.

Ўзбекистонда портлаш арафасидаги воқеаларни муқояса қилар эканмиз, беихтиёр 16 феврал портлашлари ўзбек расмийлари кутган меҳмон эди, деган фикрга борамиз.

Кейинчалик портлашларда айбланиб, қамокда жазо муддатини ўтаётган Зайниддин Асқаров айнан шу фикрни айтади:

– “Взрыв” бада баданг портлаганидан 5 минут ўтар ўтмас, Ислом Каримов, Рустам Иноятов, Зокир Алматов майдонга етиб келишарди ва худди олдинги тайёрланган сценаридан хабардор бўлгандай, бу нарсаларни диний “религиозный фанатик”лар қилди, ким қилганлигиниям биламиз, бирон муддатда ҳаммасини тутамиз, деган хитоб билан чиқаяпти, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ. Нимага деса, олдиндан Баҳром Абдуллаев “курс”га қўйган бу нарсани. Билди олдиндан. Бошқарган Ислом Абдуғаниевич Каримов, Иноятов, Алматовлар тўхтатиб қолмаганлиги биларди, машина келиб тўхташ сценарисигача биларди булар, – деган эди Зайниддин Асқаров.

2003 йил 26 ноябр куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати “Озодлик”, ВВС ва “Америка овози” журналистларини 16 феврал портлашларида айбдор деб топилган Ўзбекистон исломий ҳаракати лидерларидан бири Зайниддин Асқаров билан учрашувга таклиф этди.

Учрашув машҳур Тоштурмада бўлиб ўтди. Сухбатда журналистлар билан бирга МХХ ходими ҳам иштирок этди. МХХ ходими, гўёки чекишга чиқиб, Асқаровни журналистлар билан билан ёлғиз қолдирганида, қуйидаги парчада акс этган хос сухбат бўлиб ўтди.

Сухбат якунида ВВС мухбири Паҳлавон Содиқ Зайниддин Асқаровга қараб:

– Сиз 16 феврал портлашларини Ўзбекистон ҳукумати махсус кучлари МХХси уюштирган, деб масъулият билан айтяпсиз, тўғри тушундимми? – деб савол берди.

Зайниддин Асқаров эса:

– Худди шундай! – деб жавоб берди.

Паҳлавон Содиқ эса:

– Бошқарганми? – деб яна аниқловчи савол беради.

Зайниддин Асқаров:

– Бошқарган ва олдиндан билган! – деб жавоб беради.

– Ўзбекистон президенти Каримов, МХХ раиси Иноятов, ИИВ Алматовлар бошқарган ва маслаҳатда бўлишган. Улар террорчи машиналар қарвонини айтайлаб тўхтатиб қолишмаган, шундайми? – дейди Паҳлавон Содиқ.

– Худди шундай. Улар машиналарни қачон келишини ҳам биларди.

– Демак, сиз айбладингиз?

– Айбладим.

– Бутун масъулият билан айтяпсиз, деб ўйлайман.

– Шундай.

– Агар сиз ҳақиқатни айтмоқчи бўлсангиз, нега МХХ бу учрашувни ташкил қилди? Иккинчидан, тақдирингиздан қўрқмайсизми?

– Бу учрашувни билмасдан ташкил қилди, деёлмайман. Булар ҳозир чақириб Муҳаммад Солиҳни террорда алоқаси бор, деган кўрсатмангизни яна бир айтиб беринг, деб илтимос қилишувди, мен ҳўб дедим.

– Улар буни тескарисини айтишингиздан беҳабармиди?

– Беҳабар. Иккинчидан, тақдирингиздан беҳавотир деганингизга, мен зонада уч марта ўлимдан қолдим...

(Шу ерда аудиоёзув тугайди).

Портлашдан кейин Ўзбекистон ҳукумати беандиша тарзда ўзгача фикрловчи кишиларни қамашга тушди, дейилади Британияда суратга олинган “Ўзбекистон қийноқлар фабрикаси” филмида. Филм давомида Ўзбекистон ҳукумати номидан гапирган мулозим Ахтам Турсунов портлашдан кейинги қама қама сиёсатини оқлашга тиришади.

– Ўша инсон ҳуқуқлари вакилларимиз, дохийларимиз деган баъзи шахслар шундай фикрдаки, терроризмни содир қилган одамлар, диний экстремизм жиноятини содир қилган қилган одамларга биз дам олиш лагерларида сақлаб, уларга раҳмат айтиб кечирим сўрашимиз керак уларнинг фикрига биноан. Бизнинг қонунимиз бор. Жиноят қонунларимиз бор,– дейди Ахтам Турсунов.

16 феврал кунлари муаллиф билан суҳбатда бўлган ўзбек ТВнинг ўша пайтдаги раҳбарларидан бири Фарҳод Рўзиев бир гапни айтган эди.

“Бундан буён Ўзбекистон милтиқли кишилар ихтиёрида бўлади. Милтиқли кишилар бизга ғайритабиий кўринмайдиган бўлади”, деган эди Фарҳод Рўзиев.

Ўтган 11 йил Фарҳод Рўзиев гапларига исботдай кўринади.

11 йилнинг яна бир хулосасини 16 феврал воқеаларидан кейин 15 ярим йилга сиртдан ҳукм қилинган Муҳаммад Солиҳ айтади.

– Бу муддат шуни кўрсатдики, Каримов ҳеч қачон биз ўйлаган мурося билан, мадора билан, демократия билан, инсон ҳақлари билан

ҳисоблашадиган одам эмаслигини очикдан очик кўрсатди ва буни дунёга ҳам очикдан очик айтди,— дейди Муҳаммад Солиҳ.

Рус тарихчиси Юрий Фелишинскийнинг “Озодлик” мухбирига айтишича, порглашлар мустабидлар учун аини муддао. Баъзан улар ўзлари ўзларига суиқасд уюштиришади.

Масалан, 1933 йил 21 февралда Берлиндаги Рейхстаг биноси ёниб кетганида, Ҳитлер ҳукумати бундан керакли фойдани чиқариб олган эди.

Ёнгиндан кейин Ҳитлер ҳукумати Германияда шахс ҳуқуқлари, эркин йиғилишлар ўтказиш имкони ва сўз эркинлигини чекловчи декретни қабул қилади. Қама қамалар бошланади, мухолифат ҳаракатлари тақиқланади. Кейин нима бўлганига тарих гувоҳ».

* * *

Биринчи китоб тугади

БИРИНЧИ КИТОБГА СЎНГСЎЗ

18 йил умримни Ўзбекистоннинг саккизта қамоқхонасида ўтказиб, КУТИЛМАГАНАДА қамоқдан озод этиларканман, китоб ёзиш хаёлимга келмаган эди.

Менинг озодлигим худди Каримовнинг ўлими каби КУТИЛМАГАН бўлди. Чунки бир диктатор 27 йил ҳукмронлик қилса, у ҳеч қачон ўлмайдигандай кўрина бошлайди. Бу диктатор зиндонга ташлаган маҳкумлар ҳам ўзларини ҳеч қачон зиндондан чиқмайдигандай ҳис қилабошлашади ва шунга руҳан тайёрланишади.

Яъни бу даҳшат масканини тарк этган маҳкум биринчи навбатда китоб ёзишни эмас, яқинлари ва уларнинг тинчлигини ўйлай бошлайди. Гарчанд, маҳкум «ўлиб бўлди», аммо яқинлари бундай деб ўйламайди. Гарчанд, шоир айтганидай «У ўлди, энди бу ўлим уники эмас», аммо яқинлари учун маҳкум ҳали ҳам бир тириклик, қиймат касб этади. Маҳкум ҳам албатта уларни ўйлайди ва бу ҳам нормал инсоний рефлексдир.

Аммо менинг у даҳшат масканида яшаганларим каминани фақат яқинларни ўйлаш каби бир комфортдан маҳрум қилди...

2016 йил 27 август куни Зарафшон зонасида Ўзбекистон телеканаллари КУТИЛМАГАНДА ўчирилди. Зонада Ўзбекистоннинг фақат “Ёшлар” телеканали намоиш этилар эди. Бу канал бошдан оёқ Ислон Каримовни мадҳ этиш билан машғул эди. Шу кунлари “Ёшлар” телеканали ИАКнинг Мустақиллик байрамига қандай тайёргарлик кўраётгани, бир батальондан иборат тан соқчилари қуршовида, қайси спортчи ёки «камолотчи», қайси чол ёки кампир билан учрашганлиги ю кучоқлаб кўришгани, ҳатто қандай аксирганигача телерепортажлар олиб борадиган бу телекомпаниянинг фавқулодда ўчирилиб, ўрнига зонанинг видеоканалидаги ундан да зерикарли эшиттиришларини (зонадаги диний идора масъулари билан учрашувлар ёки зонанинг ҚВЗ (Қувноқлар ва зукколар) чилари «шоу»лари икки кун давомида такрор такрор қўйилиши менда ёқимли бир шубҳа уйғотди.

Эътироф этайин, золим ИАК менга ва менинг яқинларимга ва минглаб бегуноҳ инсонларга қанчалик зулм қилмасин, унга ўлим тиламадим, чунки ўлим ҳам бутун борлиқ каби фақат ва фақат Аллоҳнинг иродасига оиддир.

Шундай қилиб, бугун 29 август, яъни Ўзбекистон телеканалларининг ишламаётганига учинчи кун кетмоқда.

Мен завхозимиз «Белый»нинг (Алексей Катков) ёнига бораман ва ундан нима сабаб телевизорни ўчириб қўйишганини сўрайман.

Катков бунинг сабабини билмаслигини айтади. Мен унга “Белый, ты точно знаешь по какой причине отключен телевизор, но не хочешь откровенничать”, дейман.

Катков:

– Мухаммад ака, ей богу не знаю, что случилось. Говорят, что где то какая то авария. Но, не знаю в чем тут дело короче,- дея жавоб беради у.

– Может быть, бабай (ИАК ни назарда тутиб) тью тью...

Бу саволни эшитиб Катков қизариб кетади ва менга:

– Мухаммад ака! Вдруг это так?.. Почему я об этом не подумал, дурак, – дейди Катков, тўлқинланиб.

2016 йил 3 сентябр куни соат 14:30 ларда бошлиқ ёрдамчиси келиб менинг тахминимни юзага чиқаради. 27 август куни ИАК нинг қон босими ошиб кетиб, бугун ўлганини эълон қилади ва “Ўзбекистон” телеканални репортажини кўришни тавсия этиб, чиқиб кетади.

Шу кундан эътиборан озодлик ҳақида ўйлай бошладим, бироқ, ўша пайтда китоб ёзиш хаёлимга ҳам келмаган эди.

Озодликда бир ой юриб, Ўзбекистон қамоқхоналарида қийноқлар остида кун кечираётган биродарларим - 159 статя билан қамалган режим муҳолифлари ва диндорлар - эсимга тушди.

Бир ой олдин мен ҳам уларнинг ҳолида эдим, бугун эса мен эркин ҳаёт кечиряпман, улар-чи?

Уларга қандай кўмак беришим мумкин, каби саволлар мени бу китобни ёзишга мажбур қилди.

Бугунгача Ўзбекистон қамоқхоналарида қолиб келаётган ҳар бир биродар мендан кам азоб чекмади, бизнинг тақдиримиз ҳам бир бирига ўхшашдир.

Бу китобни ўша мазлумларга бағишлайман.

Уларнинг озодликка чиқишлари учун дуо қиламан.


Муаллиф

17 июн 2018 йил, Тошкент

СҮПАТИАР



Мухаммад Бекжонга халқаро мукофот топириши юзасидан ташкил қилинган йиғилиши. Очиқ жамият институти. Вашингтон. 2014 йил, 2 май.



Мухаммад Бекжонга тақдим қилинган халқаро мукофот тақдимотидан




«Ўрта Осиёда инсон ҳуқуқлари» ассоциацияси раҳбари Надежда Атаева Муҳаммад Бекжонга тақдим қилинган халқаро мукофот тақдимотида.




Muhammad Bekjonga xalqaro mukofot - Press Freedom award to Muhammad


Муҳаммад Бекжоннинг қизлари Ойгул ва Иноят Бекжонлар Муҳаммад Бекжонга тақдим қилинган халқаро мукофотни қабул қилиб олишмоқда.



Муҳаммад Бекжоннинг қизи Ойгул Бекжон.



Муҳаммад Бекжон қамоқхонада.



alqaro hayot - 22-fevral, 2017-yil
AmerikaOvozi 6 920 marta

*Муҳаммад Бекжон озодликда.
2017 йил, 22 феврал*



*Муҳаммад Бекжон Америка Қўшма Штатларининг
Ўзбекистондаги мухтор элчиси Памела Спратлен меҳмони.
Тошкент. 2018 йил, март*



АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Рэнделл Берри, элчи Памела Спратлен, Мухаммад Бекжон ва Қуттиқиз Балхибаева. Тошкент. 2018 йил, апрел



Amnesty International халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти Европа ва Ўрта Осиё бўйича бўлими вакили Светлана Воробьева Мухаммад Бекжон ва Умида Аҳмедова билан. Тошкент. 2018 йил, май



Муҳаммад Бекжон Human Rights Watch ташиклотининг Ўрта Осиё бўйича вакили Стив Свёрдлоу (Steve Swerdlow) билан




Муҳаммад Бекжон Мамадали Маҳмудов ва бошқалар билан



*Муҳаммад Бекжон “ЭРК” партиясининг бош котиби Отаназар Орипов ва
Ҳамидулла Нурмуҳаммедов билан*



*19 йил қамоқда ўтирган Муҳаммад Бекжоннинг касбдоши, журналист
Юсуф Рўзимуродов*



Муҳаммад Бекжон



*Уч ака-ука. Муҳаммад Солих, Комил Бекжон ва Мақсуд Бекжон.
Чорак аср айрилиқдан сўнг. Истанбул, 2017 йил*




Муҳаммад Солиҳ Украина Парламенти миллатвакли Мустафо Жамил ва миллатвакли Руфат Чубаругли билан. 1998 йил. Киев шаҳри.



Муҳаммад Бекжон ва Юсиф Рўзимуродов ўзгирлаб кетилгандан кейин Украина газетасида эълон қилинган мақола. 1999 йил, апрел

Кишан кишма, бўйин элма, ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!



ЭРК

* «ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ НАШРИ

• №1 (96)

1990 йил, март ойидан чиқа бошлади.

1994 йил, 16 январ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Эрк» ўқувчиларига

Оқид инсон ўз овозининг қўлича унутиб қўқиб, ўз ачуқди еки ўз кўзларини унутгани қаби.

Оқид инсон ўз овозининг ҳаётининг табиғи бир парчаси қаби қўрайди ва ундан ҳарфатга тушмайди, кучондан йилгандай, унинг Олоқо тасво ажордан буюк неъмат эканини қабинга ҳам кестирмайд.

Вақоланки, овозлик бир неъматдир ва инсоният Одам Ота билан Момо Ҳаво ертда йиллардан бери шу муқаддас исматга иштиқолдор, жаҳон тарихидиги бирна туртилар ҳам Уша неъматни қўлга киритиши буюк уни қўдан чекдорликсиз учун бўлганлар.

Мамлакатнинг оқид бўлса—бу бир неъматдир, миллатнинг оқид бўлса, унинг ҳар бир кишиси оқид бўлса—бу бир неъматдир.

Одам ўз уяига келиб, қиллари билан сузлашар экди, оқидни йасайтирмак, тингловчи аппаратини ўйламаса—бу бир неъматдир.

Унга "тафсиллик мазмунлари" халф солмаса, уни маънавия оқиди кетмакчи, қўлига қаламлардан таққил, ақлатқонига ташлаб кетмакчи, бу бир неъматдир.

Бутун Ўзбекистонда ҳар бир фикрловчи инсон шундай оқиди неъматлар ҳақида ороу қилмоқда. Ҳукуматимиз, Ёрастанимиз, "Фақат гўшт на нон" ҳақидагина эмас, балки оқиди инсон ҳуқуқларини ҳам ороу этмоқда улар.

Албатта, инсонга гўшт ҳам, нон ҳам, гурчи ҳам зарурдир. Бу неъматларни Ўзбекистон ҳуқуқати тўрт йил давомида вақда қилиб келди. Тўрт йилдир-ки, бу ҳуқуқат "интисодни сиёсатга устуни қўймак, чуқил аввалдир ҳалқнинг қоринини тўйдириш керак", деди, ammo ҳалқнинг қорини ҳақиқатга тўйгани йўқ, аққичча, халқ кун сайин қаншоқмоқмоқда.

Чуқил оқид бўлган интисод ҳун қанон ҳалқнинг қоринини тўйгадими—оқидик интисодга ҳам зарурдир.

Бу ҳақиқатни бутун Ўзбекистоннинг барча ижтимоий қатламлари тушумоқда. Булардан нилки йил аввал инсондан тўх шайтанга шайхор аққилсиз—зиёлилар, хизматчилар, ишчилар ҳам бутун "интисоднинг сиёсатдан устунига" чиқуба билан қўрай бошладилар.

Бу ҳақиқатни ҳақто балки ҳуқуқат оргнларини, балки ҳуқуқат аъзолари ҳам ангайл бошладилар, ammo оқиди раҳбарият ҳуқуқатга ангаилмади. Бу интисод оқиди раҳбарият Ҳўбекстондаги турмуш даражаси дунда энг наст ўринга тушди, ҳуқуқият оқидига эмас, қамалди уни йил орада кетди.

Бунга қим жавоб берди?
"Бунга бугунги ҳуқуқат жавоб бериши керак".

Тўртинчи жавоб бериши қуни албатта келди, ammo бу "жавоб" ифқонистав-фурқатини ўртинчи деч қанон



қўлай олмайд. Жавобин "келажақда" эмас, бутун сурашимиз лозим. Бу ҳуқуқат, шубҳасиз, тарихимизда энг қим қорни ҳуқуқат сифатда ҳоқимнатдан кетмакчи ва ундан жавоб сурашга иштиқолдор ҳам қуни бўлажак, ammo жавоб у пайтда мансабидан ажратгани оқиди қимсалардан эмас, бутун тахтида гулдайиб ўтирган лозим турлардан суғрлмоғи лозим.

"Эрк" газети шу жавобни сураш учун яна маълумотга чиқди.

Қўзингиз ойдин, эрк истаганлар!

БУГУНГИ СОНДА:

* 2-бет

Этлик қўтироқлар

* 3-бет

Жирновскидан қим қўрқад?

* 4-бет

«Эрк» Қурултоғи ҳақида

* 5-бет

«Нон ўлдирсин»

* 6-бет

«Қонли январ»

* 7-бет

«Аттида»

* 8-бет

Юлдашнинг нима?

* «ЭРК» АХБОРОТ МАРКАЗИДАН

Ўзбекистон Олий Кенгашининг сўнги мажлисида қаби кишини сайлов қонунини Конституция ўзгартирилари антидемократик режими яқда нус-тамани йўлда йиланган ва қилуни еди бўлди.

Бу табириларди қаби Ўзбекистон ҳуқуқати сайлов ларни замон назари қила олади, ҳоқдан партиясини сайлов қўлиб, ҳоқдан қўлиб, ҳоқдан қўлиб, ҳоқдан қўлиб қила олади. Амалда, Мамлик тоқ партиялик босқончини қўриққиларди оқид.

Шунга қарамий, 1993 йил июни ойиди бу Мамлик шўнгида аққилсиз ўғди. Қирқилар, оққил ва микто-дан йиланган...

Бирди арбоблар бу гал қаифиятсиз кўриқдиллар ва ҳен қим нух ўйига оғаб қўриқмади.

Мамлик раиси Ш.Ўрадовнинг "истефо"си ҳам де-путатларнинг қаратилиши буза олмади. Ҳақто Прези-дент И.Каримовнинг "нега сўст ўрғонлар?" қайи-дан ҳақиратсиз мувожаз ҳам таъсирот қолди.

Қурултоғларнинг фикрими. Олий Кенгашнинг сўнги мажлисида бу қаифият ҳуқуқат кадрлари ичидиға се-рафаласди.

Ҳуқуқат билан кадрлар ўрғисидиға итлар қуи сайин рафаласди.

Кадрларнинг раҳбариятга ишончилиғи қуноқмоқда. Улар ўзларининг мансаби, келажидан қўққисни қаби

мамлакат келажидан ҳам қўриқмоқлар. Бу қаифият Олий Кенгашнинг сўнги йилинда яққол семилиди.

АҚШ Президенти В.Клинтон ва Украина Прези-денти Л.Кравчук Украинанинг қадо қурултоғини демократ қилиш мақсадиға нақтомаларни маққолди-лар.

Бу воқеа Украинадаги сўнги шўнгида ичиди қада мувожаз ўнғисди. Мамлик...


“ЭРК” газетасининг муҳожиротда чиқарилган илк сони

СВИДЕТЕЛЬСТВО
о регистрации устава
общественного объединения

- 3 - сентября 1991 г.
№ 039

Название объединения Демократическая партия "ЭрК"
/ ДПЭ /

Вид объединения республиканское. Руководящий орган:
(республиканское, не республиканское, международное)
Съезд, Центральный Совет, Президиум Правления
г.Ташкент, ул.Пушкина, дом 1
Основные цели деятельности _____
создание независимого демократического
государства.

 
Министр юстиции республики Узбекистан М-Б.Маликов

“ЭРК” Демократик партиясининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома

Узбекистон ССР Министрлар Совети
Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети

Вақтли нашрнинг
рўйхатга олинганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

1991 йил 19 сентябрь
000092 сон

Нашрнинг номи „Эрк“
(асл русча тилида ва унинг _____
_____ русча таржимаси)

Нашр тури газета
(журнал, газета ва ҳоказо)

Қайси тил (лар) да босилади Ўзбекча,
русча

Муассис „Эрк“ Демократик партияси,
(тўла номи ва манзили) _____
Ташкент ш.

 _____
(имзо)

“ЭРК” газетасининг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома




*Уч ака-ука. Муҳаммад Солих, Комил Бекжон ва Муҳаммад Бекжон (ўртада).
Тошкент, Қорақамиш. 1975 йил*




*Муҳаммад Бекжон Совет армиясида. Учоқ механиги.
Орск шаҳри. 1974, декабр*



*Муҳаммад Бекжон қишлоқлик дўстлари билан.
1979 йил, Хоразм*



*Совет Ўзбекистони тарихидаги биринчи сиёсий митинг.
Муҳаммад Солиҳ намоёнчиларга қарата нутқ сўзламоқда.
Тошкент, Инқилоб майдони. 1988 йил, 20 декабр*



Россиялик машҳур хонанда Борис Гребенчиковнинг қамқондан чиққан журналист Мухаммад Бекжонга йўлаган мактуби

Кўркунинг нариёғида

March 25, 2009
 Mohammad Rezaei
 UVA 6462
 Kabul City
 Badkhan region
 Afghanistan

Dear Mohammad Rezaei,

I am writing to you on behalf of PEN USA, part of a world-wide organization with a long history of defending freedom of speech through the written word.

As a fellow writer, I have learned of your imprisonment and hope that this letter finds you in good health and spirits.

If you can reply, my mailing address is—
 Sarah Pak
 2786 Colton Circle
 Palo Alto, California 94306
 UNITED STATES

I would be glad to hear from you.

Since I am here in Hawaii, I'll share you with greetings in Hawaiian—"aloha"—an ordinary word that means "hello," "goodbye," "love," and many other things.

Aloha,
 Sarah Pak

15 Nov. 2009

Dear Mohammad Rezaei,

As a English teacher who has heard from you that you are in prison, we want to thank you for your support and for writing.

The just Taliban wrote me mentioning the the "Freedom House" list. He did not say if you were on the list. I hope you are happy in your health and spirit, but you will know why, and that you will help me to help you. I am sure you will help me to help you.

Yours sincerely,
 Sarah Pak

Make sure that you
 Please to stay well in
 your good condition.
 I just thought of you
 as an example.

Keep your spirit high

Elizabeth

PEN USA

March 25, 2009

Mohammad Rezaei
 UVA 6462
 Kabul City
 Badkhan region
 Afghanistan

Dear Mohammad Rezaei,

Congratulations on getting you from PEN USA in hope that you are safe and doing well. PEN continues to work for your freedom, and an amnesty to help you return.

The men and women here at PEN remain concerned for your well-being. Please continue to let us know how you are. You have brought health care needs on with you as you endure this difficult situation.

I hope you remain true to your convictions and the comfort of your beliefs and the people through you process. You have brought light for an ordinary and righteous cause, and the world of your belief is incredible.

Freedom is possible and I hope you will continue to fight for yours and the freedom of those around you.

Yours truly,
 Myrahn Kelly
 Marissa V. Goldberg
 PEN Membership Coordinator

sarah.pak@penusa.org

Be not to happy that you are
 in the jail. Be hope you
 can tolerate your reality
 and to wish you healthy
 and all your best.
 Our prayers have been with
 you.

Be in the Country
 Afghanistan
 Badkhan Province
 Abdullah Mawlawi
 Amjadi Camp 33, Baygon
 Sweden
 2009-03-20

With all best wishes from
 Qari Ismail
 2009

Seema's Group
 Oakland House
 Offices Classes
 @ Georgetown
 @ Ohio College
 @ Cleveland

My friend and best
 wishes from
 slay your victory

My friend and best
 wishes from
 slay your victory

My friend and best
 wishes from
 slay your victory

My friend and best
 wishes from
 slay your victory

Be not to happy that you are
 in the jail. Be hope you
 can tolerate your reality
 and to wish you healthy
 and all your best.
 Our prayers have been with
 you.

Be in the Country
 Afghanistan
 Badkhan Province
 Abdullah Mawlawi
 Amjadi Camp 33, Baygon
 Sweden
 2009-03-20

Freedom is possible and I hope you will continue to fight for yours and the freedom of those around you.

Yours truly,
 Myrahn Kelly
 Marissa V. Goldberg
 PEN Membership Coordinator

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

1st of July in 2010

Dear Mr. Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

I am looking for names of
 all the PEN members in
 English Pen.

My best thinking of you
 I hope you can very
 soon contact me with
 contact to someone for
 your release.

We have to continue
 to raise the case of to
 find out what you
 can do for you.

3/18/09

Тасовуи Бекжонга
 маърузаи ғаламатона ва ғайра
 иштироки баъзи аъзои ҷумҳури
 оиди дастгирӣ ба ҳаққи аъзои
 ҶББ Афғанистон

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Yours are not freedom
 Lucy Preciso
 & friends

English Pen
 (The International
 Association of Writers)

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

February 17, 2009

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

February 17, 2009

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

February 17, 2009

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

February 17, 2009

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Dear Mohammad Rezaei,

You are the first person I have heard of in English, though I originally came from Pakistan.

I am a member of a number of forums, including English PEN, and I am always interested in people who are writing in their own languages. I would be glad to hear from you about your writing and to see some of your work.

Yours truly,
 Sarah Pak

Муҳаммад Бекжонга йўлланган мактублар

МУНДАРИЖА

МУҲАММАД БЕКЖОН ХОТИРАЛАРИ ҲОШИЯСИГА БИТИК 4

1-ҚИСМ

БИЛГИСОЙОРДА ТЕРИЛГАН ИЛК ГАЗЕТА	9
ГКЧП	11
ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ	14
МУҲОЖИРЛИК	18
АЁЛИМ У КУНЛАРНИ ШУНДАЙ ЭСЛАЙДИ	21
МАҚСУДНИНГ ДЕГАНЛАРИ	27
«ЭРК» ТАҲРИРИЯТИ КИЕВДА	30
МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ ДАФЪАТАН УКРАИНАГА КЕЛИШИ ...	32
ҲИБС	37
ЎЗБЕКЧАСИГА «ТЕРГОВ»	48
ҚЎРҚУВНИНГ НАРИГА ТАРАФИ	51
ПОЛДА ЎТИРГАН ОДАМ	52
ТОШТУРМА	53
ЯНА ИИВ ЕРТЎЛАСИДА	59
ТУРМА ҲАЁТИ	62
ДАНИСНИНГ ҲИКОЯСИ	63
ДАНИС ҲИКОЯСИ ДАВОМИ	65
«ДЕҲҚОН» БОҚИЖОН	67
МАҲКАМА. «УЮШГАН ЖИНОИЙ ГУРУҲ»	74
48-ЧИ ЗОНА. ҚИЗИЛТЕПА	82
«ЖАСЛИҚ» «КОНЦЕНТРАЦИОН» ЛАГЕРИ	85
«ОХИРГИ МАНЗИЛ»	89
УЧ КУНЛИК «ЎҚИТУВЧИ»	92
ЖАСЛИҚ ЗОНАСИДАГИ «ҲОЛАТЛАР»	95
«ОҒИР ҲАЁТ». БИРИНЧИ КУН	96
ИККИНЧИ КУН	103
ШАНБА – ЖАСЛИҚДА «ҲАММОМ» КУНИ	107
ЖАСЛИҚДА СОЧ-СОҚОЛ «АМАЛИЁТИ»	108
ЖАСЛИҚДА «САЙР»	110
ЖАСЛИҚДА «ШМОН» (ТИНТУВ)	111
«СТАРОСТА»	112

«СЎНГГИ МАНЗИЛ»ДАГИ КУЛГИЛИ ҲОДИСАЛАР	114
«СТАРОСТА»МИЗ ФАРҲОД	116
КЎЗ «УЧИШИ» ТАЪБИРИ	119
АЛВИДО «ЖАСЛИҚ!»	121

2-ҚИСМ

65-ЧИ ЗОНА. ЗАНГИОТА	128
«ОДИНОЧКА»да 150 кун	130
КГБ-чи «ЖУРНАЛИСТ»	139
«ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ БУЮРТМАЛАРИНИ БАЖАРАЁТГАН ЖИНОЙ ГУРУҲЛАР ҲАҚИДА»	145
«ГУВОҲ»	152
«ДАҲШАТ» ЗОНА	160
ҲУСАН БОБО	170
КУТИЛМАГАН ЭТАП	172
УЯ 64/48. ЗАРАФШОН КОЛОНИЯСИ	178
САНГОРОД	194
ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИХОНАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ	198
МЕТАМАРФОЗА	200
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ	201
«БОШ ОПЕР»	204
БУХОРОГА ЭТАП	211
«БОШҚАЧА» БОШЛИҚ	212
«ТЕРРОРЧИ» МХХ ХОДИМИ	213
ТУРКИЯДАН МАКТУБ	216
МЕНГА БИРИКТИРИЛГАН ОПЕР	219
АЁЛИМ БИЛАН БИРИНЧИ УЧРАШУВ	223
2005 ЙИЛ, 13 МАЙ	226
ГУМОН	228
«ҲАРБИЙ УЧЕНИЯ»	232
«ҚОРА ПЛАШ»	234
КОСОНГА ЭТАП	237
«КОСОН! КОСОН! КОСОНДА ЎЛИШИНГ ОСОН!»	238
КОСОНДА «КАРАНТИН»	242
БОШ ОПЕР «ШОМА»	245
ЯНА МАДҲИЯБОЗЛИК	248
МАХСУС ОПЕР	250

МАХСУС ОПЕР БИЛАН ИККИНЧИ СУҲБАТ	253
1999 йил ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ хотираларда	
Акам КОМИЛ БЕКЖОННИНГ ХОТИРАЛАРИ	259
Укам РАШИД БЕКЖОННИНГ ХОТИРАЛАРИ	267
1999 йил 16 ФЕВРАЛ ВОҚЕАЛАРИ МАТБУОТДА	273
БИРИНЧИ КИТОБГА СЎНГСЎЗ	281
СУРАТЛАР	284

